

12

ОРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН ДАВХАЛАР



Саидкулов



أورتا اسیا خەلقلاری تاریخى نىپەك
تاریخ شناسلیگىدن اودالار

Т. С. САИДЖУЛОВ

**ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ
ТАРИХИНИНГ
ТАРИХШУНОСЛИГИДАН
ЛАВҲАЛАР**

(I қисм)

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус ҳамда халқ таълими вазириликлари олий ўқув юр்தларининг тарих куллийётлари талабалари учун ўқув қўлланма тарзида тавсия этган



«Урта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослиги» қўлланмаси тарих фанлари доктори, профессор Т. С. Сандқуловнинг кўп йиллик иш тажрибасининг якуни бўлиб, Урта Осиё халқлари тарихига оид масалаларни қадимги даврдан то XX асрнинг 20-йилларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Унда Урта Осиёнинг тарихшунослиги масаласи, Урта Осиёда юзага келган қадимий давлатлар, феодал муносабатлар, араблар, мўғуллар истилоси ва халқларнинг унга қарши кураши шу даврдаги маданий тараққиёт, мусулмон уйғониши, сўнгра Темур ва темурийлар ҳамда Урта Осиёнинг XVI—XIX асрлар давридаги тарихий адабиётларини, айниқса араб, форс, турк тилларида ёзилган манбаларни таҳлил этиш асосида баён этилган.

Масъул муҳаррирлар: Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, **Б. Аҳмедов**, филология фанлари номзоди **М. Маҳмудов**

ТАҚРИЗЧИЛАР: тарих фанлари доктори, профессор **Ф. Қ. Қосимов**
тарих фанлари доктори, профессор **Г. И. Желтова**

Историография тушунчаси икки маънода қўлланилади:

1. Тарихий билимлар тараққиёти ва тарихий тадқиқот усулларига доир фан маъносида.

2. Муайян тарихий даврга ёки муаммога бағишланган тарихий тадқиқотлар мажмуаси маъносида (масалан, ҳозирги давр историографияси).

Ўрта Осиё халқлари тарихининг историографияси деганимизда, Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги замонлардан ҳозиргача бўлган тарихига манба бўлиб хизмат қилувчи тарихий тадқиқот, яъни тарихшунослик асарларини тушунамиз.

Тарих фан сифатида қачон ва қандай пайдо бўлган? Бу саволга жавоб олиш учун антик, яъни қадимият историографиясига (манбаларига) мурожаат қиламиз.

Езувлар вужудга келгунига қадар эпик асарлар (эпос — грекча сўз бўлиб, дoston, ривоят, афсона асарларини англатади) тарихни ўрганиш учун ягона манба эди. (Масалан, юнон шоири Ҳомернинг «Илиада», «Одиссея» дostonлари, Ўрта Осиё халқларининг «Алпомиш», «Манас», «Гўрўғли» дostonлари, Владимир, Муромли Илья, Добриня Никитич, Алёша Попович каби рус баҳодирлари ҳақидаги дostonлар ёки «Игорь жангномаси» қўшиғи...)

Езувлар ихтиро қилинганидан сўнг эса тошлар ёки бинолардаги битиклар ва йилномалар — энг қадимий ёзма тарих манбалари ҳисобланади. Уша даврлардаги воқеаларнинг гувоҳлари ёки замондошлари ёзиб қолдирган манбалар кейинчалик хаттотлар, шоирлар (бизда оқин, бахшилар) томонидан қайта-қайта кўчирилган ёки оғиздан-оғизга кўчиб, бизгача ўтиб келган манбалар қадимий манбалар ҳисобланади. Чамаси, ёзуви бўлган барча халқларда битиклар ва йилномалар учрайди. Юнон олими Геродотнинг машҳур «Тарих» китоби бизгача етиб келган энг қадимий тарихий манбадир. Геродот Кичик Осиё (ҳозир Туркия ҳудудида) соҳилидаги Галикарнас шаҳрида туғилгани учун, унга Шарқ таъсири ўтганлиги табиийдир. Цицерон замондошлариёқ (милоднинг I асри) Геродотни «Тарих отаси» деб аташган, Аслида Геродотнинг бу асари охирига етказилмаган (милоддан аввалги 470 йилгача бўлган воқеалар билан тугалланади) ва уни ҳозирги маънода илмий-тадқиқот деб бўлмайди. Шунга қарамай, унинг китоби воқеалар ва далиллар кўлами жиҳатидан ва бадий қиммати жиҳатидан ўзидан аввалги салафдошларидан анчагина баланд

туради. Масалан, Геродот ўз китобида Каспий денгизига чегарадош ерларда бўлган жангларни тасвирлайди. Шундан сўнг Каспий ортида ясталган воҳалар, уларда яшаган масоҳатлар (массагетлар) ҳақида ёзади. Геродот биринчи бўлиб Каспий денгизи Каспий халқлари номидан олинганлигини айтади.

Муаррихнинг буюк шахс эканлигини унинг қўйидаги холис сўзларидан ҳам билиш мумкин: «Мен ўзим эшитган нарсаларни ҳикоя қилапман, аммо уларнинг ҳаммасига ишонишим шарт эмас. Майли бу хулоса менинг янги асаримга ҳам тааллуқли бўлсин»¹.

Милоддан аввалги V—IV асрларда яшаган Фукидиднинг Пелопоннес урушлари ҳақидаги асарини дунёда биринчи илмий тарих деб эътироф этишади². Бу асар ўша давр тарихий воқеаларининг ишончли ва ҳаққоний тасвирлангани билан ажралиб туради. Геродот асарига нисбатан Фукидид асари олға ташланган қадам эди. Фукидид китобида ҳаёт воқеаларига Олимп «худо»ларининг аралашувини кўрмаймиз. Фукидид асарида тарихий таҳлилнинг асосий талаблари — воқеалар гувоҳларининг айтганларини таққослаш ва бевосита ўша воқеалар қатнашчиларининг ҳикояларидан фойдаланиш каби фазилатларни кўрамиз. Тўғри, Фукидид ҳам асотирлар, мифлардан фойдаланади ва бунда асосий эътиборни тарихий тараққиётга, иқтисодий омилларнинг таъсирига қаратади. Тарихий далилларни аниқ баён қилиш ва ҳақиқатни аниқлашга интилиш Фукидид асарининг асосий фазилатидир. (Русчага Ф. Г. Мишенин таржимаси, 16-саҳифа.)

Тарихий воқеаларни ҳақиқатга яқин қилиб илмий баён этган муаррихлардан яна бири, милоддан аввалги II асрда яшаган Полибийдир. У ўзининг «Умумжаҳон тарихи» асарида милоддан аввалги 220—146-йиллардаги воқеаларни эллинлар (элладаликлар) нуқтаи назаридан тасвирлайди: бу Урта ер денгизи атрофидаги барча энг муҳим давлатларнинг тарихини ўзаро боғлиқликда тасвирлаган биринчи асардир. Муаррих хулосасига кўра ҳар бир давлат тирик вужуд каби табиат қонуниятига асосан ўсади, ривожланади ва инқирозга учрайди. Полибийда биринчи марта «прагматик (амалий) тарих» деган ибора учрайди. Ўз асарининг 2-қисмини муаррих прагматик усулда қуради: у воқеалар нима сабабдан, қандай мақсадда юз берганлигини аниқлайди, яъни муайян воқеаларнинг келиб чиқиш сабабларини бирин-кетинлигини, ва оқибатларини баён қилади.

Фукидид ва Полибий асарлари — антик, яъни қадимги давр тарихшунослигининг чўққисини ташкил этади. Кейинги юнон (грек) муаррихларининг деярли барчаси улар изидан бордилар.

¹ Геродот. (древнегреческий текст и русский перевод) Истории в девяти книгах. Русский перевод Ф. Т. Мишенина. М. 1888. Яна: История. Изд. «Наука» М., 1971. (серия «Памятники исторической мысли»).

² Жебелов С. А. Древняя Греция. Ч. I. Эллада (Петербург, 1920) китобида бундай деган: «Фукидид бизнинг онгимизда Юнонистоннинг биринчи таърихчи бўлибгина қолмай, барча замонлар ва барча халқларнинг энг буюк муаррихларидан биридир». 46-саҳифа.

Римликлар тарихшуносликда ва бошқа фанлар соҳасида, шунингдек санъатда юнонларнинг шоғирдларидирлар.

Мусулмон тарихшунослиги бевосита шарият ва ислом ақидалари билан боғлиқдир. Мусулмон олимлари тарихий воқеаларни ислом ақидалари, Аллоҳнинг қудрати ва қазои тақдир билан боғлайдилар. Қуръони Каримда айтилишича, инсон тирик экан, у Аллоҳнинг иродаси билан иш кўради. Тарихчи эса жамиятда юз берадиган воқеаларнинг сабабларини шарият қоидалари билан уйғунлаштириши зарур эди. Чунки ҳар қандай мантиқий фикрлаш воқеаларнинг сабабини аниқлашни тақозо этади. Мусулмон тарихчилари бу мураккаб вазиятда ўзига хос йўл топдилар. Улар воқеаларнинг келиб чиқиш сабабларини баён этиб, бу сабаблар ҳам Аллоҳнинг иродаси эканлигини эътироф этдилар. Аллоҳ-таъоло лозим топса, шу воқеаларни бошқа изга буриб юбориши ҳам мумкин. Мусулмон тарихчилари кўп ўринларда «Қуръон» суралари ва оятларга асосланадилар. Бундай қараш табиётчиларга ҳам кенг йўл очиб берди. Аммо ислом таълимоти Арабистондан ташқари мамлакатларга ёйилган пайтдан бошлаб тарих фани сезиларли даражада ривожланади. Ана шу даврда (VII асрдан бошлаб) араблар, форслар, туркигўй мутафаккирлар (Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Беруний, Табарий, Мақдисий, ибн Халдун ва бошқалар) мусулмон Шарқи тарихчилиги фанига асос солдилар.

Ислом мамлакатларидаги халқларнинг турли-туманлиги ғояларнинг ҳам ғаройиб тарзда аралашиб бирикиб кетишига олиб келди. Исломиятдан илгари туркий халқларнинг мажусий шомонизми амалда эди ва ҳатто Бақтрия маркази Балх шаҳрида буддавийларнинг йирик диний қасри — эҳроми бор эди. Халифаликнинг машҳур вазирлари Бармакийларнинг исми — Будда монастири ноziри Барма (Парма) сўзидан олинган эди. Навбаҳор шаҳрининг номи эса Будда монастири ноziри Нав Бихардан олинган, Бухоронинг номи ҳам шундан келиб чиққан, дейишади. Урта Осиёда яна зардуштийлар ва манихейлар — монийлар ёнма-ён яшар эдилар. Назаримизда булар орасида жиддий низолар йўқ эди. Сўғд халқларининг фаровонлиги асосан ҳосилдор водийлар билан боғлиқ эди. Бу водийлар илгари ҳозиргига нисбатан гавжумроқ ва ободроқ эди. Улар асосан транзит (йўлдан йўлга ўтувчи) савдо сафарлари билан тирикчилик қилишарди. Туронликлар ва эронликлар ўртасидаги, кўчманчилар ва ўтроқ халқлар ўртасидаги доимий тўқнашувлар халқаро савдо-сотиққа унчалик зиён етказмас эди. Қутайба ибн Муслим ҳарбий юришларига (705—707) қадар Сўғд аҳолиси ҳеч кимдан енгилмаган ва маданий марказлари ҳали ислом дини таъсирига ўтмаган эди. Қутайба истило-сидан кейин Марв, Нишопур ва Ҳиротдаги каби Хоразм, Бухоро ва Самарқандда ҳам араб қўшинлари жойлашди. Кўп жойларда маҳаллий ҳокимлар арабларнинг иттифоқчилари ёки ноиблари сифатида қолдирилган эди.

Худди шу даврда (711—712) Синд диёри (Ҳиндистоннинг шимоли — ҳозирги Покистон) да ҳам ислом ҳокимияти ўрнатилди. Дайбул (ҳозирги Карачи) порти ва Нирун (ҳозирги Ҳайдаробод)

шаҳри (у ерда баландлиги қирқ газ келадиган Будда ҳайкали ҳам) ислом лашкарбошлиғи Муҳаммад ибн Қосим қўлига ўтди¹. У ҳам машҳур лашкарбоши Қутайба сингари, Ироқ ҳокими томонидан юборилган эди. Хоразм ва Мовароуннаҳрдаги кўпчилик олим ва шоирлар VIII асрда ислом динини қабул қилган бўлсалар-да, аммо улар (нима учундир) шу вилоятларнинг маданий, маънавий ҳаётига унчалик таъсир кўрсатмадилар. Уларнинг баъзилари халифаликнинг марказий шаҳарлари маданий ҳаётида фаол қатнашдилар. Сўғд ва Хоразм аслзодаларининг кўпчилиги ислом динини қабул қилмагани учун қириб ташланди, сўнг ислом дойлари — миссонерлари фаолияти жонланиб, кўпчилик ислом динини қабул қилгач, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида мусулмон маънавий маданияти равнақ топди.

Араблар Урта Осиёга янги диний таълимот — ислом таълимоти билан бирга янги ёзувни ҳам олиб келдилар. Араб ёзуви аста-секин бутун Эрон ва Туронга ёйилиб, Аббосийлар ҳукмронлигининг иккинчи асрига (яъни X асрга) келиб, мураккаб ўрта форсий — пахлавий ёзувини сиқиб чиқарди. Бунинг оқибати шу бўлдики, Шарқ халқларининг бой ёзма обидалари бизнинг кунларгача жуда кам сақланиб қолди. Мусулмонларнинг муқаддас китоби «Қуръони Қарим» араб ёзувида битилгани, шунингдек араб алифбоси нисбатан илғорлиги, товушларга асослангани, яъни ҳар бир фонема — товушга алоҳида белги-ҳарф борлиги ҳам катта таъсир кўрсатди. Урта Осиё халқлари орасида кимлар ва қачон биринчи бўлиб, араб ёзувини қўллай бошлаганлиги биз учун қоронғу. Бизнингча, араблар қўл остидаги ўлкаларда аста-секин табиий равишда шу ёзув қўллана бошлаган бўлса керак. Самарқанд яқинидаги Муғ ғоридан топилган Диваштич (Дев-очти — М. М.) тилхати шу ёзувда битилган (И. Ю. Крачковский. Асарлар, 1-том). Ишонч билан шунини тахмин қилиш мумкинки, араб ёзуви дастлаб, маъмурий-хўжалик эҳтиёжлари учун ишлатилган бўлса керак. Чунки араб ёзуви содда, қулай ва тез ёзишли эди. Эҳтимол, кейинроқ йирик ҳажмдаги форсий ва туркий матнларни, панднома дostonларни ва адабий-тарихий рисоаларни ҳам шу ёзувда битиш қулай кўрингандир? Ҳар ҳолда дастлабки вақтларда қўлёзмаларнинг қайси тилда битилиши муҳим бўлгандир².

Шундай қилиб, VIII асрдан XX асрнинг бошларига қадар бўлган Урта Осиё тарихи тарихшунослигига доир нодир қўлёзма асарларга эгамиз. Булардан бир қисми турли қабилаларда ва мамлакатларда босмахона усулда нашр этилган. Афсуски, биз ҳозирги мусулмон Шарқ мамлакатларида араб ёзувида битилган Урта Осиёга оид ёзма манбаларнинг ҳаммаси ҳақида равшан маълумотга эга эмасмиз, чунки уларнинг кўпчилиги биз учун қоронғу. Аммо Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик олийгоҳи ва Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлёзмалар олийгоҳи олимлари меҳнати билан Урта Осиё тарихига доир муҳим манбаларни топиш

¹ Грюнебаум фон Г. Э. Классический ислам (600—1258). М. 1988, С. 64—65.

² Рукописная книга в культуре народов Востока» Кн. I. М., 1987. с. 332—333.

мумкин бўлди¹. Ч. А. Стори маълумотномасининг тарихий қисми (русча таржимасига ёзилган сўзбоши муаллифлари айтишича) фақат форс тилида битилган бир неча юз минг (ҳар ҳолда 200 мингдан кўп) қўлёзмалар мавжудлигидан далолат беради².

Хуллас, ҳозирги вақтда тарихшунослик фани илмий ва амалий муаммо бўлиб қолмоқда. Ҳозирги давр шарқшунослари, тарихчилари ва туркологлари анча-мунча ишларни амалга оширдилар. Аммо «Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослиги» ўқув дарслигини яратиш шу вақтгача олимлар назаридан четда қолиб келди. Кейинги вақтлардагина тарихшунослик фанига яна эътибор берила бошланди.

Мазкур асар ҳозирги давр тарихий адабиётида Ўрта Осиё халқлари тарихи тарихшунослигига оид биринчи уринишлардан биридир.

Мазкур тадқиқот муаллифлари ҳозирги давр тарихшунослиги фанининг кенг ва мураккаб муаммоларини ҳар томонлама ёритишга даъво қилмаганлари ҳолда ўз олдиларига камтарроқ мақсадларни қўйишган, яъни улар Ўрта Осиё халқлари тарихига доир ҳозирги давр тарихшунослиги ютуқларини мунтазамлаштириб, унинг вужудга келиши ва ривожланишининг асосий босқичларини аниқлашга, бу фан тараққиётининг келажаги ҳақида фикр юритишга уриниб кўрадилар.

Шу мақсадлардан келиб чиқиб, биз мазкур ишимизда қуйидаги масалаларни кўриб чиқамиз:

— Зардуштийлик тарихи тарихшунослиги. Унинг тарихи ва ҳозирги аҳволи: Македониялик Искандар истилосига қарши Сўғдиёна халқларининг озодлик учун кураши тарихшунослигининг баъзи муаммолари (мил. авв. 329—327).

— Мусулмон Ренессанси (Ўйғониш даври). Ўрта Осиё тарихи тарихшунослиги (Наршахий, Табарий, Беруний, Мақсидий ва бошқаларнинг асарлари).

— Мўғуллар истилоси ва уларнинг ҳукмронлиги даврида (XIII—XIV асрлар) Мовароуннаҳрга доир тарихий асарлар.

— Темур ва темурийлар даври (XIV—XV асрлар) га доир Ўрта Осиё тарихшунослиги.

— Ўрта Осиёнинг XVI аср — XIX асрнинг биринчи ярмидаги тарихига доир асарлар.

— Россия шарқшунослигида Ўрта Осиёга доир тарихшунослик тарихидан.

а) Рус шарқшунослиги тарихига муқаддима;

б) Россияда шарқшуносликнинг аҳволи;

¹ Бу соҳада жаҳон олимлари кейинги 30—40 йил давомида анча ютуқларни қўлга киритдилар. Ўрта Осиё жумҳуриятларида ҳам араб, форс ва туркий тилларда топилган кўплаб қўлёзмалар археографик, эпиграфик, тарихий-топонимик экспедициялар меҳнати билан аниқланмоқда.

² Стори Ч. А. Персидская литература. Био — библиографический обзор. В трех частях. М., 1972 г., Ч. I. с. 42.

в) Петербург, Москва, Қозон ва Харьковда XIX асрнинг биринчи ярмида шарқшуносликнинг равнақи.

— XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Россияда шарқшунослик ривожига ва Ўрта Осиё тарихининг ўрганилиши.

— Мустамлака даврида (XIX аср биринчи ярми ва XX аср бошларида) Ўрта Осиё тарихи тарихшунослигининг аҳволи.

— Ўрта Осиё тарихи тарихшунослигининг 1920 йиллардаги аҳволи.

Ўрта Осиё тарихига доир Ватанимиз тарихшунослиги тарихи бир неча ўн йилларни ўз ичига олади. Араб, форс-тожик, туркий, эски ўзбек тилларидаги қўлёзмалар, Россия ва Ўрта Осиё шарқшунослиги асарлари (китоб, рисола, мақола, тарихий қасида, хотира, тақризлари) минглаб номлардан иборат бўлиб, улардан баъзилари босилиб чиққан ва анчагинаси ҳалигача нашр этилмаган.

Ҳозирги вақтда араб, форс-тожик, эски ўзбек (туркий) тилларидаги қўлёзмалар Ашхобод, Москва, Ленинград, Тошкент, Самарқанд, Душанба, Боку, Қозон, Тифлис (Тбилиси), Уфа, Махачқалъа, Киев, Одесса, Львов ҳамда бошқа шаҳарларда сақланмоқда. Бундай қўлёзмалардан баъзилари Ўрта Осиё ва Қозоғистон диний назорати муассасаларида, шунингдек вилоят шаҳарлари ва қишлоқларида сақланмоқда. Илмий-тадқиқот олийгоҳларида, архивларида, кутубхоналарда, музейларда, олий ўқув юрларида, масжид, мадрасаларда, шахсий хонадонларда ҳам тарихга оид қўлёзмалар бор. Ана шундай турли ҳудудларда сочилган қўлёзмаларнинг ҳозирча аниқланган миқдори 44 минг жилддан зиёдроқдир¹. Аммо шуни таъкидлаш керакки, XIX—XX асрларга оид қўлёзмалар ҳақида жуда кўп ёзилгани ҳолда XIII—XVIII асрларга оид қўлёзмалар жуда кам ўрганилгандир.

Тадқиқотчилар, айниқса ёшлар зарур адабиётлар ва манбаларни топишга, уларни ўрганишга ва илмий тадқиқ этишга жуда қийналадилар. Чунки ҳозиргача ватанимиздаги қўлёзмалар фондларида шарқшуносликка доир адабиётларнинг энг янги, умумлашган, йирик кўрсаткичлари тузилмаган. Уларни тартибга солиш, тегишли каталоглар ва кўрсаткичлар тузиш, тарихий ёдгорликларнинг, давлат архивларида ва шарқшунослик илмий муассасаларида сақланаётган тарихий асарларнинг мажмуасини (тўпламини) вужудга келтириш зарур.

Ана шундай янги мажмуаларни, тарихшуносликка оид йирик асарлар ва адабиётлар кўрсаткичларини талабалар ҳам, илмий ходимлар ҳам, муаллимлар, маданият ходимлари ҳам орзиқиб кутмоқдалар.

Мазкур ишимизда шу ва шунга ўхшаш кўплаб муаммолар ҳали ифодасини топмаган. Аммо, бунга қарамай, китоб Ўрта Осиё халқлари тарихшунослиги билан қизиқувчиларга ёрдам беради, деган умиддамиз.

¹ Ҳалидов А. Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. М., 1985, с. 248.

Ўрта Осиё халқлари тарихи тарихшунослигини ўрганиш жараёнида уни даврларга бўлиш, мавзулар ва муаммолар бўйича баҳсли масалалар туғилиши мумкин. Шунингдек, ҳар бир бобнинг муайян бир хил ҳажмини талаб қилиш, ҳамма ҳам топиши қийин бўлган кўплаб адабиётларни келтириш ўринсиз бўлув эди. Биз ҳар бир бобда тарихшуносликда қабул қилинган асосий даврни ёритишда ўқувчиларнинг зеҳни, қобилиятига, улар қўлёзма ва тошбосма асарларни, тарихий манбалар ва хотира, эсдаликларни бир-биридан фарқлай олишига ишондик.

Муаллиф мазкур китобнинг ёзилишида яқиндан ёрдам кўрсатган устоз ва ҳамкасблар, САМДД профессори И. И. Умняковга, доцент С. А. Акрамовга, СамДДнинг Ўзбекистон халқлари тарихи кафедраси мудирини, тарих фанлари докторини М. М. Абрамовга, ТошДДнинг Ўзбекистон халқлари тарихи кафедраси мудирини, тарих фанлари номзодини, доцент Х. Ғ. Ғуломовга, шунингдек тақризчилар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари докторини, ЎзФА Тарих институти бўлим мудирини К. О. Оқиловга, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари докторларини, профессорлар Ф. Х. Қосимов ва Г. И. Желтовага самимий миннатдорчилик билдиради.

Бу турдаги иш жумҳуриятимизда биринчи марта нашр этилаётгани сабабли унда камчиликлар бўлиши табиийдир. Муаллиф мутахассис олимлардан ва китобхонлардан танқидий фикрларини кутади. Билдириладиган қимматли фикрлар Ўрта Осиё халқлари тарихи тарихшунослигидан келгусида дарслик тайёрлашда бизга қўл келади, деган умиддамиз.

I БОБ. ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАДИМГИ ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

1. ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИ ТАРИХИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИ; ТАРИХ ВА ЗАМОН

Зардуштийлик — дунёдаги энг қадимги динлардан биридир ва инсоният маданиятига кўп таъсир кўрсатгандир. Айни вақтда, зардуштийлик дини энг мураккаб, тушуниш қийин бўлган динлардан. Бундан 3500 йил муқаддам Осиё даштларида вужудга келган бу дин Эрондаги уч қудратли давлатда (Каёнийлар, Аҳмонийлар, Сосонийлар) узоқ асрлар ҳукм сурган дин бўлиши билан бирга, у жуда кўп Шарқ мамлакатларида, хусусан Ўрта Осиёда ҳам тарқалган эди.

Тарихий манбаларда илк марта тилга олина бошлаган вақтларда зардуштийлик анча эскириб қолган эди.

Оврупада зардуштийлик таълимоти антик давр — қадимги замонлардаёқ катта қизиқиш уйғотган, Зороастр (Озар, Зардушт) ва унинг таълимоти ҳақида кўпчилик юнон ва римлик ёзувчилар, файласуфлар ва тарихчилар илмий асарлар ёзган. Сосонийлар сулоласи даврида III—VII асрларда зардуштийликнинг муқаддас

китоби — «Овисто» матнлари ўрта форсий тилда кўчирила бошлаган вақтлардаёқ мазкур дин тарихшунослиги туғила бошлаган эди.

Абу Райҳон Берунийнинг «*Осору-л-боқия*» — «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида (X аср) зардуштийлик дини ҳақида анча муфассал фикр юритилади.

Юқорида айтганимиздек, энг қадимги замонлардаёқ зардуштийлик дини жуда кенг ҳудудларга тарқалган бўлиб, илк ўрта асрларда мазкур дин ўрнини асосан ислом дини эгаллаган. Натижада бундан аввалги даврларда мавжуд бўлган зардуштийлик динига оид адабиётларнинг жуда кўп қисми, Сосонийлар даврида амалда бўлган «Овисто» тўпламининг тахминан тўртдан уч қисми йўқолиб кетган. Мана шу ҳол зардуштийлик таълимоти тарихини ва унинг тарихшунослигини ўрганиш учун катта қийинчилик туғдиради. Шу маънода зардуштийлик мавзунинг ўзи қатор тарихий-маданий муаммоларни ўрганиш учун катта аҳамият касб этади. Йирик эроншунос олим, Лондон дорилфунуни профессори Мэри Бойс¹ шу мавзуга доир қуйидаги муаммоларни санаб ўтади:

— Қадимги диний таълимотларни текширув жараёни Қадимий Шарқ ва антик дунё мамлакатлари — кичикроқ қабилалар ва шаҳар-давлатлардан йирик марказлашган подшоҳликлар, сўнг империяларга қадар кечган сиёсий тараққиётнинг умумий йўналишлари ўзаро боғлиқдир. Илк улуғ давлат «йирик давлат тузилмаси»дан бири Аҳмонийлар давлати (милоддан аввалги VI—IV асрлар) эди. Бу давлат Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини, бутун Ўрта Осиёни ва баъзи юнон шаҳар-давлатларини ўз ҳокимияти остида бирлаштирган эди.

Кейинроқ маркази Эронда бўлган йирик Шарқ давлатлари, унга қўшни Ўрта Осиёдаги Парфия (милоддан аввалги III аср — милоднинг III асригача), сўнг унинг ўрнига келган Сосонийлар давлати (III—VIII асрлар) ва Қадимги Хоразм давлати (III—VII асрлар), эллинлар (элладаликлар), сўнг римликлар «ғарби»га қарши ва шарқдан Хитой таъсирига қарши турувчи асосий сиёсий кучлар эдилар.

Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиё халқлари тарихининг турли жиҳатларини диний мазмундаги матнларсиз ўрганиш мумкин эмас. Бу фикр «Овисто»га ҳам тегишлидир. «Овисто» зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлибгина қолмай, у Ўрта Осиё ва Эрон тарихи, маданиятини, ўзига хос сиёсий тузумини ўрганиш учун катта аҳамиятга эгадир. «Овисто» шунингдек, Ўрта Осиёдаги энг қадимий қабилалар ва элатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўрганишда қўл келади. Гарчи, Шимолий Қора денгиз бўйидаги скифларнинг қабилалари зардуштийлик динида бўлмаса-да, қадимият-антик давр адиларининг скифлар тили, маданияти, ижтимоий ҳаёт тарзи ҳақидаги фикрларини Шарқшунослик дилиллари, хусусан, «Овисто»га оид манбалар орқали яхшироқ тушуниш мумкин.

¹ Бойс Мэри — Зороастрийцы. Веравания и обычай. 2-е изд. исправленное. 1988. с. 280—281.

«Ер юзидаги энг қадимги динлар, жумладан, зардуштийлик ҳақида илмий-тадқиқотлар вужудга келган. Хорижий олимлардан амриқолик Р. Фрай («Наследие Ирана»), фаранг шарқшуноси Э. Бенвенист, бельгиялик профессор Ж. Дюшен — Гюймен, швед эроншунослари Х. Ю. Нюберг ва Г. Виденгран, даниялик К. Барр, немис олими В. Хинц асарларини, олимлардан И. А. Алиев., В. И. Абаева, М. А. Дандамаев, И. М. Дьяконов, В. А. Лившиц, Б. Г. Гафуров ва бошқаларнинг асарларини кўрсатиш мумкин¹.

Зардуштийлик дини тарихига оид кўплаб мақолалар ва асарлар яратилган бўлса-да, аммо мамлакатимиз халқлари тарихида зардуштийликнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида жиддий, умумлашма асарлар ҳануз юзага келмаган.

Лондон дорилфунуни профессори М. Бойс Эрон тарихи ва маданиятига оид асарлари билан зардуштийликнинг ўрта асрлардаги ва янги замондаги тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшди. М. Бойс 1963—64 йилларда Язд водийси шимолидаги олиб борган дала-қазилма ишлари вақтида ҳозирги зардуштийларнинг эътиқодлари ва расм-русмларини ўрганди.

Юқоридаги ишлари натижасида Мэри Бойс 4 жилддан иборат «Зардуштийлик тарихи» номли йирик илмий асарини тайёрлади ва қисман нашр этди. Бу асарнинг қимматли аҳамиятини эътироф этган ҳолда унда зардуштийликнинг кейинги даврига оид маълумотлар аввалги даврларга кўчирилганлиги муайян эътироз уйғотишини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Шунингдек, М. Бойснинг зардуштийликнинг қачон вужудга келганлиги ҳақидаги фикрлари мунозаралидир. Милоддан аввалги (V аср охири) тарихшунослар ёзишича, Геродотнинг замондоши лидиялик Ксанор Зардушт номини тилга олган.

Кейинги тарихшуносларнинг ёзишича, Ктесий ўз асарида Зардуштни асурияликлардан енгилган Бақтрия подшоси сифатида тилга олади. Шунини таъкидлаш лозимки, Ктесий асари анча илгари қайта ишланган бўлиб, кейинроқ ўтган қадимият олимлари ана шу қайта ишланган нусхадан фойдаланганлар. Аммо Ксенофонтнинг «Киропедия» ва «Анабасис» асарларида Зардушт ҳақида маълумот учрамайди. Ҳолбуки, Ксенофонт Аҳмонийлар давлатининг аҳволи, халқ урф-одатлари ва маросимлари билан яхши таниш эди. Геродот, Ктесий ва Ксенофонт асарларида келтирилган маълумотларни умумлаштириб, айтиш мумкинки, Аҳмонийлар даври (милоддан аввалги VI—V асрлар) да ҳали Зардуштни ҳукмрон дин асосчиси деб ҳисоблашмаган. Зардуштийлик дини тадқиқотчилари Э. Бенвенист, А. К. Кристенсен, Х. Нюберг, В. В. Струве ва бошқалар ҳам шу фикрдалар.

¹ Қаранг: Струве В. В.—«Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии» китобида. Л. 1968. Шунингдек, И. М. Дьяконовнинг «История Индии» китобида. М., 1956. Яна Алиев И. А. «История Ирана». Баку, 1960, Б. Г. Гафуров, Таджики. М. 1972. Душанбе 1989, 1990., М. А. Дандамаев. Иран при первых Ахеменидах. М. 1963, Е. А. Дорошенко. Зороастрийцы в Иране. М. 1982. М. А. Дандамаев, В. Г. Луконин. Культура и экономика древнего Ирана. М. 1980. Э. А. Грантовский. Ранняя история иранских племен Передней Азии М. 1970. Сб. История Ирана. М. 1977 ва бошқалар.

Хуллас, Ўрта Осиёда зардуштийлик дини тарқалиши тарихининг очилмаган қирралари кўп. Бу кўплаб илмий изланишларни тақозо этади.

2. МАКЕДОНИЯЛИК ИСКАНДАР ИСТИЛОСИГА ҚАРШИ СЎҒД ХАЛҚЛАРИНИНГ ЎЗ МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН КУРАШИ ТАРИХШУНОСЛИГИ (МИЛОДДАН АВВАЛГИ 329—327- йиллар)

Милоддан аввалги 329 йилда македониялик Искандар қўшинлари оғир шароитларда Ҳиндиқуш тоғ тизмаларидан ўтиб, Ўрта Осиё ҳудудларига етиб келдилар. Искандарнинг бу ҳарбий юришлари унинг истагига мувофиқ шоҳни кузатиб келаётган баъзи адиб-ёзувчилар ва муаррихлар томонидан ёзиб борилиши кўзда тутилган эди. Македониялик лашкарбошилардан Аристобул, Птолемей Лаг ва денгизчи дарға Неарх ана шундай дастлабки тарих ёзувчилар эдилар. Бу адибларнинг хотиралари кейинроқ ўтган Арриан, Страбон ва бошқа муаррихларнинг асарларида келтирилган. Аммо ёзма хотираларининг кўпчилик қисми бизгача етиб келмаган.

Искандарнинг Шарққа ҳарбий юришлари вақтида қандай воқеалар юз берганлиги ундан 300—400 йил кейин яшаган 5 тарихчининг асарларида тасвирланган. Улар ўз асарларида Искандар замондошларининг асарлари ва эсдаликларидан фойдаланганлар.

Искандарнинг Ўрта Осиёга юришлари тасвири эса юнон тарихчиси Арриан (милоддан аввалги II аср) ва Рим тарихчиси Квинт Курций Руф (милоднинг I асри) асарларида сақланиб қолган. Искандарнинг Шарққа қилган юришларини муфассал ёритган Плутарх (I—II асрлар) билан Юстин (II аср) эса унинг Ўрта Осиёга қилган юришлари ҳақида деярли оғиз очмайдилар. Сицилиялик Диодорнинг «Тарихий кутубхона» асарида (милоддан аввалги I аср) кўп ўринлар йўқолган. Бу асар 17 китобдан иборат бўлиб, Искандарнинг Амударё ортига юриши тасвирланган бобларнинг фақат сарлавҳаларигина сақланиб қолган.

Тарихшунослик аъъаналарига кўра, Квинт Курций Руф асари ишончли эмас, муаллиф бадий сўз жимжимадорлигига эътибор берувчи, турли-туман латифаларни ва бадий тўқималар билан асарини безовчи файласуф-риторикдир, деган фикр ҳукм суради. Тарихчи асарини бундай юзаки баҳолаш ҳақиқатга тўғри келмайди, мамлакатимиз тарихшунослиги руҳига ҳам зиддир. Курций Руфнинг жуда кўп маълумотлари бошқа тарихий манбалар билан таққосланганида юқоридаги фикрларнинг тўғри эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Аммо Курций Руф асарларига нисбатан жангчи адиб Арриан рисоласида Ўрта Осиё воқеалари баёни анча ишончли ҳисобланади. Арриан ўзи Осиёдаги жангларда қатнашган. Унинг асари аслида ҳарбий санъатга бағишланса-да, у Искандар замондошлари Аристобул ва Птолемей Лаг эсдаликларидан фойдаланган. Баъзи ўринларда улардан кўчирмалар келтирилган. Аристобул

билан Птолемей Лаг асарларида фақат ўзлари қатнашган воқеаларни баён этганликлари учун Арриан уларда бўлмаган воқеаларнинг етишмаган ўринларини Курций Руф китобидаги ҳикоялар билан тўлдиради¹.

Македониялик Искандар ва унинг даврига бағишланган жуда кўп адабиётлар бўлишига қарамай, бу фотиҳнинг Ўрта Осиёга ҳарбий юришлари ҳақида жуда кам муаллифлар ёзганлар².

Шундай қилиб, милоддан аввалги 331 йилда Греция-Македония қўшинлари Сўғдиёна ҳудудларига бостириб кирдилар. Улар бу ерда маҳаллий аҳолининг жуда қаттиқ қаршилигига учрадилар. Миллий қаҳрамон Спитамен раҳбарлигидаги халқ қўзғолони тарихдан маълум. Искандарга қарши ўрта осиелик халқларнинг урушлари узоқ давом этди.

Тарихий манбаларга кўра, ўша даврда Ўрта Осиёда синфий жамиятлар ва шаҳар туридаги маданий марказлар таркиб топаётган эди. Бу вақтда Ўрта Осиё халқлари чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланар, ҳали бу ерларда, масалан, Бобилдаги каби меҳнат тақсмоти кучаймаган эди. Бу халқлар ёки қабилалар Эрон ва Ғарбий Осиё давлатлари билан сиёсий алоқалардан манфаатдор эмас эдилар. Гарчи Доро I, Қайхусрав, Доро II каби Аҳмоний подшоҳлар Ўрта Осиё маҳаллий зодагонларининг қўллаб-қувватлашига таянса-да, халқ оммаси оғир солиқлар ва хирожлардан тинкаси қирган эди. Ҳали Искандар истилоси бошланмасдан аввал бу ерларда неча бор эронийларга қарши халқ қўзғолонлари юз берган эди. Хоразм эса милоддан аввалги IV асрда эронийлардан ажралиб, сиёсий мустақилликка эришган эди. Искандар қўшинлари Бақтрия ва Сўғдиёна халқларига эронийларга нисбатан янада қаттиқроқ жабр-зулм олиб келдилар. Искандарнинг фармони билан баъзи қабилалар (масалан, Бранхийлар) бутунлай қириб тошланган эди. Бундай шафқатсизлик шароитида Сўғдиёна халқлари озодлик ва мустақиллик учун қаттиқ курашни давом эттиришлари табиий эди. Искандар ўзи босиб олган бошқа жойлардан фарқли ўлароқ, Сўғдиёна маҳаллий зодагонларини ўз тарафига оғдириб ололмади. Аксинча, бу ердаги маҳаллий аслзодалар эронийларнинг Искандардан мағлубиятга учраганидан фойдаланиб, мустақилликка чиқишни орзу қилар эдилар³.

Тарихий манбалардан Сўғдиёна пойтахти Мароканда (Самарқанд) қандай қилиб македонияликлар қўлига ўтиб қолганлигини унчалик равшан тасаввур этолмаймиз. Квинт Курций Руфнинг ёзишича, Искандар шаҳарда қўшин қолдириб, атрофдаги қишлоқларга ўт қўйган. Курций Руфнинг гувоҳлигига кўра Мароканда қалъаси деворини узунлиги 70 стадий бўлиб, шаҳар ичкарасида яна бир девор бўлган.

Бундай мустаҳкам шаҳар узоқ қамал қилинмай, қон тўкилмай олинганини тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун совет тарихчиси

¹ Шифман И. Ш. Александр Македонский. Л., 1988, С. 139.

² Шахермайр. Александр Македонский. «Наука». М., 1986.

³ Шахермайр. Александр Македонский. «Наука», М., 1986.

«Мароканда шаҳри жангсиз таслим бўлган» деган тахминни билдиради¹.

Бизнингча, бу фикр етарли тарихий асосланмаган. Искандар қўшинлари Марокандани эгаллагач, Яксарт (ҳозирги Сирдарё) томонга юради. Бу юриш вақтида Искандар қўшинларига қўзғолончи сўғдликлар хужум қиладилар. 30 минг қўзғолончи Муғ тоғидаги оёқ етмас истехкомларга ўрнашган эдилар. Македонияликлар жуда катта талафотлар эвазига Муғ қальясини эгаллайдилар. Мудофаачилар жуда катта талафот кўрадилар. Уларнинг кўпчилиги қирилиб кетади. 8 минг ярадор, аёллар ва болалар асирликка олинади.

Орадан кўп ўтмай, Сўғдиёнада яна 7 шаҳар истилочиларга қарши қўзғолон кўтаради. Диодор маълумотларига қараганда, Искандар қўзғолончилардан 120 мингини ўлимга ҳукм этади. Бу рақам муболағали бўлиб кўринса-да, қўзғолон қанчалик кенг тус олганлигини кўрсатади².

Искандар Ўрта Осиёда янги шаҳарлар барпо эта бошлайди. Чекка Искандария шаҳри (ҳозирги Хўжанд) Искандар режаси билан қурилган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Чекка Искандарияда грек-македон қўшинларининг ҳориб-чарчаган, ярадор бўлган ёки қариб, қаттиқ жангларга ярамай қолган жангчилари, яқин-атрофдан ихтиёрый равишда келган сўғдиёналиклар жойлаштирилган. Шаҳар аҳолиснинг маълум қисми асирлардан иборат эди. Искандар режасига мувофиқ, бундай шаҳарлар македонияликларнинг бошқа истилолари учун таянч истехкомларига айланиши керак эди³. Аммо Искандар истилочилари Ўрта Осиё халқларини узоқ вақт асоратда тутиб туролмади.

Милоддан аввалги 329—327 йилларда Искандар ўзига қарши бош кўтарган Сўғдиёнани уч марта қайтадан забт этишга мажбур бўлди. Айниқса Ўрта Осиё қабилаларининг миллий қаҳрамони Спитамен бошчилигидаги ватанпарвар кучларнинг истилочиларга қарши озодлик кураши македонияликлар учун катта хавф туғдирар эди. Ўзига қарши халқ ҳаракатларини бостириш учун Искандар жуда кўп ҳарбий ва моддий кучларини сарфлашдан ташқари маҳаллий зодагонлар билан «дўстона» алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилди. Искандар маҳаллий зодагонларнинг сиёсий таъсирини ва ер-мулкларини кенгайтirdи. У маҳаллий зодагонларга саховат билан мол-дунё, қул, чўрилар совға қилишдан ташқари, Сўғдиёнанинг бой ва таъсирли мансабдори Оксиартнинг қизи Равшанак (юнон-рим манбаларида — Роксана) га уйланди. Искандарнинг Равшанакка уйланиши унинг Сўғд-Бақтрия зодагонлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш билан бирга уларни ўз тарафига оғдириб олишга имкон берди⁴. Искандар мана шу янги сиёсати билан Ўрта Осиёни батамом ўзига бўйсундиришга эришди. Шунга қарамай, Искан-

¹ И. Ф. Шифман. Александр Македонский М., 1988, С. 140—143.

² Шифман И. Ш. Александр Македонский. М., 1988. 142- бет.

³ Страбон. 11, 517, Юстин, 12:5, 13.

⁴ Плутарх. Александр. 47, Руф. 8, 4. 27.

дарнинг қўшинлари орасида унинг сиёсатидан норози бўлган айрим лашкарбошилар исён кўтаришга уриндилар. Аммо уларнинг норозилиги шафқатсизларча бостирилди.

Маҳаллий зодагонларнинг македонияликлар тарафига ўтиши Искандарга Ўрта Осиёдаги деҳқонлар ва чорвадор жамоалари қаршилигини енгишга ҳамда Ўрта Осиёни ўзининг жуда катта монархияси қаторига қўшиб олишга ёрдам берди. Македония истилочиларига иттифоқчи бўлиб олган маҳаллий зодагонлар Ўрта Осиё халқлари ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида ҳукмрон сиёсий ва иқтисодий кучга айланди. Кейинчалик ҳам Искандар ва унинг ворислари (Селевкийлар ва бошқалар) Ўрта Осиё халқлари ҳаётида тарихан таркиб топган бу вазият билан ҳисоблашишга мажбур эдилар.

Хуллас, Македония истилосидан сўнг Ўрта Осиё халқларининг халқаро иқтисодий, савдо алоқалари кучайиб борди. Айниқса ўрта осиеликларнинг Искандар қўшинлари фатҳ этган Ҳиндистон билан яқин алоқалар ўрнатиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Сўғдиёна ва Бақтрияда ҳам янги-янги шаҳарлар қад кўтарди. Тарихий манбаларда Искандар ва унинг лашкарбошилари Ўрта Осиёда 12 та шаҳар бунёд этганлиги айтилади¹. Шу билан бирга олимлардан И. Ш. Шифман Искандар қўшинларининг Сўғдиёнадаги вайронгарчиликларини Чингизхон истилосига ўхшатади. Бу вайронгарчиликлар оқибатида мамлакат халқи кескин камайиб кетди. Сўғд аҳолиси Ватанларини тарк этиб, бошқа юртларга бош олиб кетишди. Грек-македонлар Фарғона, Еттисув, Марказий Осиёни ҳам мустамлакаларига айлантирдилар. Искандарнинг истилочилик сиёсатини унинг ворислари (селевкийлар) давом эттирдилар. Искандар вафотидан 75 йил ўтгач, Бақтрия сатрапи (ноиб) Диодот ўзини мустақил ҳукмдор деб эълон қилди. Помпей Трог муболага қилиб ёзишча, минглаб шаҳарлар Диодот қўл остига ўтди. Селевкийлар давлати милоддан аввалги 255—250 йилларга келиб, бўшашди. Шундан сўнг «Древние авторы о Средней Азии» гўплами муаллифлари ёзишча, Ўрта Осиёда яна мустақил давлатлар таркиб топди². Ўзбекистон Марксизм-Ленинизм илмий-тадқиқот илмгоҳи нашрга тайёрлаган бу хрестоматия совет олимларининг шу соҳадаги биринчи иши бўлиб, унда Ўрта Осиё халқларининг милоддан аввалги VI асрдан — милоднинг III асрига қадар бўлган тарихи, жўғрофияси, табиий бойликлари ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Ўрта Осиё халқлари баъзи даврларда Ҳиндистон ва Хитой билан бир давлат бўлиб яшаган. Милоддан аввалги II асрда яшаган Хан саройи элчиси Чжан-Цян асарлари, эпиграфик ёдгорликлар ва археологик қазув натижалари бунга гувоҳлик беради. Айниқса, археологларнинг олиб борган қазув ва кузатув ишлари

¹ Древние авторы о Средней Азии. Хрестоматия. Ташкент, 1940. Л. В. Баженев таҳрири остида. С. 8—9.

² Древние авторы о Средней Азии. Хрестоматия. Л. В. Беженев таҳрири остида. Ташкент, 1940 г. С. 8—9.

туфайли қадимий тарихимизнинг жуда кўп номаълум саҳифалари очилди. Бу ишлар ўша замонлардаги маданий жаёт муаммолари, ишлаб чиқариш кучлари, тарихий топонимика, тарихий жўғрофия, иқтисодий алоқалар, халқларимиз этногенези (миллий келиб чиқиши) соҳасида қимматли маълумотлар беради.

II БОБ. МУСУЛМОН РЕНЕССАНСИ — УЙҒОНИШ ДАВРИ УРТА ОСИЁ ТАРИХИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИ

1. АРАБЛАР ИСТИЛОСИ ВА УРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ИСТИЛОЧИЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИ ТАРИХИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Моддий маданият қуролиларининг пайдо бўлиши инсонлар ҳаётига қанчалик катта таъсир кўрсатган бўлса, қўлёзма ва босма китобларнинг пайдо бўлиши ҳам инсоният маданияти тараққиётига шунчалар катта таъсир кўрсатди. Турли тарихий даврларда, асрлар давомида вужудга келган қўлёзма китоблар инсон билимларининг асосий манбаи бўлиб келди, бу билимларнинг келгуси ривожини таъминлади. Барча маданий жамиятларда китобларнинг қадри бебаҳо, айниқса Шарқ қўлёмаларининг барча Шарқ халқларини ўзаро боғлаб, улар тилининг ривожига қўшган ҳиссалари беқиёсдир. Шарқ қўлёмалари китоблари бир неча оламшумул динларнинг авлоддан-авлодга ўтишига хизмат қилди, кўплаб диний ва этник силсилалар (системалар) нинг қонун-қоидаларини жаҳонга тарқатди, хуллас, жаҳон маданияти хазиналарининг умри боқийлиги, давомийлигини таъминлади. Шарқ қўлёмаларини ўрганиш ҳозирги олимларга Шарқ халқларининг ўтмишдаги ҳаётининг тарихий манзараларини тиклашга, ўша халқларнинг жаҳон маданиятига қандай ҳисса қўшганлигини аниқлашга ёрдам беради. Қўлёзма китобларнинг тадқиқотчиларидан бири бундай ёзади: «Қўлёзма китобларни билим манбаи ва эстетик лаззат манбаи сифатида кўраётган одамнинг завқини кашф этувчи одамнинг завқига тенглаштириш мумкин. Қўлёмалар ўтмишни тушунишга, келажак ҳақида ўйлашга даъват этади¹.

Урта Осиё халқларининг Араб халифалиги таркибига кириши арафасидаги ва ундан кейинги аҳволи ҳақида гап борганида сўзсиз арабча, форсча ва қадимги туркий-руний ёзувларга мурожаат қиламиз. Тарихда уч жойдан Урта Осиё халқлари тарихига доир ҳужжатлар архиви топилган: ҳозирги Туркменистоннинг Нисо шаҳрида — Парфия давлати (миллоддан аввалги I аср) ҳужжатлари, Тупроққалъада (III аср) — Хоразм давлати ҳужжатлари, Муғтоғида (Самарқанд) — Сўғдиёна ҳужжатлари (VII аср) топилган. Бундан ташқари, ерлардан жуда кўплаб эпиграфик ёдгорликлар — тошдаги битиклар, рўзғор буюмлари ва санъат асарлари топилган. Урта Осиё тарихидан далилий ашёларга бой маълумот-

¹ Қиселева Л. И. О чем рассказывают средневековые рукописи? (Рукописная книга в Западной Европе). Л. 1978. С. 139.

ларни ўрта асрда яшашган муаррих Табарий асарларидан, шу асарнинг Балъамий тузган форсча-тожикча нусхасидан, жаҳоншумул қомусий олим Беруний асарларидан топишимиз мумкин. Шу маънода ўрта асрнинг буюк шоири Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» дostonи ҳам ибратлидир.

Бинобарин, Шарқ халқлари маданияти муаммоларига оид ҳозирги тарихий-монографик тадқиқотларнинг қўлёзма манбаларга бевосита алоқадорлиги табиийдир.

Араб тарихшунослиги тўғридан-тўғри фольклор (халқ ижоди) ва адабий анъаналар билан, шунингдек, илоҳиёт — Қуръон анъаналари билан узвий боғлиқдир.

Арабча тарихий асарларнинг мазмуни ислом жамоалари тарихи, бу жамоаларнинг сиёсат ва ақл-идроқда фаол тоифалари вакилларининг ҳаёти, фаолияти билан боғлиқдир.

Қуръон матни билан алоқадор кўпгина муаммолар акс этган филологик (адабий), тарихий, диний асарлар тасвирларда акс этган бўлиб, уларда Қуръон суралари ва оятлари бирма-бир шарҳланади. Бундай тафсирларнинг ҳажми ва салмоғи анча каттадир. Бундай китоблар VIII асргача бармоқ билан санарли бўлган бўлса, 750—1050 йиллар давомида элликка яқин шундай асарлар яратилди. Шулардан ҳам ярмигина бизгача сақланиб қолган. 200 йилдан зиёд вақт давомида ёзилган Қуръон тавсифлари Табарийнинг (838—923) фундаментал «Тафсир» китобида умумлаштирилган. Бу асарнинг нуфузи бизнингча, аввалги кўпчилик асарларни муомаладан сиқиб чиқарган бўлиши мумкин. Табарий тафсири жуда катта ҳажмда (босма нашрда 30 жилд) эканлигидан қатъи назар, жуда кўп хаттотлар уни қунт билан қайта-қайта кўчириб ёзганлар. Шу туфайли бу асарнинг кўпгина нусхалари бизгача етиб келган¹.

Табарий, Наршахий, Беруний асарларини тарихшунослик юзасидан таҳлил қилишга ўтишдан аввал ислом динига доир бир масала устида тўхташимиз лозим. Маълумки, Қуръон ва Муҳаммад пайғамбар ҳадислари — ҳикматли сўзлари имон рамзи, шариат — ислом ҳуқуқшунослиги ва илоҳиёт фанларини ташкил этади. А. Б. Ҳалидов, Шамсуддин Бобоҳон ва Абдусодиқ Ирисовлар таъкидлашича, имом Исмоил Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Абу Довуд Сижистоний, Аҳмад ан Насавий, ибн Мадж ал-Қазвиний ва бошқа муҳаддислар тўплаган ҳадислар бир ярим миллионга етади. Булардан Абу Довуд, ат-Термизий, ибн Мадж ва ан-Насавийлар тўплаган ҳадислар («Ас-Сунан») ва айниқса Исмоил Бухорийнинг «Жомеъ-ас-Саҳиҳ» (ёки «Саҳиҳ») номли ҳадислар тўплами Шарқ халқлари орасида машҳур бўлган. Имом Исмоил Бухорийнинг «Саҳиҳ» тўплами муътабарлиги жиҳатидан «Қуръон» дан кейинги, яъни иккинчи ўринда туради. Гап шундаки, ал-Бухорий жаҳонга танилган, буюк муҳаддис бўлибгина қолмай, ўз замо-

¹ Халидов А. Б. Рукописная книга в культуре народов Востока. Очерки. Книга I. М. 1987. С. 260.

насининг атоқли тарихчиси ҳам эди. Унинг «Жомеъ-ат-таворих» асари Кичик тарих, Уртача тарих ва Катта тарих деб номланувчи 3 қисмдан иборат. Исмоил Бухорийнинг 1974 йилда топилган «Кичик тарих» ва «Уртача тарих» китоблари Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорилфунуни Шарқ қўлэмалари фондида сақланмоқда.

Аммо бу асар ҳали тадқиқотчиларга унчалик маълум эмас.

Урта Осиёнинг X—XI асрлардаги тарихининг тарихшунослиги В. В. Бартольд, В. И. Беляев, Е. А. Беляев, А. А. Ромаскевич, И. Ю. Крачковский, Б. Ф. Гафуров ва айниқса К. Броккельман, С. А. Стоу асарларида кенг ёритилган¹.

Энди ўрта асрларда яшаган тарихчи мутафаккирларнинг айрим тарихий асарларини манбашунослик жиҳатидан таҳлил қилишга ўтамиз.

Абу Жаъфар Муҳаммад Жобир ат-Табарий (838—923)

Табарийнинг машҳур асари «Тарихи ар-русул-ва-л-мулук» («Пайғамбарлар ва мамлакатлар тарихи») ёки «Таворихи Табарий» деб аталади. 963 йилда бу асарни Балъамий қайта ишлаб, форс тилига таржима қилди. «Таворихи Табарий»нинг таржимаси кўп нусхаларда қўчирилганлиги унинг шуҳрат топганлигини кўрсатади. Ат-Табарий ўз асарини ёзишда ўзидан аввал ўтган Абул-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Мадоиний (В. В. Бартольднинг ёзишича, ҳижрий 215/225, милодий 830/840 йилларда вафот этган) асаридан кенг фойдаланган. Ўз навбатида компилятор (аввалгилардан фойдаланиб ёзувчи) ал-Мадоиний ҳам ўзидан аввал ўтган тарихчиларнинг асарларига суянган. Аммо ал-Мадоиний ўз ҳикоятларини бошқа араб тарихчиларидан фарқ қилиб, тарихий асарлардан кўра эпик халқ ижоди — дostonларга ўхшатиб ёзган. Урта аср араб прозаси учун бундай ҳол табиий эди. Ат-Табарий араб тарихчиларидан биринчи бўлиб, тарихий воқеаларни аниқ тарихий далиллар асосида ёза бошлаган. Масалан, у сосонийлар (Эрон) тахтига Варахран V, яъни Баҳром Гўр чиқиши билан (420—437) Хуросонга «турклар ҳоқони» босиб келиб, мамлакатни «талай бошлаган»лигини айтган. Табарий ёзишича, Баҳром Гўр ўзини Озарбайжонга кетган қилиб кўрсатиб, махфий равишда турк қўшинлари тўпланган Марв ҳудудларига яқинлашган. Орада жанг бўлиб, натижада турклар ҳоқони ўлдирилган. Турклар (туронликлар) сулҳ сўраб, ўзлари билан Эрон ўртасидаги чегараларни аниқлашни таклиф этишган. Табарийнинг ёзишича, чегаралар — сарҳадлар аниқланган. Шуниси эътиборга лойиқки, Баҳром Гўр ўша вақтда Хуросон ноибига Балхни пойтахт қилиб тайинлаган. Хуросон ноибни айни вақтда «Марзбони — кушон», яъни «Кушонлар чегарасини қўриқловчи» деган унвон олган².

Табарий келтирган далилларнинг тўғрилигини аниқлаш учун

¹ Бартольд В. В. К истории (маш. 24- бет, русчасидан)...

² Гафуров Б. Таджики. М., 1973, С. 197.

бошқа бир манбага мурожаат қиламиз. Арман тарихчиси Егеше Варданешти 450 йил воқеалари ҳақидаги хабарида «эфталийлар» мамлакатини тилга олади. Арман муаррихи ёзишича, 456 йилда эфталийларнинг янги конфедерацияси (иттифоқи) Пероз (Парвиз) таклифи билан Сосонийлар Эронига қарши иттифоқ тузиш учун Хитойга элчилар юборади. Табарийнинг ёзишича ҳам Хусрав Парвиз даврида (459—484) эфталийларга қарши кураш авж олган. Парвизнинг ўзи Тоҳаристон ва унинг атрофидаги вилоятлар қўллаб-қувватлаши билан тахт тепасига келган. У эфталийларнинг ёрдамига миннатдорчилик маъносида «уларнинг чегараларини бузмаслик мажбуриятини олди». Аммо кейинроқ, Табарий ёзишича, Парвиз эфталийлар подшоҳи Вахшунварга берган ваъдасини махфий равишда бузиб, унинг чегараларига даҳл қилган. Чегара минорасига етганида Парвиз фармони билан минорага арқон боғлаб, 50 та фил ва 300 та жангчи уни судраб боришган. Шу йил у эфталийлар чегарасини бузмадим, деб эълон қилган. Аммо Парвизнинг бу айёрлиги иш бермайди. Тарихчининг ёзишича, подшоҳ Парвиз ва унинг катта қўшини «қоронғуликка чўкиб кетдилар» (Катта чуқур зовурга тушиб кетган подшо тошбўрон қилиб ўлдирилди. Бутун қароргоҳ, подшо, унинг қизи, мобедкоҳин, хотин-халаж ва ҳашамлар (ҳазиналар) эфталийларнинг қўлига тушди. Сув тўлатилган чуқур зовур ҳақида Византия-Рум тарихчиси Прокопий қайсарий (Кесарийский) ҳам ҳикоя қилади. Сурия, Византия ва арман тарихчиларининг асаридида айтилишича, Парвиз эфталийларга қарши уч марта уруш қилган. Биринчи урушда Парвиз енгилиб, асир тушган, уни Рим императори бадал ҳақини бериб, қутқариб олган. Бир қанча вақтдан сўнг, Парвиз эфталийларга қарши яна уруш бошлаган ва яна асир тушган. Атоқли совет шарқшуноси Б. Ғафуров таъкидлаганидай, худди ўша вақтда Парвиз эфталийларнинг чегараларини бузиб ўтмасликка ваъда берган кўринади. Ўша вақтда у (Эфталийлар талабига кўра) 30 та хачирда (олтин, кумуш) танга тўплаши керак эди. Аммо, хазинаси бўшаб қолганидан, Парвиз бу хирожнинг фақат учдан бир қисмини тўлган. Учинчи уруш ҳам Парвизнинг мағлубияти билан тугаган. Табарий хабар беришича, Рим императорларини ҳам ўзига таъзим қилдирган Сосонийлар Эрони V аср охирида ўзи даҳшатли Урта Осиё кўчманчилари олдида бош эгишга ва хирож тўлашга мажбур бўлган¹.

Уқувчиларимиз эътиборини яна бир тарихий далилга қаратмоқчимиз. V ва VI аср ўрталарида Эронда, шоҳ Қубод (Кайқубод) даврида (488—531) энди таркиб топаётган феодализм тузумига қарши Маздак раҳбарлигида халқ қўзғолонлари юз берган².

¹ Массон В. М., Ромодин В. А. История Афганистана. Ч. I—II. 1964, 1965, Том, I. С. древнейших времен до начала XVI века. М. 1964. Том II. Афганистан в новое время. М. 1965.

² Ф. А. Альтхайм ва Р. Штильнинг ёзишларича, Маздак Хоразм ва унинг атрофларидан чиққан. Б. Ғафуров эса, бу ҳали номаълум, дейди. Унинг айтишича, Маздак атоқли исм эмас, балки мазҳаб бошлигининг унвонидир. Ғафуров Б. Таджики. С. 212.

Маздак таълимоти, ваъзлари кенг шуҳрат қозонди. Табарийнинг айтишича, «оддий фуқаро фурсатдан фойдаланиб, Маздакка ва унинг тарафдорларига қўшилиб, улар атрофида уюшдилар». Бу фикрни Беруний ҳам тасдиқлайди: «Сон-саноксиз одамлар уларга эргашдилар». Эрон шоҳи Қубод I сиёсий вазият тақозоси билан, кўнглида хоҳламаса ҳам ўзини Маздак тарафдори деб эълон қилди¹. 528—529 йил воқеалари шундан далолат беради. Қубод тарафдорлари Маздакни ўлдириб, марказий ҳокимиятни қайтариб олишганида, маздакчиларнинг етакчиларини қириб ташладилар ва уларнинг издошларини шафқатсиз калтаклаб, қувғин қилдилар.

Табарийнинг Турк ҳоқонлиги ҳақидаги ҳикояси қизиқарлидир. Урта Осиёдан анча олисдаги Олтой ўлкасида жуда катта Турк ҳоқонлиги давлати таркиб топди (551—744 йиллар). Бу давлат ҳудудлари Кореядан то Қора денгиз бўйигача, Урта Осиё ва Хитойни ҳам ўз ичига олар эди. Уша замонда Эрон ва Рум (Византия) энг йирик давлатлар бўлишига қарамай, Турк ҳоқонлиги олдида таъзим қилиб турар эдилар.

Табарий ёзишича, туркларнинг энг кучли, жасур ва қудратли ҳоқони Синнабу Ёбғу бўлиб, унинг қўшини ҳам жуда кўп эди. У жуда кўп лашкари бўлган эфталийлар билан урушиб, уларнинг подшоси Варзунни ўлдирди. У Варзуннинг барча қўшинини, уларнинг бойлигини ва мамлакатини қўлга киритди. Эфталийлар юртининг илгари Хусрав I томонидан забт этилган қисми бундан мустасно эди. Турк ҳоқонлигининг Урта Осиёни қўлга киритиш нияти ошқор бўлгач, эфталийлар ўзларининг турклар ва сосонийлар Эронидай икки ўт орасида қолганлигини англадилар. Эрон Хусрав I Ануширвон замонида (531—579) йириклашиб, кучли давлатга айланган ва шунинг учун эфталийларга хирож тўламай қўйган эди².

Урта Осиё эфталийларига қарши иккала қўшниси ким олдин ҳужум қилишга шайланиб туришарди. Чамаси, эфталийлар иккала давлатга қарши жанг қилишган. Тарихий исмларга келсак, араб манбаларидаги Синжабу, Рум-Византия манбаларидаги Салзибулга тўғри келади. Тарихий манбаларни синчиклаб ўрганган Э. Гавенининг фикрича, турклар эфталийларни 563 ва 587 йиллар орасида тор-мор келтирганлар. Бу воқеани А. А. Мендельштам 563 йилга яқин, Г. Моравчик эса 560 йил атрофида» деб ҳисоблайдилар.

Санаси қачонлиги жуда аниқ бўлмаса-да, бу уруш оқибатида, Фирдавсий ёзганидек, «Чочда, Теракда (Чирчиқда — С. Т.), Самарқанд ва Сўғдда жуда кўп жойлар вайрона бўлиб, бойқушлар

¹ Фафуров Б. Ф. «Тожиклар» китобида атоқли муаррих С. П. Толстовнинг «Қадимги Хоразм цивилизациясини излаб» асарига суяниб ёзишича, Қубод ёшлигида эфталийлар ҳузурда гаровда яшаган, шу тўфайли у маздакчиларга яқин фояларни тарғиб қиларди. Фафуров Б. Ф. Таджики, С. 213.

² Фафуров Б. Г. Таджики. С. 216, 217.

макониға айланди. Чаганиён, Бөмиён, Хутталон ва Балх аҳолилари бошига қора кунлар келди»¹.

Табарийнинг ёзишича, турклар Эрондан илгари эфталийларга тўплаб турган хирожларини (Туронга) тўлашни талаб этганлар Эрон — Турон муносабатлари қанчалик кескинлашганидан қатъи назар, шундай тарихий вазият вужудга келганки, Урта Осиёнинг жанубидаги вилоятлар, хусусан, ҳозирги Ўзбекистоннинг жануби, Тожикистон ва Туркменистон сосонийлар Эрони қўл остида, Урта Осиёнинг шимолий вилоятлари эса Турк ҳоқонлиги ихтиёрига ўтиб қолди. Зарафшон водийсида қолган эфталийлар эса туркларга хирож тўлашни давом эттирдилар.

Яна бир муҳим муаммо юзасидан Табарий асарининг тарихий аҳамиятини кўрсатмоқчимиз. Бу, Самарқанд ҳоқими Турек (Турк, Торак) нинг ҳижрий 100 (милодий 719) йилда Хитой пойтахтига юборган мактубининг мазмунидир. В. В. Бартольд китобида шу хатнинг русча таржимаси келтирилади:

«Биз 35 йилдан буён даший (даший) ларга қарши тинимсиз курашиб келамиз. Ҳар йили биз жуда кўп аскар ва суворийларни жанг майдониға чиқарамиз, аммо шу вақтгача император (ҳоқон) ҳазрати олийларининг мадад кучларини олиш бахтиға муяссар бўлмадик. Бундан 6 йил муқаддам дашийларнинг энг катта бошлиғи И-ми Кю-ди-бо (амир Қутайба) жуда катта лашкарлари билан етиб келди. Биз жангда душман лашкарларига катта зарар етказдик, аммо бизнинг қўшинимиздан кўпчилик ҳалок бўлди ва яраланди. Дашийларнинг пиёдалари ва суворийлари сон-саноқсиз эди, шу туфайли бизнинг лашкарларимиз уларга бас келолмади. Мен ўз истеҳкомларимизга қайтдим: сўнг дашийлар бизнинг шаҳримизни қамал қилдилар. Улар қалъа деворларини бузиш учун 300 та деворбузар қурилмаларни олиб келдилар, 3 жойда катта-катта хандақ-зовур қазидилар. Улар бизнинг шаҳримизни ва мамлакатимизни вайрон қилишмоқчи. Фақирингизнинг сиз ҳоқон фазрати олийларидан илтимосим шулки, тезроқ Чин лашкарларини бизга ёрдамга юборсангиз. Аммо дашийларга келсак, уларнинг куч-қудрати фақат юз йилга етади, деган каромат бор. Бу йил ана шу муддат тугамоқда. Агар Чин лашкарлари бу ерга етиб келишса, камина ва унинг қўшинлари дашийларни тор-мор келтиришимиз мумкин эди»².

Биз Табарий китобида кўп марта тилга олинган Самарқанд ҳоқими Тўрек ҳақида унинг мактубидан қандай маълумотлар оламиз?

1. Мактубнинг ҳақиқийлиги В. В. Бартольд таъкидлаганидек, унчалик шубҳа уйғотмайди.

2. Муҳим тарихий далил шуки, Самарқанд — Зарафшон водийсига араб Қутайба даврида — 712—719 йилларда эмас, балки ноиб

¹ Мазкур ларча А. М. Беленицкийнинг «Историко-географический очерк Хуттала с древнейших времен до X в. н. э.», асариде келтирилган. «Материалы и исследования по археологии СССР» тўплами, М.,— Л., № 15, 1950. С. 112.

² Бартольд В. В. Сочинения. Т. II, 2 Ч М., 1964, С. 381—382.

Салим ибн Зиёд вақтида —681—683 йилларда келишган. Қутайбанинг ҳарбий юриши ва Самарқанднинг араблар томонидан истило этилиши 712 йил кузига тўғри келади.

3. Тўрак мактубида тарихий воқеалар мавҳум ва зиддиятли баён этилса ҳам, унда Қутайбанинг Самарқандни олиши ҳақида гап бўлмаса ҳам, бу мактуб араб манбаларини, жумладан, Табарий асарини танқидий тадқиқ этишга имкон беради. Табарийдан мустақил бўлган араб манбалари (Мадоний, Балазурий, Диноварий) да эса тарихий таҳлил учун деярли ҳеч бир далил йўқ, дейиш мумкин¹.

Шундай қилиб, турли воқеалар, қиссалар ва ҳикоялар ўзаро боғлиқ ҳолда умулаштирилган кенг қўламдаги тарихий асарлар IX асрнинг 2-ярмига тўғри келади. Араб тарихшунослигининг илк даври Ат-Табарийнинг «Тарихи ар-русул ва-л-мулук» («Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи») асари билан якунланади. Мазкур асар — тарихий обидалар, тарихий ҳикоялар, фольклор (халқ оғзаки бадиий ижоди), афсоналарни ўз ичига олган, ислом олами — ҳижратнинг бошланғич асрларида яшаган халқлар тарихига доир энг муътабар мажмуидир.

Араб тарихшунослигида шунингдек, айрим минтақа, иқлимлар — давлатлар, мамлакатлар, шаҳарларнинг тарихига доир ўзига хос айрим тарихий-қомусий асарлар ҳам вужудга келди.

Чунончи ибн Қутайбанинг (889 йилда вафот этган) тарихий қомуси (энциклопедияси) Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Абу Райҳон Берунийнинг (1048 йилда вафот этган). «Осор-ул боқия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»), «Ҳиндистон», шунингдек, мусулмон олими аш-Шабустарийнинг (998 йилда вафот этган) христиан (масихийлар) монастирлари — ибодатхоналари тарихига оид асарлари шулар қаторига киради.

Наршахий. «Бухоро тарихи»

Бу асар «Китоб-ул-ансоб» мажмуасининг муаллифи Самъоний далолат беришига қараганда, тарихчи Наршахий қаламига мансубдир. Наршахий Бухоро вилоятида Наршах қишлоғида туғилган. Унинг тўла исми Абу Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закариё ибн Хаттоб ибн Шарик (899—960 й) дир. Гап шундаки, араб тилида ёзилган бу асарнинг асл нусхаси бизгача етиб келмаган ёки ҳозирча топилгани йўқ. Бизгача етиб келган «Бухоро тарихи» сўз бошисида ёзилишича, китобни 1128 йили араб тилидан қувалик Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Қубовий ўз дўстлари таклифига биноан форс тилига таржима қилган. Қубовийнинг ёзишича, у таржима жараёнида китобдаги ортиқча тасвир ва кераксиз жойларни қисқартирган, аммо асл моҳияти ва мазмунини қолдириб, кейинги тарихий воқеалар баёнини ўзидан қўшган. Китобнинг 1939 йилда Техронда нашр этилган нусхасидан кўринадики, «Бухоро тарихи»га кейинроқ ҳам бошқа муаллифлар

¹ Вяткин В. Как арабы овладели Самаркандом (Легенда). Насафий. Қандия — СКСО, вып. IV, 1986 отд. IV, с. 28—30.

томонидан қўшимчалар киритилган. Бу ҳақда эронлик олим Муҳаммад Тоқи Баҳор ўзининг 1958 йили Техронда нашр этилган «Малик уш-шуаро» китобида гувоҳлик беради.

Тарихий нуқтаи назардан, таржимон Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Қубовий бундай хабар қилади: Наршахий асарининг дўстлари таклифига биноан араб тилидан форсчага таржима қилинишининг сабаби, асарни кўпчилик ўқиб тушунишига қулай бўлиши; қизиқарли бўлмаган ўринлар, ортиқча арабча ўхшатишлар ва жимжимадор ифодаларни қисқартириб, китобнинг оммабон бўлиши учундир. Иккинчи таржимон Муҳаммад ибн Зуфар ибн Умар эса 1178—1179 йилларда «Бухоро тарихи» ни форс-тожик тилига таржима қилганда, уни янада қисқартирди ва яна қайта кўчириш, кўпайтириш учун тайёрлади. Китобнинг бу таржима нусхасини ўқир эканмиз, 1178—1179 йилда юз берган тарихий воқеалардангина эмас, 1220 йилгача бўлган воқеалардан ҳам хабардор бўламиз¹. Гап шундаки, тарихчи О. А. Сухарева² Эрон олими Муҳаммад Тоқи Баҳор³ ларнинг маълумотларига қараганда «Бухоро тарихи» биз юқорида тилга олганимиздан бошқа кўп кишилар томонидан қисқартирилган, қўшимча киритилган ва изоҳланган. Шунга қарамасдан, ҳамма таржимон ва шарҳчилар китобнинг асл муаллифи Наршахий эканлигини бир овоздан тасдиқлайдилар.

Бу асарнинг номи ҳақида бир неча сўз. Ўз асарига Наршахий қандай ном бергани ҳақида маълумот йўқ. Шунинг учун унинг номи турли юрт тарихшунослик адабиётларида турли шаклларда ишлатилади: «Тарихи Наршахий», «Наршахий тарихи», «Тарихи Бухоро» «Таҳқиқ ул-вилоят» («Вилоят ҳақиқатини аниқлаш»), «Ахбори Бухоро» («Бухоро ҳақида хабарлар») ва ҳоказо⁴.

Шунга қарамай, у ҳозирги тарих фанида «Тарихи Бухоро» бўлиб қатъий ўрин олди. VIII—XII аср Бухоро давлати тарихига оид тарихшунослик асосан «Бухоро тарихи» китобидан олинганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу асарга бўлган катта қизиқиш унинг жаҳон халқлари тилларига кўп марта таржима қилинишига ва кетма-кет нашр этилишига сабаб бўлди. Масалан, француз шарқшуноси Ч. Шефер 1892 йили Парижда «Бухоро тарихи»ни нашр этди. Бу асарни Самарқанд уездининг собиқ бошлиғи, полковник Н. Ликошин рус тилига таржима қилиб, 1897 йили Тошкентда, ўзбек маърифатчиси Мулла Султон сўзбоши билан 1904 йили Бухорода, Эрон олими Мударис Ризавий 1939 йили Техронда, Англия шарқшуноси Р. Фрай 1954 йили Кембрижда нашр этган. Ниҳоят, 1966 йили ўзбек тилида Содиқ Мирзаев таржимасида Тошкентда нашр этилди.

¹ Тарих-и Бухоро, Таълифи Абу Бакр Муҳаммад бинни Жаъфар ан-Наршахий. Таржима-и Абу Наср Аҳмад бинни Муҳаммад бинни Наср-ал-Қубавий, тахлиси Муҳаммад бинни Зуфар бинни Умар ва тасхихи Мударис Ризавий. Техрон, 1317, й. х. (1939) Муқаддима. С. 34, 42.

² Сухарева О. А. К истории городов Бухарского ханства. Ташкент, 1958.

³ Муҳаммад Тоқи Баҳор. Малик уш-шуаро. Техрон. 1958. 318—322-бетлар.

⁴ «Собрание восточных рукописей АН УзССР» Т. I. Ташкент, 1952, С. 46, № 92.

Шундай қилиб, асл муаллиф Муҳаммад ибн Жаъфар, унинг таржимони ва давомчиси Аҳмад ибн Муҳаммад, шунингдек, кейинги мутаржим ва шарҳловчи Муҳаммад ибн Зуфар «Бухоро тарихи»да VIII—XII асрларда юз берган тарихий воқеаларни баён қиларкан, мусулмон тарихшунослиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ислом асослари ва фикҳни ҳимоя қиладилар. Шу туфайли халқнинг аҳволи ва араб босқинчиларига қарши ҳаракат (масалан, Муқанна бошчилигидаги халқ ҳаракати) қораланади. Ҳукмрон синфларнинг унга қарши ҳаракати маъқулланади. Аммо шунга қарамай, XII—XIII аср тарихий воқеаларининг ҳолисона баёни уни қимматли манба даражасига кўтаради. Бусиз Урта Осиё халқларининг араблар ҳукмронлиги давридаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий аҳволига, кенг халқ оmmasннинг босқинчиларга қарши курашига баҳо бериш мушкул. «Бухоро тарихи»нинг ҳозирги тарихшунослик учун қимматли манба эканлиги шубҳасиздир.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний
(973—1048)

Урта асрда етишган буюк қомусчи олим ва инсонпарвар Абу Райҳон Беруний тарих, фалсафа, фалакиёт, маъданшунослик ва бошқа фанлар бўйича 152 дан ортиқ илмий асар муаллифидир. У 973 йил 4 сентябрда Хоразмнинг пойтахти Қиёт (кейинчалик, Шоббоз, ҳозир Қорақалпоғистонга қарашли Беруний шаҳри) да дунёга келган.

Хоразм — Урта Осиёдаги энг қадимий давлатлардан биридир. Баъзи тарихчилар Хоразмий тилини ҳозирги осетин тилига яқин турувчи эрон гуруҳига кирувчи тил эди, деб ҳисоблайдилар.

Беруний замонида Хоразм икки давлатга бўлинган эди. Бирининг пойтахти Қиёт (ёки Қоб) да (V асрдан буён) Бани Ироқ сулоласига мансуб ҳукмдор раҳбарлик қиларди. Урганчда эса Араб халифалиги ноиб амир ал-Маъмун ҳукмдор эди. Иккала давлат Бағдод халифалиги таркибида эдилар. 995 йилда амир ал-Маъмун Қиётни босиб олиб, иккала давлатни бирлаштирди ва қадимий хоразмшоҳлар давлатини тиклади. Амударёнинг қадимий ўзани қуригач, Янги Урганж шаҳри бунёд этилди. Аввалгиси Кўҳна Урганж деб аталди.

Араблар истилосидан кейин Урта Осиё халқларининг қадимий маданияти инқирозга учради, завоқ топди, аммо янги шароитларда бу халқлар яна юксак фан ва маданиятни яратдилар. IX аср бошларида яшаган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, ал-Маъжусий арабларни ҳиндларнинг ўнлик саноқ ҳисоби билан таништирди ва алгебрадан илк рисолалар ёзди. У риёзиёт (математика) ва фалакиёт (астрономия) фанларида ҳам янги кашфиётлар очди. Ҳозирги фан-техниканинг асосий тушунчаларидан бири «Алгоритм» сўзи Ал-Хоразмий сўзининг лотинча талаффуз этилишидир. Муҳаммад Хоразмийдан сўнг жаҳон илм-фанига катта ҳисса қўшган яна бир буюк олим Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий бўлиб, унинг «Мафтикул-улум» («Илмларнинг калидлари») қомусий асари жаҳонга машҳур эди.

Х асрда араб халифалигида катта ўзгаришлар юз берди. Урта Осиё ва Эроннинг халифаликка қарам бўлган кўпгина давлатлари иқтисодий ва сиёсий мустақилликка эришади. Урта Осиё олим ва мутафаккирлари халифаликнинг турли шаҳарларида, жумладан, ўз ўлкаларида ҳам фаолият кўрсатардилар. Х аср бошида Абу Наср Мансур ибн Ироқ Қиётда яшарди. У Птоломей «Алмажист»ига шарҳ бўлган Менелайнинг «Сферика» асарини қайта ишлаган эди. Берунийнинг биринчи ўқитувчи ва тарбиячиси ана шу Абу Наср Мансур ибн Ироқ бўлган. Берунийнинг илк ёшлиги — болалиги ҳақида тарихий адабиётларда маълумот йўқ. Бирун сўзининг маъноси «ташқаридан келган» демакдир. «Оллоҳ номига қасам бўлсанки,— деб ёзган эди у ўзининг келиб чиқиши ҳақидаги шеърлардан бирида,— ҳақиқатдан ҳам мен шажарамни билмайман. Ҳаттоки ўз бувамни, бувамни билмагандан кейин отамни қайдан билай»¹. Бу гапларда киноя бор, албатта.

Берунийнинг ҳаёти ва ижоди учун мураккаб бўлган шароитни Урта Осиёда ҳукм сурган феодализм шароитидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёт мураккабликларидан ажралган ҳолда ўрганиш мумкин эмас. Сарсонлик-саргардонлик қомусчи олимнинг қисматига айланган эди. Еш Берунийни 998 йили Қаспий денгизининг жанубий соҳилидаги Журжон ҳокими Қобус ибн Вушмагир ўз ҳузурига таклиф қилади. Беруний Вушмагир ҳузуридан қайтгандан сўнг ўзининг тарихий асарларидан бири — «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Осору-л-боқия») асарини ҳокимга бағишлайди. Бироқ тарихшунослик фани Берунийнинг тарихий дунёқарашига доир маълумотга эга эмас. Бизнинг таҳлилимиз шу масалага бағишланади.

Берунийнинг кўпдан-кўп илмий ишлари орасида «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» тарихий рисоласи алоҳида ўрин тутади. У беш йилдан ортиқ Журжонда яшайди. Қобус саройида яшаб турган Филол ва Табаристон ҳокими Марзубон ибн Рустам таклифи билан тарих фанида қисқа «Хронология» номи билан машҳур бўлган «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» рисоласини ёзади. Асар муқаддимасида кун ва тун нима, уларнинг мажмуи ва бошланиши, ой, йил ва милодларнинг моҳияти, бу масалада халқларнинг тафовутлари, халқларнинг подшо, ҳокимларга муносабати, Зулқарнайн деган шоҳ ҳақида, бир милоддан иккинчи милодни чиқариш, хронологик туркумлар, сохта пайгамбарлар ва адашган халқлар, форс, сўғд ва хоразмийларнинг байрам ва қутлуғ кунлари ва ийдлари, яҳудийлар, сурёнийлар ва насоро халқларининг, қадимги сеҳргарлар, сабийлар, араблар, шунингдек, исломга эътиқод қилувчи халқлар, арабларнинг жоҳилият давридаги байрамлари ва мусулмонларнинг нишонлайдиган кунлари ҳақида фикр юритилади.

¹ Тадқиқотчи олим С. П. Толстов ҳаққоний таъкидлаганидек, Беруний манбаларни ўрганишда вазминлик ва билимдонлик билан, танқидий ақл-мулоҳаза услуби асосида иш кўради. Манбаларга

¹ Булгаков П. Т. Жизнь и труды Беруни. Ташкент, 1972, С. 26.

танқидий муносабат шубҳасиз унинг салафларида ҳам бор эди, ammo Берунийда манбаларни танқидий таҳлил қилиш тадқиқотнинг асосий шартига айланади. Ҳзи тарихчиларни огоҳлантирган бир ёқламалик, тахмин ва ақидапарастликдан Берунийнинг Ҳзи ҳам халос бўлмаслиги табиий, ammo бу соҳада у Ҳзининг барча салафлари ва замондошларидан баланд туради. Беруний тарихий рисо-лаларининг кўпи йўқолиб кетиши сабаби ҳам эҳтимол шунда бўл-са керак. У манбаларни шафқатсиз танқид қиларди. Бу эса тари-хий адабиёт истеъмолчиларига — замондошларнинг кўпчилигига манзур бўлмаслиги мумкин эди.

Беруний «Хронология»—Осору-л-боқия» рисоласида анъана-вий ислом дунёси тарихшунослигида одат бўлган шоҳлар ва қах-рамонлар фаолияти, сиёсий воқеалар Ҳрнинг халқлар маданияти тарихи, уларнинг урф-одати ва феъл-атвори масалаларини ёри-тишга эътибор беради. Шунинг учун тарихчилар «Едгорликлар»га тарихий-этнографик тадқиқот сифатида ҳам қарайдилар.

2. МУСУЛМОН УИҒОНИШ ДАВРИ ҲАҚИДАГИ ТАРИХИЙ АДАБИЁТЛАР ВА УНИНГ УРТА ОСИЁДАГИ ТАЪСИРИ

Араб тарихшунослиги келиб чиқиши ва ғоявий-назарий асос-ларига кўра, энг аввало фольклор — адабий анъаналар ва плоҳиёт-қуръон комплекси билан боғлиқ. Юқорида айтиб ўтганимиздек, тарихга бағишланган рисоалар ислом жамоасининг сиёсий ва интеллектуал жиҳатдан фаол қисми ифодаланадиган фаолияти тарихи мавзуси билан боғлиқ. Бунга исломгача бўлган Арабистон ривоятлари, қадимги пайғамбарлар, Ҳрта Осие, форс ва бошқа Шарқ подшо ва ҳокимларининг афсонавий тарихи ҳам қўшилди. Умуман Ҳрта аср араб мусулмон жамияти учун тарихан Ҳз-Ҳзини англашнинг тугалланган шакллари, ой тақвими бўйича йилни аниқ ҳисоблаш, тарихшунослик анъаналарининг авлоддан-авлодга ўти-ши хос эди.

IX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Ат-Табарийнинг «Тарих ар-расул ва-л-мулук» («Пайғамбар ва шоҳлар тарихи») асари билан тугалланган тарихшуносликнинг илк даври шаклланган эди. IX асрнинг иккинчи ярмида араб тарихшунослигида ягона ёки такрорланувчи Ҳзига хос асарлар ҳам вужудга келди. Улар жум-ласига ибн Қутайбанинг (889 йилда вафот этган) тарихий қому-си ва аш-Шабустарийнинг (998 йиллар атрофида вафот этган) христиан монастирлари тарихига оид асарини киритиш мумкин¹.

Саёҳатнома, маъмурий-жўғрофий маълумотнома ва жўғрофий асарларда жуда бой тарихий-топонимик маълумотлар мавжуд. Одатда бир-икки жилдга жамланган Ҳта муҳим асарлар, асосан IX—XI асрларда яратилган. Бу китоблар «машҳур араб жўғрофи-юнлари кутубхонаси» ни ташкил этган. Ибн Хурдадбекнинг (846—847 йиллар) умумжаҳон миқёсидаги жўғрофий асари ва унинг

¹ Рукописная книга в культуре народов Востока. Очерки. Книга первая, М., 1987, С. 262—263.

қайта ишланган (885—886 йиллар) нусхаси шулар жумласига киради. 903 йиллар атрофида ибн алфақиҳнинг жўғрофий асари ёзилди. Кейинроқ ибн Руста (943 й) ўз асарини яратди. Биз учун айниқса, 921—922-йилларда ўрта осиелик жўғроф ибн Фадланнинг «Қудам» (928 й), Маъсудий (947—950-йиллар), Истаҳрий (941 йил), X асрнинг иккинчи ярмида яшаган Ибн Ҳавқал ва Мақдисийларнинг асарлари жуда муҳимдир. Шунингдек, номаълум муллифнинг форс-тожикча жўғрофий асари — «Худуд ал Олам» (982—983-йиллар) ва Байрамнинг (XIII аср боши) «Жаҳонномаси» ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Араб жўғрофий адабиёти ва унинг аҳамияти ҳақида И. Ю. Крачковский бундай деб ёзган эди:

«Испаниядан Туркистонгача бўлган мамлакатлар ва Ҳинд тоғи этакларидаги аҳоли масканларини аниқ санаб, чўл ва маданий жойларини тавсифлаб, маданий экинларнинг тарқалиш кўлами, фойдали қазилмалар ўрнини кўрсатган ҳолда...», физик-жўғрофий ва об-ҳаво шароитини, халқ турмуши, саноати, маданияти, тили, диний илмларини кўрсатган ҳолда (маълумотлар халифалик вилоятлари ҳудуди билан чегараланиб қолмасдан, балки грекларга таниш дунёдан анча четга чиқарди) у шундай кенг, тугал маълумот берадики, унга ўхшашини бу даврда ҳеч қаерда топиб бўлмас эди»¹. Юқоридагиларнинг далили учун яна шуни айтиш мумкинки, араблар ўз ҳукмронликларини нафақат олов ва қилич ёрдами билан, балки халқ оммасини эзиш орқали ўтказиб келишди. Уларга нафақат катта пул, балки одамлар билан солиқ тўланарди. Масалан, Сўғд давлати ҳукмдорлари йилига халифага катта пулдан ва совғадан ташқари 30 минггача қул—ёш йигитларини юбориб туришлари лозим эди. Бағдод бозорида уларнинг ҳар бири 200 дирҳамга сотиларди. Бундан ташқари турли хил солиқлар мавжуд эди. Тарихчилар Абу Юсуф Еқуб (VIII аср) ва ал-Маварзий (X—XI аср) нинг ёзишларича, энг кўп тарқалган солиқлар — *хирож*, *закот*, *ушр* ва бошқалар эди. Уларнинг ҳажми ҳосил ва буюм бозор нархининг 25—30 фоизини ташкил этарди.

Халифаларнинг босиб олинган минтақаларидаги сиёсатига араб халифаси Умар I нинг қуйидаги фармони далил бўла олади: «Биз тирик эканмиз, бизга бўйсунган муслимлар,— қулларимиздур, биз уларнинг ғамини еймиз, биздан сўнг бизнинг фарзандларимиз уларнинг фарзандлари ғамини ейиши керак». Кейин, ибн Хурдаббек IX аср маълумотларига таянган ҳолда, арабларнинг Нишопурдан 4180,9 минг, Тусдан 740,8 минг дирҳам тўплаб олганларини ёзади. Кейинроқ яшаган ибн ал Асир (XV аср) Эрон, Озарбайжон, Рай ва Қазвиннинг йиллик тўлайдиган маблағи 500 минг дирҳам бўлишини ёзади.

VIII—X асрларда Испаниядан Ўрта Осие ва Волгабўйи, Ҳиндистонгача бўлган улкан ҳудудда йирик араб давлатининг тузилиши бу минтақалар маданиятининг равнақи ва гуллаб-яшнашига

¹ Крачковский И. Ю. Изб. соч., т. 4, Арабская географическая литература. М.—Л., 1957, С. 21—24.

олиб келди. Меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва феодал муносабатлари тараққиёти халифалик минтақаларининг маълум даражада ихтисослашувига олиб келди. Хусусан, Мовароуннаҳр пахта ва ипакка ихтисослашди. Қишлоқ хўжалигининг тараққиёти ҳунармандчилик ва савдонинг равнақиға ҳамкорлик кўрсатди. Ҳунармандчилик марказлари пайдо бўла бошлади — Севилья, Гирнота, Генуя, Толедо, Сарагосса (Испания), Фес, Тахорта, Сеута, Танжер, Қоҳира, Тунис, Хайфа, Қуддус, Наблус, Халаб, Дамашқ, Химс, Хома, Антоқия (Фаластин ва Сурияда) Сано, Забид, Макка, Мадина, (Арабистонда), Мосул, Басра ва Куфа (Ироқда), Шероз, Исфохон, Хамадон, Қум, Табриз, Рай, Нишопур, Байҳақ (Эронда) шунингдек, XI асрда қисқа вақт турк феодал давлати — қорахонийлар давлатининг пойтахти, юлдузи бўлиб порлаган Ғазни (Афғонистон), Ўрта Осиёда Марв, Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарлари шулар жумласидандир. Бу шаҳарлар кўп тармоқли ишлаб чиқариш марказларига айланган ва уларда мусулмон Уйғониш даврининг ривожланиб келаётган моддий ва маънавий маданиятининг ўчоқлари тўпланган эди. Машҳур совет шарқшуноси Е. Э. Бертельс Уйғониш даврининг ривожини ва унинг Ўрта Осиёга таъсирини, энг аввало халқ оммасининг арабларга қарши тинимсиз кураши ва уларнинг араб ҳукмронлигига қарши олиб борган ижтимоий-сиёсий кураши натижаси билан боғлайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида тарихчи Леопольд Ранке (1795—1886) тарихни ўрганишнинг янги усулларини ишлаб чиқди. Узоқ йиллар манбалар устида ишлаш натижасида Л. Ранке тарихчининг шиори «Орқага — манбаларга!» бўлиши керак деган қатъий хулосага келди. Унинг биринчи асари фанда ўзига хос тўнтариниш қилди.

У тарихий таҳлилнинг бутунлай янги усули ва илмий тадқиқотнинг янги услубини таклиф қилди. Табiiйки, расмий немис тарих мактаби вакили бўлган Ранкенинг миллий чегаралангани ва «оврупопарастлик» руҳи ўз таъсирини қолдирмай иложи йўқ эди. Шу боис, унинг шогирди XIX асрнинг таниқли тарихчиси Якоб Букхард (1818—1897) ўз устозини танқид қилиб чиқди ва унинг сиёсий тарихни ўрганишдаги чегараланганлигини исботлашга уринди. У инсониятнинг моддий ва маънавий маданияти тарихини ёритишни биринчи ўринга қўйишни талаб қилди. Я. Буркхарднинг Италия Уйғониш даври ҳақидаги асарлари жуда машҳурдир. У бу асарларида тарихчиликдаги «ренессансизм» оқимиға асос солди. Оқимнинг кўзга кўринган вакилларидан бири йирик шарқшунос олим, мусулмон Уйғониш даврини ўрганишға кўп умрини бағишлаган Христиан Адам Мец (1869—1917) дир. Мецға Ранкенинг шогирди Т. Вайцелнинг «...тарихчи фақат яланғоч ҳар хил бемаза ва ўйлаб топилган арзимас хаёлий нарсалардан ҳоли ҳақиқатға интилиши лозим»¹, деган қондаси катта таъсир кўрсатди. Крачковскийнинг таъкидлашича, машҳур Оврупо шарқшуноси Кремер ўзининг мусулмон маданиятини таҳлил этган икки асирида

¹ Адам Мец. Мусульманский Ренессанс. Изд. 2-е. М. 1973. С. 4.

етарли бўлмаган материаллар билан чегараланган бўлса, А. Кремерга тақлид қилган А. Мец «ўз вазифасини ҳам ҳудудий, ҳам хронологик жиҳатдан чегаралаб оларди»¹.

Шунга қарамай биз А. Мецнинг асарларига доимо мурожаат қиламиз, чунки унинг асарлари қимматлилигига тарих гувоҳлик бериб турибди. Фан тараққиёти шуни кўрсатдики, мусулмон Шарқи тарихи тадқиқоти унга ёндошмоғи лозим. Шунинг учун ҳам А. Мецнинг асари 1973 йили рус тилида нашр этилган.

А. Мец 1917 йилнинг декабрида «Мусулмон Уйғониш даври» асарини тугатишга улгурмай вафот этди. Унинг ношири Рекендорф китоб устида ишлаб, 1922 йили асар чоп этилди. Ҳинд шарқшуноси Салоҳиддин Худобахш китобни биринчи бўлиб инглиз тилига таржима қилган. Китобнинг нашр этилишида Худобахшга инглиз арабшуноси профессор Д. Марголиус ёрдам берганди. Асарнинг дастлабки етти боби 1927 йили Ҳайдаробод жаридасида босилган. Худобахш бутун умр асарни таржима қилиш билан шуғулланди ва 1937 йилдагина алоҳида китоб ҳолида нашр қилди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, инглизча таржимада асар мазмунини бузувчи жуда кўп ҳарфий ва бошқа хатолар бор. Асарнинг испан тилидаги нусхаси 1936 йили чоп этилди. 1939 йилдан бошлаб турк шарқшуноси Шамол Кёпрул уни таржима қила бошлади ва 1941 йили тугатди. Бироқ у ўз мамлакатининг шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда китобнинг ҳар қисмига ўзи сарлавҳа қўйди. Биринчи қисмнинг номи «Учение в тюрко-испанском мире» ва ҳоказо.

1940—1941 йилларда Мисрда А. Мецнинг икки тиллик арабча таржимаси чиқди. Бу китобнинг араб дунёсида пайдо бўлиши шов-шувга сабаб бўлди. Тез орада асар иккинчи бор нашр этилди. Д. Бертельснинг ёзишича, «бу икки нашрни ҳам кутубхоналаримизда топиб бўлмайди». Бироқ XX асрнинг 70-йилларида Маъруф Хазнадор Бертельсга А. Мецнинг арабча иккинчи нашрини совға қилди². Арабча таржиманинг кириш сўзи муаллифи Аҳмад Аминнинг гувоҳлик беришича, бу китобнинг қиммати унда жуда кўп манбалардан фойдалангани-ю, жуда кам муаллиф аралашувидир. Шу билан бирга А. Амин, А. Мец баъзи ҳолларда биттагина манбага таянади, холос. Бу муаллиф мақсади ва манбаларни талқин қилиш принципига зиддир деб ёзади. Шунинг учун Аҳмад Амин таржимонга А. Мецнинг араб муаллифларидан кўчирмаларини асл нусхасидан олишни маслаҳат беради. Бу жуда қийин эди, чунки А. Мец Оврупо кутубхоналарида ўнлаб араб қўлёзмаларидан кўчирмалар олган эди. Таржимон бу оғир ишнинг уддасидан чиқди. Бундан ташқари таржимон асарга араб қўлёзмалари билан ишлашга кўмак берадиган ўзининг 66 та изоҳ ва қўшимчасини киритди.

Француз арабшуноси Л. Берте (1889—1955) вафотидан сўнг

¹ Крачковский И. Ю. Б. В. Бартольд в истории исламоведения. Изд. соч. Т. V. М., 1957, С. 335.

² Крачковский И. Ю. Б. В. Бартольд в истории исламоведения. Изд. соч. Т. V. М., 1957, С. 6.

унинг архивидан бу китобнинг француз тилидаги таржимаси чиққан.

Табиийки, А. Мецнинг асари босилиб чиққач, олимлар, мутахассислар ва мутахассис бўлмаганлар, шарқшунослар ва бошқа соҳа вакиллари ўртасидаги турли баҳс, тортишувларга сабаб бўлди.

А. Мецнинг бу асари ҳақида гапирар эканмиз, унинг номи ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Муаллиф асарни «Мусулмон Уйғониш даври»—«Ислом Уйғониш даври» деб атаган—«исломдаги қанақа Уйғониш даври ҳақида гапириш мумкин?... Муаллиф ўз асари қўлёзмасини нашрга тўлиқ тайёрлашга ҳам, номлашга ва асари мазмунининг баёини тайёрлаб тугатишга ҳам улгурмаган. А. Мец китобининг сарлавҳаси йўқлиги уни ҳозиргача Мусулмон Уйғониш даври тарихи сифатида қабул қилиб келишга сабаб бўлди. Рейкендорф ўқувчилар диққатини Ренессанс ибораси қўлланилган 18-бобга (230-бет) қаратади. Бу термин шу ерда қўлланилган, холос. Асар номининг очилмай қолгани А. Мецнинг бу китоби тўғрисида ҳар кимнинг ҳар хил ёзишига сабаб бўлди. Шунга қарамай, Рейкендорф фикрича, Адам Мец X аср мусулмон давлати маданий ҳаётидаги чуқур ўзгаришларни, унинг ҳаёти ва қадимги замон маданиятига ворислик белгиларини ёзганида ҳақ эди. Назаримда В. В. Бартольднинг Оврупо Уйғониш ва мусулмон маданияти гуллаб-яшнашининг умумий белгиси юнон фанининг қайта тикланиши, деган фикри диққатга сазовор. В. Бартольднинг фикрича, «Оврупо Уйғониши» ва «Мусулмон маданияти равнаки» тушунчалари асосан бир-бирига ўхшаш, мос тушунчалардир. Шу боис ҳам унинг фикрича, китобни «Ислом дунёсидаги Уйғониш» («Возрождение в мире ислама») деб аташ тўғри бўлади.

Ўз асарларидан бирида академик И. Ю. Крачковский бундай ёзади: «А. Мецнинг сўнги асари муаллиф «Исломнинг Уйғониш даври» деб аталган ҳижрий IV асрининг (X аср) умумий қиёфасини тасвирлайди». Бошқа бир жойда И. Ю. Крачковский янада аниқроқ ёзади: «Учинчи аср (ҳижрий, IV аср)— халифаликнинг бутунлай қулаб тугаши, шу билан бир вақтда араб маданиятининг энг гуллаб яшнаши— А. Мец шогирдларидан бири айтганидек, «исломнинг Уйғониш давридир»¹.

Ваҳоланки, Н. И. Конраднинг фикрича «Уйғониш» нафақат Оврупо, балки барча мамлакат ва халқларга хос бўлган жараён, бироқ цивилизациялашган халқлар тараққиётининг маълум бир пайтида юз берадиган жараён. Жаҳон тарихини ўрганиш шуни кўрсатаптики, Уйғониш даври узоқ даврлар мобайнида тараққий этиб келаётган турмуш маданиятига эга бўлган халқлар ҳаётида юз беради². Шу боис Шарқ Уйғониш даври муаммоси узоқ, чуқур ва изчил тадқиқотни талаб қилади. Шундай қилиб, Ф. Энгельс айтганидек, ҳеч қанақа ном Уйғониш даврининг мазмунини тўла қамраб ололмайди³.

¹ Крачковский И. Ю. Изд. соч. Т. IV, с. 171.

² Конрад И. И. Послесловие в кн. В. К. Чалоян. С. 161 (А. Мец. С. 11.)

³ Энгельс Ф. Диалектика природы К. М. и Ф. Э. Соч. Изд. 2. Т. 20 с. 343.

III БО Б. МУҒУЛЛАР БОСҚИНИ ВА XIII—XIV АСРЛАРДАГИ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА УРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

1. УРТА ОСИЁДА ҚОРАХОНИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ (XI—XII АСРЛАР) ТАРИХШУНОСЛИГИ

Сўғдлар давридаги Мовароуннаҳри яъни сўғдларнинг Зарафшон воҳаси ва Қашқадарёга ҳукмронлик қилган даврини қорахонийлар ҳукмронлиги даврига солиштириб ҳам, қарама-қарши қўйиб ҳам бўлмайди. Гап шундаки, VIII—IX асрларда туркий уруғлар Фарғона ва Шошга шиддат билан кириб кела бошлади. Фарғонада қарлуқ, Шошда ўғуз уруғининг мавқеи кучли эди. Ибн Ҳавқал (X аср) нинг ёзишича, исломни қабул қилган минглаб турк сулолалари шарқдан Фораб, Шош оралиғидаги, яъни Чимкентнинг жануби-ғарбий қисмидаги районларга кўчиб ўтдилар¹. XII аср тарихчиси Тоҳир Марвзий «Шараф аз-Замон» асарида «ғузлар ислом вилоятларига қўшни бўлгач, уларнинг кўпи ислом динини қабул қилиб, туркман деб атала бошланди. Улар билан ислом динини қабул қилмаган ғузлар орасида душманлик пайдо бўлди. Ғузлар орасида мусулмонлар кўпайиб, исломнинг таъсири кучая борди. Мусулмонлар динсизлардан устун келиб, уларни Хоразмдан кўчманчи печенеглар — бажноқлар яшайдиган ҳудудларга сиқиб чиқардилар. Сўғдийлар ва туркий уруғлар алоқаларининг кучайиши уларнинг бир-бирига ўзаро таъсирини кучайтирди. Туркий уруғларнинг кучли таъсири остида сўғдийлар ўзларининг этник ажралишини йўқотиб, орада қуда-андачилик, ўзаро муносабатлар пайдо бўлди ва у тилдаги ва маданий-маиший тўсиқларни йўқотди. XI асрнинг тилчи олими Маҳмуд Қошғарий ҳам — «Девону луғати турк» асарида бу табиий жараёни таъкидлаб ўтган. У ўша даврда «ҳам туркий, ҳам сўғдийча, фақат турлича гапирувчи кишилар бўлгани, лекин фақат сўғдийча сўзловчи кишилар бўлмагани» ни ёзади². Фикримизча, фақат юқоридаги каби бир белгига қараб, сўғдийларнинг Урта Осийдаги элатларнинг бири сифатидаги мавқеини йўқотган дейиш нотўғри бўлур эди. Бунинг устига XI асрда сўғдий деб сўғдийча сўзлайдиган кишиларнигина тан олишган деган фикрга ҳам қўшилиб бўлмайди. Ахир улар жисмоний жиҳатдан йўқолиб кетишгани йўқ, бироқ уларнинг авлодлари туркийлар билан қўшилиб бирикиб кетган, деган фикрлар ҳам бор. Ким кимга айланиб кетган, ҳалиям исботлангани йўқ. Бироқ буларга қарамай Маҳмуд Қошғарий ўта инсонпарвар ва қалбан байналмилалчи эканини кўрсатди. У халқлар ассимиляциясини эмас, уларнинг ташқи душманга қарши бирикишини, кишиларнинг ҳақиқат ва адолат йўлда бирлашишини орзу қилади ва душманлик, тарқоқлик ҳамда адолатсизликка қарши курашишга чақиради.

¹ Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жилд. Тошкент, 1950, 269-бет.

² Маҳмуд Қошғарий. Девону луғати турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов, I—III жилдлар. Т., «Фан», 1960—1963.

Шундай қилиб, XI аснинг биринчи ярми тарихчиси Ҳилол ас Сабийнинг ёзишича, сомонийларга Мовароуннаҳрнинг марказий қисмигина қолдирилган эди. Тахтга XI аср форс-тожик тарихчиси Байҳақий фикрича, ақлли ва истеъдодли Мансур ибн Нуҳ (997—999 й) ўтиргач, у халқ оммасини ўзига тўла оғдирмоқчи бўлади. Бироқ, халқ бўлаётган воқеаларга лоқайдлигича қолаверади. 999 йил Бухорода ҳокимиятни қорахонийлардан бўлган Нуҳ эгаллайди. Бухорони Наср эгаллаган пайтда Ғазна амири Сабуктагиннинг ўғли, тарихда Маҳмуд Ғазнавий номи билан машҳур Маҳмуд эди. Маҳмуд Бағдод халифаси Қодирбиллоҳдан (991—1031 й) «Ямин ад-давле ва амин ал-милла» унвони ва Хуросон ҳукмдори деган ёрлиқ олади. 1001 йилда Маҳмуд ва Наср ўртасида улар бошқараётган вилоятларнинг чегарасини Амударё бўйича белгилангани тўғрисидаги шартнома бўлишига қарамай, улкан собиқ Самарқанд феодал давлати ўрнида амалда иккита мустақил — қорахонийлар (Қашқар, Шош, Фарғона, Сўғд) ва ғазнавийлар (Шимолий Ҳиндистон чегараларидан то Каспий денгизининг жанубий қирғоқларигача бўлган, ҳозирги Афғонистон ва Шимоли-шарқий Эронни ўз ичига олувчи ҳудуд) давлати вужудга келди.

Маҳмуд Ғазнавий ўз ҳукмронлиги даврида (998—1030 й) Панжоб, Кашмир ва бошқа шимолий ҳинд вилоятларига ўн етти марта ҳарбий юриш қилди. Шундай юришлардан бирида Маҳмуд ҳинд шаҳарларидан 20 миллион дирҳам пул, 57 минг қул ва 370 фил олиб кетди. Маҳмуд Шимолий Ҳиндистонга 17-маротаба босиб борганда Ҳиндистонни шу қадар хароб қилдики, бу юрт ўз ҳолига келгунча мамлакат халқи ўн йиллар давомида эзилиб, меҳнат қилди. Бу юришлар Маҳмудни ўта кучли ҳукмдорга айлантирди.

1025 йили Самарқанд яқинида ўша даврнинг икки зўр ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавий билан Қорахоний, илехон унвонига эга Қодирхон ўртасида шахсий учрашув бўлди. XI аср форс тарихчиси Гардизий «Зайн ул-ахбор» («Хабарлар зийнати») асарида Қодирхоннинг содда ва қовушмаган қўполлиги, катта учрашув ва сарой мулозаматларига кўникмаганлиги, дипломатиянинг сирларидан беҳабар киши бўлганини ёзади. Бу иттифоқ кейинроқ Маҳмуд Ғазнавийнинг бутун Урта Осиёга ҳукмронлиги билан тугади.

Хуллас, агар Урта Осиёнинг сомонийлар даври тарихи муфассал ўрганилган бўлса, қорахонийлар даври тарихи ҳали етарли ўрганилмаган. Ёзма манбалар сиёсий воқеалар ва қорахонийлар давлатининг ички тузилиши хусусида узук-юлуқ маълумотлар беради. Тарихчилар доимо тарихий манбалар топилиб қолишидан умидвор эдилар ва Қорахонийлар чиқарган танга ва бошқа манбаларга таянардилар. Бир мисол келтирамиз. XII асрнинг иккинчи чораги бошларида Қорахонийларнинг қудратли давлати ўз қўлларида Боласоғун шаҳри билан бирга Еттисойдан то Енисей (Энасой) дарёсининг шимоли-шарқий қисмигача бўлган ҳудуд ва халқни тутиб турарди. Мусулмон манбаларида бу халқ қора-

хитойлар деб аталади¹. 1137 йили қорахонийлар Хўжанд яқинида ғазнавий Маъсудни тор-мор этишди. 1141 йилнинг 9 сентябрида Самарқанд яқинидаги Қатвон чўлида салжуқ-қорахонийларнинг лашкари тўла тор-мор этилиб, салжуқийлар султони Санжар ва Маҳмуд чекинди. Қорахитойлар Бухоро ва Марказий Мовароуннаҳрни эгалладилар. Урта Осиёда сиёсий кучлар нисбати ўзгарди. Қорахитойлар салжуқийлардан фарқали ўлароқ, қорахонийлар сулоласини йўқ қилишмади. Қорахонийлар қорахитойларнинг вассалига айландилар. Самарқанд яқинидаги Қатвон чўлидаги жангдан сўнг Самарқандда бироз вақт қочиб кетган қорахоний Маҳмуднинг туғишган укаси ҳукмдорлик қилди. Фарғона эса Шимолий Қорахонийлар оиласи қўлида эди. 1150 йилда Фарғонадаги Қорахонийлар сулоласи Самарқандни ҳам мустаҳкам эгаллади. Фарғона ва Самарқанд бирлаштирилган бўлса-да, Самарқанд давлат пойтахти ҳисобланар, Самарқанд ҳокими номига бошлиқ эди.

Қорахитойларнинг 1141 йилги ғалабаси салжуқийларни заифлаштириб ташлади. Салжуқийлар мағлубиятининг яна бир омили Хоразмнинг сиёсий марказ сифатида кўтарилиб чиққани бўлди. Хоразмни салжуқийлар ҳукмронлигидан озод этиш учун изчил курашганлардан бири Қутбиддин Муҳаммад Отсизнинг ўғли (1127—1156 йй.) эди. Отсиз бўлажак хоразмшоҳларнинг буюк давлати асосчиси эди. (Эрон салжуқлари XII аср ўрталаридан бошлаб номигагина ҳукмрон эдилар. 1156 йили Салжуқийлар давлати султони Санжар уч йиллик асирликдан сўнг пойтахт — Маррега қайтиб келди ва бир йилдан сўнг вафот этди. Унинг ўлимидан сўнг форс ва Озарбайжонда мустақил давлатлар вужудга келди. Хуросон ҳам мустақил давлат бўлиб танилди. Халифаликнинг маркази Бағдод ўз ҳокимиятини тиклади. Бу жараён хоразмшоҳлар мавқеини кучайтирди. Шоҳ Аловуддин Текеш (1172—1200 йй) қорахитойларга солиқ беришдан бош тортди. У ўлпон йиғиш учун Хоразмга келган қорахитойлар элчисини қатл эттирди. Бир неча бор бўлган жанглар натижа бермади. Фақат 1196 йилги Хоразм ва Бағдод халифалиги ўртасида бўлган жанг хоразмликлар ғалабаси билан тугади. Бироқ, халифалик диндорларга сўянарди ва шу боис Текеш жангчилари ёрдамида кенг ҳудудларга таъсирини кучайтиришга уринди. Лекин, мамлакат ичида ўзига мустаҳкам таянч топа олмади. Шунга қарамай, Урта Осиё халқларининг бу давр тарихи мўғуллар босқини арафаси даври сифатида Урта Осиёдаги XII аср охири — XIII аср бошидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволни қисқа бўлса-да, ёрқин тасвирлайди.

Текешнинг муншийси (шахсий котиби) Муҳаммад Бағдодий («Ат-гасвири ила-т-тарассул» (Муҳим номалар битиш йўл-йўриқлари) асарида ўша даврдаги аҳволни тасвирлайди ва Хоразмшоҳ Текешнинг Сирдарё вилояти ноиби Жаидга топшириғини кел-

¹ О каракитаях и их взаимоотношениях с Караханидами. См: Гафуров Б. Г. Таджики. М., 1972, С. 404.

тиради. Унда шоҳ ноибга аҳолининг турли табақалари билан тўғри муносабатларни қуйидагича ўрнатишни буюради:

1. Сайидлар (Муҳаммад авлодидан) камчилик кўрмаслиги, уларнинг эҳтиёжи ва табарруклиги даражасидан келиб чиққан ҳолда таъминланишлари лозим;

2. Имом ва уламолар қонунлардан келиб чиқилгани ҳолда совға-салом ва турли имтиёзларга сазовор этилишлари лозим;

3. Қози ва бошқарувчилар қонунга риоя этиб, адолатни талаб қилишлари керак;

4. Сўфий ва уларга яқин кишилар шундай таъмин этилсинларким, токи улар енгилмас давлатимиз учун бемалол дуо ўқисинлар;

5. Обрўли оқсоқолларга ғамхўрлик қилиб туриш керак;

6. Ноибга бўйсунувчи амалдор ва саркардаларга қатъий бошчилик қилиш, аҳолини таламасликлари учун ҳақини ўз вақтида бериб туриш зарур;

7. Худога ишонувчиларни қўллаб-қувватлаш ва уларга аҳолининг хулқини кузатиб юришни топшириш лозим.

Бу асарнинг тўла тавсифини биринчи бўлиб тарихчилардан А. А. Семёнов берган¹. У Нисо вилояти билан боғлиқ бир қатор ҳужжатларни тарихчилик ва тарихшунослик нуқтаи-назаридан тадқиқ этади. Нисо вилояти ғуз феодаллари мавқеи кучли бўлган хоразмшоҳлар давлатининг жанубий ҳудудлари ҳаётида катта сиёсий аҳамиятга эга эди. Хоразм шоҳи Текеш, Муҳаммад Бағдодининг гуғоҳлик беришича, ғуз феодаллари етакчиларидан бири — Тўғон шоҳга вилоятнинг бир неча катта туманларига тўла хўжайинлик қилиш ҳуқуқини берганини ёзади. Бу ёрлиққа асосан бу жойлардаги диндорлар, қози, уламолар, бойлар, «лашкарбошилар», ер эгалари ва бошқа табақа кишилари унга бўйсунарди. Бу ҳужжатда, шунингдек, аёллар номуси, аҳолининг мулки ва ҳаётини, мол-мулки хавфсизлигини ҳимоя қилиш ва бошқа тадбирларни қўллашга ҳам чақирилади. Бу ерда бизнинг эътиборимизни манбанинг ёши 700 йил атрофида экани тортади ва уни ўрганишга жиддий муносабатда бўлиш зарур. Бироқ ҳанузгача тарих фани бундай тадқиқотга эга эмас.

2. XI—XIII АСР БОШЛАРИ МАДАНИЯТИ

XI—XIII аср бошида Ўрта Осиёда товар-пул муносабатлари жуда ривожланганлиги маълум. Бу жараён Ўрта Осиёнинг энг чекка, хусусан тоғли районларини ҳам қамраб олган эди. Бу Ўрта Осиё халқлари маданияти аҳволига ҳам таъсир кўрсатди. Бизгача XI—XIII аср бошига тааллуқли моддий ва маънавий маданиятнинг анчагина тарихий-маданий ёдгорликлари етиб келган. Улар орасида ҳашаматли меъморлик ёдгорликлари алоҳида ўрин эгаллайди.

¹ Семёнов А. К вопросу об этническом и классовом составе северных народов империи хорезмшахов в XI в. н. э. (по актам того времени) ИООН. АН Тадж. ССР, Сталинабад, 1952, т. II, с. 17.

Мусулмон Уйғониш даври қурилаётган у ёки бу минтақанинг тараққийетини тақозо этади. Агар сақланиб қолган маданият ёдгорликларини сарой, масжид, ҳонақо, ҳаммом ва бошқалар қурилиши ҳақида маълумотлар билан солиштирадиган бўлсак, биз Урта Осиё тарихи ва тарихшунослигининг қуриб чиқаётган даври — XI—XIII аср бошлари қурилиш, шаҳарларнинг кенгайиши ва ривожланиши, товар ишлаб чиқариш, савдо ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, гуркираган, иқтисодиётининг умумий кўтарилиши тезлашган даври эди. Яна бу даврда шаҳар қурилиши мукаммаллашди, янги лойиҳа — режалар мрамар, металл, ганч, лой ва ёғочдан ясаладиган ёдгорликларнинг безатилиши соҳасидаги муваффақиятларга эришилди. Катта қурилишларда бу даврда мрамар ва шиша ғишт кенг қўлланилса-да, бироқ лой (пахса), ҳом ғишт ва ганч ҳам айниқса, қўрғон, сарой ва бошқа қурилишларда ишлатилади. Улар жумласига Тожикистоннинг Исфара ноҳиясидаги Қалъаи Болони (VI—VIII асрлар) киритиш мумкин. У (X—XII асрда) қайта қурилган ва мустақкамланган.

Бу даврда саройлар қуриш жуда кўпайди. Улар жумласига Хутталон ҳукмдорининг Термиздаги, Ғазна амирларининг шаҳар атрофидаги лашкари бозордаги саройларини киритиш мумкин.

Бизнингча, масжид, минора, айниқса, мавзолейлар каби маданий ёдгорликлар кўпроқ сақланиб, етиб келган.

X—XIII аср бошларидаги сиёсий ўзгаришлар Урта Осиё халқлари фани ва маданиятига таъсир кўрсатмай ўтмади.

Маҳмуд Ғазнавийнинг улкан давлати — марказий феодал давлатининг вужудга келиши фан ва маданиятнинг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди. Ғазнавийлар даврида араб тили кенг қулоч ёзди. Ғазнавийлар девонида аввал дарий тилида иш юритиларди. Кейин араб тили киритилди. Оқибатда форс тилига араб тили унсурларининг киришига таъсир кўрсатди. Маҳмуд Ғазнавий ўз саройи теварагига шоиру ёзувчиларни, тарихчи ва бошқа илм аҳлларини тўплаган эди. Саройда қасида жанри ривожлана борди. Балхлик Абдулқосим Ҳасан ибн Аҳмад Унсурий (X асрнинг 60-йилларида туғилиб, 1039 йилда вафот этган) қасида устаси бўлиб, у мураккаблашган риторик образларга бой қасидачиликнинг янги услуби асосчиси эди. Абдулҳасан Али Фарухий (1038 йилда вафот этган) ва Абдулхожи Аҳмад Манучехрий (1041 йилда вафот этган) кўзга кўринган сарой ёзувчи ва шоирлари эдилар. Улар асосан сомонийлар даври анъаналарини давом эттиришди.

Мовароуннаҳрнинг бу давр адабий ҳаёти бир қанча истеъдодли шоир ва адабиётшунослар ижодидан ҳам баҳраманд бўлди. Асиридин Ахсикатий (1172 йилда вафот этган), Сўзоний Самарқандий (1173 йилда вафот этган), Рашидиддин Самарқандий, Асодий Тусий, Носир Хусрав, Умар Ҳайём, Фахриддин Гургоний, Хўжа Аҳмад Яссавий, Анварий, Маъсуд Саъд Салмон, Муиззий, Собир Термизий ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бу даврда тасаввуф таълимоти кенг тарқалди. Сўфийликнинг назарийчилари файласуф Муҳаммад Ғаззолий ва унинг мистик —

гойбот руҳдаги, илоҳий ишқнинг алоҳида сўфийлик йўналишини яратган укаси Аҳмад Ғаззолий ҳамда сўфийлик йўналишидаги машҳур шоирлар, Абдуллоҳ Ансорий Хиравий (1006—1077 йй), Абдулмажид Саноний (1050—1131 йй), Фаридиддин Аттор (1142—1220 йй) лар эдилар.

Ўрта асрнинг қомусчилари Абу Али ибн Сино ва Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Берунийнинг (973—1048 йй) ижоди ҳам шу даврга тўғри келади.

XI асрда тарихшунослик ривожланишини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Улар жумласига Абу Наср Утбийнинг (Маҳмуд Ғазнавийнинг сарой тарихчиларидан бири) «Тарихи Яминий» асарини киритиш мумкин. Утбий — Маҳмуд Ғазнавийни кўкларга кўтариб мақтаб, отаси Сабуктегиннинг ҳаётидан кўплаб воқеалар келтиради, уларни қиёслаб, ўша давр тарихий воқеаларини тасвирлайди.

Ғазнавийлар даврининг энг йирик тарихчиларидан бири Абу Саид Гардизий ҳисобланади. У «Зайн-ул-ахбор» («Хабарлар зийнати») тарихий-дидактик асарнинг муаллифидир. У 1048—1052 йиллар орасида ёзилган. Гардизий ўз даврининг тарихчи ва тарихшуноси сифатида шу асарида олдин ўтган тарихчиларнинг асарларини таҳлил қилади. Улар орасида Табарий, Наршахий, Утбий ва бошқалар бор.

Ғазнавийлар даврининг буюк тарихчиси Абул Фазл Байҳақий (995—1077 йй) 30 жилдли форс-тожик тилидаги тарихий асар муаллифидир. Бу қомусий асардан бизгача Султон Маъсуднинг подшоҳлиги даври ва ўша давр воқеалари тасвирланган бир неча титилган, чала жилдлар сақланиб қолган, холос. Улар «Маъсуд тарихи» ёки «Тарихи Байҳақий» деб аталади.

3. «МАЪСУД ТАРИХИ» («ТАРИХИ БАЙҲАҚИЙ») АСАРИГА ДОИР СОВЕТ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Академик В. В. Бартольд ёзади: «Абул-Фазл Муҳаммад Ҳусайн Байҳақийнинг асари мусулмон тарихий адабиётида алоҳида ўрин тутади»¹. Абул-Фазл Байҳақий (тахминан 994—1079 йй) давр тақозоси билан тарихшуносликда қадимдан шаклланиб келган анъаналар доирасидан чиқолмас эди. Бироқ, шунга қарамай у ўша давр хусусида тўлароқ маълумот беришга ҳаракат қилган. «Менинг ниятим одамларга султон Маъсуд ҳақида ҳикоя қилиб беришдангина иборат эмас, чунки улар бу воқеаларни ўз кўзлари билан кўрганлар ва билурлар. Менинг мақсадим муносиб йилнома битиш ва улуғвор иморатни шундай юксакликка кўтаришки, токи у ҳақдаги хотиралар асрлар сўнгида ҳам сўнмасун. Ёлғонга ўхшаш бир нарсани битиш ноўрин бўлур эрди»².

¹ См. Абул-Фазл Байхаки. История Маъсуда (1030—1041 гг.). Перевод персидского, введение, комментарий и приложения А. К. Арендса. Изд. 2-е дополненное, М., 1969, с. 15.

² Уша асар, 19-бет.

Демак, ўша даврдаги мавжуд тарихчилик уни қаноатлангирмаган ва у одатдаги қонун-қондаларни бузиб, тарихчиликка бир қатор янгиликлар киритган. Ва бу унинг асарини олдинги асарлардан анча юқорига кўтаради. Ўзигача бўлган тарихшуносларга баҳо берар экан, Байҳақий ёзади: «Бошқа йилномаларда бундай қамров йўқ, чунки улар воқеалар ҳақида жўн фикрлайдилар ва жуда кам қисми ҳақида маълумот берадилар. Камина эса бу асарни битар эканман, тарихни тўлиқ баён қилмоқчиман, токи юз берган ҳодисалардан ҳеч қайсиси очилмай қолмасин» (81-бет).

Бу билан у нафақат тарихчилик доирасини кенгайтириб, унга янги мазмун киритди, балки унга янги шакл ҳам бахш этди.

Байҳақийнинг юқорида келтирилган сўзларидан кўриниб турибдики, у ўша давр қондасига кўра ёзиш одат бўлмаган воқеа-ҳодисаларни ҳам муфассал ёритган. Шунинг учун ҳам Байҳақийнинг «Тарихи» да воқеа-ҳодисаларнинг олдинги тарихчилардаги каби қуруқ айтиб ўтилиши йўқ. Аксинча, асардаги унвонли машҳур зотлар кўз олдимизда жонсиз қўғирчоқлар каби эмас, балки ўз қизиқишлари, ҳиссиётлари, камчиликларига эга жонли тарихий шахслар бўлиб гавдаланади. Байҳақий тарихан етилган йирик ҳодисаларга бевосита туртки ва сабаб бўлувчи, бундай қараганда арзимас майда факт ва ҳолатларнинг аҳамиятини яхши тушунади¹.

Ғазнавийлар девонидаги 25 йиллик давлат хизмати муаллифни кўплаб тарихий воқеаларнинг гувоҳига айлангирди. Унинг қўлидан қанчалаб дипломатик, элчилар билан бўлган махфий шифрланган ёзишмалар, ноиблар ва бошқа хуфя ва нохуфялар билан бўлган ёзишмалар ўтган. «Мен ўзим халифага, Туркистон хонлари ва бекларга юбориладиган номаларни оққа кўчирар, махфий ахборотларни ўзим ечардим². Бу унинг асарини холис, ишончли, обрўли манбага айлангирди ва унга кейинги аср тарихчилари кўп бора мурожаат этишарди,— деб ёзади А. Арендс. Илгари муаллифнинг номини кўрсатмай кўчирма олишарди. Бугунги кунда Абул Ғазл Байҳақийнинг асарига суянган ҳолда кейинги тарихчилар томонидан йўл қўйилган кўплаб ноаниқлик ва хатоларни тўғрилаш мумкин³.

Ғап шундаки, Байҳақий бу ҳужжатларнинг нусхаларини тўплаб борган ва уларни ўз архивида сақлаган. Бироқ, хизмати охирларида у омадсизликка учради, уйи таланиб, архив тортиб олинди. Шу боис муаллиф бу ҳақда «Маъсуд тарихи» асари давомида қайта-қайта афсус чекади⁴. Шунга қарамай, охир-оқибатда у кўп ҳужжатларни тиклашга муваффақ бўлган ва ўз асарида фойдаланганки, бу асар қимматини оширади. Асарнинг бизгача учдан

¹ См. Абул-Ғазл Байҳақи. История Маъсуда (1030—1041). Перевод с персидского, введение комментарий и приложения В. К. Арендса. Изд. 2 е, дополненное М., 1969, С. 19—20.

² Ўша асар, 388-бет.

³ Ўша асар, 21-бет.

⁴ Ўша асар, 381-бет.

бир қисми етиб келган, қолган қисми анча илгари йўқолган. Бироқ, омон қолган қисми унинг бебаҳолигидан гувоҳлик беради ва тадқиқотчилар ҳақли равишда уни мўғуллар даврининг машҳур тарихчилари Алоиддин Ота Малик Жувайнийнинг «Тарихи жаҳон-кушон» ва Фазлуллоҳ Рашидиддиннинг «Жомеъ ат-таворих» асари билан бир қаторга қўядилар.

Абул Фазл Байҳақий форс ёки дарий тилидаги тарихшуносликнинг бошловчиси эмас. Бу тилда аллақачонлардан бери ёзиб келишарди. Бу даврга келиб, тарихчиликнинг ўзига хос — қисқа, аниқ холис риторикасиз (жимжимадорликсиз) тили шаклланган эди. Урта Шарқ мамлакатларидаги тарихчилик, юқорида таъкидлаганимиздек, узоқ вақт араблар ҳукмронлиги бошлангандан кейин ҳам шоҳлар ҳаёти, уларнинг режа (ва юришларини ёзиб боришдан иборат бўлиб қолган эди. Халқ ҳаракати эса (Наршахийнинг Муқанна қўзғолони ҳақидаги ҳикоясини эсланг) қанчалик кенг тарқалмасин, бузилган ҳолда талқин этиларди. Халқнинг маданий-маиший ҳаёти, ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳақида деярли ёзилмасди. Абул-Фазл Байҳақий тарихчининг вазифасини бутунлай бошқача тушунтирди. Шу нарса унинг асарини юксакликка кўтарди.

Байҳақий асарининг омон қолган қисми Маъсуд подшолик қилган давр тарихини ёритувчи энг нуфузли асардир. Унда Саффорийлар ва Сомонийлар давлатлари тарихига оид, туркман уруғларининг салжуқийлар қўли остига бирлашувига оид қизиқарли кўплаб маълумотлар бор. Байҳақийнинг асари айниқса, Урта Осиё халқлари тарихини тиклаш учун катта аҳамиятга эга. Муаллифнинг Ғазнавийларнинг Урта Осиё хонлари, Хоразм, Туркманистон билан муносабатлари хусусидаги маълумотлари айниқса муҳимдир.

Меҳнатқаш деҳқон ва ҳунармандларнинг ҳаёти бевосита тасвирланмаса-да, Байҳақий улар тўғрисида бебош шоҳлар зулми, ўлпончи амалдорлар шафқатсизлигини ёритиш орқали беҳато фикр юритади. Ўлпонлар ва қўшимча оғир солиқлардан ташқари, шоҳ саройига катта-катта совғалар юборилиб турилиши шарт эди. Масалан, 625—1034 йили солиқлардан ташқари, тўрт миллион дирҳамлик совға йнғиб жўнатилды¹.

Абул-Фазл Байҳақийнинг ҳаёт йўли ҳақидаги маълумотлар жуда кам. Унинг ҳамюрти, адабиётда ибн Фундук номи билан маълум Абулҳасан Али Байҳақийнинг асари бу ҳақдаги асосий манба ҳисобланади. «Маъсуд тарихи» дан кейин юз йиллардан сўнг маълум (1167—1168) бўлган бу асарда Абул-Фазл тўғрисидаги муаллифга маълум барча маълумотлар жамланган. Бироқ, бу маълумотлар узуқ-юлуқ ва ноаниқ бўлган. Шунга қарамай, ундан «Аш-шайх Абул Фазл Муҳаммад Ҳусайн ал котиб ал Байҳақий»нинг тахминан 994 йилларда Сейистонда туғилгани, унинг отаси Султон Маҳмуднинг йирик амалдори бўлгани ва 470 йил-

¹ Абул-Фазл Байҳақи. История Маъсуда... с. 22—23.

нинг сафар (1077 йилнинг август-сентябри) ойда вафот этганини билиб олиш мумкин. «Маъсуд тарихи» сўз бошисидан ҳам кўриниб турибдики, Абдул-фазл нафақат қондош халқлар тарихи, балки исломнинг фалсафий асослари ва фикрдан арабча таржималар орқали, Арасту (Аристотель) ғоялари ҳамда Гиппократ тиббиёти билан ҳам таниш бўлган. У 25 ёшларида, яъни 411—1021 йиллар атрофида Ғазна давлат девонига Абу Наср Мишкан қўл остига ишга олинади ва Абу Насрнинг ўнг қўлига айланади. Абу Наср Мишкон вафотидан сўнг, девонга Абу Саҳл Завзаний бошлиқ бўлади. У Байҳақийни ёқтирмасди. Бу келишмовчилик ва сарой найранглари ҳамда Абдул-Фазлнинг барча сиёсий адашувлари уни давлат хизматидан кетишига сабаб бўлди. Ўзининг гувоҳлик беришича, орадан 20 йил ўтгач ҳам бу воқеалар уни таъқиб қилди ва у давлат хизматига бошқа қайтмади.

Ибн Фундукнинг маълумотларидан, шунингдек муаллифнинг ўзи тарихий асарига қандай ном берганини ҳам аниқлаш қийин. Ибн Фундуқ уни «Тарихи Оъли Маҳмуд», «Маҳмуд сулоласи тарихи» деб атаган. Бироқ бу китобнинг асосий номи эмас. А. К. Арендс русча нашр этган А. Байҳақийнинг «Тарихи Маъсудий» асари шарқшунослар ўртасида кўпроқ «Тарихи Байҳақий» номи билан машҳур. Бироқ, бу унчалик муваффақиятли чиқмаган, чунки уни кўпинча «Тарихи Байҳақ» («Байҳақ ўлкаси тарихи») билан чалкаштириб юборишади¹.

Ибн Фундукнинг айтишича ҳам Байҳақийнинг асари 30 жилдан иборат экан. Шундан бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи жилдларнинг охири ва ўнинчи жилднинг бош қисми сақланган. Улар Маъсуд подшоҳлиги даврини деярли қамраб олади. «Мен бир неча ўн табоқларга жам бўладиган эллик йиллик тарихни битаётурман»²— деган эди муаллиф. Бошқа пайтда муаллиф: «Маҳмуд Варроқ»³ битишни бас қилди, мен шу даврдан — (тўрт юз) тўққизинчи йилдан («Тарих»имни ёза бошладим — деганди (350 саҳифа).

Шундай қилиб, Байҳақийнинг ўзи нечта асарини Ғазнавийлар асосчиси Сабуктегиндан эмас, балки 409 (1019—1020) йилдан, яъни Султон Маҳмуд ҳукмронлигининг 21-йилидан бошлаб ёза бошлаганининг сабабини баён қилган. Чунки, унгача бўлган даврни икки тарихчи, Маҳмуднинг сарой тарихчиси Абу Наср Муҳаммад Утбий «Китобу-л-Иаминий»⁴ асарида 409—411 йилларгача бўлган воқеаларни баён қилган. Иккинчиси, афтидан, юқорида тилга олинган Маҳмуд Варроқ. У «бир неча минг йилликлар

¹ См: Абул-Фазл Байхаки» История Маъсуда» С. 41.

² Уша асар, 41- бет.

³ Крачковский И. Ю. Ал Беруни и географы XI в. на Востоке. т. IV. с. 245.

⁴ Сочинение Утби было два раза издано в Индии: Шпрингером в 1847 г. в Дели и Хамид ад-Динном в 1883 г. в Лахоре. В 1286/1869 г. был опубликован текст истории Утби с комментариями Шейха Манини. В 1958 г. в Тегеране была издана литография персидского перевода «Китоб ал-Иамини», исполненного в начале XIII в. Абу Шариф Насром Джурбадакани. С персидского перевода был сделан английский перевод. Итак, книга Утби названа по титулу султана Махмуда «Десница державы». (см. Тарихи Маъсуди, с. 66).

тарихини ёзган» ва 409 йилга келиб, ўз қаламини «ташлаган», бунинг оқибатида Абул Фазл ўз «Тарих»ини ёза бошлаган. Демак, муаллиф «Маъсуд тарихи» ни 1056 йил 10 июлда ёки 1059 йилнинг апрелида бошланган дейди. А. К. Арендснинг ҳисобича, у ҳозирги ҳисобда 11 босма табоқ асар ёзишга улгурган. 1063 йилларда ҳам у ёзаётгани маълум бўлса-да, асарни қачон тугатгани маълум эмас.

Муаллифнинг бошқа манбаларга ҳалол ёндошганини қуйидаги далиллардан ҳам айтиш мумкин. Жумладан, у шундай ёзади: «Аббосий халифалар ҳақида ёзишларича... (513 бет) ёки «Мен, Абул-Фазл кўплаб китобларни, айниқса ривоятларни кўриб чиқдим ва улардан фойдаландим». (272-бет), ёки «тарихий манбаларда айтиладики...» ва ҳоказо. Масалан, Хоразм ҳақидаги қизиқарли бобда у шундай ёзади: «Шу пайтгача узоқ вақт мен устоз Абу Райҳон қўли билан битилган китобни кўрганам йўқ эрди. Алар сўзамолликда ва ҳодисалар моҳиятини англашда ўта моҳир киши эрдилар... ҳеч нарсани билмай битмасдилар. Мен бу нарсаларни шу боис ёзаётирманки, токи «Тарих» имни ёзишда нақадар эҳтиёт билан иш тутганим намоён бўлғай» (807-бет). Биз учун Байҳақийнинг Беруний китобларини кўрганлиги хусусидаги маълумотлари ҳам жуда қимматлидир. «Маъсуд тарихи»нинг барча нусхаларида Берунийнинг бизгача етиб келмаган бу асари «Машоҳир Хваризм» («Хоразмнинг таниқли кишилари») деб ёзилган. Бундан ташқари «Китоб тарих айами-с-султон Маҳмуд ва ахбори абих» («Султон Маҳмуд ҳаёти тарихи ва унинг отаси ҳақида хабарлар») ва «Китоб ал-мусамара фи ахбор Хваризм» («Хоразм тўғрисидаги хабарлар хусусида суҳбат») каби номлардан ҳам маълумки, булар шубҳасиз Берунийнинг бизгача етиб келмаган ўша китобининг номланишларидир. Бизга бошқа нарса муҳимроқ: Агар Беруний Хоразм тарихини араб тилида ёзган бўлса, унда бу тилни яхши билган Абул Фазл Байҳақий ушбу асардан яхши фойдаланган. «Беруний китобини бундан анча аввал кўрган эдим...» деб ёзган муаллиф султон Маҳмуднинг Хоразмни босиб олишигача ва кейинги, тахминан 1018—1020 йилларгача бўлган воқеалар баён қилинган юқоридаги асар материалларидан хотирага келганича, кенг фойдаланган. Бундан ташқари, Байҳақийнинг айтишича, у ўрта форс тилидан ибн Муқаффа таржима қилган «Хувот ал-намоғ» ва «Кутуб сийар ал мулук Ажам» («Эрон шоҳлари ҳаёти ҳақидаги китоб») асарларидан фойдаланган.

А. К. Арендснинг «Тарихи Байҳақий» асарининг муаллиф матни тарихини жонлаштириш ва унинг ривожи босқичларини аниқлаш ҳозир зарур маълумотлар йўқлиги боис, мумкин эмас» деган сўзлари тўғридир. Афтидан, асарнинг етишмаётган жилдлари китоб бойликларимизга катта зарар келтирган мўғуллар босқини даврида йўқолган. Бу йўқолган қисмлардан парчалар мўғуллардан қочиб Урта Осиёдан Шимоли-ғарбий Ҳиндистонга кетиб қолган Муҳаммад Авфийнинг «Жавомеъу-л-ҳикоёт» китобида кўпроқ сақланиб қолган. А. К. Арендснинг айтишича, бу асарнинг бизнинг давримизда шарқшунослар ўрганаётган энг қадимги қўлёзмалари XVII

асрга мансубдир. Шарқшунос Ч. Ръё Британия музейидаги XVI аср қўлёзмалари саналарини аниқламоқда. «Тарихи Байҳақий» нинг қўлёзма нусхалари кўп эмас. Уларнинг бир қисми Европанинг турли кутубхоналарида, Эрон, Туркия, Миср ва Ҳиндистонда, баъзилари хусусий-шахсий кутубхоналарда сақланмоқда. Уч нусхаи Ленинградда сақланмоқда ¹.

Инглиз шарқшуноси В. Морле бу китобни биринчи бўлиб Калькуттада 1869 йили нашрдан чиқарди. Китоб Бенгалиянинг Осиё жамияти сериясида босилди. Орадан йигирма беш йил ўтгач, «Маъсуд тарихи» литография усули билан Техронда нашр этилди. Уни Эрон олими Адий Пешаворий нашр қилди. Шундан кейин Байҳақийнинг асарини «унутиб» қўйишди. Фақат В. В. Бартольдгина «Туркистон мўғуллар истилоси даврида» асарида ундан кенг фойдаланди. Кейин яна жимлик чўкди. 1319/1941 йилга келибгина адабиётшунос ва ёзувчи Саид Нафисий унинг биринчи жилдини Техронда нашр эттирди. Иккинчи жилд 1325/1947 йилда, охириги жилд эса 1332/1954 йили босмадан чиқди. Саид Нафисийнинг бу нашри олдингилардан сифатлироқ бўлса-да, бироқ у Морленинг инглизча нашрига асосланган. Айни вақтда у Пешаворий нашр этган икки нусхадан ҳам фойдаланган. Бу даврга келиб, яъни 1945 йилда Техрон дорилфунуни профессорлари Ғани ва Фаёз «Тарихи Байҳақий» нинг матнини босиб чиқаришди. Бу нашр анча ишончлидир.

В. Бартольд асарларини ҳисобга олмаганда, то 1962 йилгача «Тарихи Байҳақий» тўлиқ Оврупо тилларига ўгирилмаган. Шу боис А. К. Арендс русчага ўгиришда Ғани ва Фаёзнинг 1945 йилги нашри матнига асосланди. Иккинчи нашрда яна ўзгаришлар бўлди. Унда кириш қисмига қўшимчалар киритилди, баъзи жойлар, айниқса, иборалар таржимаси аниқлаштирилди. Қўшимчаларда йўқолган жилдларга тегишли қисмларнинг янги топилганлари бор. Бундан ташқари, яна Байҳақий асарида тасвирланган тарихий воқеаларга алоқадор «Мақомати хожа Абу Насри Мишкан» асарида ҳам шу воқеаларни тўлдирувчи айрим парчалар иккинчи нашрга киритилди.

2 4. «XIII АСРДА МОВАРОУННАҲР ВА ХОРАЗМ МЎҒУЛЛАР ЗУЛМИ ОСТИДА» МАВЗУИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Мўғуллар босқини Ўрта Осиё халқларига чексиз кулфат ва фожиялар олиб келди. Мовароуннаҳр шаҳарлари харобага айланди, ҳунармандчилик ва савдо инқирозга учради, дала-ю водийлар бўшаб, ҳувиллаб қолди.

К. Маркс мўғуллар зулми «нафақат эзар, ҳақорат этар, балки босиб олган халқ қалбини қовжиратар эди. Мўғул-татарлар мунтазам террор режимини ўрнатишди, талаш ва оммавий қиргинлар уларнинг доимий бошқарув қуролига айланди» деб ёзган эди ².

¹ Рук. ПНС-125 и ПНС-126. Госбиблиотека им. Салтыкова-Щедрина. с. 398. Лен. отд. ИВ. АН. СССР.

² Маркс К. Хронологические выписки. В кн. Архив Маркса и Энгельса. Т. V, VI., М., 1939.

Шарқнинг энг йирик ва қадимий ўчоғи Самарқанд, мўғуллар босқинига қадар жуда катта шаҳар эди. Самарқанд орқали Чингизхон ҳузурига борган Хитой роҳиб Чан-Чуннинг сўзларига қараганда, мўғуллар босқинидан сўнг шаҳарда 25 минг оила, олдинги аҳолининг чорак қисми қолганди, холос. Демак, илгари бу ерда 100 минг оила, яъни 400 мингдан ошиқ киши яшаган. 30 минг ҳунарманд Мўғулистонга олиб кетилиб, мўғул шаҳзодаларга тарқатилган эди.

Муаммонинг тарихшунослик жиҳатига қайтамиз. Хитой роҳиб Чан-чуннинг ҳикоясига шарқшунослардан биринчи бўлиб, Бартольд эътибор берди. «Туркестанское востоковедение» жаридасининг 1894 йил, 43—44-сонларида унинг «Туркистон ўлкаси XIII асрда» (Хитой саёҳатчисининг ҳикояси асосида) мақоласи эълон қилинди. Бу мақоладан саёҳат йўналишини аниқлаш мумкин эди. У қуйидагича: Чу ва Талас дарёлари, Сайрам, Сирдарё, Мирзачўл, Зарафшон, Самарқанд (1221 йил декабрь — 1222 йил апрели охири), Кеш ва Амударё орқали ўтиб, Чингизхон қароргоҳига етиб борган. Қайтишда Чан-Чун Чингизхон ортидан кетган. Бартольд «X асрдан то XIII асргача (Чан-Чунгача) бўлган даврга тегишли Туркистон хаётини муфассал ёритувчи биронта маълумотга эга эмас эдик. Чан-чуннинг маълумотлари шу жиҳатдан мамлакатни ўрганиш учун қимматлидир» деб ёзади¹.

Шу ерда В. В. Бартольднинг тарихий асари — «Туркистон мўғуллар босқини даврида» докторлик диссертациясига ҳам тўхталиб ўтиш зарур². Асарнинг кириш қисмида муаллиф китобининг номи мазмунига тўлиқ келмаслигини ёзади. Муаллиф махсус тадқиқот учун мўғуллар босқини даври, Урта Осиё тарихининг муҳим даврини олган. Урта Осиёнинг шундан аввалги асрлар тарихига эса ўзининг мақсади учун зарур бўлгани қадар мурожаат қилмоқчи эди. Бироқ, мавзуга оид адабиётлар билан танишув муаллифга ўзигача бўлган тадқиқотчиларнинг манбалар бўйича хулосалар қилмаганликларини кўрсатди. Уларсиз эса мўғуллар келганда Урта Осиё қай аҳволда эканлигини аниқлаш мушкул эди.

Муаллифнинг фикрича, бу китоб илк бор Урта Осиё тарихини манбалар асосида, ижтимоий ва маиший шароитларга эътибор берилган ҳолда ёритади.

Асар «Кириш», «Тўртта боб ва иловадан иборат. «Кириш» — бу тарихшунослик, у араб тарихчи ва жуғрофийонларидан тортиб, то темирўйларнинг тарихчиларигача бўлган тарихшуносларнинг Урта Осиё тарихига бағишланган манбаларга берган баҳоси ва танқидий шарҳига бағишланган. Монографиянинг биринчи қисмида В. Бартольд XI—XV аср тарихий манбалари, таржималари ва кўчирмаларини келтиради. Улардан энг муҳимлари қуйидагилар:

¹ Умняков И. И. Аннотированная библиография трудов академика В. В. Бартольда. М., 1976, с. 32.

² Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Ч. I. Тексты Соч. 1898, С. 201 Рек: М. ... VI, 1903 Ч. II. Исследование Соч.

1. Гардизий (XI аср). «Зайнул-ахбор». Матнда қўлёзмадан алоҳида кўчирмалар келтирилган. Масалан: Харис б. Сурайж қўзғолони, Амир б. Жамол, Тоҳир б. Абдуллоҳ, Яқуб б. Лайс ва Амир б. Лайс ҳақидаги кўчирма;

Амирнинг лашкарини кўриқдан ўтказиши, фуқаро бошқаруви ҳақидаги, сомонийлар ва уларнинг ҳукмдорлиги, Аҳмад б. Сахл ҳақидаги, Абу Али Чағонийнинг ҳаракатлари; Сурхон воҳасидаги шаҳарлар, симжурийлар ҳақидаги; араб амирларининг Туркистонни олиши, Маҳмуд Ғазнавий ва қорахонийлар тўқнашуви, Маҳмуднинг Хоразмдаги ҳарбий ҳаракатлари ҳақидаги. Маҳмуднинг Қашқар хони Қодирхон билан учрашуви тасвири бошқа кўчирмалар шулар чизмасидандир.

2. «Мужмал ат-таворих ва-л-қисас». XII асрда ёзилган бу асарнинг муаллифи номаълум. Бартольд ундан Ёфаснинг ўғли Туркнинг ватани Иссиққўл атрофидаги жой экани хусусидаги ривоят ва Шарқ ҳукмдорлари унвонларининг рўйхатини келтиради.

3. Ал-Ғарнотий (XII аср). «Китоб тухфат ул-албоб ва нуҳбат ул-аъжоб». Балх яқинидаги Халифа Алининг мозори дейиладиган қабрнинг очилиши ҳақида ҳикоя қилинади.

4. Иншо (XII аср). Бу Россия империяси ички ишлар нозирлиги ҳузуридаги Шарқ тиллари ўқув бўлими фондидан олинган ҳужжатлардир. Биз учун Бартольд келтирган қуйидаги ҳужжатлар муҳимдир: Султон Санжарнинг Ўрта Осиё хонларига муносабати; Отсизнинг Санжарга мактуби: Санжар ва Отсизнинг ёзишмалари; Хоразм шохнинг халифа муқтадирнинг вазирига номаси; Эл-Арслоннинг Самарқанд хонига номаси; Отсизнинг Жандан Ўрта Осиё ичкарасига юришларига оид ҳужжатлар; салжук ҳукмдорининг Бағдод вазирига мактуби; Санжар номидан элчилик ҳужжати ва бошқа ҳужжатлар.

5. Ан-Насафий (XII аср). «Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд». Бу китоб Осиё музейининг қўлёзмалар фондидан Қадимги Самарқанд тарихидан манба сифатида жуда қадимий қимматли қўлёзма. Айнан ана шу қўлёзма Самарқанднинг илгари (Афросиёбдан ҳам олдин) Навводон канали юқорисида (бу канал ҳозир ҳам бор, у чақар-тошоҳур, Дарвозаи Хўжа Аҳрор деган жойлардаги ер ости булогидан бошланади) жойлашган ўрни ҳақида маълумотлар беради.

6. Ас-Сомоний (XII аср). «Китоб ал-ансоб». У Осиё музейи фондидан. Бу асарда Зарафшон, Қашқадарё водийлари, Самарқанд ва Бухоро туманларидаги қишлоқ ва жойларнинг, Самарқанд ва Бухородаги кўча ва маҳаллаларнинг номлари ҳақидаги маълумотлар, минтақанинг диндор ва бошқа таниқли кишилари рўйхати берилган.

7. Имодиддин Исфаконий (XII аср). «Харидат ал-қаср ва жаридат ал-аср». XII асрнинг энг муҳим тарихшунослик асарларидан бири. Ундан Баракотнинг «Лам ат-таворих» (унда 500—1106, 1107 йилларгача бўлган тарихий воқеалар баён этилган. Қўлёзма ҳозирча етарли даражада ўрганилмаган) асарининг муаллифи ҳақида муфассал маълумотлар топиш мумкин.

8. Котиб ас-Самарқандий (XII аср). «Аърад ас-сийаса фи аърад ар рийаса». Араб тилидаги қўлёзма. Бартольд бу асардан Султон Санжарнинг сўзларини («... халқни қаттиқ итоаткор ҳолда ушлаш керак»), Қилич Тамғочхон давридаги Айёрбек қўзғолони тафсилотларини ва у билан хон ўртасида Мирзачўлдаги бўлган жанг тафсилотларини, Хуросон учун жанг ва унинг талон-торож этилиши воқеаларини таржима қилиб келтирилган.

9. Муҳаммад б. Муайяд Бағдодий (XII—XIII аср). «Қитоб ат-тавассул ила тарассул». Унда 1182—1184 йилларга тегишли, Хоразмшоҳ Текеш ҳукмдорлиги даври ҳужжатлари жамланган. Улар орасида Текешнинг 1183 йилда Ғиёсиддин Ғурийга юборган мактуби ҳам бор.

10. Муҳаммад б. Нажиб Бақрон (XIII аср). «Жаҳоннома». В. Бартольд бу асардаги Иссиққўл, Мовароуннаҳр тоғ бойликлари, Ўрта Осиё чўллари, қорахитойлар ҳақидаги ижтимоий-этнографик маълумотлардан фойдаланган.

11. Авфий (XIII аср). «Жомеъ-ул ҳикоёт ва ломъе ар-ривоёт». Бу асардан у Шақиқ б. Иброҳим Балхийнинг Ўрта Осиёда Будда коҳини билан бўлган учрашуви тўғрисидаги ҳикоясини, қорахонийлар, айниқса, Иброҳим б. Наср Тамғочхон ҳақидаги маълумотларни, дин ислоҳотчиси Моҳ Афридининг ҳаракати ва бу ҳаракатнинг Абу Муслим ёрдамида бостирилиши ҳақидаги, Сомонийлар ва уларнинг Симжурийлар билан тўқнашуви, Гурганжининг Шаҳобиддин Ғурий томонидан қамал қилиниши, уйғур ва бошқа туркий уруғлар ҳақидаги маълумотларни келтирган.

12. Бутхона. «Шеърлар тўплами». Бу ерда мутасаввиф шоир Сайфиддин Боҳарзийнинг Чигатой саройи вазири Қутбиддин Ҳабаш Амид (мусулмон) га номаси келтирилади. Нома муаллифи олий табақанинг диндорлар фаолиятига аралашаётгани хусусида ўз фикрини кескин баён этади, норозилик билдиради.

13. Жувайний (XIII аср). «Тарихи жаҳонкушон». Хаников шахсий жамғармасидан. Бу тарихшунослик асаридан В. Бартольд Чингизхон авлоди хусусидаги маълумотларни олган. Булар: Чингизхон давлатининг бошқарув тузилиши, Чингизхон ўғилларига тегишли ҳудуд чегаралари; мўғулларни Кучлуқ билан кураши; Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг қорахитойлар билан курашининг айрим лавҳалари; Хоразмдаги 105/1208 йиллардаги ер қимирлаш, Хоразмдаги айёрона ҳаракатлар хусусидаги маълумотлардир.

14. Рашидиддин (XIII—XIV аср). «Жомеъ-ат-таворих». Унда Ўрта Осиёдаги Чигатой давлатидаги асосий воқеалар ва уларнинг иштирокчилари хусусида жуда кўп маълумотлар бор. Фикримизча, Рашидиддин асарларига берилган баҳо диққатга сазовор ва у Ўрта Осиё тарихшунослигида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ҳақда кейинги фаслда муфассал тўхталамиз.

15. Жамол Қарший (XIII—XIV аср). «Мулҳақат ас-Сулоҳ». Унда қорахонийларнинг исломни қабул қилиши, қорахонийларнинг Қашғар тармоғи генеологияси (шажараси), Олмалиқнинг турли шайхлари, мўғул хонлари ва уларнинг маҳрамлари (Маҳ-

муд Ялавоч ва унинг ўғли Маъсудбек), Кучлуғ ва бошқалар ҳақидаги маълумотлар бор¹.

16. Ҳамдуллоҳ Қазвиний (XIV аср). «Тарихи Гузида». Муаллиф бу ерда шахс Абу Саййид Мойхонийнинг ибн Сино билан суҳбатини кўрсатиб ўтади, шайх Мажидиддин Бағдодий, Нажмиддин Кубро ва Сададдин Ҳамавий тўғрисидаги баъзи маълумотларни келтиради.

В. Бартольд фойдаланган 16—21-манбалар назаримизда тарихшунослик нуқтаи назаридан унчалик катта аҳамиятга эга эмас. Бироқ, муаллифнинг кейинги фойдаланган манбалари алоҳида эътиборга лойиқ. Улар жумласига қуйидаги асарларни киритиш мумкин:

1. «Шажарат ал-атроқ» ёки «Улус арбаъ Чингизий». («Турклар шажараси» ёки «Чингизийларнинг тўрт улуси»). Муаллифи номаълум (Улуғбек ёзган дейишади). Бу ерда Чингизхонга ўғли Жўжининг ўлими ҳақидаги хабар қандай етказилгани ҳақидаги шеърӣ ҳикоя ва бошқа маълумотлар баён қилинган.

2. Исфизорий (XV аср). «Китоб Раузат-ул-жаннат фи авсоф ал-мадинати Ҳирот» («Ҳирот шаҳридаги жаннат равзаси»). Бу ерда Мўғулистонга олиб кетилган Ҳирот ҳунармандлари ҳақида қимматли маълумотлар бор.

3. Аҳмад б. Муҳаммад Мўйин-ал-фуқаро (XV аср) «Китоби Мулла-зода». Китобда Бухоро шайхлари ва имомлари ҳақида биографик маълумотлар, Бухоро садрлари шажараси ҳақида ва бошқа маълумотлар бор.

Тузувчининг Шарқ манбалари билимдони сифатида жаҳон китоб марказларидан узоқда ишлагани ҳолда қўлига тушган ва Оврупо, Шарқ, Русия, Урта Осиё китобхоналарида кўрган барча маълумотларини синчиклаб тўплаганини тан олмоқ керак. Шарқ ва Урта Осиё олимларининг тарихий ва адабий-тарихий асарлари ҳали топилмаган эди, қўплари Оврупонинг турли қўл етмас жойларида сақланарди. Шунга қарамай В. В. Бартольднинг Шарқ муаррихлари асарларини тўплаш бўйича бажарган ишлари Урта Осиё халқлари тарихини ўрганиш, тарихшуносликни тиклаш учун ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

5. РАШИДИДДИННИНГ ЖОМЕЪ-УТ-ТАВОРИХ» ВА «ЁЗИШМАЛАР» И ТАРИХШУНОСЛИГИ

XIII аср охири — XIV аср бошларида чингизийлар саройида яшаган йирик тарихчи олим ва сиёсий арбоб Рашидиддиннинг ҳаёти ва ижоди мўғулларнинг Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларидаги ҳукмронлиги даври билан боғлиқдир. Фазлуллоҳ Абул-Ҳайр Рашидиддин Ҳамадоний 1240—1247 йиллар орасида Ҳамадонда унчалик машҳур бўлмаган табиб-олим оиласида дунёга келган. У Аба-

¹ Қаранг: Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жилд. Тошкент, 1950, 308—329-бетлар.

кахон ҳукмдорлиги (1265—1282) даврида давлат хизматиға киреди ва Ғозонхон (1295—1296) ҳукмдорлиги даврида сарой табиби вазиғасини эғаллайди. ✓

Рашидиддин маърифатли киши бўлиб, кўп тилларни ўрганган, адабиёт ва шеърият нағосатини тушунар, тарихий асарларни яхши биларди, тиббиёт, ҳандаса ва фалакиёт илмларидан яхши хабардор эди. У айниқса илоҳиёт илми билимдони сифатида машҳур эди. ✓ Фазлуллоҳ 1298 йили вазир этиб тайинланади. У Хулагий давлатининг бошқа вазирларидан фарқли ўлароқ, кучли марказий ҳокимиятнинг заруриятини чуқур ҳис қилган ҳукмдор сифатида аниқ сиёсий йўналишда иш олиб борди.

Рашидиддин 19 йил ҳокимият тепасида бўлиб, ўз синфининг туб анъаналарига содиқ қолди. У феодал жамиятнинг марказлашган давлат ҳокимияти учун изчил курашди. Аммо, ағсуски, умрини фожияли тугатди. «Марказлаштириш сиёсати» жамиятнинг феодал равнақи йўналишида эски вақтлардағидек таянч топа олмади»¹.

Ҳукмдор мададидан маҳрум бўлган Рашидиддин 1317 йили истеъғо берди, бир йилдан сўнг эса душманлари уюштирган фитна қурбони бўлди. У султон Улжайтуни заҳарлашда айбланиб, ўғли, султон соқийси Иброҳим билан 1318 йилнинг 18 июлида қийнаб ўлдиришга, мол-мулки мусодара қилинишга ҳукм этилади. Табризда улар қурган, асосан ҳунармандлар, муқовачилар, хаттотлик ва ёзув қуроллари ясовчи усталар яшайдиган Рашидий маҳалласи бузиб ташланади. Аммо тасодифгина уни қатл этилишдан сақлаб қолди, Рашидиддин 10 йил ўтғач оқланди, оиласига мол-мулкининг бир қисмини қайтаришди. Уғли Ғиёсиддин вазир бўлди ва отасининг сиёсий йўлини давом эттиришга уриниб кўрди. Рашидиддин эса Хулағу наслидан бўлган Ғозонхоннинг буйруғи ва тақдир тақозоси билан тарихчига айланди. Кейинчалик «шундай асарлар яратдики, бу асарлар унинг номини асрлар оша сақлаб қолди»².

«Жомеъ ат-таворих» бугунги кунда ҳақли равишда кўп мамлакатларда узоқ ҳукмронлик қилган кўчманчи мўғулларнинг маиший ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий тарихи бўйича энг кучли манбалардан бири ҳисобланади. Форсча манбалар ичида бунга тенг асар йўқ. «Жомеъ-ат-таворих» да бой маълумотлар асосида мўғулларнинг кўчманчи турмуши, маросимлари, урғ-одати ва феъли, маънавияти, қонунлари ҳақида ёрқин ҳикоя қилинади. Рашидиддиннинг бу шоҳ асарида ўтроқ халқлар ҳаёти, хўжалик-иқтисодий турмуши, кўчманчи ва ўтроқ турмуш тарзлари ўртасидаги зиддиятлар ҳам ўз иғодасини топган. «Жомеъ-ат-таворих» да кўчманчи фео-

¹ Рашидиддин. Ёзишмалар. Таржима, кириш сўзи ва шарҳлар муаллиғи А. Ғалина, М., 1971. 18-бет.

² Жомеъ-ат-таворих» (Йилномалар мажмуаси) асаридан ташқари Рашидиддин қаламига қатор диний, табиий фанлар ва қишлоқ хўжалиғи бўйича ўзига хос қомусий асарлар ҳам мансуб. «Ёзишмалар», 19-бет.

1920 йили Э. Браун мўғуллар босқини давридаги форс адабиёти тарихи бўйича китоб нашр қилди. Бу китобда Рашидиддиннинг барча 53 мактуби муфассал баён қилинган эди. Браун кейинчалик қўлёзманинг ўзидан эмас, балки ўша даврда Кембрижда яшовчи ҳинд шарқшуноси Муҳаммад Шафий қўлёзмадан танлаб тайёрлаган парчалардан фойдаланди. Уша йиллари М. Шафий Рашидиддиннинг «Ёзишмалар» и таржимасини тайёрлаган бўлсада, бироқ у 1955 йилда ҳам нашр этилмади.

Рашидиддиннинг «Ёзишмалар» и тарихини ўрганишнинг кейинги босқичи 20-йилларнинг ўрталарида Эрон филологи Воҳид Дастгарий томонидан унинг бир неча хатларининг «Армуғон» жаридасида босилиши бўлди. Бу жаридида Эронда сақланаётган қўлёзма асосида Рашидиддиннинг битта катта хати эълон қилинди. 30-йилларнинг бошларида эса Эрон шарқшуноси ўзининг кенг қўламли «Тарихи муффасали Эрон» («Эроннинг муфассал тарихи») асарини эълон қилди. Воҳид Дастгарий бу асардан фойдаланибгина қолмай, балки унинг манба сифатидаги тарихий аҳамиятини кўрсатди.

1940 йили Муҳаммад Шафийнинг янги кичикроқ мақоласи эълон қилинди. Унда муаллиф Рашидиддин мактубларининг қимматини яна таъкидлайди ва Ҳиндистонга тегишлиларини таҳлил қилади. 40-йилларда бирин-кетин А. Ализода, И. Петрушевскийларнинг инглиз эроншуноси Р. Левига қарши (1946 йили у асоссиз Рашидиддиннинг «Ёзишмалари» ни XV асрнинг ҳиндча ясамаси деб эълон қилган эди) мақолалари пайдо бўлди. Бу баҳсга Лаҳордаги шарқшунослик колледжи бошлиғи М. Шафий 1947 йили ушбу тарихий ёдгорлик матнини эълон қилгач, нуқта қўйилди. М. Шафий «Ёзишмалар» ни кўплаб изоҳлар билан бойитди.

М. Шафийнинг нашри билан деярли бир пайтда, 1948 йилда Табризда 17-мактубнинг тўла матни ва Рубъи Рашидий, яъни Рашидиддин Табризда қурган маҳаллага бағишланган 18-мактубнинг қисқартирилган матни муаллиф Хусайн Наҳжувоний томонидан эълон қилинди. Бу парчалар Табриз библиофили Муҳаммад Наҳжувоний кутубхонасидаги қўлёзмага асосан чоп этилганди².

Мақола муаллифига «Ёзишмалар» нинг Лаҳордаги нашри маълум эмас, бироқ улар матни мос келади. Айрим ўринларда улар М. Шафийнинг Лаҳор нашри билан Ленинград қўлёзмаси ўртасидаги тафовутларни қайтаради. М. Шафий нашрида туширилган ўринлар 1950 йилда «Дониш» журналида босилган Рашидиддиннинг «Ёзишмалар» идан парчаларда тўлдирилган эди.

Асримизнинг 60-йиллари «Ёзишмалар» тарихшунослиги равнақи йиллари бўлди. 1956 йили А. Ализоданинг китоби, И. Петрушевскийнинг XIII—XIV асрдаги Эрон қишлоқ хўжалиги ҳақидаги мақоласи, А. Фалина ва Р. Кикнадзе асарлари эълон қилинди. «Жомеъ-ат-таворих»—«Йилномалар мажмуаси» нинг машҳур но-

¹ Наҳжувоний Х. Рубъи Рашидий. Табриз университети адабий жаридаси. 2—7-сон, ҳ 1327 й. 26—39-бетлар.

² Уша асар. 28-бет.

шири профессор Карл Ян 1963 йилда, Америка шарқшуноси Х. Шурман 1953 йилда эълон қилган асарларида «Ёзишмалар» нинг мўғуллар даври солиқчилиги иборалари, Ўрта асрдаги Эрон ва Ўрта Осиё деҳқонлари тўғрисидаги маълумотларидан кенг фойдаланилади.

Хуллас, ҳозир Рашидиддин «Ёзишмалар» ининг 13 нусхаси маълум. Улардан саналгани ва рўйхатга олингани саккизта ¹.

Мўғулларнинг Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ ва унга туташ мамлакатлардаги ҳукмронлик даври манба ва тарихшуносликка жуда бой. Бу даврда жуда кўп йирик асарлар яратилди. Вардан Қироқаци, Насавий, Жувайний, Ибн Асир, Ҳамдуллоҳ Қазвиний, Вассофийлар номи жуда машҳур эди. Уларнинг ҳаммаси ёритилаётган вақеаларнинг нафақат гувоҳи, балки қатнашчиларидир, шу боисдан улар яратган асарларнинг ўзиёқ ўша даврнинг тарихий ҳужжатлари бўла олади. Ҳозирги замон тадқиқотчилари учун Мўғул хони саройларида ёзилган тарих билан Ўрта Осиё, Шарқ, Кавказ орти халқлари вакиллари биринчи навбатда араб, ўрта осиелик, арман, суриялик тарихчилар ёзган тарихни қиёслаш, овруполик саёҳатчилар ва элчилар келтирган маълумотлар билан танишиб, хулосалар чиқариш имкони бор.

Мўғул истилочилари даври манбаларга қанчалик бой бўлмасин «Жомеъ ат-таворих» ва «Ёзишмалар» улар орасида ўзига хос алоҳида марказий ўрин эгаллайди. Рашидиддинда табиблик, ботаник, тарихчи, илоҳиётчи, шоир, давлат арбоби ва сиёсатчининг хислатлари мужассамлашган эди. Ҳозорхоннинг топширигини бажариб, у тарихчи сифатида «Йилномалар мажмуаси» ни яратди. «Ёзишмалар» да эса Рашидиддин қиёфасида буюк вазирни кўра-миз, бу ярим шахсий, ярим расмий ёзишмалар ўзи-ўзига гувоҳлик бериб турибди, бу мактублардан ўша давр расмий тарихидан топилмайдиган маълумотларни топамиз. Шу билан бирга бу икки асар бир-бири билан туташ, кўп томонлама бир-бирини тўлдиради.

«Ёзишмалар» кўп манбаларда йўқ маълумотларни беради ва ўша давр тарихий асарларида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг йўл-йўлакай айтиб ўтиб кетиладиган томонлари, ҳодисалари моҳиятини очиб ташлайди.

IV БОБ. XIV—XV АСРЛАРДА МОВАРОУННАҲРДА ФЕОДАЛИЗМНИНГ УСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ОИД СОВЕТ ТАРИХШУНОСЛИГИ

1. ТЕМУР ВА УНИНГ ЗАМОНАСИ ҲАҚИДА ЎРТА ОСИЕ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Чингизхон вафотидан сўнг унинг тирик қолган ўғиллари ичида энг каттаси Чигатой мўғул қабилачилиги қонун-қондалари (Ясоқ) нинг билимдони сифатида катта нуфузга эга эди. «Ясоқ»да тилга

¹ См: Рашид-ад-дин. Переписки. М., 1971, С. 33.

олинган тархонлар ёки (дархонлар) ҳар қандай солиқлардан озод қилинган эдилар, улар қўлга киритган ўлжаларини бошқалар билан бўлишмас, буюк хон ҳузурига истаган вақтларида киришлар, хато қилишса ҳам тўққиз мартагача жазоланмай, кечирилар эдилар. Жанглар билан яшайдиган ярим маданий халқларнинг деярли ҳаммасида мана шундай феодал ҳуқуқлари вужудга келган эди¹.

Чингизхон ва унинг қудратли давлатига бағишланган бир қатор асарлар (Рашидиддин, «Жомеъ-ат-таворих» ва б.) пайдо бўлгач, мўғулларнинг ҳарбий юришларига ёввойиларнинг ҳамма нарсани босиб янчадиган, ўзларига нотаниш бўлган маданиятни фақат йўқотишнигина биладиган тартибсиз ҳаракати сифатидаги эскича қарашлар бутунлай улоқтирилиб ташланди, деб ҳисоблаш мумкин. Барча мураккабликларига қарамасдан, кўчманчиларнинг ҳаёти ёввойиларнинг ибтидоий турмуш тарзидан жиддий фарқ қилади.

Қўлларда турли ижтимоий табақалар ва гуруҳлар, бой ва камбағаллар ўртасида чуқур қарама-қаршилиқлар мавжуд эди. Мана шу қарама-қаршилиқлар антагонистик курашларни келтириб чиқаради. Ўз мол-мулкни, биринчи галда подасини, оиласини ва буюмларини ташқи душмандан ҳимоя қилиш зарурати туғилади. Яйловларнинг орқасидан баъзида катта-катта майдонларни қамраб олувчи қуролли тўқнашувлар, шунингдек халқни ўз кучини уюштиришга ва бирор шахс ёки уруғнинг атрофида жипслашишга мажбур қиладиган фавқулодда вазиятлар юз беради. Бундай ғоянинг ғалаба қилиши учун унинг соҳиби даҳшатли, пухта ташкил этилган кучга эга бўлиши керак.

Босиб олинган мамлакатда кўчманчилар, айниқса сулола ва унинг асосий сафдошлари аста-секинлик билан юксакроқ бўлган маданият таъсирига бўйсунга борадилар, бироқ ўзлари билан олиб келган маданият белгилари ҳам бирдан йўқолмайди ва изсиз кетмайди. Жаҳонгирлар кўчманчилик ҳаёти эркинлигини ўз фуқароларининг маданий ривожини билан бирлаштиришга ҳаракат қиладилар; жаҳонгирларнинг ўз ватанларида пайдо бўлган давлат таркиби, маданият вакиллариининг таъсирсиз бўлса-да, ўзлари босиб олган мамлакатлардан ривожланишлари учун керак бўлган қулай шароитларни топади, ўша мамлакатда илгари мавжуд бўлган сиёсий ғоялар билан муваффақиятли равишда рақобат қилади ва бегона юртда ўз ватанидагидан кўра чуқурроқ из қолдиради. Мўғул давлатчилиги Мўғулистоннинг ўз тарихига деярли ҳеч қандай таъсир этмаган ҳолда, Хитойда, мусулмон Осиёсида ва Россияда барқарорроқ бўлган сиёсий тартибларнинг ўрнатилишига олиб келди.»²

Мўғул давлат кўпчилики тарихчилар томонидан бошқа кўчманчи давлатлар ўртасида нафақат ўз майдонининг катталиги балки

¹ Маркс ва Энгельс архиви (рус тилида), V том, 220-бет.

² Бартольд В. В. «Улуғбек ва унинг даври». Асарлар, 5-жилд, 2-қисм, М., 1964.

узоқ ҳукм сурганлиги билан ҳамажралиб туриши таъкидланади. Таниқли рус туркшуноси В. В. Радлов бу фикрни қуйидаги тарзда ишонарли қилиб тушунтиради: мўғул давлатига ўтроқ халқларнинг қўлаб нуфузли давлатлари бирлашган эди, шунинг учун ҳам у бир пайтлар ўзи яратган алоҳида бўғинларга эмас, балки бир неча маданий давлатларга бўлиниб кетди. (Хитой, Урта Осиё, Форс ва б.)»¹.

Чигатой ва унинг авлодлари (1227—1370) паноҳи остида бўлган Мовароуннаҳр, Еттисув ва Шарқий Туркистон давлатлари ҳақида юқорида айтиб ўтилди. Бу фикрни давом эттириб, шуни таъкидлаш мумкинки, Чигатой исломни қабул этмади ва Ясоқнинг мусулмон шароитига зид бўлган кўрсатмаларига амал қилишни қаттиқ туриб талаб қиларди. Масалан, у, ҳамма жониворларни озиқ-овқат учун сўйса бўлади ҳамда оқар сувда таҳорат қилиш мумкин² деган фикрларни тарғиб қилди.

Чигатой юртига амалда унинг ўлимидан сўнг Хоразм, Фарбий Туркистон ва Афғонистонни ўз ҳукмронлиги остида мустаҳкамлаган невараси Хулагу томонидан асос солинган эди. Чигатой авлодидан биринчи бўлиб Муборакшоҳ (664/1266) очиқчасига исломни қабул қилди. Бироқ 690/1291 йили ҳокимият тепасига келган Дува ва унинг авлодлари ашаддий мажусийлардан эди. Уларнинг ер-сувлари эса асосан шарқда, Тиён-Шоннинг икки томонида жойлашган эди. Орадан 20 йиллар ўтгач, яъни 1309 йили Мовароуннаҳрда биринчи бўлиб Кёбекхон (Кўпекхон) Қайди ва Наҳшаб (Қарши) да ўзи учун сарой бино эттирди.

Мовароуннаҳр ҳаётида Кёбек томонидан ўтказилган маъмурий ислоҳот катта аҳамият касб этди. Ибн Арабшоҳ таърифлари шуни кўрсатадики, Темур сиёсий фаолиятининг бошланишида Самарқанд барча рустаклар билан етти тумандан иборат эди. Фарғонада тўққиз туман бор эди,— деб кўрсатади Ибн Арабшоҳ. Бундай миқдорда аҳолиси бўлган ҳудудни тасаввур қилиб кўрмоқ керак, зеро ҳар бир туман 10 минг жангчини майдонга чиқариши мумкин эди³. Кёбек бошқа ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳам ўтказди. Чигатой улусининг Мовароуннаҳр қисмида Чингизийларнинг сўнги вакили хон Қозоғон (744/1343) ҳукмронлик қилди. Лекин Қозоғон ҳам ов пайтида мўғул хони Туғлуғ Темурнинг йўл-йўриғи билан унинг нўёнларидан бири томонидан тезда ўлдирилди. Қозоғонни ўлдиришда, Хутталон ҳокими Кайхусрав ҳам иштирок этади. Унинг ўлимидан сўнг Мовароуннаҳрда кучли ҳукмдор йўқ эди. Низомиддин Шомийнинг («Зафарнома» муаллифи) сўзларига қараганда, XIV асрнинг 50-йилларида Мовароуннаҳрда у ёки бу даражада бир қанча ҳокимликлар бўлиб, улар ҳеч кимга бўйсунмас ва бир-бирлари билан душманлик муносаба-тида эдилар. Шаҳрисабз (Кеш) вилояти Ҳожа Барлосга тобе эди.

¹ Радлов В. В. Уйғурлар тўғрисидаги масала юзасидан СПб. 1893. 75-бет (рус тилида).

² Босворт К. Э. «Мусулмон сулолалари», М., 1971. 197—198-бет (рус тилида).

³ Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жилд Т. 1950, 339-бет.

Хўжанд музофотида эса жалоирнинг раҳнамоси Боязид ҳукмронлик қиларди. Балх шаҳри ва унга қарашли вилоятнинг бир қисми Қозонхоннинг набираси амир Хусайннинг қўли остида эди. Амир Хусайннинг Қозонхон билан қондош бўлганлиги унга ўз сиёсий мавқеини кўтариш учун умид бағишларди. Урта Осиёнинг қолган музофотлари ҳам улус мулки (ҳокимларга қарашли) сифатида бўлиб ташланган эди. Низомиддин Жомий бу мулкларни батафсил таърифлаб шуни таъкидлайдики, ҳокимларнинг ҳар бири, гарчи ҳарбий кучи оз бўлса-да, ўзгаларни менсимагандек тутишга уринар ва шунинг учун бутун мамлакатда ўзаро адоватлар ҳамда фитналар юз берарди. Бунинг орқасидан деҳқонлар ва ҳунармандлар азоб чекарди.

Йилдан-йилга Мовароуннаҳрдаги вазият оғирлашиб борарди. Шунинг учун ҳам Урта Осиё 1360 ва 1361 йилда Мўғулистонда Туғлуқ Темур юришларининг қурбони бўлди. Расмий манбаларда Темур ҳақидаги маълумотлар фақат Туғлуқ Темурнинг ана шу юришлари атрофидагина берилган, холос. Гарчи, Ўзбекистон халқлари тарихи тарихшунослари ичида расмий манбаларда Темурнинг болалиги ва ёшлиги ҳақида маълумотлар йўқ»¹, деган фикр мавжуд бўлса-да, бизнинг назаримизда бу унчалик тўғри эмас. Негаки, қўлёзма хазиналарида номаълум муаллифнинг «Темурнома» номли китоби сақланади.² Бу китобда барлос қабиласи ва унинг йўлбошчиси Хожи Барлос ҳақида, Темурнинг болалиги, ёшлиги ҳамда унинг ҳокимият йўлидаги дастлабки қадамлари ҳақида салмоқли маълумотлар бор.³

Чиғатойлар юқорида айтиб ўтилганидек, Кебекхон ҳукмронлик қила бошлаган пайтдан бошлаб, мўғул ҳукмдорлари исломни қабул қила бориб (1309 й.) аста-секин ўз атрофларига диний арбобларни ҳамда савдогарларни йиға бошладилар, хонлик ҳокимиятини марказлаштириш сиёсатини олиб бордилар. Бироқ бу ҳаракат мўғул ва турк қabila — уруғ йўлбошчиларининг қаттиқ қаршилигига дуч келарди. Шунинг учун ҳам XIV асрнинг биринчи ярмида хонлар ва уруғларнинг бошлиқлари, айниқса Урта Осиёнинг турк ва турклашган оқ суяклари ўртасида кураш ҳаддан ташқари кучайди. XIV асрнинг ўрталарига келиб Мовароуннаҳрнинг сиёсий ҳаётига Хожи Барлос бекнинг жияни Темурхон ҳам қўшилади. У 1336 йили Кеш⁴ шаҳри яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида туғилди. Унинг отаси Турағай барлос қабиласидан эди. Темур дастлаб «турли бекларнинг қўшинини бошқарди». 1360 йилдан бошлаб у 10 йил давомида гоҳ у, гоҳ бу феодал ҳукмдор томонида курашди ва бир вақтнинг ўзида барлослар қабиласини ўз атрофида жипслаштириб борди. 1361 йилда у Туғлуқ Темур тарафига ўтди ва бунинг эвазига Шаҳрисабз ҳамда Қарши

¹ Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жилд, 345-бет.

² Муаллифи Салоҳиддин Тошкандий эканлиги аниқланди.— М. М.

³ А. Навоий номидаги САМ ДД илмий кутубхонасининг шарқ қўлёзмалари тўпламидан.

⁴ Хўжа Илғор қишлоғи ҳозир ҳам бор. Шаҳрисабз шаҳридан 13 км масофада жойлашган.

вилоятининг ҳукмдори этиб тайинланди. Бироқ, у Туғлуғ Темурнинг рақиби — Балх ҳукмдори амир Ҳусайн билан иттифоқ тузди. Улар биргаликда мўғулларга қарши исён кўтардилар. Бироқ мағлубиятга учрагач, Ўрта Осиёни ташлаб Сейистонга қочишга мажбур бўлдилар. Сейистондаги ҳарбий ҳаракатларидан бирида Темур ўнг қўли ҳамда ўнг оёғидан яраланади. Шундан кейин у бир умр чўлоқ бўлиб қолди ва келгусида улкан давлат тузган бу зот «Темурланг» (Оқсоқ Темур) лақабини олди. 1360 йилда Шаҳрисабз ва Қаршининг беги бўлган амир Темур 1370 йилга келиб, яъни 10 йил ичида бутун Мовароуннаҳрнинг ҳукмронига айланди.

Ибн Арабшоҳ маълумотларидан кўринадики, Темурнинг отаси Турағай художўй мусулмон бўлган, у олим ва дарвешларнинг, айниқса шайх Шамсиддин Кулор (Кулол)нинг дўсти бўлган. Бу тақводор зотнинг хоки Гўри Амир мақбарасига қўйилган ёки қўчирилган. Темурнинг янги диний маслаҳатчиси ҳамда ҳомийси Саид Барака умрининг охирига қадар Темурнинг маслаҳатгўйи ва маънавий падари бўлиб, Темур Хоразмга юриш қилганда ҳам иштирок этади. Саид Барака ва термизлик сайидлардан сўнг маълум бир нуфузга, обрў-эътиборга эга бўлган зотлар самарқандлик шайхул-ислом Хожа Абдул-Аввал ва унинг жияни Хожа Исомиддин, кешлик Хожа Афзал ва кешлик шайхул-исломнинг ўғиллари Абдул-Ҳомид ва Абдурахмон ҳамда самарқандлик шайхул-ислом ал-Маликлардан иборат эди. Ибн Арабшоҳнинг сўзларига кўра, амир Темур Зоҳид Зойи ал-дин Абу Бакр Тойободийни (1381 йилдан Хуросон руҳонийларининг етакчиси, Хуросон ёнидаги Тойобод қишлоғидан чиққан) ўзи эришган зафарларда катта хизмати бўлган Шамсиддин Кулол ва Саид Барака қатори ҳомийларидан бири деб ҳисоблаган¹.

В. В. Бартольднинг таъкидлашича, «Шоҳруҳ даврининг тарихчилари Чингизхон қонунлари олдида ислом шариасти юқори мавқега эришган бир пайтда, табиийки, Темурнинг художўйлигини ва динга бўлган жонкуярлигини бўрттириб кўрсатишга мойил бўлганлар. Шубҳасиз, амир Темур уламо аҳлининг ҳомийси бўлган, улар билан тенгма-тенг мулоқотлар олиб борган ва айниқса пайғамбар авлодларига алоҳида ҳурмат билан қараган: соҳибқироннинг ўз туғишганларидан ташқари унинг давлатида ҳаёти дахлсиз ҳисобланган яккаю-ягона одамлар сайидлар бўлган дейиш мумкин. Бундан ташқари, Ҳофизи Аbru ёзишича, Темур дини исломни мустаҳкамлаш учун ғамхўрлик қилган, у ҳеч қачон вақфларнинг пул билан боғлиқ ишларига аралашмас эди². Бартольд яна бир ўринда Темур тарихни жуда яхши билган, деб ёзади. Бартольднинг бу сўзлари тарихчи Ибн Халдуннинг Темур билан бўлган суҳбати мазмунига суяниб ёзилган.

¹ Ажойиб ул-Мақдир фи ахбоир Тайлиур. Таълиф Шаҳобиддин билан Аҳмадуллоҳ Дамашқий ал-Ансорий ал-Маъруф ибн Арабшоҳ.

² Бартольд В. В. Улуғбек ва унинг замонаси. Асарлар, 2-жилд М., 1964. 45—46-бетлар.

Гап шундаки, фақат XVI аср охирларига келибгина араб файласуфи ибн Халдун (1332—1406) илк бор мусулмон дунёсида тарихни ҳикоя қилиб беришдан ташқари, воқеаларнинг сабабий боғланишларини ҳам, прагматик баён (тарихдаги объектив тараққиёт қонунларини очиб бермасдан, воқеаларни фақат ташқи боғланиши ва изчиллигига қараб тасвирлаш) қилиб бериш ва умумдунё тарихининг тараққиёт қонунларини белгилаш борасида уриниб кўрди. Ибн Халдун табиат ва инсоният тарихи ўртасида диалектик алоқа мавжудлигини исботлаш учун ҳаракат қилган эди. Шунинг учун ҳам танқидий манбаларда Ибн Халдун қуйидаги асосий қоидаларга суянади: кишилиқ жамияти тарихи ҳам табиат ҳаёти каби умумий бўлган муҳим қонунларга бўйсунди ва халқлар ҳаётида бу қонунларнинг намоён бўлиши тарихий ҳақиқатнинг асосий мезони бўлиб хизмат қилади.

Ибн Халдуннинг қарашлари 200 йилга яқин вақт мобайнида шарқшунослик, тарих ва фалсафа тарихи соҳасида қизгин баҳсларга сабаб бўлиб келди.

Бир қатор муаллифлар, шунингдек, айрим таниқли Ғарб шарқшунослари ихтиёрий ёки ғайри ихтиёрий тарзда Ибн Халдун асарларининг асосий мазмунини бузиб кўрсатган ҳолда буюк араб мутафаккирини XIX—XX аср реакцион социологик таълимотининг ғоявий ўтмишдоши, фанатизм ёки ашаддий мистицизмнинг апологети (маддоҳи) қилиб кўрсатишга уриндилар.

Оврупа ва асосан араб мамлакатларининг тараққийпарвар олимлари Ибн Халдун асарларининг тарихий мазмунини объектив равишда таҳлил қилиш асосида унинг таълимоти диний асарлар билангина боғлиқ эмаслигини, Ибн Халдуннинг тарихий тараққиёт қонунларининг характери ҳақидаги ғояларини таъкидловчи бир қатор моддий (материалистик) ҳолатларнинг мавжудлигини кўрсатишди.¹

Ибн Халдуннинг тарихий-социологик таълимоти унинг «Инсонлар ижтимоий ҳаётининг моҳияти» номли асарида акс этади. Бу асар «Муқаддима» деб ҳам аталади. Унда Ибн Халдун тарихчининг вазифалари ҳақида бундай ёзади: Тарихчи «Сиёсий асарлар билан таниш бўлиши ва рўй бераётган барча воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини, амалдаги ҳуқуқий муносабатларнинг ўзаро фарқини, турли халқлар, мамлакатлар ва даврлар ижтимоий ҳаётининг хусусиятлари, турмуш тарзи, мафкураси ва бошқа кўринишларини билиши лозим...» Тарихчи ўтмишни ҳозирги кун билан таққослай билиши, уларнинг ўхшаш томонлари ҳамда тафовутларини фарқлай билиши, бу ўхшашлик ва тафовутларнинг сабабларини топиши керак, давлатлар ва динларнинг келиб чиқишини билиши зарур. Бир сўз билан айтганда, тарихчи жамиятда юз бераётган барча воқеа-ҳодисаларни ҳамда уларнинг сабабларини тушунтириб бериши лозим. Ибн Халдун тарих фани ҳақида ўз фикрларини мантиқан шакллантирар экан, кишилиқ жамияти тарихи, сиёсий ва табиий фанларни ажратиб кўрсатади. Ибн Хал-

¹ Ибн Халдун. «Китоб ал-Ибор» («Муқаддима»).

дун кишилик жамиятининг ривожланиш қонуниятларини нашр этишга интилиб, бу билан у «янги фан» яратганига ишонар эди. Аслида у фақат бу фан асосларини билишга олиб келувчи йўлни ва бу йўлнинг кейинги ривожини кўрсатган эди. Ибн Халдуннинг бу маслаҳатларидан унинг сафдошлари ва издошлари — мусулмон тарихчилари айтарли фойдаланишмади.

Тарихнинг бу саҳифаларини батафсил ёритишдан мақсад Темурнинг Шарқ тарихидаги жуда мураккаб ўрнини таъкидлашдан иборат. Бундан ташқари, агар Чингизхон умрининг охиригача мўғул тилидан бошқа тилни билмай ўтган бўлса, Темур ўзининг она тили бўлган турк тилидан ташқари, форсийни ҳам яхши билган ва бу тилда олимлар билан суҳбатлар қурган, ўз саройида тез-тез бўлиб турадиган «қиссахонлик» лардан олган тарихий билимлари билан тарихчи Ибн Халдунни ҳам ҳайратда қолдириши турган гап эди. Шунинг учун ҳам жаҳонда таниқли бўлган шарқшунос В. В. Бартольд Темурни шундай таърифлайди: «У шахмат ўйинига қизиқар ва бу соҳада юқори даражага эришган; ислом дини таълимотининг негизларини шу даражада яхши билардики, диний мунозараларни кузатиб бориши ва уларда бемалол иштирок этиши мумкин бўлган. Буларнинг ҳаммаси унинг ҳарбий муваффақиятларига ҳам ёрдам берган.»

Табиийки, Темурнинг тарих соҳасидаги билимлари ўтмишдан мисоллар айтиб ўз жангчиларини руҳлантиришга ёрдам берар, маҳаллий вилоятларда олиб бориладиган ҳамда лашкарларга ҳар қандай урушдан ҳам кўпроқ ўлжа берадиган қирғин ва талончиликлар шаръий йўллар билан оқланарди. Шунинг учун ҳам улкан ҳарбий кучлар унга сўзсиз ишонар ва ўта содиқ эди. Темурнинг ўзи босиб олган юрт аҳолисига бўлган муносабати турлича эди. Шубҳасиз, Темур давлати ўта шафқатсизлик асосига қурилган ва ушлаб турилган эди. Бундай шафқатсизликларга Исфахондаги 2 минг тирик одамдан ҳамда 70 минг кесилган калладан асалган минора ва Сива забт этилганида қўлга тушган 4 минг асирнинг тириклайин кўмиб юборилиши мисол бўлиши мумкин.

Мусулмон жаҳонгирининг бундай ваҳшийликлари олдида, — деб ёзади В. В. Бартольд, — мажусий Чингизхон амри билан мусулмон мамлакатларида амалга оширилган оммавий қирғинлар ҳам ҳеч нарса бўлмай қолади. Шундай бўлса-да, Темур империянинг маданиятли аҳолиси учун фақат ёвуз ҳукмдор бўлган эмас. Темур душманларнинг шаҳарларини вайрон қилувчи бўлиш билан бирга ғайратли яратувчи ҳам эди: унинг амри билан ажойиб боғлар яратилди, мухташам бинолар қад кўтарди (биргина Самарқандда бундай бинолар 20 мингдан ошиқ эди), шаҳарлар, қишлоқлар обод қилинди, йўллар тикланди, суғориш иншоотлари барпо этилди. Шарафиддин Али Яздийнинг айтишича, у ҳосил кўтариш мумкин бўлган бирон бир ер бўлагининг беҳуда ётишига йўл қўймаган экан. Унинг яратувчилик фаолияти вайронгарчилик ишлари каби кишини лол қолдиради. Ўрта Осиёдаги кўплаб улуғвор меъморлик ёдгорликлари Темур ва унинг авлодлари номи билан боғлиқ.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Темурнинг саройлари авом халқ кира олмайдиган қилиб мустаҳкамланган эди. Агар Самарқанднинг Тепақўрғон қалъасидаги Кўксарой асосан хазина ва давлат архиви вазифасини бажарган бўлса, Самарқанд атрофидаги боғлар («Султония» ва «Дилкушо» дан ташқари, булар Темурнинг шахсий қароргоҳи эди). Самарқанд ва теварак-атрофдаги аҳоли, бою-камбағаллар учун томошагоҳ ва дам олиш маскани ҳисобланган. Энг катта боғ Тўхта-Қарачи саройининг атрофини қуршаб олган эди (сарой харобалари ҳозиргача сақланиб қолган). Самарқанд билан Шаҳрисабз оралигидаги доvon ҳам ана шу номи билан фақат Мовароуннаҳрда эмас, балки забт этилган ўлкаларда ҳам кенг миқёсда суғориш ишлари олиб борилган.

Темур ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида мамлакат пойтахтини белгилашда иккиланган эди. XIV асрнинг 70-йилларидан Самарқанд йирик сиёсий марказ тусини ола борди ва шу билан шаҳарнинг юксалиши авж олди, Шарқнинг савдо-иқтисодий, ҳунармандчилик, илмий-адабий марказига айланди. Ҳозирги кунда бизгача Темур ва темурийлар яратган иншоотлардан оз қисмигина сақланиб қолган, холос, аксарияти йўқолган, йўқотилган, айримлари вайроналарга айланган. Масалан, Самарқанд қалъасида (Тепақўрғон) 1371—1372 йилларда ўша даврнинг обрўли кишиларидан бири бўлган сўфий Нуриддин Басир ёки Қутби Чаҳордохум учун мақбара тикланган эди. Бу обида 1868 йилнинг майига қадар жуда яхши сақланган. Чор Россияси Самарқандни босиб олгач, шу йилнинг июнь ойидаёқ Кауфманнинг буйруғи билан бу нодир ёдгорлик ер билан яксон қилинади. Шу туфайли ҳам бизга бу меъморчилик дурдонасининг фақат тарихи ва тасвири — тарихчи рассом В. В. Верешчагиннинг суратларигина сақланиб қолган, холос. Ҳатто мана шу кўҳна суратлар ҳам 1915 йилга келибгина ошкор қилинди ва бу ҳақда Туркистондаги рус зиёлиларигина огоҳ бўлдилар, холос. Ҳозир лойиҳа — тарх ва унда кўрсатилган ўлчовлар бўйича хулоса қилиш мумкинки, Қутби Чаҳордохум мақрабаси олти бурчакли маҳобатли гумбази бўлган бино эканлигини кўрамыз. Унинг деворлари сирланган ғиштлар билан, пештоқлари ёзма нақшлар ва гумбаз қуббалари феруза ранг билан зийнатланган эди.

Яна бир мисол. Улуғбек мадрасасида учта минора борлигини ҳозир ҳамма билади (аслида тўртта бўлиши керак эди). Фақат Совет ҳокимияти йилларига келибгина улар вайрон бўлишдан ва йўқолиб кетишдан сақлаб қолинди. Ана шу миноралардан бири, аниқроғи Тошкент тарафдан ҳозирги Регистон кўчасига кираверишда ўнг томондагиси (мадрасанинг шимолий равоғи) ҳам Кауфманнинг буйруғига кўра Самарқанд аҳолисини ваҳимага солиш ҳамда исённи бостириш (мадрасада исёнчилар маркази жойлашган эди) учун замбарак ўқи билан вайрон қилинган. Бу қўзғолон апрель ойида амир Музаффарга қарши кўтарилган бўлиб, кейинчалик рус чоризмига нисбатан давом эттирилган эди. Темур ва темурийлар томонидан яратилган ёдгорликларнинг жуда оз қис-

мигина бизгача етиб келган. Аксарияти йиллар давомида ўз-ўзидан емирилиб борган, айримлари эса ҳатто совет ҳоқимияти йилларида ҳам куч билан йўқ қилинган. Хуллас, уларнинг кўп қисми вайроналарга айланган бўлса-да, бу харобаларда ўша даврлар салобати, ўтмиш ижодкорлари, бинокор усталарининг ўй-фикрлари ва ишлари акс этиб қолган.

XIV—XVI аср тарихчилари, шоирлари ва файласуфлари келтирган маълумотлардан, дипломатик ёзишмалар ҳамда Ўрта Осиёда бўлган хорижий элчиларнинг кундаликларидан, расмий ҳужжат ва археологик топилмалардан ўша даврнинг ишлаб чиқариш, фан ва маданият даражасини белгилаб олиш мумкин¹. Чунончи, Фазлуллоҳ ибн Рўзбехон ўзининг «Меҳмонномаи Бухоро» асарида ип газлама, шойи газламалар ишлаб чиқаришнинг гуллаб-яшнаганлиги ҳақида, Самарқанд тўқувчиларининг беқасам, чит, парча, бахмал ва ҳоказолар бўйича кичик ихтисосларга бўлинганликлари ҳақида маълумот беради.

Таниқли муаррих Зайниддин Восифий XV аср охиридаги воқеаларни баён қилаётиб, Абдурахмон Жомий Самарқанд газламаларини беҳад хуш кўрган ва либосларини ҳам фақат шу газламалардан тиктирганлигини эслаб ўтади. Жомий камтарона ва содда кийинса ҳам йил бўйи ўзининг одатдаги харжларига 100 минг динор сарфларди, деб ёзади унинг биографи Абулвосий. Асарда бундай далиллар жуда кўп. Ёзма ҳужжатлар ҳамда архив манбаларидан фақат бу ҳунар ва соҳаларнинг гуллаб-яшнагани ҳақидагина эмас, балки уста ҳунармандлар ва қурувчилар, муҳандислар ва меъморларнинг исмларини ҳам билиб олиш мумкин. Масалан, Давлат Эрмитажининг маданият ва санъат тарихи коллекциясида 1989 йилгача улкан дошқозон ва Темур номи билан битилган шамдон бор эди. Темурнинг ҳадяси улкан дошқозон Туркистон шаҳрига қайтарилиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги улкан меъморчилик комплекси — Темур амри билан бунёд этилган, ўрта асрларнинг буюк шоири ва мутафаккири Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасининг асосий хонасидаги гумбаз остига ўрнатилди. Ошкоралик шарофати ила кўп йиллар мобайнида Ленинград Эрмитажиди сақланган дошқозон — Темурнинг тортиғи ўзининг тарихий ўрнига қайтди.

Икки тоннали тўй қозони олти асрча бурун «етти хосиятли металл қуймасидан ишланган, турли шакллар ва Қуръондан олинган арабча сўзлар билан беҳад нафис безатилган, тўй қозонининг юқори диаметри икки ярим метрни ташкил этади. Унда бир йўла 1000 ошхўрга етарли палов дамлаш мумкин»².

Шамдон ҳам жуда муҳим тарихий далил ҳисобланади. Унинг таглигида уста Иззатиддин ибн Тожиддин Исфаконий (1387 йил) исми битилган. Муаррих Ибн Арабшоҳ ва испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо қайд этиб ўтишган. Гўри Амирга ўрнатилган қандиллар ҳам Самарқанд усталарининг асаридир.

¹ Самарқанд тарихи, 1- жилд, Тошкент, 1969, 196- бет.

² Қаранг: «Известия» рўзномаси. 1989 йил 28 октябрь, 301- сон.

Восифий Самарқанднинг кўплаб зиёли кишилари қаторида Мавлоно Муҳаммад шишасоз, Ҳасан сангтарошларни ҳам санаб ўтади. XV аср ҳужжатларида ҳунар билан боғлиқ бозор ва маҳаллар номи учраб туради: Сангтарошон, Сўзангарон, Тақи Заргарон ва ҳоказо.

Темур ҳокимияти даврида ўзга ўлкалардан келтирилган усталар ҳисобига Самарқанд ҳунармандлари сафи кўпайди. Темур ўзи забт этган шаҳарлардан маҳаллий усталарни олиб кетар ва уларни Мовароуннаҳр кентларига, асосан Самарқандга жойлаштирарди. Темурнинг буйруғига кўра, ҳунармандлар ва усталар билан бир қаторда Самарқандга қурилиш материаллари ва ашёлари, ҳатто саройлар ва қасрлардан бузиб олинган қурилиш материаллари жўнатиларди. Булар қаторига яна бир «Зафарнома» муаллифи Низомиддин Шомий (1371 йилги муваффақиятсиз давлат тўнтаришидан сўнг Темур давлати ҳудудидан қувилган) ёзишича, 1401 йил Озарбайжондан ташиб кетилган оқ Мармар сарой ҳам киради.

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Темур Самарқандга ҳунармандчилик, меъморлик, фан ва бошқа соҳаларда фойдаси тегиши мумкин бўлган барчани олиб келаверишни буюрган. «У турли касбдаги ҳунармандларни йиғишга уринди», деб ёзган эди Клавихо. А. Ю. Якубовскийнинг маълумотига кўра, Самарқанднинг ишлаб чиқариш қудратини оширмақ мақсадида Темур бу ерга Олтин Ўрда, Хуросон, Озарбайжон, Арманистон, Форс, Месопотамия ва бошқа вилоятлардан мажбурий равишда ҳунармандларни кўчиради. Тарихчилар XV асрда Самарқанд аҳолиси этник жиҳатдан ранг-баранглигини таъкидлашган.

Ҳунармандлар Мовароуннаҳр шаҳарлари аҳолисининг шоирлари, қўшиқчилари, мусиқачилари, тарихчилари жам бўлган маданий қатламга кирадилар. Улар сафида Самарқанднинг XV—XVI асрлардаги мутафаккирлари — совун қайнатувчилар гуруҳи бошлиғи шоир Жавҳарий, бичиқчи Мавлоно Хавофий, тикувчи-ҳунарманд Мавлоно Мир Арғун Ҳомадўз, Мавлоно Қобулий Газфуруш (калава сотувчи), Мавлоно Толоъи Камардўз (камар тикувчи), Бисотий Самарқандий (гилам тўқувчи уста) ва бошқалар бор эди.

Темур ҳарбий юришлар чоғида жамғарган бойлигининг катта қисмини ўз пойтахти Самарқандни безашга, янги йўллар ва савдо расталари қуришга сарфлади. Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича, Темур «дунё савдогарлар шарофати билан ройишдир» деб ҳисоблайди ва нафақат ички, балки ташқи савдони ҳам ривожлантиришга уринади: бунда у фақат Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари эмас, бошқа кўплаб мамлакатлар, жумладан Испания, Франция, Англия билан савдо алоқаларини яхшилади. Бу ўринда Самарқанднинг Ғарбий Оврупо мамлакатлари билан ташқи савдо алоқаларига тарихий-жўғрофий жиҳатдан баҳо бериш керак.

XIV—XV асрлар чегарасида Темур шахси замондошларининг эътиборини жалб қилибгина қолмасдан, балки Темурнинг дипломат сифатидаги фаолияти ҳам мутахассислар назарига тушди. Та-

рихчилар Темурнинг Фарбий Оврупо давлатлари раҳбарлари билан қилган ёзишмалари ҳақида салмоқли далилларга эгадир. Бизда Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида батафсил гапиришга ва ёзишга имконият туғилди. Тарихшунослик бу борада етарли маълумотларга эга. Аммо Темур давлатининг Шарқ ва Фарб мамлакатлари билан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзаро алоқалари тарихчиларимиз томонидан кам ўрганилган. Бу ҳол айниқса XV асрнинг боши, Темурнинг Усмонийлар давлатига қарши Фарбга юриши, яъни «етти йиллик» урушига (1399—1404) тегишлидир¹.

XIV аср охирида Туркиянинг ҳарбий қудрати оша борди. 1389 йилдан бошлаб Туркия Болқон ярим ороли ва Оврупо халқлариға нисбатан босқинчилик юришларини бошлади. У Сербия, Болгарияни босиб олди. Венгрия (Мажористонга) таҳдид қила бошлади. Султон Ўрхон ва Елдириим Боязид 1396 йили Фарбий Оврупо рицарлари устидан ғалаба қозониб, энди Константинопол (Стамбул)ни олишга жон-жаҳди билан тайёрланарди. Шунинг учун Византия императори Мануил ва унинг ноиби Иоанн Палеолог ёрдам сўраб, Оврупо саройларини айланиб чиқди. Халқаро миқёсда бу давр Оврупо учун энг мураккаб давр эди.

Баъзи мамлакатлар турклар билан сулҳ тузиб ўзларини хавфдан қутқармоқчи бўлардилар. Бошқалари Рим отаси бошчилигида иттифоқ тузиб, ғайридинларга қарши курашмоқчи эдилар. Лекин тезда шароит ўзгариб қолди. Кичик Осиёда икки ҳукмдор — Темур ва Боязид тўқнашишди. Халқаро вазият Темур фойдасига эди. Боязид томонидан маҳв этилган кичикосиёлик амирлар Темур саройида паноҳ топишган ва унга хизмат қилар, Боязиднинг энгилишини тилар эдилар. Фарбнинг насроний давлатлари: Византия регенти (монарх ўрнига вақтинчалик ҳукмдор) ва Генуя ҳукмдори Галат, Франция қироли Карл VI, Султония шаҳрининг (Шимолий Эрон) католик дойлари — миссионерлари Темурдан кўмак сўрашди. Темур эса ўз навбатида Венеция ва Стамбул — Константинополнинг денгиз кучларини Усмонийлар давлатига қарши ишлатишдан манфаатдор эди.

Император Мануилнинг Стамбул — Константинополдаги ноиби Иоанн Палеолог Темурдан юқоридаги таклиф битилган мактуб олди. Константинополдан Венецияга келтирилган бу хат бизгача асл нусхасида эмас, Италия тарихчиси Марино Санудо (XV—XVI асрлар) томонидан бирмунча бузиб қилинган таржима ҳолида етиб келган. Тарихчи Темур хатининг таржимасини ўзининг «Венеция ҳукмдорлари ҳаёти» китобига киритган. Бу нодир ҳужжатнинг русча таржимаси илк бор таниқли шарқшунос олим СамДД профессори И. И. Умняков томонидан амалга оширилган.

¹ Умняков И. И. XV аср бошида Ўрта Осиё ва Фарбий Оврупонинг халқаро алоқалари тарихидан.— Олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларнинг I конференцияси, Самарқанд, 1958 йил, 24—26-б. Уша муаллиф. Ўрта Осиёнинг XV аср бошида халқаро алоқалари. Темурнинг Византия ва Франция билан алоқалари.— А. Навоий номи УзДД ишлари. 61-сон. Самарқанд, 1956. 179—200-бетлар. Самарқанд тарихи. т. I; Тошкент, 1969, 173—195-бетлар (рус тилида).

Матнинг тўла таржимасини у 1969 йили «Самарқанд тарихи» китобининг I жилдида эълон қилган.

Мавжуд ҳужжатлардан Темурнинг дипломатик қобилияти хусусида фикр юритиш мумкин. Қўшинлари Кичик Осиёда бўлган чоғи Темур турк султони Боязид элчихонаси вакиллари билан мулоқотдан қифояланмасдан, бир вақтнинг ўзиде Франция қироли Карл VI (1380—1422) ва инглиз қироли Генрих IV Ланкастер (1399—1413) билан Боязидга қарши иттифоқ тузиш режасини амалга ошира борди. Темурнинг Оврупо мамлакатлари ҳукмдорлари ила олиб борган ёзишмаларидан уларнинг қудратли Усмонли империясига қарши кураш борасида ниятлари бир жойдан чиққанлиги кўриниб турибди.

Темур ва Карл VI ёзишмалари билан биринчи бўлиб XIX аср бошларида таниқли шарқшунос француз Сильвестр де Саси шуғулланди. Ундан сўнг 100 йил давомида бу мавзуда махсус тадқиқотлар пайдо бўлмади.

1928 йили Бомбайда Эрон шарқшуноси Мирза Муҳаммадхон Қазвинийнинг мақолалар тўплами нашр этилди, унда бир мақола юқоридаги мактубга бағишланган бўлиб, форсий-дарий тилига таржимаси ҳам келтирилган эди.

Мактубнинг ўртасида ва охирида Темурнинг кичик муҳри қўйилганлиги унинг ҳақиқийлигига шубҳа туғдирмайди.

Париж Миллий кутубхонасида Темурнинг Карл VI га ёзган бизга лотинча таржимада етиб келган иккинчи хати сақланади. Бу хатда ҳам худди биринчисига ўхшаб, 1402 йил 1 август санаси битилган. Унда Темурнинг Анқара жангидан сўнг Боязид устидан ғалаба қозонгани ҳақида ёзилади. Иккинчи мактубнинг асл нусхаси мавжудлиги ҳақида Франция архивларида маълумотлар йўқ. Хат аввалида қуйидаги мазмунда битик бор: «Бул мактуб уллу ҳукмдор Темурбекнинг фаранг қиролига йўллаган мактубининг форсийдан лотин тилига ўгирилган нусхасидир».

И. И. Умняковнинг фикрича, шундай бўлиши ҳам мумкинки, бу мактубнинг форсча матни умуман бўлмаган. Мактуб Темур номидан лотин тилида архиепископ Иоанн томонидан ёзилган ва Францияга 1403 йили келтирилган бўлиши мумкин. Форсийдан лотин тилига ўгиришга эса 1403 йил май ойида Темур элчисининг Иоанн элчихонаси сафиде Парижга келгани асос бўлган. Маълумки, у бу ерда тантанали равишда қуйидагиларни маълум қилган: 1) Темурнинг Туркия устидан қозонган ғалабаси ҳақида хушxabар, Боязиднинг ҳибсга олингани, у асир олган насронийларнинг Темур тарафидан озод этилгани ва Темурнинг барча насронийларга озодлик беришни мўлжаллаётгани; 2) Франция қироллигининг уллуворлигини кўрмоқ ва Темур ҳокимиятининг шавкати ҳақида сўзлаб бермоқ.

«Фарангларнинг номаи оъмоли» маълумотларида ёзилишича, элчи тубандагиларни баён қилган: Биринчидан, иккала мамлакат савдогарлари учун ҳам эркин савдо ишларини юритиш фойдалидир (Темурнинг «Дунё савдогарлар шарофати билан ройишдир» деган бош ақидасини эслайлик); иккинчидан, қирол ва герцоглар

рози бўлишса, эркин савдони махсус шартнома ёки битим билан тасдиқлаш мумкин. Шу хроникада ёзилишича, католик пастор кўпларга Темур ҳаётининг ўзига хос томонларини ва ўзи Темур ҳақида француз тилида асар битганини гапириб берган. Шу тариқа Оврупода Темур ҳақида хотиралар пайдо бўлган.

Совет тарихчилари бугунги кунда фаранг қироли Карл VI нинг Темурга мактуби таржимаси билан танишдирилар;

Мактуб шуниси билан қимматлики, Карл VI нинг Темурга битган хати бизгача сақланиб қолган ягона ҳужжатдир, уларнинг бундан аввалги ёзишмалари бизга етиб келмаган, бу матннинг нусхаси эса Париж Миллий кутубхонасида сақланади.

Карл VI нинг амир Темурга Анқарада Туркияни мағлуб этгани учун миннатдорчилик билдиришига кўп асослари бор эди.

Темурнинг икки хати 1 август 1402 йил ва 15 июнь 1403 йил саналарига эга.

Шарқшуносларнинг фикрича, Англия билан Шарқ алоқалари жуда кам ўрганилган, чунки инглизлар ўрта асрларда Шарқни ўрганишда қатнашмадилар, агар инглиз рицари Жон Мандевилнинг 1332—1372 йиллар қилган фантастик хабарларини эътиборга олмасак, Темур давридагина инглизлар унинг давлати билан дипломатик алоқалар ўрнатишга дастлабки муваффақиятсиз қадамини қўяди. Шуни ҳам қайд этиб ўтиш жоизки, Англия ва Франция ўртасидаги 1396 йилги (ёки 1386 й.) омонат сулҳ 1404 йили яна бузилди ва улар ўртасида яна ҳарбий ҳаракатлар бошланди. Шунинг учун Англия сингари, Франция ҳам Темур ва Темурзодалар кучи ва қудратидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уриндилар.

Ватикан вакили — Султония архиепископи Иоанн Англиянинг Мироншоҳ (Темурнинг ўғли, улкан Темур давлатининг Ғарбий вилоятлари ҳукмдори) билан яқинлашувига фаол кўмаклашди. Собиқ Хулагу хонлиги ёки мўғуллар давлати — Бағдод ва Эрон, Кавказорти, Табриз ва Султонияни ўзига қамраб олган эди. Темурнинг тирик қолган фарзандларининг тўнғичи сифатида Мироншоҳ Ғарб ҳукмдорларининг диққат марказида бўлди, у «католик эътиқоди ҳомийси» деган ном олди ва очиқдан-очиқ Ғарб билан яқинлашишга урина бошлади. У насроний савдогарлари ва дойилари — миссионерларига яхши кўз билан қаради ва Англия қироли Генрих IV билан шартнома тузишга тайёрлигини билдирди. Бу ҳақда Генрих IV нинг Мироншоҳга жавоб мактубидан билиб олса бўлади.

Париждаги Миллий кутубхонада Мироншоҳ номидан латин тилида битилган ҳужжат сақланган. Ҳужжатни таҳлил этган профессор И. И. Умняков қуйидаги хулосаларни чақиради:

1. Форсидан латин тилига ўгиришда архиепископ Иоанн муҳаррирлик қилган, шунинг учун мактубнинг асл нусхаси унинг архивида сақланган бўлиши мумкин. Шундай бўлиши ҳам мумкинки, Иоанн таржимон сифатида хатга ўз ўзгартиришлари ва тўлдиришларини киритган бўлиши мумкин.

2. Сана масаласи баҳсли бўлиб қолмоқда. Мактуб Иоанн

фикрича, 1403 йил 22 май—21 июнь ўртасида: Сильвестр де Саси фикрича эса, 1402 йилнинг июнида ёзилган. И. И. Умняков фикрича, бу ўринда Анқара остонасида туркларнинг мағлуб этилиши кўзда тутилмоқда. Темурнинг Мироншоҳ билан жанжали санасини айтиш мушкул. Фақат Шарафуддин Али Яздий асаридангина 1399 йилги Ғарбга юриш асосан Мироншоҳнинг ҳаракатлари билан боғланганлигини билиш мумкин.

Темурнинг Миср султонини, сўнг 1402 йил Анқара жангида қудратли Усмон империясини тор-мор этгани аслини олганда Ғарбий Оврупо халқларини қулликдан асраб қолдики, бу ҳол Ғарбда Шарққа нисбатан қизиқиш уйғотди. Ғарб олис Шарққа ўз элчиларини йўлларкан, ўзларининг доимий мақсадларини унутмадилар, яъни элчилар ҳамма жойда кузатиб юришлари, ишларнинг бориши, халқ аҳволи тўғрисида, савдо, ҳунармандчилик, косиблик ҳақида маълумотлар тўплаши, ўз мамлакати учун фойдали бирон юмуш қилишлари лозим эди ва ҳоказо. Улар кундалик юритардилар. Қайтганларидан сўнг эса барча кўрганлари ҳақида батафсил ҳисобот ёзардилар. Бунинг яққол мисоли—1403 йил Темур саройида бўлган Испания элчиси Клавихонинг кундалигидир. Клавихо кундалиги биринчи марта 1582 йил Севияда «Буюк Темурлангнинг ҳаёти ва фаолияти» номи билан нашр этилди. У Мадридда 1782 йили қайта нашр этилди. Срезневский нашрининг асоси бўлиб 1582 йилги нашр хизмат қилди. Инглиз шарқшуноси Строндж «Кундалик» ни Срезневский нашрига суяниб, инглиз тилига таржима қилди ва 1928 йил нашр этди. 1943 йили Клавихо кундалигининг янги Мадриддаги нашрини Ф. Лопез амалга оширди. Нашр асосига у XV аср қўлёзмасини олди, лекин у асар матнини чуқур адабий-илмий текширувдан ўтказди ва кундаликни Темур давлатидаги Клавихо элчихонаси ҳақидаги тарихий маълумотлар билан тўлдирди.

2. ШАРАФИДДИН АЛИ ЯЗДИЙНИНГ «ЗАФАРНОМА» АСАРИ — УРТА ОСИЁ ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ БЕБАҲО ОБИДАСИ

Юқорида таъкидланганидек, XV—XX аср тарихчилари ва адабиётчиларининг кўплаб асарлари Темурнинг шахси ва фаолиятига бағишланган. В. В. Бартольд таъкидлаганидек, Темур даври тадқиқотчиси «Маълумотларнинг камлигидан эмас, кўплигидан қийналади. Чунки улар кўплаб кутубхоналарга сочилиб кетган, улар аввало танқидий нуқтаи назардан қараб чиқишни ва нашр этишни тақозо этади»¹. В. В. Бартольднинг бу фикри ҳозир ҳам ўз кучини сақламоқда.

Темур ҳақида биринчи расмий тарих у ҳаётлигида Низомиддин Шомий томонидан тузилган бўлиб, унинг номи ҳам «Зафарнома»²

¹ Бартольд В. В. Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт. Асарлар. II жилд, 2-қисм. М., 1964. 199-бет (рус тилида).

² Бу китоб нашри Оврупода биринчи бор чех шарқшуноси Ф. Гауэр томонидан Прагада амалга оширилган. 1-жилд, 1937 йили, 2-жилд эса 1956 йили нашр этилган.

(ғалабалар китоби) эди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бу мажмуа Темурнинг расмий тарихи бўлса-да, Низомиддин Шомий уни саройдан олисда ёзгани учун бизнинг фикримизча, фактлар ва тарихий жараёнлар баёнида бирмунча холислик бор. Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздий китоблари мустақил асарлар бўлса-да, улар бир-бирларини тўлдирдилар ва XIV аср охири, XV аср бошларида Ўрта Осиё халқларининг тарихини чуқурроқ ўрганиш имконини берадилар. Низомиддин Шомий китоби Оврупода 1937 ва 1956 йиллари нашр этилган бўлса, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» си Совет Ўзбекистони тарихчилари ва шарқшуносларининг катта меҳнатлари туфайли 1972 йили ЮНЕСКОнинг қарори билан Темурийлар даври санъати тарихи масалаларига бағишланган халқаро симпозиумга бағишлаб нашр этилди.

Ўзбек классик адабиётининг асосчиси Алишер Навоий Шарафиддин Али Яздий ҳақида унинг комиллиги жумлаи жаҳон томонидан эътибор этилган, деб ёзганди¹. Шарафиддин Али Яздий Язддан унча узоқ бўлмаган Тафт шаҳрида (Эрон) туғилган. 1415—1435 йиллари Шоҳруҳнинг ўғли, Улуғбекнинг акаси Иброҳим Султон хизматида бўлган. Иброҳим Султон Шарафиддин Яздийга «Зафарнома» ни ёзишда ҳомийлик қилган. Иброҳим Султон вафотидан сўнг (838 ҳижрий — 1435 мелодий) «Зафарнома» муаллифи Шоҳруҳ набираси, ҳижрий 846, мелодий 1443 йилда Султония, Қазвин, Рай ва Қум ҳокими бўлган Мирзо Муҳаммад томонидан саройга таклиф этилган. Абдураззоқ Самарқандий² Темурийлар даври тарихий вазиятини кўрсатиш учун муаллиф қўйидаги тарихий фактни келтиради: 1445—1446 йиллари Шоҳруҳнинг ўғли Муҳаммад Султон ҳокимиятни эгаллаш учун ўз отасига қарши исён кўтаради. Унинг фаол ҳамкорлари сафида Шарафиддин Али Яздий ва Мирзо Улуғбекнинг тўнғич ўғли Абдуллатиф бор эди. Муваффақиятсиз исёндан сўнг Муҳаммад Султоннинг иттифоқдоши, Шоҳруҳнинг набираси Мирзо Султон Шарафиддин Али Яздийни ўз ҳимоясига олади ва Ҳиротга юборди³, афтидан Шарафиддин Али Яздийга жаҳонга таниқлик мутафаккир А. Жамойининг ҳомийлиги сезилади. А. Жомий биографи Камолиддин Абдул — Восеъ юқоридаги воқеадан сўнг Шарафиддин Али Ҳиротга келганини, Инжил наҳри бўйида унинг Жомий билан учрашуви юз берганини ёзади. Гап шундаки, Шарафиддин Али каби Жомий ҳам, ўзини машҳур мутафаккир ва тасаввуфнинг маънавий отаси Муҳаммад Порсонинг шогирди ҳисоблар, шунинг

¹ Алишер Навоий. Мажолисун нафоис. Танқидий матн, С. Ғаниева тайёрлаган. Тошкент, 1961, 34—35-бетлар.

² Абдураззоқ Самарқандий ҳақида батафсил маълумот ушбу асарнинг V бокида.

³ Қаранг: Шарафиддин Али Яздий. «Зафарнома». Тошкент, 1972. Адабиётда шундай фикр мавжуд, гўё Абдуллатиф уни Самарқандга юборган, ўша ерда у А. Жомий билан учрашган. Фикримизча, бу фикр тарихий ҳақиқатга яқин, чунки 1445—1452 йиллари Жомий Самарқандда яшаган ва Улуғбек мадрасасининг бош мударриси бўлиб ишлаган.

учун учрашув чоғи шоир улуғ тарихчининг ҳаётга ва ўлимга сўфийлик нуқтаи назарини билишга қизиққан¹. Уқувчига шуни ҳам маълум этиб ўтиш қизиқки, Абдурахмон Жомий бир неча йил ўтгач, Улуғбек мадрасасида бош мударрис бўлган чоғлари «Муаммои Кабир» китобини бошлайди ва 1451—1452 йиллари тугатади. А. Жомийнинг биз қўлга киритган асари қўлёзмаси икки мустақил асардан иборат: биринчи асар асосан сўфизм маъқулотлари асосчиси Муҳаммад Порсо ғояларига бағишланган, «Муаммои Кабир» нинг иккинчи қисми эса Шарафиддин Али Яздийнинг шу номдаги асарига жавоб тариқасида ёзилган. Муаммо жанри адабий-тарихий оламда янги оқим эди, у XV—XVI асрларда ҳокимлар ва мутафаккирларининг дипломатик алоқа воситасидай эди. Шарафиддин Али Яздий муаммо жанрининг асосчиларидан биридир. Бу жанрнинг кейинги ижодкорлари А. Жомий, А. Навоий, З. Васифий ҳисобланади.

Шундай қилиб, Шоҳруҳ вафотидан сўнг (ҳижрий 850, милодий 1447), эҳтимол А. Жомий Ҳиротга қайтганидан сўнг (1452 йил), уларнинг учрашуви юз берган бўлиши мумкин. Жомийнинг биографи Камолиддин Абдул-Восеъ ан Низомий шу ҳақда ёзган бўлса керак.

Шарафиддин Али, унинг Ватани Тафт (Тафти Язд) га қайтиши хусусидаги баҳсларга келсак, манбаларга қараганда, у буюк тарихчи умрининг охиригача шу ердаги хонақоҳда яшади. Бу ҳақда Абдураззоқ Самарқандий хабар беради.² 856 йилнинг ражаб ойида (1452 йилнинг августи) Абдураззоқ Самарқандий Ироқдан Хурсонга ўтаётиб Тафти Яздда бўлди. Шу ерда Шарафиддин Али билан унинг хонақоҳида узоқ суҳбатлашди. Абдураззоқ Самарқандийнинг бу хабарини буюк ўзбек шоири Алишер Навоий тасдиқлайди³.

Шундай қилиб, Шарафиддин Али (858/1454 йил) Яздда вафот этди ва ўша ерда дафн этилди.

«Зафарнома» Урта Осиё халқларининг нодир маданий обида-сидирки у фақат Урта Осиёнинг эмас, бутун Шарқ мамлакатлари тарихи манбаи, шунинг учун у ҳозирда ҳам шарқшунос тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига жалб қилмоқда ва ўзига хослиги, тўпланган материалларнинг ҳаққонийлиги билан кўрсатилган давр тарихий манбалари ичида алоҳида ўрин тутади⁴. Гап шундаки, «Зафарнома» тузилишига кўра икки қисмга бўлинади: 1) Муқаддима, у Темур шажарасига бағишланган, унда турк уруғлари ва Чингизхоннинг тўрт улуси ҳақида умумий маълумотлар берилади, умуман, булар юқорида санаб ўтилган асарларда батафсил баён қилинган (Масалан, Рашидиддин, «Жомеъ ат-таворих», Жу-

¹ Қаранг: Саидқулов Т. С., Пўлатий А. Дурдона асар (Изданиш, топилма ва янгилик). «Гулистон» журнали, 1974 й., 4-сон.

² Абдураззоқ Самарқандий. Абдураззоқнинг Ҳиндистон сафари ҳақида йўл таасуротлари. Техрон. 1959 й. 1041-бет.

³ Қаранг: Алишер Навоий. Мажлис ун-нафонс. Асарлар, 34—35-бетлар.

⁴ Иброҳим Мўминов. Урта Осиё тарихида Амир Темурнинг тутган ўрни. Тошкент, 1968 й. 7-бет.

вайний, «Тарихи жаҳонкушан» ва бошқалар). 2) Асосий қисм (Темурнинг ўз тарихи). Муаллиф маълумотидан кўринадики, бу тарихий асар Шарафиддин Алини саройига таклиф қилган Шоҳруҳнинг ўғли Иброҳим Султон ташаббуси билан ёзилган. Шоҳ ўзининг бобоси ҳақида махсус китоб яратишни истади ва у 822 (1419—1420 йй.) соҳибқирон Темур ҳақида маълумотлар тўплаш ҳақида фармон берди. Муқаддимада бу жараён қуйидагича тасвирланган. Тўпланган маълумотлар шоҳидларнинг оғзаки ҳикоялари билан таққосланган, сўнг Шарафиддин Али Яздий бу маълумотлар билан танишиб чиқиб, Иброҳим Султонга улар ҳақида фикрини айтган, шундан сўнг у «Зафарнома» китобини ёзишга киришган. Муаллиф тўлланган маълумотларни уч гуруҳга бўлади: воқеалар шоҳидларининг ҳикоялари, иккинчи ва учинчи ўқувчилар тури ва форс манбаларининг билимдонлари. Барча саналар, ўринлар жуғрофий координатлар ва улар орасидаги масофалар Иброҳим Султон фармонига кўра ҳар томонлама текширувдан ўтказилиб, сўнг Шарафиддин Али Яздийга берилади. Бунда муаллифга кўрсатма берилгандики, биринчидан, бадий нафосатли ҳамда тушунарли тилда битилган китоб бўлсин, иккинчидан, муаллиф ҳужжатга қатъий амал қилмоғи, дастлабки битиклардан чекинмаслиги, ҳеч нарсани бўяб-бежамаслиги шарт эди. Шу йўсинда Темурнинг кенг миқёсда расмий тарихи дунёга келди. Бир неча оғиз сўз «Зафарнома» ёзилиш вақтининг тарихий хронологияси ҳақида. Гап шундаки, асарнинг бошланиши (832/1419) ва тугатилиши (828/1424—1425) ҳақида Али Яздий ҳамда замондошлари томонидан берилган маълумотлар бор. Лекин баҳс бошқа мавзуда: Муаллиф асар устида ишлашни давом эттирганми, ахир — 1454 йилгача яшаган-ку? Ҳа, муаллиф асар устида ишлашни давом эттирган. Бу ҳақда қуйидаги маълумот бор:

«Соҳибқирон олий ҳазратларининг «Зафарномаси» га Муқаддима муқаддас рамазон ойининг 21-санасида 1038 йили худо паноҳида Самарқанд шаҳрида битилди, тангри уни кулфат ва ғамлардан сақласин!» Гап бу ерда ЎзССР ФА фондида сақланаётган «Зафарнома» га Муқаддима ҳақида бормоқда. Ўзгунги кунда Шарқ тарихшуносларига «Зафарнома» нинг 840/1436—1437 йй. санаси билан битилган қўлёзмаси маълум. Демак, 840 йилда «Зафарнома» нинг бир неча қўлёзмаси бўлган. Асарнинг 1972 йил Тошкентда эълон қилинган факсимил нашри ана шу қўлёзмалардан бири ҳисобланади. Эҳтимол у бошқа нусхаларнинг асли бўлгандир, бу ҳақда кейинроқ фикр юритамиз. Энди Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари юзасидан кейинги йилларда олиб борган иши ҳақидаги фикримизни давом эттирамиз. Масалан, бу асарнинг муаллифини яхши билган Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, «Зафарнома» 828 йили (1424—1425) тугалланган, аммо муаллиф «Зафарнома» ни тўлдириш учун 831 (1427—1428 йиллар) йилдан кейин ҳам маълумот тўплашда давом этган. Абдураззоқ Самарқандийнинг бу фикрига суянган ўзбек шарқшуноси Асомиддин Ўринбоев «Зафарнома» нинг 1972 йилги нашрини тайёрлаш чоғида, Шарафиддин Али Яздий томонидан

асарнинг иккинчи (Шоҳруҳ тарихи) ва учинчи (Иброҳим Султон тарихи) қисмларини ёзган, деган тахминни илгари суради ва бу ҳақда китоб сўзбошисида ёзади. Лекин А. Ўринбоев айтганидай «Зафарнома» нинг бу икки қисми топилмаган, Шоҳруҳ ва унинг ўғли Улуғбекнинг тарихи битилган «Зафарнома» нинг давомини эса Тож Салмоний ёзган.¹

«Зафарнома» нинг Тошкентда 1972 йилда нашр этилган нусхасининг топилуш тарихига қайтамыз. ЎзССР ФА ШИ илмий ходими А. Носиров ушбу «Зафарнома» қўлёзмаси Қўқон хони Худойхоннинг (1261/1845—1282/1866) кутубхонасида сақланганини ёзади. Чор Россияси томонидан Қўқон хонлиги мағлуб этилгач, бу қўлёзма хусусий қўлларга ўтган ва Тошкент шаҳрининг Себзор даҳаси қозиси Муҳиддин Ҳожи қўлига келиб тушган.

1897 йилда Россия империяси биринчи маротаба «буюк давлат» сифатида Париждаги халқаро кўргазмада улкан Россиянинг чекка ўлкаларидан келтирилган экспонатлар билан қатнашди. Кўргазма залларидан бири Урта Осиё халқларининг тарихи, табиий-жуғрофий мавқеига бағишланган эди. Чунончи, бу ерда биринчи маротаба ҳамюртимиз Мирзо Барат томонидан тайёрланган Самарқанддаги «Регистон» ансамбли макети намоён қилинди. Урта Осиё залида «Зафарнома» нинг юқоридаги нусхаси ҳам Муҳиддин Ҳожининг шахсий коллекциясидан олиб кўрсатилди. Бу асар ва унинг бадиий қиммати ҳақидаги биринчи хабар (безалиши, ҳуснихати, олтин ва бўёқларда ажойиб ишланганлиги), 12 миниатюранинг ўзига хослиги, матндаги мазмуннинг нақшин ҳошияли саҳифаларда берилиши, 1899 йил Туркистон археология ишқибозлари тўғарагида Н. Г. Маллицкий томонидан амалга оширилди. Бу хабар В. В. Бартольдни қизиқтириб қолди. У 1902 йил Туркистонга «мавжуд қўлёзмаларни текшириш» учун келган эди. Сўнг у 1904 йилги сафари ҳақида ҳисоботида бу қўлёзма марҳум Муҳиддин Ҳожига тегишли эканини ёзган эди. 1890-йиллардаёқ бу қўлёзма билан профессор А. А. Семёнов танишган ва бу ҳақда ўзининг «XVII аср бошларидаги Самарқанд қўлёзмаси — Шарафиддин Яздий «Зафарномаси миниатюралари» асарида фахр билан эслатиб ўтган эди.

Муҳиддин Ҳожи вафотидан сўнг (1902 йил) бу тарихий ҳужжатнинг қисмати кўп вақтгача номаълум бўлиб қолди. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш керакки, шарқшунос А. Носиров «Зафарнома» тавсифи учун қисқа қайдларида янги топилган «Зафарнома»нинг Навоий номли ЎзССР Давлат кутубхонасига қайси йили акт билан қабул қилингани хусусида хатога йўл қўйган.

30-йилларнинг охирида ЎзССР Давлат кутубхонасининг директори А. А. Семёнов, унинг ўринбосари А. Пўлотий эди². Пўлотийнинг гувоҳлик беришича, 1942 йил қишида у Эски шаҳарнинг колхоз бозорида (Эски Жўва) паранжили аёл қўлида тасодифан

¹ Шарафиддин Али Яздий. «Зафарнома», Сўзбоши. 32-бет.

² Пўлотий А.— ҳозир кутубхонанинг Шарқ қўлёзмалари бўлими мудирини ЎзССРда хизмат кўрсатган маданият ходими. ветеран. 4 февраль 1990 йили 90 ёшга кирди.

бир китоб кўриб қолади. Аёл китобни сотиш, оиласини очликдан асраб қолиш учун чиққан экан. А. Пўлотийнинг ёрдами билан қўл-ёзма унинг таннархини аниқлаш учун профессор Семёновга берилганда, у китоб бебаҳолигини айтади. Шундай қилиб, кутубхона сотиб олган «Зафарнома» қўлёзмаси 1943 йилда Давлат кутубхонасининг шарқшунослик қўлёзмалари бўлими негизида ЎзССР ФА нинг Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш илмгоҳи ташкил этилгач, шу илмгоҳнинг мулкига айланди. «Зафарнома» нинг илмий тавсифи «ЎзССР ФА Шарқ қўлёзмалари тўплами» каталогининг VIII жилдида босилиб чиқди (1967).

Тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан қарасак, расмий оҳангда ёзилишига қарамай, Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» сида Темур фаолиятини ва унинг зиддиятли шахсини — мустабид шоҳ ва Мовароуннаҳрда марказлашган буюк феодал давлати бунёдкорини бирмунча одиллик билан ёритади.

Шарафиддин Али Яздий асари қўлёзма ҳолида кенг тарқалиб кетган, чунки асар унинг замондошлари ва кейинги аср тарихчилари учун ҳам дастлабки манба бўлиб хизмат қилди. Шарафиддин Али Яздийнинг тарихий воқеаларни баён этиш услуби, оҳанги кўп пайтгача ўлкашунослар, тарихчилар учун намуна бўлиб хизмат қилди. Масалан, XVI асрнинг машҳур тарихчилари, Мирхонд (Равзату с-Сафо), «Сафо-фароғат боғи», Хондамир («Ҳабибу-с-сийар»—«Дўстлар атроблари») ва бошқалар ҳам Шарафиддин Алининг «Зафарнома» сига суяниб иш кўрдилар. XV ва XVI асрлардаёқ «Зафарнома» нинг ғояси ва мазмуни Лутфийни (1492 йилда вафот этган) ўзбекча ғазаллар битишга илҳомлантирган бўлса, машҳур шоир Абдураҳмон Жомийнинг шогирди ва жияни Хотифийга (927/1521 йилда вафот этган) тожикча-форсча шеърлар ёзишга туртки берган. Хотифий ўз асарини «Темурнома» деб атади. Иккинчи насрий таржима ўзбек тилига Ўрта Осиё мутафаккири, XVI асрнинг қомусий олими Муҳаммад Али ибн Дарвиш Али Бухорий томонидан дастлабки Шайбонийлардан Қўчкунчихон (916/1510—936/1530) топшириғига кўра амалга оширилган. 1822—1823 йиллари эса «Зафарнома» ни Хива шоири Худойберди ибн Қўшмуҳаммад Сўфи ал-Хевақий ўзбек тилига қисқартириб таржима қилди. Адабиётда 1842 йил Ҳофиз Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ажамий «Зафарнома» ни турк тилига таржима қилган, деган маълумот учрайди.

«Зафарнома» 1723 йилда француз ва инглиз тилларида қисқартирилган ҳолида нашр этилган. Рус шарқшуноси А. Кримский маълумотига кўра, Италия шарқшуноси Брадутти «Зафарнома» ни итальян тилига таржима қилган, шунингдек, асарнинг Темурнинг Олтин Ўрдага қилган юриши ҳақидаги ўринларининг русча таржимаси ҳам бор. Бу парчалар 1936 йил Шарлуа томонидан форсча асл матнда ва французча таржима нашр этилган.

Темурнинг Ҳиндистонга юриши тафсилоти XIX асрда икки бор таржима қилинган. Ниҳоят, Туркистон ва Олтин Ўрда тарихи билан боғлиқ катта-катта маълумотлар мамлакатимизда 1939 йилда форс тилидан рус тилига таржима қилинган.

Урта Осиё тарихшунослигининг дурдонаси — «Зафарнома» жаҳон тарихчиларининг тадқиқот манбаи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Чунончи, 1887—1888 йиллари ҳинд шарқшуноси Мавлавий Илохдом ташаббусига кўра олти нусха асосида «Зафарнома» нинг икки жилдлиги Калькуттада нашр этилди.

1958 йилда Муҳаммад Аббосий томонидан уч қўлёзма ва юқоридики зикр этилган Калькутта нашри асосида Техронда янги нашр пайдо бўлди. Аббосий фойдаланган қўлёзмаларнинг иккитаси муаллиф ҳаётлигидаги нусхалардир: бири — санасиз, Муҳаммад Аббосийнинг шахсий мулки, иккинчиси — Мажлис кутубхонасида, (36782-сон, кўчириш санаси хижрий 840, 1436 йил), учинчиси яна Мажлис кутубхонасида бўлиб, 36773-сон, 1037/1637—1638 йиллари кўчирилган.

Демак, А. Уринбоевнинг ҳаққоний кўрсатишича, «Зафарнома» нинг француз ва инглиз тилига таржима қилган таржимонлар, шу кунгача библиографик ноёб бўлса-да, асарнинг бешдан бир қисмини ташкил этган муқаддима қисми таржимасини тушириб қолдирганлар. Асарнинг Калькутта ва Техронда нашр қилинган нусхаларида Муқаддима қисми йўқ. Шунинг учун А. Уринбоев томонидан факсимал нусха, кириш сўзи, изоҳ ва кўрсатмалар билан тайёрланган «Зафарнома» матни асарнинг энг яхши нусхаларини ўзида жамлагандир. Шубҳасиз, «Зафарнома» нинг мазкур нашри Урта Осиё халқларининг XIV аср охири, XV аср бошларидаги ҳаётини ўрганишда тарихчиларга яқиндан ёрдам беради.

V БОБ. УЛУҒБЕК ДАВРИДАГИ УРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЙ ҲАЁТИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИ

I. УЛУҒБЕК ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИГА ОИД УРТА ОСИЁ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Кўрилаётган давр ичида Урта Осиё халқлари маданий ҳаёти мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Узаро қирғинбарот урушлар, тез-тез бўлиб турадиган чет эл босқинчиларининг талон-торожлари баъзида халқнинг асрлар бўйи яралган маънавий ва моддий маданияти бойликларини бир уюм хароба ва кулга айлантирар, фақат мўъжиза билан сақланиб қолган уруғларгина маданиятнинг янги ниҳолларини етиштирарди. Халқнинг фидойи ўғил-қизлари уларни севиб парваришлар, шогирдлар ва ўринбосарлар тайёрлашар, ўзларидан олдин ўтган аجدодларнинг анъаналарини давом эттирар эдилар. Темур ўлимидан кейин ҳам шундай бўлди. Темурнинг улкан феодал давлати қилич ва қалқон итоатида эди. Халқ оммаси эса феодалларнинг жабр-зулми остида яшарди.

Темур вафотидан сўнг (5.02.1405 йил) ҳокимият учун кураш бошланади ва тўрт йилдан сўнг Темурнинг ўғли Шоҳруҳ бу курашда ғолиб чиқади. У отаси идора қилган ҳокимиятни икки

қисмга бўлди: Маркази Ҳиротда бўлган, ўзи бошқарган Хуросон давлати ва маркази Самарқандда бўлган, ўгли Улуғбек бошқарган Мовароуннаҳр давлати.

Темурнинг набираси, Шоҳруҳнинг тўнғич ўгли Улуғбек 1394 йил 22 мартда (796 йил, 19 жумадил)¹ Султония шаҳрида, Шоҳруҳнинг 17 яшар хотини Гавҳаршодбегимдан туғилди. Гавҳаршоднинг отаси — Чиғатой зодагонлари вакили, Чингизхон ҳаётини сақлаб қолган Қишлиқнинг ўгли Гиёсиддин Тархон эди. Темур вафотидан сўнг Шоҳруҳнинг хотини эрининг ҳукмронлик йилларида муҳим роль ўйнади². Янги туғилган чақалоққа Муҳаммад Тарағай номи берилди. Лекин ҳали Темур ҳаётлиги давридаёқ уни Улуғбек деб аташарди³.

1404 йил кузида «Етти йиллик» юришдан қайтган амир Темур ўз галабаларига қўшиб, 9 ёшдан 17 ёшгача бўлган бешта набирасининг тўйини ҳам қўшиб ўтказди. Улар сафида ўн ёшли Улуғбек ҳам бор эди. Унинг қаллиғи — амакиси Муҳаммад Султоннинг (унинг шарафига Гўри Амир мақбараси қурилган) қизи Оғабегим (ёки Оғабекка) эди, у ҳам кейинчалик Гўри Амир хилхоналарининг бирига дафн қилинган. Улуғбек 15—16 ёшида, 1409 йилда отаси Шоҳруҳ томонидан Мовароуннаҳр ҳокими этиб тайинланди. Икки йилдан кейин 1411 йили 17 ёшли Улуғбек шимоли-ғарбий Амударёдан Сиғноқгача, шимоли-шарқда эса Ашпара (Исфара) гача бўлган улкан музофотнинг ҳукмдорига айланди⁴. Ҳокимият жиловни Шоҳруҳ қўлида бўлса-да, замондошлари Улуғбекни итоатдаги шоҳ деб билмасдилар.

Улуғбекнинг ҳарбий сиёсати шу билан ажралиб турардики, у доимо уруш очмас, зарурият туғилиб қолганда, жангари қўшнилари томонидан хавф туғилганида урушга кирарди. Масалан, 1414 йилда Улуғбек Фарғона шаҳзодаси султон Аҳмадга қарши муваффақиятли уруш олиб борди. Фарғона, кейин Қошғар Мовароуннаҳрга қўшиб олинди.

Мўғулистоннинг кучайиб бораётган хонлари Улуғбекка таҳдид солиб туришарди. Аввалига Улуғбек уларни итоатда тутди, лекин тезда улар бўйсунмасдан қўйдилар.

Чунончи, 1423 йилги юриш вақтида Улуғбек Чу дарёсига етиб келди ва 1425 йилнинг баҳорида Кетмонтепа жангида унинг қўшини Шер Муҳаммадхон устидан ғолиб чиқди. Бошқа бойликлар қатори Улуғбек икки бўлак нефрит — яшма тошни ҳам ўлжа олди. Улар шунчалик оғир эдики, Самарқандга юбориш учун махсус юк кўтаргич қилишга тўғри келди. Кейинчалик Улуғбек ҳукмига кўра улардан Темурга қабртоши тайёрланди. 1425 йилги зафарли юриш шарафига Улуғбек Илон ўти деган ердаги Жалол ота девонидаги тоғ қоясига битик битишни буюрди. Унда шундай сўзлар ёзилган: Улуғ тангрининг... қўллаб-қувватлаши бирлан улуғ

¹ Шарафиддин Али Яздий кўрсатган сана. 679-бет.

² Бартольд В. В. «Улуғбек и его эпоха. II жилд, 2-қисм, М., 1964, 63—64-бетлар.

³ Уша асар.

⁴ Уша асар.

султон, жамий подшоҳлар ҳукмдори, тангрининг ердаги сояси, ислом динининг туғдори, дин ҳомийси Муъиниддин Улуғбек кўрағон, тангри онинг салтанатини пойдор қилсун. Жете ва Мўғулистонга юриш вақтида ушбу ердан ўтғон. Ҳижрий, 828 йил¹. У бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Бошқа сиёсатга нисбатан ҳам кўпроқ ички сиёсатда Улуғбек ўзининг бобосига таассуб қиларди. Агар Шоҳруҳни мусулмонлар шоҳи деб аташган бўлса, Улуғбек аксинча, руҳонийлар билан унчалик чиқишмади.

XV аср бошларида тузилган, Ўрта Осиё дарвешларининг тарихига оид «Рашахот айнул ҳайат» («Ҳаёт булоғи томчилари») асарида дарвешларнинг Улуғбекка душманона муносабатда бўлишига доир мисоллар кўп учрайди. Ҳатто Бухоро дарвешларининг бошлиғи, Абдурахмон Жомийнинг маънавий падари Муҳаммад Порсо ҳам даставвал иттифоқдош бўлса-да, бора-бора шоҳнинг назаридан четда қолди. Улуғбек даврида Ўрта Осиё тарихини батафсил ёзиб чиққан В. В. Бартольд қуйидаги воқеани келтиради: Самарқандга Шамсиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жазоирий (2 декабрь 1429 йил Шерозда вафот этган) руҳонийлар ишлатаётган ҳадисларнинг чин ёки сохталигини текшириш учун келади. У билан баҳсда иштирок этиш учун Улуғбек Муҳаммад Порсонини таклиф этади ва кимнинг номидан ҳадисни шарҳлаб беришини сўрайди. Синов Шайхулислом Исомиддин ва бошқа фақиҳ ва муҳаддислар иштирокида ўтказилади. Муҳаммад Порсо тарафидан айтилган бир неча оятлар иштирок этувчилар томонидан шубҳа остига олинганда, Муҳаммад Порсо Шайхулислом кутубхонасидан Шамсиддин ҳам эътироф этган китоблардан бирини келтиришни буюради. У ҳатто китоб қайси жавонда-ю, зарур ҳадис қайси саҳифада эканини айтиб беради, ҳолбуки у Шайхулислом кутубхонасида авваллари сира бўлмаган эди². Муҳаммад Порсо бошқа пайтлар ҳам ўз илмининг билимдони эканлигини намойиш этган эди.

Тарихий адабиётларда Улуғбекнинг Хожа Аҳрор билан муносабати ўта баҳслидир. Хожа Аҳрор Самарқандга 22 ёшида, 1426 йили келган, Улуғбек ўша пайтлари 32 ёшда эди. Демак, Хожа Аҳрор Улуғбекдан 10 ёш кичик бўлган. Хожа Аҳрорнинг «Убайдуллонома» таржимаи ҳол китобидан англашиладики, у оз фурсат Улуғбек мадрасасида ўқиган, унинг маърузаларини тинглаган. Мадрасани битиргач, мударрис этиб қолдирилган. Хожа Аҳрорнинг катта куёви Абдурахмон Нишопурий ўзининг нодир «Мусаммос» («Мулоқот») асарида айтиб ўтадики, байрам ва айём кунлари Улуғбек ва Хожа Аҳрор ўртасида мадрасада тарих, фалсафа, дин асосларининг турли масалалари бўйича ўткир баҳслар бўлган. Бу баҳслар оломон кўз олдига ўтар ва муаллиф таъкидла-

¹ Аҳмедов Б. Улуғбек. Эссе, Тошкент, 1989, 82—83-бетлар.

² Рашахот айнул ҳаёт. Қўлёзма. 1812 йил кўчирилган. Муаллифнинг шахсий кутубхонасидан. В. В. Бартольд маълумотига кўра, Муҳаммад Порсонинг Самарқандга келиши Улуғбекнинг дастлабки ҳокимлик йилларига тўғри келади. У 822/1419 йил Маккага жўнади ва Мадинада 1420 йил вафот этди. Кўрсатилган китоб. 122-бет.

шича, Улуғбек ва Хожа Аҳрорнинг қизгин баҳслари хусусида гувоҳлик берарди. Улуғбек шариат доирасида фанни ўрганиш ва билим олишнинг афзалликлари ҳақида дадил фикрлар айтар, Хожа Аҳрор эса Ислом қонунларининг асосига амал қилишни талаб қилар, фикҳ ва ҳадис оятларидан маърузалар ўқирди. Бу баҳсларда бошқа олимлар, шоирлар мударрислар, талабалар ҳам иштирок этишарди. Лекин Хожа Аҳрор билан Улуғбекнинг илмий баҳслари Улуғбек ўлимига диндорлар сабабчи, деган фикрга олиб келмаслиги керак. Аммо шунини ҳам айтиб ўтиш жоизки, Улуғбек феодал давлат ҳукмдори сифатида атеизм ва ижтимоий адолат принципларига амал қилиш ғояларидан йироқ эди, у ҳаминша бобоси амир Темур каби мусулмон зодагонларининг тарафдори эди. Манбаларда ёзилишича, Улуғбек даврида алоҳида имтиёзлардан таниқли шайхлар фойдаланишган. Хожа Ҳасан Аттор, Низомиддин Хомуш (Хожа Аҳрорнинг асосий устозларидан бири), Шайх Ёқуб, Чархий султон Улуғбекнинг алоҳида ишончига сазовор эдилар. Улуғбек ҳам руҳонийларсиз мамлакатни бошқара олмаслигини тушунарди. Сўфийлик ва дарвешликнинг ғоявий маркази бўлган Бухоро мадрасалари ва хонақоҳлари Улуғбекнинг алоҳида эътиборида эди. У Бухоронинг марҳаматига сазовор бўлишга уринарди. Улуғбек ҳокимлигининг илк йилларидаёқ Бухорода мадраса қурдира бошлаган ва уни 1419 йили яқунлаган. Бухоро зиёратида у мана шу бинода тўхтади ва талабалар ҳамда ҳурматли зотларга совғалар улашиб чиқди.

2 Улуғбекнинг Самарқанд қурилишларида ҳам диний муассасалар алоҳида ўрин тутган. Бу қурилишлар учун бугунги «Регистон» деб юритиладиган бозор майдони танлаб олинган. Абдураззоқ Самарқандийнинг фикрича, Самарқанд майдонида мадрасалар қурилиши 820 (1417) йилда бошланган бўлиб, 823 (1420) йилда тугалланган. В. В. Бартольд бу ажойиб бинонинг меъмори номаълум деса-да, ўзбек олимларининг бу соҳадаги изланишлари муваффақиятли тугади. Бу мадрасанинг бош меъмори Қозизода Румийнинг шогирди Камолиддин Муҳандислиги аниқланди. Бино икки қават ва тўрт минорадан иборат бўлиб, бино бурчакларидаги бу миноралар бўйи 38 метрга етади, ҳужралар 2 талаба учун икки қисмга бўлинган¹.

Бухоро ва Самарқанддаги Улуғбек қурдирган мадрасалар энг узоқ умр кўрди, XV асрда яратилган бошқа мадрасаларнинг кўплари вайрон бўлган. Урта Осиёга 1842—1843 йилларда сафар қилган П. Ханиковнинг гувоҳлик беришича, бу мадрасалар бинолари нураб турган. В. Л. Вяткиннинг ёзишича, Самарқанд мадрасалари ўқув юртлари сифатида 1927 йилгача ишлаб турган. Н. Хаников Улуғбекнинг Бухоро мадрасаси 80 хонадан иборат эканлигини, талабалар ойига ўртача 3,5 тилла пул олишларини ёзди². Бино эшигида қуйидаги битик бор: «Утлибу-л-илма фаризатун ли

¹ **Тарихи Саид Роқимий.** Муаллифнинг шахсий кутубхонасидаги қўлёзма. 53-бет.

² **Хаников Н.** Бухоро хонлиги ҳаёти СПб. 1943, 86-бет.

муслимуна ва муслиматин» («илм олмоққа интилмоқ ҳар бир муслим ва муслима учун қарзидир»). XVI—XIX асрлар тарихчилари Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, Саид Роқим, Раҳматулло Возоҳ, Абу Тоҳир Хожа Самарқандий ва бошқалар Улуғбек мадрасалари фаолияти ҳақида ёзганлар. Урта Осиёлик бу тарихчиларнинг маълумотларидан биз Улуғбекнинг ўзи фалакиётшунослик илмидан толибларга дарс берганини билиб оламиз.

Афсуски, расмий тарихшунослик Улуғбекнинг маълумоти хусусида аниқ маълумотларга эга эмас. Маълумки, Улуғбекнинг биринчи тарбиячиси унинг бувиси Сароймулкхоним эди. 1405—1411 йилларда у Амир Шоҳ Малик тарбиясида бўлди. «Рашоҳат» дан¹ Самарқанддаги мадрасанинг бош қурувчиси амир Шоҳ Малик унинг тарбиячиси эканини билиб оламиз.

1397—1398 йилларда Улуғбек шоир ва таниқли олим, бир туркум фалсафий-ахлоқий асарлар муаллифи шайх Ориф Озарий қўлида Садр Қутбиддин мадрасасида ўқиди. Ориф Озарий бир неча йил давомида Улуғбекнинг тарбиячиси бўлган. Темурнинг Эрон ва Олд Осиё вилоятларига қилган 1399—1404 йилги юришларида Улуғбек Марогада (Озарбайжон) Насриддин Тусий расадхонасининг харобаларини зиёрат қилди. Афтидан уни фалакиётшунос Мавлоно Аҳмад билан Темур хизматида бўлган Қозизода Румий кузатиб борган. Шундан бошлаб Қозизода Румий шаҳзоданинг доимий устозига айланади.

Қозизода Румийнинг шаҳзодага бағишланган «Математика асослари» китоби шунга гувоҳлик беради². Бу китоб талабаларга математикадан асосий қўлланма сифатида XV—XIX асрларда ҳам хизмат қилди.

Урта Осиё тарихшуносларининг ёзишларича, Улуғбек мадраса мударриси бўлибгина қолмасдан, энг яхши муаллимларни танлашда шахсан қатнашган. Мадрасанинг биринчи домласи файласуф ва фикр илми билимдони Мухаммад Хавофий эди.

Мадраса очилиши маросимида у биринчилардан бўлиб тингловчилар ҳузорида маъруза ўқиди. Машҳур «Афлотуни замон» Қозизода Румий мадрасада табиий фанлар бўйича етакчи мударрис эди. Восифийнинг ёзишича, мадраса қурилиши битгандан сўнг Улуғбекдан сўрашади: «Ким мадрасанинг бош мударриси (ректори) бўлади?» Улуғбек бу одам барча фанлар бўйича комил одам бўлиши керак, деб жавоб беради. Улуғбек сўзини эшитган эски кийимда, ғиштлар орасида мадраса қурувчилари билан ўтирган Мавлоно Мухаммад бу вазифага ўзининг ҳаққи борлигини айтади. Мавлоно Мухаммад мадраса қурилишида қора ишчи сифатида қатнашган (Абу Тоҳир Хожа Самарқандий). Улуғбек у билан суҳбатлашиб кўриб тезда унинг зукколигига амин бўлган. Шунинг учун мадраса очилишида унга мударрис сифатида биринчи бўлиб маъруза қилиш ҳуқуқи берилди. Бу ерда 90 дан ортиқ

¹ Рашоҳот. 141-а бет. Муаллифнинг шахсий кутубхонаси.

² Ушбу китоб нусхаси СамДД профессори Э. Хатипов қўлида. (1822 йил кўчирилган нусхаси эса муаллифнинг шахсий кутубхонасида).

олим иштирок этган бўлса-да, Муҳаммад Ҳавофий маърузаси мазмунини Улуғбек ва Қозизодагина англаб етганлар.

Улуғбек мактаби тарихида етакчи ролни улкан фалакиётшунос ва риёзатчи (математик) Гиёсиддин Жамшид бин-Маъсуд Кошоний ўйнади. У Улуғбек расадхонасининг етакчи олимларидан ва фалакиётшунослик жиҳозлари ҳақида рисола муаллифи эди. Шунингдек, Улуғбек ва Қозизоданинг шогирди ва издоши самарқандлик Алоуддин ибн Муҳаммад Қушчи «Ўз замонасининг Птоломейи» эди. Ниҳоят, Улуғбек мактаби шогирдларидан, унинг асарлари шарҳчиси, Қозизода Румийнинг невараси Мирим Чалабий эътиборни тортарди.

Кўрииб турибдики, Улуғбек маълумоти жиҳатидан устози Қозизодадан ўзиб кетди ва атрофига ўз даврининг энг илғор зиёлиларини — тарихчилар, адабиётшунослар, шоирлар, санъатшунослар, табиий фанлар вакилларини тўплаган эди. Улар орасида математик ва фалакиётчилар фахрли ўринни эгалларди. Улуғбекнинг раҳбарлиги ва иштирокида мадрасада илмий ишлар муваффақиятли ривожланди.

Қуйидаги воқеа мадрасада табиий фанлар етакчилиқ қилишидан далолат беради: Хожа Аҳрор ҳақидаги маълумотларда ёзилишича, унинг шогирдларидан бири Абу Саид Авбахий (Бартольдда — Убахий), аввал Улуғбек мадрасасида ўқиб, китоб илмидан кўнгли қолган. У Хожа Аҳрор билан танишгач, ўз ўртоқларига дин илмини ўрганиш учун эшон ҳузурига бораётганини айтиб, ўз буюмлари ва китобларини улашиб чиқади¹. «Тарихчи жаҳонгир» китоби муаллифи Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича (XVI аср боши), Улуғбек мадрасасида юздан ортиқ талаба ўқиган. Бу мадраса толиблари орасида Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Мутрибий Самарқандий, тарихчи Саид Роқим ва бошқа кўплаб машҳур бўлган кишилар бор эди. XVI асрда толиблар сони кескин кўпайди. Шунинг учун мударрисларнинг ўзи ўндан ортиқ эди, деб хабар беради «Абдуллонома» муаллифи². Бош мударрис барча Самарқанд олимларининг бошлиғи ҳисобланарди. XV аср ўрталарида Абдурахмон Жомий бош мударрис эди.

Жамиятнинг иқтисодий тузилиши, яъни базиси сиёсий ва ҳуқуқий қурилишни аниқлайди. Унга жамият аъзоларининг ғоявий қарашлари ҳам мос келади. Улуғбек ўз даврининг фарзанди эди. Уша пайтларда Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилаётган дунёқараш — ҳамма табиат ва жамият ҳодисалари Аллоҳ иродасига боғлиқ, деб тушуниларди. Исломга қарши чиқадиган ҳар қандай қараш таъқиб остига олинар ва жазоланарди.

Биз юқорида Ўрта Осиё қомусий олими ал Берунийнинг ге-лиоцентрик (қуёш-марказлик) қарашларини келтиргандик. Шуб-

¹ Рашахот. 191 а-бет. Муаллифнинг шахсий кутубхонасида.

² Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. «Абдуллонома», II жилд, Т., 1969, 73-бет. «Шарафномаи Шоҳий» («Абдуллонома») 1820 й. Самарқандда кўчирилган. Муаллифнинг шахсий кутубхонаси. 137 а-бет.

ҳасиз, бу қарашлар Улуғбек ва унинг мактабига аён эди. Лекин Беруний жуда эҳтиёткорлик билан фикр юритганди. Бу эҳтиёткорлик Улуғбек фалакиёт мактабига ҳам хос эди. Бу мактаб ходимлари илмий ишларининг асосида геоцентрик (ер-марказлик) ғояси бўлса-да, гелиоцентрик қараш ҳам уларга ёт эмас эди. Масалан, Мирим Чалабий ёзади: «Мураккаб ҳаракатни қийинчлик билан бўладиган қулай нуқта олам маркази сифатида Ер эмас. Лекин одатда уни шу марказ сифатида қабул қилишади» — бу дунёнинг гелиоцентрик тузилишига ишора эди. Улуғбек мактаби расман гелиоцентрик системага амал қилгани давр талаби қонуниятидан келиб чиқарди. Шунинг учун бу ҳол Улуғбек асарларининг аҳамиятига соя сололмайди, гарчи уларда диний бўёқ бўлса-да. Шу билан бирга Урта Осиё тарихшунослари Улуғбекни бирмунча эркин фикрловчилар қаторига киритишади.

Мусулмонлик нуқтаи назаридан Улуғбек бениқсон ҳукмдор эмасди, албатта. Лекин Бартольд фикрича, ўз ҳукмини Аллоҳ ва унинг пайғамбаридан устун қўядиган золим шоҳ ҳам эмас эди. Бу ўринда Хондамир ёзиб қолдирган бир воқеани эслатиб ўтамиз. Шоҳруҳнинг пойтахти Ҳиротда таниқли мутасаввиф шайх Қосим Анвар¹ яшарди (1432 йилда вафот этган). Улуғбек эса унинг муриди эди. У асли Озарбайжондан. Ёшлигида сўл хуруфийлар ҳаракатига яқин бўлган. У Нуриддин Абдураҳмон Жомийнинг (1414—1492 йй.) ҳам устозларидан бири эди.

Абдураҳмон Жомий 1487 йилда ёзган умрнома қасидасидан хулоса чиқариш мумкинки, у шеърят, грамматика, мантиқ, юнон ва Шарқ фалсафасини, табиий фанларни, математикани, фалакиёт илмини ва тарихни чуқур ўрганган. «Тафаккур кўзгуси» анталогияси муаллифи Шихран Лудий ёзишича, Жомий битган 99 та китобнинг ҳаммаси Эрон, Туркия, Ҳиндистон олимлари томонидан маъқулланган. Улар бу асарлардан ҳеч бирига эътироз билдирмаганлар. Юқорида зикр этилган, Хондамир фойдаланган қасидадан кўринадики, Жомий Самарқандда ўқиганида Улуғбекни яхши эслаб қолган. Шунинг учун Жомий ишончли хабар бериб айтдики, ўзи тез-тез учрашиб турган Қосими Анварнинг «Тождорлар исломдан юз ўгирганлар» деган фикрида жон борга ўхшайди.² «Аҳбоби ал-асар», III жилд, 3-қисм, Техрон, 1854.

2. УЛУҒБЕК ДАВРИ МАДАНИЙ ҲАЕТИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИ

XV аср Урта Осиё учун икки дунёқарашнинг аёвсиз кураши даври ҳисобланади. Улардан бирининг вакили Темурнинг набираси, Амир Темур давлатининг собиқ пойтахти Самарқандда қирқ йил подшолик қилган Мирзо Улуғбек бўлса, иккинчисининг вакили эса унинг ёш замондоши, Нақшбандийлардан бўлган дарвеш,

¹ Тўлароқ исми — Али ибн Носир ибн Хорун ибн Абулқосим ал-Ҳусайний ат-Табризий «Анису-л-ошиқин» муаллифи — М. М.

² Хондамир. Аҳбоби ал-асар. III жилд, 3-қисм. Техрон, 1854. 200-бет. Жомий. Нафохоту-л-унс. Калькутта, 1858. 690-бет.

Мирзо Улуғбек вафотидан сўнг икки йил ўтмаёқ ўзининг улкан диний таъсиридан фойдаланиб сиёсий ҳокимиятни қўлга олган ва Темурнинг ҳақиқий ёки узоқроқ авлодлари воситасида мамлакатни қарийб қирқ йил бошқарган Хожа Аҳрор эди.»¹ Бу фикрларда муболага бор, албатта.

Улуғбек олим ва мутафаккир сифатида танилган даврга қайтамиз. Мадрасада Улуғбек сабоқ берадиган илмлар орасида, юқорида айтдик, фалакиёт (астрономия) алоҳида ўрин эгалларди. Шу боис мадраса қурилгач, тўрт йил ўтиб, расадхона қурилиши бошланди. Чунки 1259 йилда Насриддин Туеий ташаббуси билан Мароғада қурилган сўнгги мусулмон расадхонаси ҳам XIV асрнинг биринчи ярмидаёқ вайронага айланган эди.

Абу Тоҳир Хожа Самарқандий «Самария» да бу воқеаларни қуйидагича баён этади: «Мирзо Улуғбек мадраса бунёд қилгач, тўрт йилдан сўнг, Қозизода Румий, мавлоно Ғиёсиддин Жамшид ва мавлоно Муниддин Қоший билан маслаҳатлашиб, Кўҳак қуйисида, Обираҳмат ариғи ёқасида ҳашаматли расадхона биносини бунёд этди. Бино атрофига қадди баланд хужралар қурдирди, расадхона атрофида эса ажойиб боғ барпо этдики, кейинчалик кўп вақтини шу боғда ўтказди»². Бобур ҳам бу ҳақда шундай ёзади: «Мирзо Улуғбек Кўҳак этагида зижлар тузиш учун уч қаватли жуда баланд расадхона биносини бунёд этди.»

Мавлоно Навоий айтганидек, Улуғбекнинг авлодлари унутилиб кетди. Уларни давримизда ким ҳам эслаяпти? Улуғбек эса илм-фанга интилди ва кўп нарсага эришди.

Улуғбек ва унинг сафдошлари илмий ишларининг муҳим натижаси 1437 йилда асосан тугалланган «Зижи Кўрагоний», яъни «Янги фазовий жадваллар» дир. Улуғбек ҳаётининг сўнгги кунларига қадар бу асар устида ишлаган.

Асар муфассал кириш (назарий) қисм ва жадваллардан иборат. Асарнинг биринчи қисми турли Шарқ халқларининг йилни ҳисоблаши тарихига; иккинчи қисми амалий фазошунослик масалаларига, учинчиси — сайёралар назарияси баёни ва кичикроқ тўртинчи қисми эса фалакиётга бағишланган.

«Янги фазовий жадваллар» яратилишидан олдин биринчи бўлиб Гиппарх юлдузлар жадвалини тузган эди. Унда 1022 юлдузнинг жойлашган ўрни берилган бўлиб у, Птолемейнинг «Алмажистий» асарида берилган. Бу жадваллар илмий жиҳатдан қимматли бўлиб, самовий жисмлар ҳаракатини ўрганиш учун ажойиб манба ҳисобланади.

Гиппархдан сўнг юлдузларнинг тўла жадвалини тузган иккинчи фазошунос Улуғбек эди. Унинг жадвали анча қимматлидир, чунки, у юлдузларнинг Самарқанд расадхонасида аниқланган ҳақиқий жойлашувига асосан тузилган. У 16 аср мобайнида тузил-

¹ Бартольд В. В. Улуғбек ва Хожа Аҳрор. «Рус археология жамияти Шарқ бўлими ёзувлари», XXVIII ж. саб, 1916, 7-бет.

² Абу Тоҳир Хожа. Самария. В. А. Вяткин таржимаси. 1898 йил. Самарқанд, 1899. 170-бет.

ган иккинчи жиддий жадвал эди. XV асргача фақат икки нафар фазошунос — Гиппарх ва Улуғбекнинг юлдузлар жадвали аҳамиятини тўлиқ англадилар.¹

Улуғбек ўлимидан сўнг расадхона ўз фаолиятини тугатди. Унинг биноси ва асбоб-ускуналари вайрон ва талон-торож қилинди. Олимлар эса Самарқанддан бошқа Шарқ мамлакатларига кетишга мажбур бўлдилар. Бино XV асрдан то XVII аср бошларигача қад тиклаб турган бўлса-да, у фаолиятсиз эди. Бироқ «Зижи Қўрагоний» устидаги ишлар асосан тугаган бўлса-да, Улуғбекнинг издош шогирдлари, айниқса, Қозизода Румий вафотидан сўнг (1437) Улуғбекнинг ёрдамчисига айланган Али Қушчи уни то 1449 йилгача давом эттирди. Бунинг сабаби нима? Бу саволга жавоб илгари ишлаб чиқилган Улуғбек мунажжимлик мактабининг 30 йиллик илмий дастурини амалга оширилиши зарурияти билан боғлиқ. Улуғбек шогирди Али Қушчига бу дастурни бажариш устида ишни давом эттиришга рухсат берган эди. Айнан ана шу даврда Али Қушчининг ташкилотчилик қобилияти кучли намён бўлади. Унинг фалакиёт ва математика соҳасидаги илмий билимлари кейинроқ замондошлари томонидан тўла тан олинди. Фақат устозининг бевақт ўлими Али Қушчини Туркияга кетишга мажбур қилди. Унинг хизмати билан «Зижи Қўрагоний» ва бошқа қўплаб қимматли қўлёзмалар сақланиб қолинган. Уларнинг бир қисми йўқолган, бошқа қисми жоҳил кучлар томонидан йўқ қилинган. Қўлёзмаларнинг озроқ қисмигина жаҳон кутубхоналарида сақланмоқда. Али Қушчининг «Арифметика бўйича рисола» асари шулар жумласига киради. У форс тилида бўлиб, Лондон кутубхонаси ва Ўзбекистон жумҳурияти ФА Шарқшунослик илмгоҳида сақланмоқда. «Фазошунослик рисоласи» ҳам шу илмгоҳдадир. Бу асар 1975 йилда Тошкентда ўзбек тилида нашр этилган. Али Қушчи Истамбулга келгач, «Фазошунослик рисоласи»ни форсийдан араб тилига ўгириб, турк султони Муҳаммад II га тортиқ қилади. Бундан ташқари, у ҳозирда Аё София, Париж ва Истамбул кутубхоналарида сақланаётган «Фатхия» асарини ёзди. Али Қушчи 1474 йилда Истамбулда вафот этган.

Улуғбекнинг юлдузлар жадвали биринчи марта 1665 йили Оксфордда англиялик Т. Хайд, кейинчалик, 1767 йили Г. Шакре, 1843 йили Ф. Байл томонидан нашр этилган. Француз «шарқшуноси Седиллот Т. Хайд нашрини қайта кўчириб, Улуғбекнинг кириш сўзини ва жадвалларини француз тилига ўгирди ҳамда 1853 йили Парижда нашр қилди. Ниҳоят, 1917 йилда «Зижи Қўрагоний» АҚШда нашр этилди.

Бундан ташқари, Улуғбек «Зижи» ва Насриддин Тусийнинг жўғрофий жадваллари 1652 йили Лондонда биринчи бор нашр этилган. Бу маълумотлар бизга «Мирзо Улуғбек—асрлар қаърини ёриб ўтиб келаётган нур»² дейиш имконини беради.

Фарбий Оврупо олимлари XVII асрга келибгина Улуғбекнинг

¹ Қаранг: Қори Ниёзий Т. Н. Кўрс асар. 277—278-бетлар.

² Қаранг: «Звезда Востока», 1982, йил, 1-сон; 1984 йил, 2-сон.

илмий мероси хусусида Ш. Гривс (1648), Т. Хайд (1665), Ян Гавелий (1690) асарлари орқали хабардор бўлишди. Бу даврга келиб Самарқанд расадхонаси бутунлай йўқ бўлиб кетган эди¹.

Шундай қилиб, XV асрда Ўрта Осиёда тарихий илмлар ҳам яхши ривожланди. Бу ерда Ҳофиз Абру, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Исфизорий, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқа тарихчилар яшаб, ижод қилдилар. Уларнинг асарлари Ўрта Осиё тарихчилигининг қимматли манбаларидир. Масалан, Ҳофиз Абрунинг «Зубдат-ут-таворих» («Йилномалар қаймоғи») асарида 1427 йилгача бўлган тарихий воқеалар баён қилинади. Абдураззоқ Самарқандий (1482 йилда вафот этган) эса «Матлаус-саъдайн мажма — ул баҳрайн» («Икки бахтли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш жойи») асарида 1471 йилгача бўлган воқеаларни тасвирлайди. Бу китоб хулагулар авлодидан бўлган Абу Саид таваллудидан то темурийлар сулоласи вакили Абу Саидгача бўлган даврнинг (1304—1469 й.) тарихий воқеаларини ўз ичига олади. Мирхонд (1498 йилда вафот этган) «Равзат-ус-сафо» («Тозалик боғи») ва унинг набираси Хондамир «Ҳабиб-ус-сиёр» асарлари Султон Ҳисайн подшолиги даври тарихига бағишланади. Исфизорий 1491 йили Ҳирот тарихини ёзди. Давлатшоҳ Самарқандий эса «Тазкират уш-шуаро» асарини Алишер Навоийга бағишлади. Бу асрда юздан ортиқ шоирлар тўғрисидаги муфассал маълумотлар жамланган.²

Ўрта Осиё халқларининг XIV—XV аср тарихини ўрганиш давомида расадхона қолдиқлари, ўша даврнинг Самарқанд ва Бухородаги ажойиб меъморчилик ёдгорликлари жаҳон жамоатчилиги эътиборини ўзига қаратиб келди ва бу қизиқиш тобора кучаймоқда. В. Л. Вяткин, В. В. Бартольд, Т. Н. Қори-Ниёзий ва бошқаларнинг бевосита Улуғбек даври тарихини ўрганиш бўйича энг муҳим асарлари, ишлари билан таништиришни хоҳлардик.

Биз юқорида Самарқанд расадхонасининг ўрни, мавқеи ва аҳамияти хусусидаги тарихий манбаларни айтиб ўтдик, 1908 йили В. Л. Вяткин XVII аср ўрталарига мансуб бир вақф ҳужжатини ўрганаётганида ҳозиргача Обираҳмат ариғи ва Нақши Жаҳон деган жой номлари билан маълум бўлган «толе расад» нинг аниқ чегараларини топди. Ҳужжат расадхонанинг ўрни ҳақида шу қадар аниқ ва тушунарли маълумотлар берардики, унда айтилган тепаликни топиш ҳеч ҳам қийин эмасди.³ Улуғбек расадхонасидаги 1908—1909 йилги қазиш ишлари натижалари ҳақида В. Л. Вяткин Ўрта ва Шарқий Осиёни тарихий археология, лингвистика ва этнография жиҳатдан ўрганиш Рус қўмитасида ҳисобот берди.

1909 йилги қазиш ишларининг биринчи кунларида В. Л. Вят-

¹ Булатов М. С. Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси, «Тарихий фазошунослик тадқиқотлари, М., 1986, 200-бет. (рус тилида).

² Қаранг: *Ўзбекистон ССЖ тарихи*, Тошкент, 1974, 101—102-бетлар.

³ В. Л. Вяткиннинг ҳисоботи. Қаранг: «Ўрта ва Шарқий Осиёни тарихий археология, лингвистика ва этнография жиҳатдан ўрганиш Рус қўмитасининг ахбороти». Сер. II. I. сан. Соб б., 1912 йил 76-бет.

кин бир гишт қалинлигида, баландлиги икки метр атрофида бўлган айлана девор ва учта параллел жойлашган, иккита гишт тўсиқ билан ажратилган, кескин пастга, бинонинг ташқи қатламида қазилган чуқурга тушадиган зиналарни топди. Зиналарни тоза-лаб, оча бориб археолог расадхонанинг асосий фалакиётшунослик ускунаси — улкан квадрантнинг бир қисмини топди. Кейинги тадқиқотлар расадхона биносининг диаметри 48 метр бўлган айлана шаклида бўлганини кўрсатди, меридиан бўйи радиуси эса 40,212 метр эканлиги аниқланди.¹

В. Л. Вяткининг бу ютуғи шубҳасиз, жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлди. Академик Бартольднинг айтишича, Улуғбек шахси ҳамда унинг Самарқанд расадхонаси фаолияти мавзуи шарқшунос сифатида эътиборини тортди. Бу қазииш ишлари унга биринчи бўлиб «Улуғбек ва унинг даври» асарини ёзиш имконини берди. Бу асар 1915 йил ёзилиб, 1918 йили эълон қилинди. «Улуғбек ва унинг даври»ни «Туркистон мўғуллар босқини даврида» асарининг давоми десак ҳам бўлади.

Бу асарнинг мазмуни номига қараганда хронологик жиҳатдан анча кенг. В. В. Бартольд дастлабки икки бобда Чигатой давлати ва Темур давлатининг қисқа тавсифини келтиради. Улуғбекнинг болалик ва ўсмирлик даври ҳақида маълумотлар камлигини эътиборга олиб, у бўлажак Урта Осиё ҳукмдори ва жаҳонга машҳур олим Улуғбекнинг ўша даврлар ҳаётига оид деярли барча манбаларни ўрганиб чиқади. «Улуғбек ва унинг даври»нинг тўртинчи ва бешинчи боблари Мовароуннаҳр ҳукмдорининг ички ва ташқи сиёсатига бағишланган. Ва ниҳоят, олтинчи боб Улуғбекнинг шахсий ҳаёти ва илмий машғулотларига бағишланган.

Бартольд асаридаги энг яхши саҳифалардан бири — Улуғбек ҳаётининг сўнгги йилларидан бошлаб, 40 йил давомида Урта Осиё сиёсий ҳаёти марказида турган «қишлоқи шайх» га илк бор тавсиф берилган жой. Академик Бартольд Хожа Аҳрорни халқ ҳимоячиси деб ҳисоблайди. Бундан ташқари ўша давр ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг бир неча жуда муҳим томонлари ҳам муаллиф эътиборидан четда қолган. В. В. Бартольд фан тараққиётига катта таъсир кўрсатган, 1259 йилда қурилиб Ғозонхон назаридан ўтказилган, 1300 йилларда ҳам ишлаб турган Насриддин Тусийнинг Мароғи расадхонаси ҳақида ҳеч нарса демайди.

«Улуғбек ва унинг даври» асари ҳақида В. В. Бартольд «ҳали бор манбалардан тўлароқ фойдаланмадим, асар камчиликларини кейинроқ қисман тузатдим» деб ёзган бўлса-да, бу асар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган асардир. Бу даврнинг Бартольд ўрганмаган томонларини бошқа тадқиқотчилар ўрганишди. Жумладан кўп вақтлар Самарқанд расадхонаси тарихини тадқиқ этган В. П. Щеглов Оврупо манбаларига асосланиб, «Улуғбек жаҳон фанига улкан ҳисса қўшган олим» мавзуида илмий асар

¹ Вороновский Д. Г. Урта Осиёнинг Муҳаммад ал Хоразмийдан Улуғбеккача бўлган фалакиётшунослари. Тошкент, 1965.

ёзади. Кейинги йили М. Е. Массоннинг «Улуғбек расадхонаси» рисоласи нашр этилди, унда муаллиф Урта Шарқ фазошунослик фани тараққиёти ҳақида қизиқарли ҳикоя қилади.

Улуғбек ва унинг мактаби илмий меросини ўрганишда Улуғбек бошлиқ самарқандлик олимларнинг илмий дастури ҳақидаги тахминни биринчи бўлиб илгари сурган Ғ. Жалоловнинг хизмати ҳам катта.¹

Урта асрларда Урта Осиё олимларининг фалакиёт фани тараққиётига қўшган ҳиссалари улкандир. Ўзбек олими Т. Н. Қори-Ниёзийнинг фалакиёт илмига бағишланган асарларининг ўзбек ва рус тилларида нашр этилганлиги фикримизга далилдир.² Т. Н. Қори-Ниёзийнинг СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган «Улуғбекнинг фалакиёт мактаби» китоби темурийлар даври тарихига оид ғоят қимматли асардир. Ундан ўқувчи В. Л. Вяткиннинг 1914 йили қазииш ишларини бошлагани-ю, маблағ йўқлиги сабабли ишнинг тўхтаб қолганлигини билиб олади. 1941 йили Навоий даврини ўрганиш муносабати билан Навоий қўмитаси (М. Е. Массон, Н. А. Сухарев) яна расадхонада қазииш ишларини давом этирди. Бироқ, Улуғ Ватан уруши бошланиб қолиб, бу ишлар тўхтатилди. 1948 йилга келибгина бу иш билан тарих ва археология илмгоҳи В. А. Шишкин бошчилигида яна шуғуллана бошлади.

А. Навоий туғилган куннинг 500 йиллиги муносабати билан 1941 йилнинг июнида Т. Н. Қори-Ниёзий раҳбарлигида, темурийларнинг Ғури Амир мақбарасидаги қабрларни ўрганиш мақсадида, Самарқандга экспедиция уюштирилади. Комиссия қабрни 1941 йилнинг 18 июнида очди. Қори-Ниёзийнинг ахборотиغا қараганда қабр тошида профессор А. А. Семёнов ўқиган қуйидаги ёзув бор экан. «Бу нур таратувчи қабр, бу султонини шаҳиднинг шарафли жойи, бу муаттар боғ, жаннатий кишиларнинг, давлат-паноҳнинг сўнги осойишталиги жойи, илм-маърифат ҳомийси, тинчлик ва дин мадакори Султон Улуғбек (Аллоҳ унинг қабрини доимо ёритиб турсин), 796 йилда Султонияда таваллуд топди, 810 йилнинг зулҳижа ойида эса Мадинатус салом — Самарқандда олий ҳукмдор бўлди. Аллоҳнинг иродасига бўйсуниб, ҳар бир банда ўзига белгиланган муддат сари сузиб бораверади: Унинг умри ниҳоясига етганда, тақдир белгилаган муддат чегарасига келганда ўғли унга нисбатан шафқатсизлик қилди — қилич тифидан ўтказди, оқибатда у азобли ўлим топиб, ҳамма гуноҳларини кечиргувчи эгасининг шафқатли даргоҳига йўл олди. 853 ҳижрий йилининг рамазон ойи, 10 кун.»

Бу комиссия Улуғбек ўлимининг ҳақиқий сабабини ҳам аниқлади. Улуғбек ўлимининг сўнги дақиқалари ҳақида Абдуллатиф розилиги билан Улуғбекка ҳамроҳ бўлиб — Маккага йўл олган Хожа Муҳаммад Хисравнинг оғзидан тарихчи Мирхонд ёзиб ол-

¹ Жалолов Ғ. Улуғбек расадхонаси янги маълумотлардан сўнг. Ўз ССЖ Ф. А. илмий сессияси. 9—14. VI. 1947 й. Тошкент, 1947.

² Қори-Ниёзий Т. Н. Улуғбекнинг фалакиёт мактаби. М. Л. 1950.

ган муфассал ҳикояси бор. Мирхонднинг ёзишича 1449 йилнинг октябрида Улуғбек бир неча маҳрамлари билан Самарқанддан отда чиқиб кетади. Улар ҳали отларини чарчатиб улгурмасданоқ,— ёзади Мирхонд,— уларни қандайдир чопар қувиб етади ва Улуғбекнинг узоқ сафарига жиҳозлар ҳозирлаш учун қўшни қишлоққа кириб ўтиш ҳақидаги фармонни етказди. Қишлоққа етиб келгач, Улуғбек ва ҳамроҳлари хонадонлардан бирига жойлашадилар. Совуқ оқшом эди. Шу ерга етиб келгунча Улуғбек қувноқ, ҳар нарса тўғрисида суҳбатлашиб келганди. Бироқ унинг буйруғи билан навкарлар ёққан оловдан бир учқун сачраб Улуғбекнинг тўнига ёпишди ва қуйдирди. Улуғбек унга қараб: «Сен ҳам билдингми?» деди. Улуғбекнинг хаёллари нохуш томонга ўзгарди. Хожа Муҳаммад Хисрав эса уни овутишга урина бошлади. Шу пайт уйга Аббос ҳамроҳи билан кирди. Улуғбек Аббосни кўриб унга ташланди ва мушти билан унинг кўкрагига урди. Аббоснинг ҳамроҳи Улуғбекни ушлаб қолди ва Аббос Улуғбекнинг қўлини ип билан чандиб, ўлими олдидан тавба қилишни буюрди. Барча кузатувчилар бурчак-бурчакка тиқилиб олишганди. Аббос Улуғбекни ёнаётган чироқ олдида чўккалатди-да, қилични бир сермашда уни ўлдирди. Хожа ва навкарлар Самарқандга қайтишди. Шундай қилиб, Улуғбек 1449 йилнинг 27 октябрида 56 ёшида хоинона ўлдирилди. Т. Н. Қори-Ниёзийнинг гувоҳлик беришича, ҳақиқатан ҳам Улуғбек қабри очиб кўрилганда унинг боши ғарб томонга сал сурилиб, тепага қаратиб қўйилган бўлиб, учта бўйин умуртқаси бош суягидан узилмаган ҳолда эди. Охирги умуртқада ўткир кесувчи қуролнинг аниқ излари бор эди. Суякларнинг қўл қисми бир неча қават мато қолдиқлари билан қопланган эди. Т. Н. Қори-Ниёзий фикрича, булар ёпилган мато қолдиқлари. Бизнингча эса Улуғбекнинг кийимлари қолдиғи. Хожа Муҳаммад Хисрав ва Улуғбекка ҳамроҳ бўлган бошқа кишилар унинг танасини олишганми, йўқми, у қачон ва ким томонидан дафн этилган, каби саволларга ҳали тўла жавоб йўқ. Давлатшоҳнинг сўзларига қараганда Улуғбек «Сиёб» («Қора сув») бўйича 853 йил рамазон ойининг 8 кунда (25 октябрь) ўлдирилган.

Аббос Улуғбекни ўлдиргач, узоқ вақтлардан бери темурийлар тахтини эгаллашга интилиб юрган Абдуллатиф тахтга даъвогар бўлиб қолиши мумкин бўлган укаси Абдулазизни ҳам ҳалок этди. Абдуллатифни баъзи мусулмон диндорлари вакиллари ва дарвешлар жамиятининг раҳбарлари қўллаб-қувватлашди. Бироқ ҳокимият учун ўзаро кураш ва диндорларнинг мамлакат ҳаётига фаол аралашуви охир-оқибатда фитнага олиб келди. 1450 йилнинг 8 май — жума кунда Абдуллатиф фитна қурбони бўлди ва тахтга темурийларнинг бошқа бири — Мирзо Абдулла ўтказилди. У Улуғбек ҳукмдорлиги охирида вафот этган Исомиддиннинг ўғли ва вориси эди. Бу шайх султон Улуғбекнинг тарафдори бўлиб, у 1434 йили Ҳиротга сафарида Улуғбекка ҳамроҳ ҳам бўлган эди. Урта Осиё тарихчилиги маълумотларига қараганда, Абдуллатифнинг қаттиққўл бошқарувидан сўнг Абдулла даврида самарқандликлар учун Улуғбек бошқарган даврдаги каби бироз енгил

даврлар ҳам қайтди. Шунинг учун ҳам академик Бартольднинг фикрича, айнан Абдулла даврида Улуғбек танасининг қолдиқлари Гўри Амирга ўтказилган ва унинг буйруғи билан юқорида келтирилган падаркуш Абдуллатифнинг номи қоралаб ёдланган қабртош сўзлари ёзилган. Комиссия ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, 1941 йилда Улуғбек қабри очилганда унинг шаҳид сифатида, ҳалок бўлган жойидаги кийимида дафн этилгани кўрилган. Қори-Ниёзийнинг гувоҳлик беришича унинг боши шамширнинг бир зарби билан гавдадан узилган.

XV асрнинг 50—60-йилларида тарих, адабиёт ва фаннинг турли соҳалари ривожини руҳонийлар таъсири ва дарвешликнинг кучайиши билан алмашди. Нафақат Самарқанд ва Бухоро, балки бутун Ўрта Осиё Шарқнинг иқтисодий ва илмий маркази сифатидаги аҳамиятини йўқота бошлади. Ишонч билан айтиш мумкинки, Улуғбек давридаги 40 йиллик маданий ва илмий юксалиш, XV аср Ўрта Осиёнинг энг реакцион ва золим кишиларидан бири йирик феодал Хожа Аҳрорнинг қирқ йиллик ҳукмдорлиги билан алмашинди. Фикримизнинг далили сифатида қуйидаги маълумотларни келтирамиз:

1. Улуғбек даврининг йирик шайхларидан Самарқандда Муҳаммад Порсо (А. Жомийнинг маънавий устози), Бухорода Ҳасан Аттор,¹ Бадахшон ва Сўғдиёнада Ёқуб Чархий бор эди. Кейинги иккови Абу Саид (1451—1469) ва унинг ўғли Султон Аҳмад (1469—1494 й.) ҳукмдорлиги даврида Ўрта Осиё маданий ҳаётида катта ўрин тутган Убайдуллоҳ Хожа Аҳрорнинг устозлари эдилар.

2. Абдураҳмон Жомийнинг айтишича, Хожа Аҳрорнинг Ўрта Осиёнинг вилоятларида 1300 тагача, баъзилари 3000 жариб ерлари бор эди. Хожа Аҳрорнинг фақатгина Самарқанд вилоятидаги ерларидан хазинага тўлайдиган ушри (ҳосилнинг 0,1 фоизи ҳажмида тўланадиган солиқ) 80 минг ман, яъни, бир манга 20 килограмм дон ҳисобласак, 1600 тонна бугдойга тенг эди. Бу 1300 ер майдонидан ҳар бир бошқарувчи 10—30 минг ботмон (200—800 тонна) дон тўпларди. «Мусаммос» манбаида ёзилишича, бир куни Хожа Аҳрорнинг уйида барча бошқарувчилари ҳисоб беришга йиғилишган. Маълум бўлдики, улар ўз қўл остидагилардан 10.000 мандан кўп даромад йиғишибди.² Хожа Аҳрорга бўйсунувчи бойлар Шарқий Туркистон, Хуросон ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини ўрнатган эди. Баъзан ундан молиявий ёрдам сўраб Мовароуннаҳр ҳукмдорлари, ҳатто, Абу Саид каби йирик ҳукмдорлар ҳам мурожаат этишарди. Абу Саид дин арбоблари, айниқса Хожа Аҳрор билан мустақкам алоқа боғлаган эди. Хожа Аҳрор руҳан кучли шахс бўлиб, ўз суҳбатдоши иродасини бука олар ва бошқара биларди.³

¹ Ҳасан Аттор Улуғбек ҳузуридан Ҳиротга Шоҳруҳ ҳузурига кетишни афзал билди, кейин Шерозга ўтиб кетди.

² Ўзбекистон халқлари тарихи, 1-жилд, 387-бет.

³ Уша ерда, 393-бет.

«Рашоходи-айнул-ҳаёт» муаллифи Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўғли Али Сафий шундай воқеани баён этади. Бир куни Али Қушчи тўққиз нафар шогирдлари ҳамроҳлигида Хожа Аҳрор ҳузурига келди. Хожа Аҳрор уларни кўриб, «Ана ит тўққизта кучук-ваччани эргаштириб келяпти», деди. Шундан сўнг китобда ёзилишича, Али Қушчи олдин Озарбайжон, сўнг Истамбулга кетишга мажбур бўлади. У Самарқанддан ўзи билан кўплаб қўл-ёзмалар, жумладан Улуғбекнинг фазошунослик жадвалларига «сўз боши» сини ҳам олиб кетади.

Шундай қилиб, Қори-Ниёзийнинг асари олимларимизнинг урушдан кейинги даврдаги илмий йўналишларини яқунловчи иш сифатида жамоатчилик эътиборини қозонди. Муаллиф эса СССР Давлат мукофоти номзоди унвонига сазовор бўлди.

VI БОБ. XVI—XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ УРТА ОСИЁ ТАРИХШУНОСЛИГИ

1. XVI—XVIII АСР ОХИРЛАРИДА УРТА ОСИЁ ҲАҚИДАГИ ТАРИХИЙ-ЖУҒРОФИЙ АСАРЛАР

Мамлакат тарихшунослиги Урта Осиёнинг Урта аср тарихини ўрганиш бўйича оз иш қилгани йўқ. Лекин, шунга қарамай, «биз шу кунга қадар Урта Осиёнинг қадимий ҳаётини манбалар асосида ўрганиш бўйича махсус тадқиқотларга эга эмасмиз, тарихшунослик тадқиқотчилиги тўғрисида эса гапирмаса ҳам бўлади»,— деб ёзади тарихшунос Б. Аҳмедов ўзининг 1985 йили Тошкентда нашр этилган «XVI—XVIII асрларда Урта Осиёнинг тарихий-жўрофий адабиёти (ёзма ёдгорликлар)» деган мукамал аса-рида.

Урта Осиё тарихининг тарихшунослик жиҳатидан тўла ўрганилмаганлигига сабаб тарихий манбаларнинг йўқлиги эмас, балки, аксинча, уларнинг хилма-хиллигидир. Нима бўлганда ҳам Урта Осиё халқларининг XVI асрдан XIX аср ўрталаригача бўлган ҳаёти тарихимизнинг энг кам ўрганилган даврларидир. Инқилобгача бўлган даврда бу масалага жуда кам эътибор берилган. Россия шарқшунослари асосий эътиборни Темургача ва темурийлар даврини ўрганишга қаратишган. Совет даврида эса, кейинги 30 йилда бир қатор қимматли тадқиқотлар пайдо бўлди. Бироқ, XVI—XIX асрдаги Урта Осиё халқлари тарихининг муфассал, кўп сонли тарихий манбаларга асосланган таҳлили жуда кам. Улар жумласига Б. А. Аҳмедов, Б. Ф. Фафуров, Е. А. Давидович, Х. З. Зиёев, Р. Б. Муқминова, А. М. Мухторов, О. Д. Чехович ва бошқаларнинг бир қатор асарларини киритиш мумкин.¹

¹ Аҳмедов Б. А. Урта Осиёнинг XV—XVIII аср тарихий-жўрофий адабиёти (ёзма ёдгорликлар). Тошкент 1985; Балх тарихи (XV—XVIII асрлар) Тошкент, 1982; Фафуров Б. А. Тожиқлар. Энг қадимги, қадимги ва ўрта асрлар тарихи. М., 1972; Давидович Е. А. Урта асрлардаги Урта Осиё метрологияси бўйича маълум-

Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганувчилар учун «Ўзбекистон тарихий манбаларда» сериясида чиқарилаётган китоблар яхши кўмакчи бўла олади. Улардан биринчиси — Ўрта Осиё қадимги тарихига доир маълумотлар тўпланган китоб 1984 йилда нашр этилган эди. 1988 йилда эса «Ўзбекистон тарихий манбаларда» деган навбатдаги китоб босмадан чиқди. Ундан Ўрта Осиё тарихи билимдони шарқшунос Б. В. Лунин тўплаган, XVI—XIX асрларнинг саёҳатчилари жўрофиюн олимлари айтган маълумотлар ўрин олган.¹ Муаллиф «Кириш» да Самарқанд ва Бухоро барча асрларда дунёга маълум ва машҳур бўлганини таъкидлайди. Қадимда айнан шу Ўрта Осиё орқали Узоқ Шарқ мамлакатлари, Осиё ва Оврупога борадиган асосий савдо йўллари ўтган эди. Бироқ денгизда сузувчиларнинг XV асрда Америкага, Овруподан Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлини очганлари боис, Ўрта Осиёда аста-секин йирик савдо-сотик ишлари ва халқаро маданий алоқалар сусая бошлади.²

Хуллас, нима бўлганда ҳам XVI—XVIII асрларда ва ҳатто кейинроқ ҳам юз берган аҳвол оқибатида, — деб ёзади Б. В. Лунин, — Ғарбий Оврупо ва Россиядаги Ўрта Осиё тўғрисидаги билимлар, Ўрта Осиёда эса Ғарбий Оврупо ва Россия тўғрисидаги билимлар чала эди. Бироқ бир-бири тўғрисида билишга қизиқиш тобора кучаймоқда эди.»³ Бу масала хусусидаги ўз фикрларимизни кейинги бобда келтирамиз. Ҳозир эса XVI—XIX асрдаги Ўрта Осиё халқларининг тарихий манбалари хусусида гаплашсак. Улар жуда кўп ва хилма-хил. Ишимизни ўз асариди XVI—XX асрлар орасида ёзилган элликдан ошиқроқ қимматли тарихий-жўрофий, фалакиётга оид, мемуар ва биографик мазмунли, Ўрта Осиёнинг XVI—XVIII асрлар орасидаги ҳаёти хусусида бой маълумотлар берувчи Шарқ қўлёзмаларини таҳлил этиб чиққан шарқшунос Б. А. Аҳмедов анча енгиллаштирди. Б. А. Аҳмедов асарининг иккинчи бўлимида рус ва чет эл элчилари — Антоний Шениксон, И. Д. Хохлов, ака-ука Пазухинлар, Флория Беневин ва Новопатрос митрополити Хрисанфнинг XVI—XIX асрлардаги Ўрта Осиё тўғрисидаги, унинг ўша даврдаги Россия билан алоқалари ҳақидаги маълумотлари келтирилади. Бу маълумотлар форс-турк, араб тилларидаги манбаларнинг маълумотлари билан таққосланиб, анча тарихий фактлар аниқлаштирилди.

мотлар. М., 1970; **Зиёев Ҳ. З.** Ўрта Осиё ва Волга бўйлари (XVI—XIX асрлар). Тошкент, 1965; **Муқминова Р. М.** XVI асрда Ўзбекистондаги деҳқончилик муносабатлари тарихига доир. «Вақфнома» материаллари асосида. Тош, 1966; XVI асрда Самарқанд ва Бухоро ҳунармандчилиги тарихи тўғрисида очерклар, Тош., 1976; Ўзбекистон шаҳар аҳолисининг ижтимоий табақаланиши. XV аср охири XVI аср бошлари. Тошкент, 1985; **А. М. Мухторов.** Уратепа тарихига оид маълумотлар. XVII—XVIII асарлар ҳужжатлари тўплами. 1963; **О. Д. Чехович.** Бухоро хонлигидаги деҳқончилик муносабатлари тарихига оид ҳужжатлар. Тошкент, 1954; Самарқандга оид XV—XVI аср ҳужжатлари. М., 1974.

¹ **Лунин Б. В.** Ўзбекистон тарихи манбалари. XVI—XIX аср саёҳатчилари, жўрофиюн олимлари ёзувчилари. Тошкент, 1988.

² Уша асар, 4-бет.

³ Уша асар, 14-бет.

Энг муҳими, Б. А. Аҳмедов илк манбалар билан шуғулланувчи тадқиқотчилар ишини енгиллатадиган иш қилди — воқеа ва фактларни аниқлашга интилди. Бу жуда оғир, масъулиятли, унинг манбашунослик меҳнати қадрини икки баравар оширадиган, Ўрта Осиё XVI—XIX аср тарихини ўрганишни осонлаштирадиган асардир. Бундан ташқари у тарихшunosликнинг муҳим шарти — қиёслаш ва бор маълумотларни жиддий, тубдан қайта текшириш қондасига амал қилган. Бунинг учун Б. Аҳмедов ўз таҳлилига муайян бир давр бўйича бир неча асарларни киритган. Булар «Таворихи гузида» («Нусратнома»), «Фатхнома», «Шайбонийнома», «Меҳмонномаи Бухоро», «Зубдат-ут-таворих», «Бадоеъ ул-вақоъ» дир.

Шу билан бир вақтда муаллиф бу асарига илгари босилган манбаларга оид тарихшunosлик лавҳаларини ҳам киритиб тўғри қилган. «Таворихи гузида»,—«Нусратнома», «Меҳмонномаи Бухоро», «Дастур-ул-мулук», «Тарихи Муқимхоний», «Убайдуллонома» ва «Тарихи Абдулфайзхоний» шулар жумласидандир. Бу ерда муаллиф бир воқеа тўғрисидаги турли манбалар маълумотларини солиштирмоқчи эмас. Бу алоҳида изланиш, шуғулланишни талаб этади. Бунинг устига муаллиф бу асарида Ўрта Осиёнинг кўрилаётган даврига оид барча ёзма ёдгорликларни қамраб олган эмас. Шунинг учун муаллиф мумкин қадар тўла, ишончли ва қимматлироқ, Ўрта Осиё халқлари тарихининг ёрқин даврларини тасвирловчи асарларга мурожаат этган. «Ўрта Осиё ҳаётининг бошқа давлари тўғрисида ҳам шунга ўхшаш тадқиқотлар ўтказиш,— деб ёзади Б. Аҳмедов,— масалан, араблар ҳукмронлиги (XIII—IX асрлар) даври ёки янги ва энг янги (XIX—XX асрнинг боши) даврни ўрганиш фанга катта ҳисса бўлиб, СССР ва чет элларда сақланаётган қўлёзмаларнинг, ёзма ёдгорликларнинг тезроқ илмий соҳага киритилишига ёрдам берган бўларди».

Мисол сифатида бу асарларнинг кенг ўқувчилар оммасига ҳар ҳолда таниш бўлгани — «Таворихи гузида» («Нусратнома») ни қисқача таҳлил қиламиз.

XV асрнинг иккинчи ярмида Дашти Қипчоқда кўчманчи феодал бойлар ва олий ҳокимият ўртасида кескин кураш борди. Абулхайрхоннинг (1428—1468) ўлиmidан сўнг айниқса, бу қонли ўзаро уруш янада кучайди. Ҳокимият тепасига унинг набираси — Абулхайр Шайбоний (1488—1510) келганидан сўнг ўзбек феодалларининг низолари барҳам топди. У кўпчилик ўзбек уруғларини бирлаштириб, теурийларга қарши чиқди. XV аср охири, XVI аср бошларида кўчманчи ўзбекларнинг Ўрта Осиёнинг маданий районларига томон ҳаракатланиши авж олди. Биз «Нусратнома» да ўша давр тарихий шароитнинг қанчалик мураккаблиги, Мовароуннаҳр халқининг норозилиги кучайишининг, Самарқанд, Бухоро, Уш, Ахси, Андижон, Қарши, Қоракўл ва Ўрта Осиёнинг бошқа кўплаб шаҳар ва минтақаларидаги қўзғолонларнинг сабабларини тушуниш учун кўплаб қизиқарли маълумотлар топамиз. Муаллиф Қоракўл қўзғолони тўғрисида айниқса муҳим маълумотларни кел-

тирадики, уларни XVI асрнинг бошқа бирорта манбаида учратмаймиз.

Ўзбек халқи этногенези, XV—XVI асрлардаги Ўрта Осиё аҳолисининг этник таркиби билан шуғулланаётган этнограф ҳам бу китобдан жуда қизиқарли маълумотлар олишлари мумкин.

Шундай қилиб, барча турк ва мўғулларнинг афсонавий босиб ҳисобланган Ўғизхон сулоласи тарихи «Таворихи гузида»нинг биринчи қисмини эгаллайди. Иккинчи қисм эса Чингизхон ва унинг авлодлари тарихини, Шайбонийхоннинг туғилишидан, то Самарқанд тахтига ўтиргунича ўтган даврни ўз ичига олади. Унинг 909 (1503—1504) йилгача бутун Мовароуннаҳр ҳудудини эгаллагани тарихи китобнинг учинчи қисмидан жой олган.

Кириш қисмидан кўринадики, китоб 1502—1505 йиллар орасида ёзилган. У эски ўзбек тилида бўлган, бироқ, муаллифи айтилмаган, бу кўп тадқиқотчиларнинг баҳсига сабаб бўлган. Масалан, П. И. Лерх Жалолиддин Румийнинг ўғли Султон Валадни асар муаллифи дейди.¹ Бу эҳтимолдан узоқ. Р. Муқминова, А. Семёнов, В. П. Юдин тахминича муаллиф Шайбонийхоннинг ўзи.² Танқидий матн тузган, сўзбоши ёзган, 1967 йили Тошкентда «Таворихи гузида»—«Нусратнома» асарини нашр эттирган тадқиқотчи А. М. Акрамовнинг фикрича эса, китоб муаллифи Муҳаммад Солиҳдир³. Б. Аҳмедов эса А. Акрамовнинг бу фикрини ишонарли эмас, деб ҳисоблайди.⁴

«Таворихи гузида»—«Нусратнома» асари дунё миқёсида икки нусхада топилган. Биринчи қўлёзма мамлакатимиз ФА Шарқшунослик илмгоҳининг Ленинград бўлимида (В — 745: 147 л) ва иккинчи қўлёзма Британия музейида (ОР. 32226; 148 л.) сақланмоқда. Қўлёзманинг иккала нусхаси ҳам қониқарсиз аҳволда — мазмунда чалкашликлар, хатолар бор. А. Акрамов ўз асарида бу камчиликларни тузатишга уринса-да, ҳануз, баъзи варақлар ўрни чалкашган, баъзи воқеаларнинг қайтарилиши учрайди.

«Нусратнома» ҳанузгача тўлиқ таржима қилинмаган. С. К. Иброҳимов ва В. П. Юдин бу асарнинг баъзи парчаларини ўзбекчага ўгиришган. «Таворихи гузида»—«Нусратнома» дан тадқиқотчилар В. В. Бартольд, А. А. Семёнов, С. К. Иброҳимов, Р. Г. Муқминова, С. А. Азимжонова, Қ. Э. Петров, Б. А. Аҳмедов ва А. М. Акрамовлар ўз илмий изланишларида анча кенг фойдаланишган.

Келгусида бу асарни кенг ўқувчилар оммасига тушунарли тилда, изоҳлар билан нашр этиш муҳим ишлардан биридир.

¹ Лерх П. Туркистон ўлкасига 1867 йилги археологик юриш. СПб., 1870. 1-бет.

² Муқминова. Р. XVI асрда Ўзбекистондаги деҳқончилик муносабатлари тарихига доир. «Вақфнома» асосида. Тошкент, 1966, 62-бет. А. Семёнов. Шайбонийнинг биринчи авлодлари ва Мовароуннаҳр учун кураш.

³ «Таворихи гузида — Нусратнома» XV—XVI аср, Ўзбекистон тарихи манбаи сифатида ОНУ, 1964, 5-сон, 48—51-бетлар.

⁴ Аҳмедов Б. А. Ўрта Осиёнинг XVI—XVIII асрлардаги тарихий-жўғрофий адабиёти. Ёзма ёдгорликлар. Тошкент, 1985, 12—15-бетлар.

Бу асар Шайбонийхон тарихига бағишланган. XVI асрнинг машҳур шоири ва тарихчиси Камолиддин Биноийни унинг муаллифи дейишади. Бу қўлёзманинг қимматли нусхаси Ўзбекистон жумҳурияти ФА Шарқшунослик илмгоҳида сақланмоқда.

Шарқшунос А. Мирзаевнинг айтишича, Биноий (Унинг тўлиқ исми Али ибн ал-Муҳаммад ал-Ҳиравий) 857 (1453) йилда меъмор Муҳаммадхон Сабза оиласида туғилган.¹ Биноийнинг болалик йиллари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. 900/1495 йилда Биноийлар Самарқандга кўчишади. Унинг замондошлари Навоий, Бобур, Хондамир ва бошқалар Биноий истеъдоди хусусида жуда яхши фикр айтган эдилар.¹

Балхлик олим (XVII аср) Муҳаммад Торихнинг ёзишича, Биноий 866 (1481 йилда отаси билан бирга Балхда тўртинчи халифа Али ибн Толибнинг қабри устида гумбаз қуришда қатнашади. Ўз ҳикоясини давом эттирар экан, муаллиф завқ-шавқ билан айниқса, бинолар қурилиши ва илм-фанда машҳур меъморлар устози мавлоно Биноий раҳбарлигида бу муқаддас қабр устида ишлаганини завқ-шавқ билан ёзади: «Ушандан бери 170 йил ўтибдики, бу бинода биронта дарз йўқ»².

Биноий Самарқандда яшаётганида беихтиёр 1496—1500 йилги тарихий воқеалар/гувоҳи бўлади. Бобур ва Шайбонийхон ўртасидаги ҳокимият учун кураш ўз даврининг илғор тафаккур ва билим эгалари учун кураш билан уйғунлашиб кетган эди. Улар жумласига Маҳдуми Аъзам Косонийни, Хожа Аҳрор вафотидан сўнг Урта Осиё мусулмон диндорларининг бош вакилларидаан бирига айланган унинг ўғли Яҳёхонни, Биноий, Хондамир ва бошқаларни киритиш мумкин. Самарқандга келгач, Биноий дастлаб Шайбонийхонга, сўнг Бобур Самарқандни бошқарган юз кун давомида темурийларга хизмат қилади. 903 йилнинг ражаб (1498 йилнинг февраль-март) ойида Бобур Самарқандни ташлаб чиққанида Биноий ҳам унинг қўшини билан кетади. Бироқ Самарқандда — ҳокимият учун кураш давом этарди. Шу орада Биноий яна Бобурнинг иттифоқчисига айланади. 907 йилнинг бошида (1501 йилнинг ўрталарида) юз берган жанг Биноий ва Маҳдуми Аъзам Даҳбедийнинг тақдирини ҳал қилди. Улар то умрларининг охиригача ўз ватанларида яшаб қолдилар. Шундан сўнг Биноийнинг ёзишича, у Шайбонийхон саройи солномачисига айланади ва хоннинг ҳукмдорлиги ва ғолибона юришлари тарихини ёзиш тўғрисида махсус топшириқ олади. Биноий бу вазифани аъло уддалади. Бироқ, ўзаро феодал урушлар Шайбонийхоннинг ҳам, Биноийнинг ҳам ўлимига сабаб бўлди. У 918/1512 йилда, Бобур лашкари ва эронийларнинг Самарқандга бостириб кириб, аҳоли-

¹ Мирзаев А. Биноий. Сталинобод 1957, 104- бет.

² Навоий А. Мажолис-ун-нафоес. 15 жилдлик асарлар тўплами. 12- жилд. Тошкент, 1966, 74- бет. Бобурнома. Тошкент, 1958, 103, 212- бетлар. Хондамир. Ҳабиб-ас-сиёр. Бомбей. 1273 (1857 й. III жилд, 3- қисм, 343- бет.

³ Аҳмедов Б. С. 18. (См. стр. 124. пункт 3).

ни бир бошдан қирганида ҳалок бўлди. Тарихчи Маҳмуд ибн Вали (XVII асрнинг биринчи ярми) ёзишича, Биноий Қарши шаҳридаги масжиди жомеъ мозорида дафн этилган.¹

Биноий «Шайбонийнома» тадқиқотчилар (Э. Г. Браун, К. Г. Залеман, А. Н. Самойлович, М. А. Салье, А. А. Семёнов, А. Н. Болдирев, Р. Г. Муқминова, А. М. Мирзаев, С. К. Иброҳимов, Б. А. Аҳмедов ва бошқалар) томонидан кенг фойдаланилмоқда.

Биноийнинг ёзишича, ҳатто 1494—1500 йилларда ҳам Кўҳак этагида, Обираҳмат ариғи бўйида Улуғбек расадхонаси бузилмаган ҳолда қад кўтариб турган. Бу маълумот Бобурнинг Кўҳак тепалиғи жойида Мирзо Улуғбекнинг юлдузлар жадвалини тузиш учун зарур асбоблар жойлашган расадхонани кўргани ҳақидаги гапларга мос келади. Демак, Улуғбек расадхонаси асбоблари XVI асрда ҳам сақланган. Шу боис расадхонанинг Улуғбек ўлимидан сўнг (853 йил) рамазон ойининг 8 куни (1449 йилнинг 25 октябри) талон-торож қилиниб, бузиб ташлангани ҳақидаги фикр тарихий манбаларга тўғри келмайди.

Шу ерда бошқа «Шайбонийнома» муаллифи Муҳаммад Солиҳ ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш керак. Тарихий манбаларга қараганда Муҳаммад Солиҳ олдин Амир Темур, кейин Шоҳруҳ Мирзонинг энг кучли амирларидан бўлган Мирзо Улуғбекнинг устози Шоҳ Маликнинг набираси эди. Бошқа чиғатой беклари каби узоқ йиллар Мирзо Улуғбек хизматида бўлган Муҳаммад Солиҳнинг отаси Нур Саидбек ҳам падаркуш Абдуллатифга, кейин темурий Султон Абу Саидга 855/1451 (1468—69 й.) бўйсунушдан бош тортиб, Нур тоғларига чиқиб кетди. У Самарқанд ва Бухоро атрофларига мунтазам ҳужум қилиб турди. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича катта сиёсий мавқега эга Хожа Аҳрор бир неча бор Нур Саидбекни, кейин унинг иттифоқчиси, Улуғбекнинг набираси Муҳаммад Жўқини қуролни ташлаб, келишувга ундаган. Қуролни топширгач 1462 йил 5 октябрда Муҳаммад Жўқи зиндонга ташланган, Нур Саидбек эса илгари отаси ҳукмдор бўлган Хоразмга ҳукмдор этиб тайинланган, лекин бу кўпга чўзилмади. Тўрт йилдан сўнг, 871/1466—67 йилларда Султон Ҳусайн Хоразмга бостириб кирди. Нур Саидбек эса Ҳиротга чақириб олиниб, «қўрқоқлик қилгани учун» қатл этилди.²

«Қомус ал олам» луғати муаллифи Шамсиддин Сомийнинг ёзишича, Муҳаммад Солиҳ Абдураҳмон Жомийнинг энг иқтидорли шогирдларидан бири эди.³

Биз Биноийнинг 900/1494—1495 йилларда Самарқандга келганини ёзган эдик. Шунингдек, «Бобурнома» дан биламизки, Биноий ва Муҳаммад Солиҳ Хожа Аҳрорнинг ўғли Хожа Ёдгор қўлида хизмат қилишган. Бундан кўриниб турибдики, Биноий ва Му-

¹ Маҳмуд ибн Вали. Моребайн. Таржима, кириш, изоҳ ва курсатмалар Б. А. Аҳмедовники. 1977, 79-бет.

² Аҳмедов Б. А. 22—23-бетлар (қараи: 124-бет, 3-бўлимга).

³ «Қомус ал-олам» IV жилд, Истамбул, 1311/1899—1894, 28—29-бетлар.

ҳаммад Солиҳ Ҳиротни бир йилда, яъни 901/1496 йилгача тарк этишган. Бироқ, уларнинг Муҳаммад Яҳёга хизмати ҳам қисқа бўлди. Чунки Хожа Аҳрор ўлиmidан сўнг Хожа Яҳё унинг барча ҳуқуқ ва ҳисобсиз бойлигининг якка хўжайини бўлиб олди. Муҳаммад Яҳё ўн тўққиз ёшли Бобур Султоннинг ҳамфикри эди ва унинг Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлишини истарди. Бироқ, 1501 йилнинг апрелида Самарқанд яқинида бўлган жанг Шайбонийхон ғалабаси билан тугади ва Бобур Самарқандни бутунлай тарк этишга мажбур бўлди. Шайбонийхон лашкари иккинчи бор, бу гал ҳеч қандай тўсиқсиз Самарқандни эгаллади. Шайбонийхон Самарқандни биринчи бор эгаллаганидаёқ шаҳар ҳимоячиси ташкилотчиларини, жумладан Муҳаммад Яҳёни ҳам асир олган эди. Ўзбек амирлари уни қатл этишни талаб қилдилар. Бироқ Шайбонийхон марҳум Хожа Аҳрор (1494 йили ўлган) обрўсини эътиборга олиб Муҳаммад Яҳёга Маккага ҳажга бориб келишни таклиф этади. Шайбоний амирларидан бир гуруҳи тил бириктириб гўё хондан берухсат Хожани йўлда ўлдирадилар. Ҳақиқатда эса Шайбонийхон Хожа Аҳрор авлодининг беҳисоб бойликларига эга бўлишга қизиққан. Бунга Хожанинг ер-сувлари ва бойликларини амирларнинг бўлиб олишига оид ҳужжатлар гувоҳлик беради. Бу бойликларнинг катта қисми Шайбонийхоннинг мулкига айланган.

Муҳаммад Солиҳ 1501 йилдан то умрининг охиригача Шайбонийларга хизмат қилди ва 941 (1534—1535) йилда Бухорода вафот этди. Муҳаммад Солиҳнинг шеърӣ солномаси чамаси 911/1505 йилларда ёзилган бўлиб, Камолиддин Биноӣ асарига мос келади.

Б. А. Аҳмедовнинг ёзишича, Биноӣнинг «Шайбонийнома» сига нисбатан Муҳаммад Солиҳ асаридаги янги ўринлар қуйидагича:

1. XX—XXIII боблар Қоракўл, Қарши, Ғузордаги Шайбонийхонга қарши қўзғолонларга бағишланган.

2. Шайбонийларнинг Шоҳруҳия, Уратепа, Фарғона, Бухоро, Термиз ва бошқа жойларга юришлари бор.

3. Шайбонийларнинг Хоразмга қарши 1503—1505 йиллардаги юришлари бор.

4. Яна бу асардан кўчманчи ўзбек феодаллари, улар лашкарининг Ўрта Осиёда қилган бебошликлари ва шайбонийлар босиб олган ҳудудлардаги аҳолининг оғир аҳволи ҳақида муҳим маълумотлар ўрин олган.

Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асари кам. Унинг икки нусхаси Вена кутубхонаси ҳамда ЛДД илмӣ кутубхонасининг шарқ бўлимида ва шу қўлёзмаларга асосланган икки нашр (Г. Вамберининг 1885 йилдаги нашри, П. М. Мелиоранскийнинг 1908 йилдаги нашри) сақланмоқда. Ҳозирги даврда бу асар шоир ва филолог Насрулло Даврон томонидан 1961 йилда ўзбек тилида нашр этилган.¹

¹ Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Нашрга тайёрловчи Насрулло Даврон. Тошкент, 1961. Асарнинг II нашри — 1990 йил.

Тарихи Муқимхоний

Аштархонийлар сулоласи давридаги Бухоро хонлиги тарихи «Тарихи Муқимхоний» ва «Убайдуллонома» асарларида баён қилинади. Биринчисининг муаллифи Муҳаммад Юсуф Хўжабек ўғлидир. Муаллиф мақсадига кўра «Тазкираи Муқимхоний» икки қисмдан иборат бўлиши зарур эди. Асарнинг биринчи қисмида Аштархонийлардан Муҳаммад Муқимхоннинг Балх тахтига ўтириши 1109 йил (1697 йил 15 ноябрь) дан бошлаб, 1116/1704 йил билан тугаган. Муаллиф сўзига кўра, «агар унинг ҳаёт шаъмини чархнинг телба шамоли ўчириб қўймаса ва умрининг чопқир отини йўқлик денгизи тўлқинлари ўз домига тортиб кетмаса» (232-бет), у 1116/1704—1705 йиллардан кейин Балх ва Бухорода содир бўлган воқеаларни ёритишга аҳд қилган эди. Афтидан, бу орзусини рўёбга чиқариш муаллифга насиб этмаган.

«Тарихи Муқимхоний» асарининг биринчи қисми кириш ва уч бобдан иборат. Кириш қисмида муаллиф мавзунинг қисқача мазмунини келтирган. Биринчи бобда Урта Осиёнинг XVI аср сиёсий тарихи баён қилинган. Иккинчи ва учинчи боблар тарихий воқеаларнинг асосий мазмунини қамраб олган, уларда Балх ва Бухоронинг XVIII асргача бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий тарихи муфассал ва асосли баён этилган. Учинчи бобда 1702—1704 йиллардаги сиёсий воқеалар, Балх ва Бухоро хонлигининг қўшни ва чегарадош мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари, уларнинг Термиз, Ҳисор ва Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ҳудудларда таъсири кучайиши ўз аксини топган.

Бу асар XIX аср бошларидаёқ Оврупога маълум эди. Ундан олинган парчалар Сенковскийнинг асарида 1824 йили эълон қилинган.¹

Кўпчилик тадқиқотчилар «Муқимхон тарихи» ни XVI аср охири — XVII аср бошидаги Урта Осиё тарихчилигининг муҳим манбалари қаторига киритадилар. Шунинг учун ҳозирда асарнинг мамлакатимиз, Англия, Франция қўлёзма хазиналарида (улар 60 дан ортиқ) сақланаётган нусхалари XIX асрда кўчирилган. 1277/1860—1861 йилларда улар ўзбек тилига, И. И. Сенковский томонидан қисман француз тилига, А. А. Семёнов, Н. Г. Маллицкийлар томонидан рус тилига таржима қилинган.²

«Тарихи Муқимхоний» Сильвестр да-Саси, Карл Ритлер, Герман Вамбери каби овруполик тарихшуносларнинг диққат марказида бўлган. В. В. Бартольднинг айтишича,— у «узоқ вақтлар овруполиклар учун Бухоро хонлиги тарихи бўйича ягона манба бўлиб қолди»³. Бу асар рус тилига тўла таржима қилинган ва А. А. Семёновнинг сўз боши ва изоҳлари билан нашр этилган.

¹ Ўзбекистон халқлари тарихи, 2-жилд, Тошкент, 1947, 11-бет.

² Аҳмедов Б. А. 83, 227-бетлар.

³ Бартольд В. В. Оврупо ва Россияда Шарқни ўрганиш тарихи. Асарлар. IX жилд, М., 1977, 439-бет.

Муҳаммад Козимнинг «Номаи Оламари Нодирӣ» асари XVIII аср форс тарихшунослигининг ноёб ёдгорлигидир. Асар муаллифи диққат марказида афшарийлар династияси асосчиси, Эрон шоҳи Нодирнинг (1736—1747) Мовароуннаҳр ҳудудига бостириб кириши, бу босқинчининг Бухоро хонлигига аштархонийлар ҳокимиятининг бутунлай қулашига сабабчи бўлиши билан боғлиқ воқеалар ётади.

Муҳаммад Козим 1133 (1720—1721) йилда туғилган. Унинг отаси марвлик бўлиб, афшар уруғининг Хуросондаги тармоғига мансуб эди. Нодиршоҳ бутун Эроннинг ҳукмдори бўлишдан анча олдин у билан алоқада эди.¹ 1141/1728—1729/ йилларда муаллифнинг отаси Нодиршоҳга хизмат қилаётган эди,² у 1145/1732—33/ йилларда шоҳ буйруғига биноан Қайна шаҳри қабристонини, машҳур Банди Султон тўғонини тиклаш ва бошқа қурилиш ишлари билан машғул бўлган. Яхши ишлагани учун Нодир томонидан 50 туман пул билан тақдирланган.

Муҳаммад Козим 1143/1730 йилнинг июль, август ойларида Машҳадда яшаб, мадрасада Саидамир Шамсиддин Али Мазондороний (т. I, вв. 115 б) қўлида ўқиган. Бироқ бўлажак тарихчи яхши маълумот, билим ололмаган.

1149/1736 йили у Озарбайжон ҳукмдори Нодиршоҳнинг акаси Иброҳимшоҳ хизматига киради. Муаллиф 1153/1740 йилгача бўлган ҳаёти ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган. 1740 йилнинг 10 июнида Нодиршоҳ Ҳиротга келади ва Урта Осиёга юришга ҳозирлана бошлайди. Муҳаммад Козим бу юришда кўчма девонхона кичик амалдори сифатида (т. II, В. 279 а) қатнашган. 1744—1747 йилларда эса Нодиршоҳ шахсий девонхонаси хизматчиси бўлиб, 1160/1747 йилдан бошлаб Марвда қурол-аслаҳа омборлари вазири бўлиб хизмат қилади. (Т. II, В. 1566—156 а, 279 а, 287 а; т. III, в. 83 а). Булар унинг сўнгги мансаблари эди. У 1166 йилда вафот этган.

«Номаи Оламари Нодирӣ» муаллиф режасига кўра, уч жилддан иборат: дафтар, жилд ва мумаллад.

Муҳаммад Козим асарининг биринчи жилдини ёзиши (337 ва-рақ) 1749—50 йилларда бошлаб, 1752—53 йилларда тугатган. Қўлёзманинг иккинчи жилди кўчирмасида вақти кўрсатилмаган. Учинчи жилд қўлёзмаси охири йўқолган. Бироқ мутахассисларнинг фикрича, иккинчи ва учинчи жилдлар 1752—53 йилларгача ёзиб тугатилган. Биринчи жилдда 1689—1736 йилларда Эронда юз берган асосий воқеалар қаламга олинади. Бу Нодиршоҳнинг туғилганидан тортиб, Эрон шоҳи этиб сайланганигача бўлган даврни қамраб олган. Иккинчи жилдда (327 ва-рақ) Нодирнинг тож кийишидан, 1148 йил шаввал ойининг 24 куни, яъни 1736 йилнинг 8 мартидан, то унинг 1743 йили Ширвонда Сохта Сам Мирзо

¹ Муҳаммад Козим. «Номаи Оламари Нодирӣ». Матн ва сўзбоши наشري Миклухо-Маклайники. Изоҳлар Г. В. Шитовники. М., 1960 ва 171—172 б.

² Уша асар. I-жилд, в. 71 а, 54—56-б.

қўзғолонини бостиришгача бўлган даврда Эрон, Афғонистон, Урта Осиё, Шимолий Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда юз берган воқеалар тасвирланган. Учинчи жилдда (251 varaқ) 1743—1747 йиллар орасида Эрон, Урта Осиё, Туркия ва Кавказ ортида юз берган воқеалар баён қилинган.

Умуман, XVIII асрнинг биринчи ярмидаги Урта Осиё тўғрисидаги маълумотлар асосан II—III томларда жамланган. Асарда тарихий воқеаларнинг ёритилиши билан бир қаторда Эрон, Урта Осиё ва Афғонистоннинг оғир иқтисодий аҳволи, айниқса Нодирнинг босқинчи лашкарлари забт этган мамлакатлардаги аҳолининг оғир аҳволи, халқ ҳаракатларига доир кўплаб қизиқарли маълумотлар ўрин олган. Шу жиҳатдан Муҳаммад Козимнинг бу асари XVIII аср форс тарихшунослиги ёдгорликлари орасида муносиб мавзу эгаллайди.

«Номаи Оламари Нодирӣ» ҳақида кўплаб тадқиқотлар нашр этилган. Унинг мамлакатимиз ФА Шарқшунослик илмгоҳи Ленинград бўлимида сақланаётган қўлёзмаси 1919 йилда фанга маълум бўлди. Академик В. В. Бартольд иккинчи ва учинчи жилд қўлёзмаси мазмуни ёритилган мақоласини эълон қилди. Ушанда бу қўлёзмалар мамлакатимиз ФА нинг Ленинграддаги Осиё музейига берилган эди. Биринчи жилднинг қўлёзмаси, кейинроқ, 1939 йилдагина Москвадан топилди.¹ У тўғридаги матбуот нашрлари маълумотлари 1945 йилдагина пайдо бўлди ва қўлёзма Ленинградга юборилди. Учта жилд жам қилинди. Бу асарга асосан мамлакатимиз шарқшунослари кўп мурожаат қилишган. Бироқ унинг нашр этилмагани тадқиқотчилар ишини қийинлаштирарди. Шу боис мамлакат ФА Шарқшунослик илмгоҳи бу XVIII аср форс тарихчилиги асарини факсималда нашр этди. 1960 йилги Москва нашри шарқшунос Н. Д. Миклухо-Маклайнинг муфассал сўз бошиси ва I-жилд матнини ўз ичига олган. Бу жилд 82 бобдан иборат. Асарнинг қолган икки жилди 1965 ва 1966 йилларда босмадан чиқди.

2. УРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ XVIII АСР ОХИРИ — XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ ТАРИХИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Урта Осиё халқларининг XVIII асрнинг иккинчи ярми — XIX аср биринчи ярмидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи жуда мураккаб эди. Бу даврда Мовароуннаҳр ҳудудида Урта Осиёдаги феодал тарқоқлигини бартараф этолмаган Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари вужудга келди. Ҳали Мовароуннаҳрнинг улкан кўчманчи туркман ва қозоқ уруғлари яшайдиган ҳудудлари мустақил улуслар сифатида яшамоқда эди. Бунинг устига Шаҳрисабз, Китоб, Оролбўйи, Жиззах, Уратепа, Тошкент, Қоратегин, Дарвоз Ваҳон, Шўғриён каби улуслар мустақил феодал ҳукмронлиги ерлари сифатида мавжуд эди.

Бу учаласидан Бухоро хонлиги кучли ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан яхши ривожлангани эди. Бухоро хонлигининг иқтисо-

¹ Миклухо-Маклай. Муҳаммад Козимнинг асари ва унинг туркманлар тарихи учун аҳамияти. «СССР ФА ТФ ахбороти», 5—6 Ашхобод, 1945, 32—35-бетлар.

дий маркази Самарқанд ва хонлик пойтахти — Бухоро бўлган Зарафшон водийси эди.

Охири йўқ ўзаро феодал урушлар деҳқончиликнинг ёмонлашуви ва Мовароуннаҳрдаги кўплаб ҳосилдор ерларнинг қаровсиз қолишига олиб келди. Айниқса кўчманчи қозоқларнинг босқинлари кўп зарар келтирди.¹ XVIII асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё хонликларидаги феодал эксплуатацияси ўта шафқатсиз эди. Масалан, Самарқанд ҳукмдори Фарҳодбий (1711—1713)² шундайлардан эди. 1722 йили Кенагас Иброҳимбий Самарқандни босиб олди ва ўз рақибларини йўқ қилди. Аштархонийлар (Абулфайзхон) ва манғитлар (Муҳаммад Ҳакимбий) билан ҳокимият учун династиялар курашида кенагаслар Ражаб Султонни хон этиб кўтардилар. Ражабхон 1723 йили Бухорога қарши талончилик юриши қилди. Унинг таклифи билан Самарқандга етиб келган кўчманчи уруғлар боғ, томорқа ва экинларни топтаб, меҳнатқашларни аёвсиз таладиларки, бу 1725 йилда Ражабхоннинг ўлдирилишига сабаб бўлди.³ Архив ҳужжатлари гувоҳлик беришича, Ражабхон икки марта уруш очиб, икки марта муқаддас Бухоро лашкаридан мағлуб бўлди ва орқага қайтди. Бу орада қозоқлар қалмиқлар билан душман бўлиб қолди. Қалмиқ лашкари қозоқларга ҳужум қилди. Қозоқ уруғлари қаршилик кўрсатолмай, чекиниб Мовароуннаҳрга келишди. Икки мағлубиятдан кейин ҳам тинчимаган Ражабхон қозоқ лашкарларни ёрдамга чақириб Бухорони мағлуб этди. Бунинг эвазига қозоқлар бир неча йил мобайнида Бухоро ва Самарқанд экин майдонларини талаб, молларига едириб юбордилар. Бунинг оқибатида Самарқанд ва Бухорода улкан қийинчиликлар юзага келди. Самарқандда очлик ва қимматчилик бошланди. Шундай аҳвол юзага келдики, жаннатдай Самарқанд бўшаб, қаландарлардан ўзга эркак зоти қолмади. Муқаддас масжидлар, мадрасалар ва гўзал бинолар ҳувиллаб, бузилиб ётарди...⁴ Бу ҳақда академик Бартольд бундай ёзди: «Темурунинг собиқ пойтахти (Самарқанд) Нодиршоҳ юриш қилган 1740 йилларда бутунлай бўшаб қолган эди. Самарқандда минггача оила яшаётган қалъа-қўрғонни ҳисобга олмаганда, аҳоли қолмаганди. 1772 йили Муҳаммад Раҳимхон (1756 йили хон унвонини олган, манғитлар сулоласи асосчиси. Бу сулола 1920 йилгача Бухорода ҳукмронлик қилган) шаҳарни тиклаш чорала-

¹ Искандар Мунший. «Тарихи Оламарои Аббосий». Теҳрон, 1314. Зигири 404-бет.

² Саидқулов Т. С. Шердор мадрасасига «Вақфнома», Самарқанднинг XVI—XIX асрлардаги тарихининг муҳим манбаи. Тарихий ўлкашунослик бўйича I Буниттифоқ конференцияси. 1989 й. апрель. Маъруза ва ахборотлар тезислари. 132—133-бетлар. Шердор мадрасасига «Вақфнома» 1814 йили Амир Ҳайдар подшолиги даврида тикланган. Самарқанддаги нусхадан (асл нусха Бухоро хонлиги қозихонасида бўлган) В. Л. Вяткин 1892 йилда кўчирма қилган. Ҳужжат 1636 йилда Даҳбед комплекси ва Шердор қуриб битказилгач, расмийлаштирилган. Вақфнинг таъсисчиси Самарқанд ҳукмдори Ялангтўш Баҳодир эди.

³ Мирмуҳаммад Амин Бухорий. Убайдуллонома. Форс-тожикчадан таржима, сўз боши, низоҳ ва таъкидлар А. А. Семёновники. Тошкент. 1959, 164-бет.

⁴ Ўзбекистон МДА, ф. 323, опись I, 1203 иш.

рини кўрди.»¹ Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги кучайиши, марказий феодал ҳокимиятининг бирлашуви жараёни аҳолининг иқтисодий ва сиёсий ҳаёти тикланиши ва ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди. XVIII аср охиридаёқ шаҳар, қишлоқнинг хўжалик алоқалари кучайгани сезилиб турарди. Феодал ер эгаллиги кучайди. Турк ва Эрон тилли деҳқон аҳоли ерга ишлов беришар, суғориш шохобчаларини яхши сақлаб, фойдаланишар, ҳунармандчиликни ривожлантиришарди. Бу даврдаги оғир феодал рентаси ва эксплуатацияси ҳам улар зиммасига тушди.

Шунингдек XVIII аср охирида ижтимоий меҳнат тақсимоти, кўчманчи уруғларнинг ўtroқлашуви кучайди. Бу жараён айниқса, Зарафшон водийсида XIX асрда кучайди. Абдулкаримнинг (XIX аср боши) кўрсатишича Миёнқол ва Самарқандда кўчманчи ва ўtroқ аҳоли тенг бўлган. Бошқа асар муаллифи эса Бухоро хонлигидаги 2,5 миллион аҳолидан 1 миллиони кўчманчи ҳаёт кечиршини ёзади. Абу Тоҳир Хожанинг ёзишича, 1748 йилдан бошлаб, Бухоро ҳукумати «бу аҳволни тартибга келтириш чораларини кўра бошлади».³

XVII аср — XIX асрнинг биринчи ярмида Хожа Аҳрор, Маҳдуми Аъзам ва Хожа Ислом каби мусулмон диндорларининг ажралиб турган вакиллари чиқмаган бўлса-да, минтақанинг иқтисодий ва сиёсий инқирози даврида шайх, хожа, саид ва бошқа дин вакиллари аҳоли онгини қўлда тутишга ҳаракат қилдилар. Бу жараён XVIII асрда ўзига хос Амир Маъсум — Шоҳмуродга ўхшаш хон либосидаги дарвешларни пайдо қилди.

Шундай қилиб, XVI—XVIII асрнинг биринчи ярми манбаларнинг ранг-баранглиги, кўплиги билан ажралса, XVIII аср охири — XIX аср биринчи ярмига тарихий манбаларнинг озлиги хосдир. Шунга қарамай эътиборга лойиқ бир неча асарлар бор. Улардан бири «Тухфат ул-Хоний» асаридир.

Тухфат ул-Хоний (Хон совғаси)

«Тухфат ул-Хоний» 1722—1782 йиллардаги Бухоро хонлиги тарихига бағишланган асар бўлиб, XVIII аср Урта Осиё тарихчилигида «Тарихи Раҳимхоний» деган ном билан ҳам маълум. Шарқшунос Б. Аҳмедовнинг фикрича, асар муаллифи Охунд мулла Муҳаммад Вафо ибн Муҳаммад Зокир Карминавий (1685—1769) ва насаф (Қарши) лик домулло Олимбек Ниёзқулибек эшондир.¹ Бухоро хонлигининг 1134 (1722—1182) 1768 йиллар орасидаги тарихи қарийб 50 йиллик воқеаларни Муҳаммад Вафо, қолган давр (1183) 1768—1196/1782 йиллар воқеалари ва манғитлардан чиққан иккинчи ҳукмдор Муҳаммад Дониёл ҳукмронлиги йилларидаги (1172/1759—1199/1785) воқеалар Ниёзқулибек томонидан ёзилган.

¹ Бартольд В. В. Туркистон маданий ҳаёти тарихи. Л., 1927, 92-бет.

² Мейндорф Т. Бухорога статистик назар. «Северный архив» 1826, октябрь, 19 ва 20-сонлар.

³ Абдураимов М. А. XVI—XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлигида, аграр муносабатлар ҳақида очерклар. I жилд. Тошкент, 1966, 23-бет.

«Тухфат ул-Хоний» асари «Тарихи Абулфайзхоний» тарихий асарининг табиий давомидир. Бу икки асар муаллифлари ҳақида тарих фани ҳозирча ҳеч қандай маълумотларга эга эмас. Фақат Қози Вафо ҳақида баъзи маълумотлар бор. «Убайдулланом» нинг муаллифи Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг ёзишича 1118/1196 йилларда Қори Вафо Убайдуллахоннинг китобдори бўлган. Афтдан у бу вазифада Абулфайзхон даврида ҳам ва ҳатто дастлабки манғит ҳукмдорлари даврида ҳам ишлаган.

«Тухфат ул-Хоний» тарихчилик нуқтан назаридан шуниси билан қимматлики, унда ўқувчи Ўрта Осиё халқларининг хўжалик, ижтимоий, сиёсий тарихига онд бой фактларни топади. Жумладан, унда кўчманчи турк-муғил уруғларининг етти йил (1722—1729) давомида Зарафшон воҳасининг ўтроқ районларига босқини натижасида фаровон жойлар ҳувиллаб қолгани ёритилган.

Мулла Маҳаммад Вафо Эрон шоҳи Нодирнинг янги манғитлар династиясининг асосчиси Муҳаммад Раҳимхонга у Бухоро хонлиги ҳудудида ўз ҳукмронлигини ўрнатаётганида берган катта кўмагини кенг баён этади.

«Тухфат ул-Хоний» муаллифларининг Бухородаги биринчи манғит ҳукмдорларининг қўшни давлатлар билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги маълумотлари ҳам жуда қимматлидир. Ўзаро ички урушларга Хўжанд ва Тошкент ҳукмдорлари, Қўқон хонлиги, Қашғар ва Афғонистон ҳам тортилган эди. Ҳукмдорларнинг тахтга ўтириш маросимлари ва юқори давлат мансабларига тайинлаш азалдан маълум бўлса-да, «Тухфат ул-Хоний» даги Муҳаммад Раҳимхоннинг тахтга ўтириши маросими баёни олдингиларидан ўзининг муфассаллиги билан ажралиб туради. Хусусан унда бундай ёзилади: фаррошлар тож кийдириладиган хонага гилам ва поёндозлар тўшадиқил ва тахтни ўрнатдилар. Мунажжимлар тож кийиш учун мақбул вақтни белгилашар, кейин амир ва бошқа амалдорлар, обрўли дин вакиллари (Маҳдуми Аъзам Косоний, Саййид ота, Хўжа Муҳаммад Ислои Жуйборий ва Хожа Аҳрор авлоди вакиллари) таклиф этиларди. Хонага кўзлари боғлиқ Муҳаммад Раҳимхонни олиб кириб, оқ кигиз устига ўтказишди. Кигизнинг тўрт бурчидан обрўли тўрт уруғ: манғит, ўтарчи, баҳрин ва сарой уруғи вакиллари, кигиз четларидан эса юқорида айтилган тўртовлон кўзга кўринган дин арбоблари ва обрўли тўқсабо, садр, раис ва саркардалардан бир неча киши ушлаб туришарди. Шундан сўнг, янги ҳокимни тахтга ўтказиш ва зиёфат, хонга совға тақдим этиш бошланди. Хон эса маросимда қатнашаётган кишилар елкасига қимматбаҳо тўн ёпарди. Муҳаммад Раҳимхоннинг номига хутба ўқитилиб, катта қишлоқ ва асосий шаҳарларда унинг номи билан танга зарб этилди. Ушбу манбага қараганда, давлат мансабларига энг аввало, манғит, хитой — қипчоқ, баҳрин, сарой, кенагас, жалоир, ўтарчи уруғларининг вакиллари тайинланарди. Муҳаммад Раҳимхон даврида Давлатбий манғит (хоннинг тоғаси) Бухоронинг парвоначиси; Хўжамёрбий (хитой қипчоқ) хоннинг оталиғи ва бош амири (амир ал умаро); Ғайбулла бий баҳрин — Миёнқолдаги еттита уруғнинг вакили — девон беги;

амир Дониёлбий манғит — (хоннинг катта тоғаси) мирасади (хон маслаҳатчиси), Жаҳонгирбий — хон жибачиси (молия ва хазина ишини бошқарувчи), унинг ўғли — Улуғ ўроқчи (ҳосилнинг бош йиғувчиси); Баротбий манғит — (хоннинг акаси) Самарқанд ва вилоят ҳукмдори, Имомқули манғит — Яккабоғ ҳукмдори ва парвоначи; Низомиддин Маъсуд — бош қушбеги; Худоёр кенас — Бухоро додҳоси (шаҳар бошлиғи) этиб тайинландилар ва ҳоказо.

Диний мансаблар қуйидагича тақсимланди: Маҳдуми Аъзам Косонийнинг авлодидан бўлган Исоққўжа ўруни шоҳнишин (му-сулмон диндорлари бошлиғи); Муҳаммад Ислоом авлодидан Насрулло хожа — Шайхулислом; Муҳаммад Хожа Саййид Атоий — нақиб; Низомиддин Ҳусайний — Бухоро ва вилоятнинг қози калони; Хожа Аҳрорнинг авлоди Шаҳобиддин Хожа Самарқанд ва вилоятнинг шайхулисломи этиб тайинланди ва ҳоказо.¹

«Тухфат ул-Хоний» бой этнографик материалга эга. Асарда нафақат уруғларнинг номи, балки улар яшаган жой ва аҳоли сони ҳам (д 107 а, 120 б.) келтирилган. Масалан, ўша даврда Миёнқол воҳасида баҳрин, етти уруғ ва жалоирлар яшаган; Шаҳрисабз беклигида кенаслар; Қарши ва унинг атрофидаги туманларда манғитлар; Ғузорда — саройлар, Нуротада — бургутлар, Қубадёнда — дўрмонлар, Ҳисор, Уратепа ва Ургутда — туз ва ўтарчилар, Жиззахда — қирқлар, Бойсунда — қўнғиротлар яшаган. Бу маълумотлар Урта Осиёнинг XVIII аср этник таркибини ўрганишга катта ёрдам беради.

«Тухфат ул-Хоний» жаҳонда кўп (мамлакатимизда 23 та, Англияда 1, Саудия Арабистонида 1 та) нусхада бўлишига қарамай, жуда кам ўрганилгандир. Муҳаммад Раҳимхоннинг Серахс яқинида 1160/1747 йилда қизилбошлар билан тўқнашуви акс этган русчага ўгирилган парчани ҳисобга олмаганда, асарнинг на баёний, на таржима нашри йўқ.

Шундай қилиб, Урта Осиёнинг XVI аср — XIX асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ёритган тарихий асарларнинг барчасида ўхшаш камчилик бор. Муаллифлар шоҳлар ва уларнинг атрофларидаги амалдорларга хушомад қилиб, воқеаларни бежаб ёзадилар, кўз олдларида юз берган воқеалар моҳиятига чуқур кириб бора олмайдилар. Оқибатда халқ норозилиги, уларнинг кўтарилишлари сабабларини, сиёсий ҳаётнинг асл қиёфасини тўғри ёрита олмайдилар. Улар ҳам феодализм тарихчиларига хос бўлган ўта анъанавий мадҳиябозликдан қутила олмаганлар. Аммо бундай нуқсонлар Совет даври тарихчилигида ҳам учрайди. Шунга қарамай, юқоридаги асарлар ўша даврлар тарихий воқеаларини ўрганишда қимматли илмий манбалар ҳисобланади.

¹ Аҳмедов Б. А. 118—119- бетлар (124- бет, 3- банд).

VII Б О Б. РОССИЯДА УРТА ОСИЁ ШАРҚШУНОСЛИГИ ТАРИХИДАН

1. РУС ШАРҚШУНОСЛИГИНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚАДАМИ

Россия ўзининг жўғрофий жойлашувига кўра Шарқнинг таъсирига Ғарбий Оврупога нисбатан кўпроқ берилган эди. Шарқ билан Россия каби узоқ даврлардан бери бу қадар боғланган бирорта мамлакат йўқ.¹

Россия Шарқ билан энг яқин алоқада бўлган давр — унинг тарихининг энг дастлабки давридир. VII—X асрларда Каспий бўйларида Иртишгача, Волга бўйидан Азов денгизи ва Қримгача бўлган бепоён ҳудудда ҳазор уруғига мансуб турли ўрдалар хўжайинлик қилганлар.²

Ҳазор-рус муносабатлари хусусида гапирар эканмиз, тожик тарихчиси Фахриддин Муборак Марвазийнинг XIII аср охирида ёзиб қолдирган маълумотларига қисқача тўхталамиз. Унинг қўлёзмалари 1927 йили қисман нашр этилган бўлиб, рўйхати Лондонда сақланади. Унда ҳазор ёзуви хусусида қизиқарли маълумотлар бор. Мана, бизни қизиқтираётган савол юзасидан тарихчи Фахриддин нима дейди: «Ҳазорларда руслардан келиб чиққан, Рум ва юнон халқлари тармоғи бўлган уруғлар бор. Уларнинг маиший ҳаёти ҳазорларникига ўхшайди. Ҳарф ва ёзувлари бири-бирига ўхшаш». Афтидан муаллиф бу ерда Дунай булғорлари ҳақида ёзган. Чунки бундай булғорлар славян алфавитидан фойдалана билишарди.³

Араб жўғрофионлари ҳазорлар турклардан келиб чиққан дейишарди. Ҳозирги даврда (лингвист) тилшунослар Волгабўйи булғорлари тилининг қолдиқларидан ҳазор нутқи базасида чуваш тили пайдо бўлди, деган хулосага келишди.⁴

Россиянинг Бағдод халифалиги вилоятлари билан жонли савдо алоқалари олиб боргани маълум. Халифанинг кумуш дирҳам тангалари Россия ҳудудида археологлар томонидан жуда кўплаб топилган. VII—VIII асрларга тегишли бу жараёни IX асргача бўлган Руснинг Шарқ билан савдо қилишга қодир хўжалик тараққиётининг белгиси сифатида қараса бўлади. Рус князлари Владимирдан бошлаб, ўз исмлари билан кумуш тангалар зарб қила бошлаганда бу тангалар араб дирҳамлари оғирлигига асосан зарб қилинарди.⁵

¹ Қаранг: Умняков И. И. «Фахриддин Муборак Марвазий тарихи». Вяткин ўқишлари. 1-сон. (2) 1983, 113-бет (рус тилида).

² Артамонов М. И. Ҳазорларнинг қадимги тарихий очерклари, Л., 1936; Якубовский А. Ю. «IX—X асрда Рус-Ҳазор ва Рус-Қавказ муносабатлари тўғрисида. ФА хабарлари» Тарих ва фалсафа серияси. М., 1946, III жилд, 5-сон, 461—472-бетлар.

³ Ҳазор ёзуви борлиги хусусидаги ёзма манбалар бизгача етиб келмаган.

⁴ Артамонов М. И. 85—86-бетлар.

⁵ Араб дирҳамларининг Россия ва Шарқ ўртасидаги савдо алоқалари тараққиётидаги аҳамияти. Қаранг: Қадимий маданият тарихи. 1-жилд. М., -Л., 1948, 381—387-бетлар.

Араблар рус мамлакати ҳақидаги маълумотларни Византия орқали ёки Волгабўйи булғорларидан олишарди.

Бағдод халифаси Муқтадир элчихонаси хизматчиси Ибн Фазлан русларни Волгабўйида, булғор ёки ҳазорлар юртида кўргангани айтади (922 й.). Араб тилида ёзувчи жўгрофиюнлар Ғарбий Оврупо тўғрисида етарли маълумотларга эга бўлмаса-да, руслар ва бошқа Шарқий Оврупо халқлари ҳақида муфассал маълумотларни қолдиришган.

Киев Русининг дастлабки князлари ўз назарияларини X асрдаёқ (907, 911, 945, 944 (945) ва 971 йилларда) шартнома тузилган Византиягагина эмас, Каспий денгизи ортидаги вилоятларга ҳам тиқишган эди.

Византия билан тузилган шартномалар нафақат ҳуқуқий ёдгорлик, балки қадимги Руснинг Византия билан алоқалари ҳақида ёзма маълумот ва илк рус йилномаларида ёзилган воқеаларнинг тасдиғи ҳамдир. Чунки бундан олдинги шартномалар бизгача етиб келмаган. Араб тилли ёзувчилар русларнинг Шарққа ва айниқса Каспий бўйларига келганлари ҳақида ёзадилар, рус ўрта аср адабиётида бу ҳақда маълумотлар бор.

IX асрдаёқ руслар Дон, Волга дарёси орқали қўшни давлатларга саёҳат қилишарди, ундан Каспийга ўтишар, сўнг Турган (Урганч) га келишар, баъзан у ердан туяларда ўз молларини Бағдодга жўнатишарди.

Русларнинг Каспийбўйи ўлкаларига биринчи юриши 912—913-йилларга тўғри келади.¹

Шарқшунос В. Ф. Минорский Лондондаги Ҳиндистон ишлари бўйича вазирлик кутубхонасида ишлаётиб, XI—XII асрнинг ўрта осиелик табиб-тадқиқотчиси Шараф ал Замон Тоҳир Марвазийнинг Русь тўғрисида қисқача қизиқарли маълумот берилган китобининг арабча нусхасини учратди.² Асардан муҳим парчалар келтирамиз.

«Руслар тўғрисида гапирадиган бўлсак, улар денгиздаги оролда яшашади, орол ҳажми у четидан бу четигача уч кунлик йўл. Унда дарахт ва ўрмонзор бор, атрофи йўллар билан ўралган. Улар жуда кўп сонли ва қиличга суюниб яшашади. Агар бирон эркак киши ўлса, бор мол-мулкни қизларига, ўғлига эса фақат қиличини беришади ва отангиз шу қилич ёрдамида мол-мулкка эга бўлди, сиз ҳам унинг изидан боринг», дейишади.

Уч юзинчи йилнинг ойларида бирида христианларга айланмагунларича улар шу тарзда тарбияланишган. Христиан бўлишгач, дин қилични улар турмушидан сиқиб чиқарди, улар меҳнат ва камтарликка қайтишди, яшаш учун маблағлари қисқарди.

Шунда улар мусулмон бўлишни истаб қолишди, чунки бун-

¹ Бартольд В. В. Асарлар, II жилд. I қисм. М., 1963, 685—686-бетлар.

² Қаранг: Минорский В. Ф. Шараф ал Замон Тоҳир Марвазий. XI—XII аср табиби китобининг арабча матни. Лондон. 1942, 23-бет. Асарлар. И. И. Умняков русчага ўғирган.

Ва уларга босқинчилар ва муқаддас урушлар қилиш — аввалги ҳаётга қайтиш имкони туғиларди.

Улар Хоразм хонига ўз хонлари Владимирнинг яқинларидан тўрт кишини элчи қилиб юборишди. Ва улар ислом динига ўтишди. Бу бақувват иродали кишилар узоқ юртларга босқин учун пиёда кетаверишар, Ҳазор (муаллиф афтидан Азов денгизини шундай атайди) бўйлаб кемаларда саёҳат қилишарди. Бошқа кемаларни қўлга тушириб, мол-мулкни тортиб олишиб Понтус (Қора денгиз) орқали Константинополга саёҳат қилишарди. Бир марта улар Ҳазор денгизда саёҳат қилиб юриб Бурданинг вақтинчалик эгаси ҳам бўлиб олишди.

Уларнинг жасур ва чапдастлиги маълум, ҳар бири бошқа халқ вакилларининг бир нечасига бас келарди. Агар уларнинг оти бўлиб, суворий бўлганларида эди, улар кишилар учун даҳшатли кучга айланган бўлишарди.

Русларнинг христианликни қабул қилиши 988—989-йилларга тўғри келади. Владимир исмли бир неча рус князлари бор эди. Владимир Святославовичдан (1015) кейинги энг машҳур ва йирик князь Владимир Мономах (1113—1125 й.) эди. «Мономах қуроли бу Улуғ князни Ғарбу Шарққа шу қадар машҳур қилдики,— деб ёзади «Россия Колумби», тарихчи Н. М. Карамзин,— унинг номи йилномачиларнинг ёзишича дунёда момақалдироқдай гулдирарди, қўшинлар ундан кўрқиб туришарди. Янги ёзувларга ишонадиган бўлсак, Владимир Грек империясини ҳам кўрқувга солган. Уларнинг ҳикоя қилишларича, Владимир боболарининг греклар устидан қозонган ғалабаларини эслаб, кўп сонли лашкарини Мстислав бошчилигида Адрианополга юборди ва Францияни эгаллади. Кўрқиб кетган Алексей Комнин Киевга кесар (қайсар) Августининг жонбахш хоч (крест) оғочини, жавоҳирли қадаҳини; Владимирнинг бобоси Константин Мономахнинг тожи, олтин занжири ва бармаларини совға қилиб юборди. Ефес Митрополити Неофрит бу совғаларни буюк князга тақдим қилди, тинчликка ундади. Киев жомеъ ибодатхонасида унга императорлик тожини кийдирди ва Россия шоҳи деб эълон қилди. Москва Қурол палатасида Мономахнинг олтин қалпоғи, занжир, ҳасса, скипетр ва қадимий барма сақланади. Бизнинг шоҳларимиз тантанали маросимда ясадиган бу зийнатлар ростдан ҳам (Византия Императори — с.т.) Алексийнинг совғаси бўлиши мумкин.¹

Н. М. Карамзиннинг маълумотларидан биламизки, X асрда Россия ҳукмдорлари Византия императорларидан шоҳона совғалар талаб қилиб туришган. XIV асрдаги Москва Улуғ князлари кўпинча ана шу баъзилари Грецияда ясалган (бу улардаги ёзувлардан ва буюмнинг ўзидан ҳам кўриниб турибди) бойликлар туфайли ворисларига васиятнома беришни рад этишарди.² Бироқ Фракиянинг босиб олингани шубҳалидир. Қадимий йилномаларда Владимирнинг асосан Грецияга муносабатларигина ёзилган.

¹ Карамзин Н. М. Россия давлати тарихи. Биринчи китоб. I, II, III, IV жилдлар, М., «Книга», 1988, 87—99-бетлар.

² Уша асар, 91-бет.

Шу боис Марвазийнинг ёзганларини ўша давр воқеалари баёни билан қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Шараф ал-Замон Тоҳир Марвазийнинг ёзганлари тарихий ҳақиқатга тўғри келади ва Н. М. Карамзин маълумотларига мос. Фақат XII асрнинг сарой табиб олимини бу тарихий воқеаларни ёзишга нима ундаганини аниқлаш қийин. Русларнинг ислом динини қабул қилгани (эҳтимол муаллиф Владимир Мономах сиёсатидан норози бўлиб, Хоразм хони хизматига ўтган русларни назарда тутгандир) ҳақида маълумотлар борлигига қараганда Марвазийнинг асари Хоразмнинг XI аср тарихига тегишли, чунки юқоридаги воқеалар хусусида Беруний ҳам «Осору-л-боқия» (Хроника) асарида ёзган. У, Хоразмда славянлар кўп бўлиб, улар ичида илмилари ҳам борлигини айтади. Беруний улардан славян ва юнон тилларини ўрганган эди.

Мавзуимизнинг асосий масаласи қадимги Русь ва Шарқ муносабатлари бўлгани учун, мўғуллар давригача бўлган қадимги рус ёзуви ёдгорликларини қисқача кўриб ўтамиз ва баъзи йилнома маълумотларини таҳлил қилиш орқали Шарқ мамлакатларининг Шарқий Оврупо кенгликларига таъсирини ёритамиз.

Мутахассисларнинг фикрича, Киев князи Ярослав Дононинг (1046—1054) илмий-сиёсий ғоялари руслардан чиққан биринчи митрополит Илларионнинг «Слово о законе и благодати» (1037—1050 йиллар орасида ёзилган) асарида ёрқин ифодаланган. «Слово» нинг мавзуи — халқлар тенглиги ва рус халқини бутун жаҳон халқлари ўртасида улуғлашдир.¹ Шу асарда Киев князи Владимир Святославович «еримизнинг ҳоқони» деб тилга олинган. «Берта йилномаси» да 839-йилда Ингельхейт шаҳрига император Людовик Благ ва Польский ҳузурига Византия императори феодал элчилари билан «рос» халқидан бўлган қандайдир кишилар ҳам келгани ёзилган. Улар Византия императори Феофилдан Франкларнинг ерларидан ўтказиб юборишни сўрашган. Келтирилган «Рос» номи жанубий рус (Днестр жануби) қабилалари «паросье» ларга Ярослав Доно ва унинг издоши Юрий Долгорукий (1155—1157) ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади, дейишга асос бўла олади.

Шундай қилиб, «Рус ҳоқони» бу давр тарихшунослигида «рус князи» дан кўра кўпроқ учрайди. Ҳоқон сўзининг туркчадан келгани шубҳасиз. Бу турк таъсирининг Ғарбга қанчалик чуқур кириб борганини кўрсатади.

Бу бўлимда рус — Урта Осиё муносабатларининг мўғулларгача бўлган даврга кўп тўхтаганимиз учун ўқувчилар бизни кечирсинлар. Бизнинг тарихшунослигимиз Урта Осиёнинг шимолий қўшниси Россиянинг Мовароуннаҳр, Яқин ва Урта Шарқ, умуман Осиё билан ўша мураккаб даврдаги ўзаро алоқалари тиклачиши хусусидаги йиғма, тўла маълумотларга эга эмас. Шунинг учун биз тадқиқотчиларимиз эътиборини ҳозирги замон жаҳон тарих илми

¹ Повесть временных лет. II қисм, Д. С. Лихачев шарҳлари. М., Л., 1950, 66-бет.

Карли манбашунослик материалларига эгаллигига қаратмоқчимиз. Улар жумласига «Йилномалар тўплами» («Свод летописей») — бу турдаги илк ўзига хос тарихий асардир. Бизгача етиб келган рус йилномаларидан «Даврий йиллар қиссаси» («Повесть временных лет») ҳам шундай асардир. Фанда тадқиқотчи қоқилмай-суринмай ўтадиган ёритилган тўғри текис йўл йўқ. Тадқиқотчиларимиз Россия ва Ўрта Осиё қадимдан алоқада бўлиб келганини тан олишса-да, барибир бу соҳада тарихшунослигимиз Ўрта Осиёнинг бу давр воқеалари тарихига доир тегишли тадқиқотларга эга эмас.¹ Шу боис ўқувчилар эътиборини («Свод летописей») «Йилномалар тўплами»га қаратмоқчимиз. Бу йилнома 862—1117 йиллар орасидаги рус тарихига доир воқеалар баёнини ўз ичига олади. «Повесть временных лет» нинг санасиз қисмида «Румдан Булғор ва Ҳвалис (Хива) ва Шарққача сомониёлар давлатига юриш мумкин» лиги ёзилади.² Бу ерда муаллифнинг ўз мамлакати жўғрофиясини яхши билиши сезилмайди ва унинг Ватани Ўрта Осиё халқлари, балки бутун Шарқ билан алоқа ўрнатишдан манфаатдорлиги одатдаги ҳол. Келиб чиқишига кўра чеченлар, турк ва даштійларга қондош (1.353); ҳвалислар (1.353) — Каспий ортида яшовчи хоразмликлар — хиваликлардир. Каспий денгизи Пётр I давридагина карталарга шундай (каспий халқи номи билан) ёзилди. Барандийлар (1.176) — турклардан келиб чиққан кўчманчи халқ, баъзан йилномачилар уларни турклар билан тенг ўринга (1.173, 375), қўйишади. Йилномачилар уларнинг юришлар пайтида қора қуюндай пайдо бўлишини айтишади (11.463). Масалан, 965- йилда «Қисса» Святославнинг ҳазорлар устига юриши ва уларнинг қочиши ҳақида ёзади. Шу билан бир қаторда йилномачи Кавказ тоғ этаклари ва чўлларида яшовчи яссилар, осетинлар ва қосоғи черкезлар (1.47, 201, 244; 11.311) ва улар устидан қозонилган ғалаба ҳақида хабар беради.

XII аср охирида (1188 й.) олий табақага мансуб, чамаси, ҳарбий киши ёзган асар пайдо бўлди. У XII аср дурдонасидир, гап «Игорь полки ҳақида қўшиқ» ёки «Игорь жангномаси» ҳақида кетяпти. «Қўшиқ» нинг мавзуси Новгород князи Игорь Святославович томонидан 1185 йилда половец-даштликларга етказилган мағлубият. Асарнинг юксак бадий қиймати хусусида гапириб ўтириш бизнинг вазифамизга кирмайди. Асарнинг ватанпарварлик ва кўтаринки руҳи XII аср Оврупо адабиёти дурдоналари билан бир қаторда Киев Русининг юқори маданий даражасидан гувоҳлик беради.

Бу бобнинг вазифаси феодал Руснинг Шарқ билан алоқалари бўлгани учун «Игорь жангномаси» нинг туркий сўзлари хусусида қисқача тўхталиб ўтамиз. Бу масала билан рус олимлари турколог П. М. Мелиоранский, тилшунос Ф. Е. Корш, турколог С. Е. Ма-

¹ Қаранг: Лунин Б. В. История Узбекистана в источниках. Т., 1988. С. 3—4.

² Библия ривоятига кўра Смаг Насв ўгли ҳукмронлигидаги Сомониёларнинг ерлари, жумладан араблар ҳам яшаган мамлакатларни ўз ичига олган эди.

лов ва шоир Улжас Сулаймонлар шуғулланди.¹ Улар «Жангнома» даги шарқий, асосан туркча сўзларни ажратиб чиқишди.

Улардан баъзиларини кўриб ўтамиз: «бълван — идол, тош санам; паҳлавон — қаҳрамон, ботир; боён — бой; боярин — боёнлар; бий — зодагон; орътма — ортимдан; начата — танга тури, эски араб пули; яр — жарлик; қошей — ёй ўқи ёхуд қўшчи ва ҳоказо.

Биллар деб Киев Русининг чегараларида яшаган қовуд турк қабилалари оқсоқоллари бошлиқларини аташган деган фикр кенг тарқалган. Қовудларни кўпинча турклар геронгли клубуклар, Қора денгиз ва Араб денгизи бўйлаб савдо алоқаларида бўлган халқ билан чалкаштиришади («Жангнома», 22-бет).

«Игорь жангномаси» маълум бўлиши билан, унинг қадимий-лигига шубҳа туғилди. Масалан, тилшунос Сенковский «Жангнома» ни қадим замонда эмас, балки феодализмнинг сўнгги даври, XVIII аср кишисининг маҳсулоти, деб айтди.¹ Шеърят билимдони А. С. Пушкин «Игорь жангномаси» нинг бир хиллиги ва тилининг яхлитлигидан келиб чиққан ҳолда, бундай шубҳаларга қарши чиқди, бундай ёдгорликларнинг кейинги даврда ясалиши мумкин эмас, деб ҳисоблади.

1964 йилнинг май ойида мамлакатимиз Фанлар академиясида «Игорь жангномаси» нинг ёзилган даври муҳокама қилинди ва муҳокама қатнашчилари унинг ҳақиқатан қадимийлигини тасдиқладилар.²

Тилшунос тарихчилар томонидан аллақачон исбот қилинганки, Россиянинг мўғулларгача бўлган ёзувида жуда кўп шарқ сўзлари учрайди: ол-аз, ал-ик, базер, оасурени, биер, ҳақон, калибер, клубук, қумиз, қуръан, маъазин, митан, митет, мана, эл, тарир, товар, гяр, чек, черток, шатер ва бошқалар.

Юқорида айтилганидек, Святослав ҳазорларнинг ерларини бошиб олишдан воз кечиб, Болқон ярим оролига кетди, бироқ у ерда ҳам кўп бўлмади. У қисқа вақт Булғорияда қолди, сўнг грек жангчилари сиқуви остида руслар у ердан ҳам кетиб, Киевга қайтиб келишди.

Шундай қилиб Святослав Дунай ерларини қўлдан чиқарди. XI асрда руслар нафақат Каспий, балки Қора денгиздан ҳам узиб қўйилган эдилар; жанубий рус чўлларини мусулмон маданияти таъсиридаги қипчоқлар эгаллашди.

Святославнинг ўлимидан сўнг русларнинг ташқи сиёсатида ўзгаришлар юз берди. X асрдаги Византияга ва мусулмон минтақаларига юришлардан фарқли ўлароқ, Киев князлари Владимирдан (978—1015) бошлаб, Қора денгиз ва Каспий денгизига эгалик қилишга уринмай қўйдилар.

¹ Мелиоранский П. М. Турецкие элементы в языке «Слово о полку Игореве». Известия АН, 1902, VII жилд, 2-китоб. СПб. 1902. 273—302-бетлар. Корш. Ф. Турецкие элементы в языке «Слово о полку Игореве». Изв. рус. языка славяности АН 1903, VIII жилд, 4-китоб, 1—58-бетлар; Малов С. Тюркизм в языке «Слово о полку Игореве» Изв. АН, отд. литер. и языка М. 1946 т. V. вып. 2. С. 129—139. Улжас Сулаймон, «Азия», Алма-ата, 1990.

² Рыбаков Б. А. «Слово о полку Игореве» и его современники. М., 1971. С. 61.

³ «Вопросы истории», 1964, 9-сон, С. 121—140.

Кейин мўғуллар зулми 243 йил давом этди (1237—1480). Мўғулларнинг босқинчилик юришларидан сўнг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, жаҳон тарихида мислсиз улкан империя дунёга келди. Рус князлари ва диндорлари Қизил Ўрдада мўғуллардан кўпроқ вакилларга эга бўлса-да, бироқ бу Россияда жўғрофий ва тарихий дунёқарашнинг кенгайишига олиб келмади.

Мўғул ҳукмронлиги даврида Россия халқларининг озодлик курашини тасвирловчи «Калка дарёси бўйидаги жанг қиссаси» (1223 й.), «Рязань князлиги (беклиги)нинг инқирози қиссаси» (1237 й. декабрь) асарлари яратилди. Биринчи босқинга улкан Рязань князлиги (1237 й.) дучор бўлди. Мўғулларнинг бир қисми Польша ва Силезияга бостириб кирди, бошқа қисми Венгрия ва Сербияни эгаллаб, Адриатика денгизигача етиб борди. Боту тузган Олтин Ўрда бутун Оврупои босиб олиши хавфи юзага келди. Мўғул босқинчилигига қарши кураш ғояси «Александр Ярославский қиссаси» (1263) да ўз ифодасини топган. «Куликово жангномаси» (1380) асари эса мустақиллик учун миллий-озодлик ҳаракати мавзуини яқунлайди. «Москвага татарлар босқини қиссаси»да 1382 йили Москвани эгаллаган Олтин Ўрда хони бир неча йиллар Тўхтамиш билан курашиб, уни Волга ортига қувиб юборгани тасвирланади. Асарда хон Москва томонга юриб Елец (Липецк вилояти) гача етганлиги, бироқ Тўхтамишни бойликларидан маҳрум этиш учун ўз лашкарини яна жанубга бурганлиги ҳақида фикр юритилади.

Москва мўғул босқини ҳақидаги ҳикояларда бош қаҳрамон Москванинг ўзи — қўрғон ва буюк князлик маркази сифатида эмас, балки Русь ери маркази сифатидаги Москва эди. Шу билан бирга бу асар муаллифи Амир Темурнинг Олтин Ўрдага қарши кураши Москвани мўғуллардан сақлаб қолиш имконини берганини тан олади.

Шундай қилиб, XV асрнинг иккинчи ярмидаги рус йилномалари Шарқ билан алоқада бўлса-да, уларда кенгроқ жўғрофий ва тарихий маълумотлар йўқ. Масалан: тверлик савдогар Афанасий Никитиннинг (1466—1472) маълумотлари бунга гувоҳлик беради.¹

1480 йили мўғул зулми тугатилди. 1483 йилда эса русларнинг Сибирь, Иртиш ҳамда Обь этакларига дастлабки юриши амалга оширилди. Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан алоқалари мунтазам эмас эди.

1464 йили Иван III Ҳиротга, Темурий султон Абу Саид саройига элчиларини юборади. Тарихчи Абдураззоқ Самарқандий рус элчихонасининг Ҳиротга келганини ёзади, бироқ элчилар мақсади номаълум. 1490 йили темурий Султон Ҳусайн Бойқаронинг элчиси Урус Баҳодир Москвада бўлди. У «дўстлик ва муҳаббат» таклиф этиб келган эди. Бу ҳақда баъзи рус йилномаларида ёзилган.

XVI асрда Москва Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас эди. Иван IV (1530—1584) даврида Қозон

¹ Никитин А. «Уч денгиз оша саёҳат». 1857, 30-бет.

(1552) ва Ҳожитархон, Аштархон (Астрахан, 1554) олингач, Урта Осиё хонликлари ва Россия ўртасида алоқа ўрнатилиб, Россиянинг айниқса Хива, Бухоро билан алоқалари кучайди. Энди бу ерларга келувчи рус ва чет элликлар орқали Урта Осиё тўғрисидаги билимлар кўпая бошлади. XVI—XVII асрларда Урта Осиё тўғрисида махсус тарихчилик асарлари бўлмаганини айтиш, жонз. Бироқ ҳар ҳолда кўриб ўтилаётган даврда Оврупо ва Россиянинг Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқалари кенгайиши оқибатида Россиянинг Урта Осиёнинг сиёсий ва иқтисодий аҳволи ҳусусидаги тасавури анча кенгайди. Бунга Фазлуллоҳ Исфаҳонийнинг (XV аср боши) «Бухоро меҳмони кундаликлари», Антоний Шенкинсоннинг «Бухорога саёҳат» (1558—1560) асарлари, Хива элчиси Ҳожи Юсуфнинг Москвадан (1617) харид қилган моллари рўяхати ... бунга ёрқин мисол бўла олади.

Қадимий манбалар жумласига 1627 йили тузилган «Катта чизма» («Большой чертёж») китобига кирган Россияда Урта Осиё тўғрисидаги жўғрофий ва картографик тасаввурлар ҳам киради. Беш марта нашр этилган (1773, 1792, 1838, 1846 йй.) ва Урта Осиё тўғрисида қизиқарли маълумотларга эга бу китоб XVII аср боши рус тарихшунослигининг ноёб ёдгорлиги¹ ҳисобланади.

2. РОССИЯДА XVIII АСР ВА XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ШАРҚШУНОСЛИКНИНГ АҲВОЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН

Рус маданияти, фани ва публицистикасида (чет эллардаги каби) Россия тарихи кўпинча икки давлат — Пётрдан олдинги ва Пётрдан кейинги давлатларга бўлинади. Россия тарихчиси С. М. Соловьев Пётр I ни тахтдаги инқилобчи деб атаган эди. Россияда шарқ тилларини ўрганиш Пётр давридаги юқори табақалар мактабларида бошланди. «Европага дарча» очиб, қайта қурилган давлатда илғор фанга эътибор бераётган Пётр Россиянинг Шарқдаги манфаатларини ҳам эсдан чиқармади. Пётр I 1702 йилнинг 16 апрелида пойтахтда яшайдиган рус кишиларининг шарқ тилларини ўрганишлари тўғрисида буйруқ чиқарди ва бунинг учун чет элдан тадқиқотчилар ҳамда муаллимларни таклиф этди. 1724 йилда Петербургда Фанлар академияси ташкил этилиши билан чет элдан таклиф этилган Байер ва Кер Россия Фанлар академиясининг биринчи шарқшунос олими бўлдилар. Хитой, қадимги ибрий ва араб тиллари бўйича мутахассис бўлган Байер замондошларининг таъкидлашича, рус шарқшунослигида сезиларли из қолдирмади. Гап шундаки, Яқин ва Урта Шарқ, асосан Туркия ва Урта Осиё халқларининг тилларини ўрганиш учун Пётр I нинг мусулмон фуқаролари орасида тайёр тилмоч ва востачилари бор эди.

Масалан, кейинчалик Пётр I Молдованинг биринчи ҳукмдори, 1711 йилда Россия тарафига ўтган князь Дмитрий Кантемир хиз-

¹ Луниң Б. В. История Узбекистана в источниках. С. 50—51.

матидан кўп фойдаланди. 1792 йилдаги форс юриши пайтида турк ва форс тилларида варақалар чиқарадиган босмахонани князь ўзи билан олиб борган. Кадрлар тайёрлаш бўйича амалий ишга 1716 йил 18 январгача чиқарилган «Москвадаги лотин мактабларидан 5 кишини танлаб, шарқ (турк, араб, форс) тилларини ўрганиш учун Эронга юбориш» ҳақидаги қонундан бошланди. Кернинг ачиниб хабар беришича, Петрнинг шарқшунослик соҳасидаги маърифий ишлари ҳам ҳали ривож олиб кетмаётган эди. Пётрнинг чет элга биринчи сафари вақтидаёқ (1697—1698 й.) асос солинган Петербург Кунст камераси — ажойиботлар музейига шарқ манбалари ҳам қўйилиб турар, лекин улар 1735 йилгача тартибсиз ҳолда ётар эди. Пётрнинг буйруқлари бажарилишини назорат қиладиган одам йўқ, форс юриши вақтида йиғиб келинган ва шу музейга берилган китоб ҳамда қўлёзмалар рўйхатга олинмай ётар эди. Пётр ва унинг биринчи ворислари даврида китоб ва қўлёзмаларнинг бир қисми ташқи ишлар коллегиясида, бир қисми эса айрим кишилар қўлида қолиб кетди. Шулардан бири сифатида Кер генерал Левашевни кўрсатади. 1722 йилда Эронга юриш пайтида Пётр I Волга бўйидаги Булғор шаҳри вайроналарини бориб кўрди ва уларни сақлаш ҳақида буйруқ берди. Пётрнинг буйруғига кўра Охун Қодирмаат Суюнчалев, слободлик тилмоч Юсуф Эшбулатов ва арман Иван Васильев элликта қабр тоши ёзувини рус тилига ўгириб ёзиб олдилар. Шулардан 3 таси арман тилида эди.¹ Бироқ, XIX асрнинг бошида бу ёдгорликлар йўқолди, таржималар эса 1771 йилда Екатерина II ҳукмронлик қилган даврда эълон қилинди. Ёзувларнинг асл кўчирмалари Қозон архивида қолди. Фақат XIX асрга келиб, чет эллик У. Клапрот деган киши 1805 йилда жуда қийинчилик билан излаб топган ёдгорликлар 1836 йилда эълон қилинди. Энди Байер ва Кер ҳақида батафсилроқ тўхталмоқчимиз. Готлиб Зигфрид Байер 1694 йилда Кенигсбергда туғилиб, 1738 йилда Петербургда вафот этган. У Петербургда 1726 йилнинг февралидан шарқ тиллари кафедрасини бошқарди. Граф Остерман унга ўз кутубхонасидаги Хитой китобларидан фойдаланишга рухсат берди. Сўнг Байер мўғул, санскрит ва манчжур тилларини ўргана бошлади. 1730 йилда Петербургда унинг шарқшунослик бўйича асосий иши эълон қилинди. Лекин Байер Россияда шарқшунос кадрлар тайёрламади. Фақат Кергина миллий шарқшунос кадрлар тайёрлаш ишини бошлади. Георг Яков Кер (1692 йилда туғилиб, 1740 йилда Петербургда вафот этган.) Байерга қараганда яхшироқ илмий тайёргарликка эга эди. Кер — Лейпциг университетининг магистри, бир қанча мусулмон халқлари тилларининг билимдони эди. Россияга у граф Остерман томонидан тақлиф қилинган ва ташқи ишлар коллегиясида тилмоч ҳамда шарқ тиллари муаллими вазифаларида эди. Кер Фанлар академиясида ишламаса ҳам, 1733 йилда Академияда кўриб чиқиш учун «Россия империясида шарқ

¹ Байер ҳақида биографик маълумотлар. Пекарскийнинг «Фанлар академияси тарихи» китобида келтирилган. Т. I СПб. 1870 130—192-бетлар.

фани ва тиллари жамияти ёки академияси» ташкил қилиш лойиҳасини тақдим этди. Афсуски, бу лойиҳа қўлёзма ҳолида қолиб кетди ва академик Френ 1821 йилдагина Фанлар академияси архивидан бу қўлёзмани топиб олди. Ўзининг лойиҳасида,— деб ёзган эди И. Ю. Крачковский, — Кер Шарқда асосий ва амалий ишлар ходимлари тайёрлаш масалаларига тўхталган, зарур ўқув қуроллари яратиш ҳақида гапирган. Кенг тадқиқот ишларини режалаштирган. Россия давлати учун араб, форс, турк ва татар халқларининг тарихий манбаларидан олинган ҳужжатларнинг аҳамияти катта эканлигини таъминлаган эди.

В. В. Бартольднинг гувоҳлик беришича, Кер архиви Т.И.М.нинг Москва кутубхонасида турибди: 1877 йилнинг 24 августида «Рус газетаси» саҳифасида «Рус — Осиё жамияти» мақоласи эълон қилинди. Мақолада жумладан қуйидагилар айтилади: «У (Кер) 1726—1737 йилларда Москвада ўзининг Шарқ бўйлаб қилган 30 йиллик сафари давомида йиққан барча маълумотлар тўплами билан келди, лекин бунинг учун биз Пётр I дан миннатдор бўлишимиз керак, чунки у русларни Шарқ билан таништиришга ҳаракат қилди. Шунингдек, Керни ҳам Россияга у таклиф қилди».

Кейинроқ, 1732 йилда Кер ишга киришгач, Петербургга унинг қўлида тил ўрганиш учун 6 та шогирд келди:

Сергей Яковлев — подъякнинг ўғли, Пётр Воронин — черков қоровулнинг ўғли, Василий Горатинцев — руҳонийнинг ўғли, Фёдор Черницин — иконачининг ўғли (иккаласи ҳам фалсафа мактабидан), Пётр Шукин — ўзига тўқ деҳқон ўғли ва Пётр Чекальский — подъяк ўғли (иккаласи ҳам риторика мактабидан). Ҳужжатлардан маълум бўлишича, Москвадан келган шогирдларнинг ҳар бири хазинадан кунига 8 тийиндан олар эдилар, бу маблағ жуда оз бўлиб, шарқ тилларини ўрганиш ишларини секинлаштириб қўйди. Ташқи ишлар коллегиясида ишлаган бутун давр мобайнида Кер намунали педагогик фаолияти билан бирга форс ва турк тилларидаги рисоаларни немис тилига ёки рус тилидан юқоридаги тилларга таржималар қилганлигини айтиб ўтиш керак. Унинг ташқи ишлар Министрлиги Бош архиви Москва кутубхонасида сақланаётган жуда кўплаб босма қўлёзма асарлари орасидан 137 та ҳарф тасвирланган қўлёзмалар дафтарини биз биринчи ўринда айтишимиз керак. Туркистон генерал-губернатори К. П. Фон-Кауфманнинг 1876 йилда 45 нусхада эълон қилинган кундаликларидан олинган шу қўлёзманинг сурат кўчирмалари ҳам қўлёзма билан бирга турибди. Кернинг алфавитлар йиғиш бўйича буюк ишларидан кейин, шарқ тангалари бой коллекцияси тўғрисида эслатиб ўтишимиз керак: бу ерда Пекармон тангаларининг суратлари, араб халифаси Муовия ибн Марвон, Ал-Мансур, Хорун-ар-Рашид ва Самарқанд, Марв, Бағдод, Туркия, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа юртларнинг тангалари тасвирлари учрайди. Бу коллекция фақат ўзининг бойлиги билангина эмас, балки профессор Кер қанчалик тер тўкиб меҳнат қилганлиги билан ҳам диққатни тортади: деярли ҳар бир танганинг олд ва

орқа томонидаги майда-чуйда ёзув белгилар қоғозда батафсил берилган, уларнинг аниқ қиймати ва чиқарилган вақти кўрсатилган. Бу ишни Кер босиб чиқаришга тайёрлаган бўлиши керак, деб тахмин қилиш мумкин. Чунки иш жуда пухта бажарилган. У тузган Қавказ ва Ўрта Осиё жўғрофик харитасида дарё, денгиз, тоғ, шаҳар ва элатлар жойлашган ҳудудлар кўрсатилган. Бу харита Шарқ ҳақида ўша даврдаги жўғрофик билим ва тасаввурларнинг намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Лекин учинчи харита, Қора денгиз атрофидаги Турк ерларининг харитаси қирғоқлар белгиланиши билан ҳам, турли жойларнинг катталиклари пропорционал акс эттирилганлиги билан ҳам ҳозирги хариталардан фарқ қилмайди. Бу қўлёзма харитани профессор Кер 1723 йилда Константинополь шаҳрида чиқарилган харитадан кўчириб олган бўлса ҳам, аввалги икки харитага нисбатан аҳамиятлироқдир. Биз бу харитада ҳозирги Жанубий Россия ва Таврия ярим ороли ерларида жуда кўплаб туркча номли жой ва шаҳарларни кўраимиз: буларнинг кўплари чоризм қўл остига ўтишга улгурганлар, лекин аввалги номлари сақланиб қолган, бошқалари эса русча ном олганлар: бир қанча жойларнинг фақат номи эмас, ўзлари ҳам йўқ бўлиб кетган ва улар қизиқарли археологик тадқиқот ва қазилма ишлари олиб бориш учун манба бўлиши мумкин. Ўз таклифларимизни 2—3 мисол билан тасдиқлашга тайёрмиз: Шу харитада Оқмачитдан ғарбда Эски — Фурун (Эски Учоқ) шаҳри кўрсатилган. Лекин у янги карталарнинг бирортасида ҳам йўқ. Худди шунингдек Қримнинг жанубий қирғоғида, Ялта яқинидаги Кит, Қурдак ва бошқа шаҳарлар. Кафа ва Эски Қримнинг шимолроғидаги Султон саройи шаҳарларини ҳам янги харитадан топа олмадик. Профессор Кер қўлёзмаларининг энг машҳурларини қисқача санаб ўтар эканмиз, булар унинг Москва Бош архиви фондида сақланаётган асарларининг 20 дан бир қисми ҳам эмаслигини айтиб ўтишимиз керак. Фондлардан бирида эса унинг эълон қилинган ва қилинмаган асарлари қанча (ҳамма фондлар учун муфассал рўйхат — каталог бор). Шунинг учун ўқувчини огоҳлантириб қўймоқчимизки, биз профессор Кернинг юриспруденция (ҳуқуқшунослик) тарихи, фазошунослик ва илоҳиётга оид ишларининг бутун бир бўлимларига қўл урмадик. Бу қўлёзмаларда мусулмонларни қандай қилиб христиан динига ишонтириш ҳақида бошқа далиллар билан бирга, Қуръондан парчалар келтириб билдирган ўзига хос фикрлари диққатни тортади. Энди эса ўқувчиларни проф. Кер томонидан латин тилида тайёрлашган «С-Петербургда Шарқ академияси тузиш» лойиҳаси билан таништириш қолди. Лойиҳа юқорида айтиб ўтилганидек, 1822 йилда тасодифан топилган эди. Бу лойиҳа 1730 йиллардаёқ Россиянинг манфаатлари Шарқ билан қанчалар боғлиқ эканлигини кўрсатувчи аниқ далил бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, П. С. Савельевнинг юқорида айтилган шартномасининг қисқача баёнини келтирамиз.

I. Шарқ тилларини ўрганиш зарурлиги:

1) Россия империяси Турк султони, Кабардин ва Черкес, Доғистон, Ширвон князлари, бундан ташқари Қирғиз, Тархон, Бошқирд хонлари, Хоразм султони ҳамда Бухоро хони билан туркий-татар тилларида ёзма алоқалар олиб борарди. Форс тилида эса Эрон шоҳи ва Бухоро хони қўли остидаги жойлар ва одатда буюк мўғуллар деб аташадиган Шимолий Ҳиндистон императори билан тез-тез ёзишмалар олиб бориларди;

2) Черкезия князлари ва бошқаларга уларнинг ўз тилларида давлат ҳужжатлари ёзиб юбориш мумкин бўлади. Хатоларсиз ёзилган бу ҳужжатлар аниқ, ҳар иккала томон учун тушунарли бўлади. Бу буюк ҳинд императорига ҳам тегишлидир;

3) Осиё элчилари анча билимдон, ўқимишли кишилари қуршовида Россия императори саройига тез-тез ташриф буюришади. Улар билан нозик масалаларда суҳбатлашиш учун ҳам тилмочлар зарур;

4) Тилмочлар, мансабдорлар ва барча фуқаролар бу ишларда ўзларининг билимсизлиги учун турли баҳоналар қидириб юришмасин;

5) Татарлар, турклар, форслар, араблар, греклар ва лотинлар тарихида Россия давлати учун фойдали турли ҳужжатлар мавжуд. Лекин, улар тартибга келтирилмаган, муаллифлар текширилмаган, бир воқеанинг турли мамлакатларга тегишли баёнлари таққосланмаган; қайси тилдалигига қараб турлича айтиладиган асл шарқона номлар келишилмаган ва изоҳланмаган;

6) Туркия, Форсия, Татаристонда хизмат қилувчи ҳарбий бошлиқлар, амалдор, маслаҳатчи ва хизматчилар бу ердаги халқларнинг урф-одати, тилини билиши ва уларни Россия давлатига хизмат қилдира олишлари зарур;

7) Маҳаллий топшириқларни муҳаррир бажара олиш учун, асл россияликлар Шарққа юборишлари учун доимий кунлик машғулотлардан ўтишлари лозим. Буларнинг ҳаммаси дейди, Кер, Россияда Шарқ фани ва тилларини ўрганувчи ижтимоий Академия таъсис этиш учун етарли.

II. Бунинг учун нималар ва кимлар талаб этилаёпти:

1) Ўқимишли ва билимдон, грамматика ва стилистика қоидаларидан хабардор, арабча, форсча, туркийча, татарча ёзмаларни русчага ўгирадиган ва аниқ, лўнда, чиройли ифодалай оладиган таржимонлар керак. Чунки саводсизроқ таржимон биронта сўзни шундай ўгириши мумкинки, бу хато бутун гап мазмунини бузиб юборади ва икки давлатнинг келишолмаслиги, ҳатто ораси бузилиб кетишига сабаб бўлиши мумкин;

2) Мирзалар ва ҳуснихатчилар — нафақат туркий, форсча ва арабча дастхатларни ўқий оладиган, балки ўзлари ҳам бёмалол хат — номалар бита оладиган ва уларни қайта кўчира оладиган кишилар зарур;

3) Элчилар билан бўладиган туркийча, форсча суҳбатлар пайтида адабиёт, тарих, жўғрофия ва бошқа мавзулардаги гапларни оғзаки тўғридан-тўғри ўгира оладиган тилмочлар керак;

4) Шарқ китобдорлари, дипломатлари, архивариуслари, нумизмат (тангашунос), полиглот (кўп тил билувчи) полигисторлари ва қадимий Шарқ осори атиқаларини йиғувчи ва тушунтирувчилари керак. Улар Шарқнинг ўзига хос жонли нусхалари бўлишади;

5) Тарихдан грек, лотин, татар, турк, форс, арабларга тегишли, Россия империяси учун фойдали маълумотларни ажратиб ола биладиган тарихчилар, антикварлар, филолог ва танқидчилар керак;

6) Элчихоналарда маслаҳатчи бўла оладиган, Шарқ асарларидан Шарқ халқларини Россияга оғдиришга ёрдам берувчи қоида ва фикрларни ажратиб олувчи Шарқ полигисторлари, сиёсатчилар ва ҳуқуқшунос маслаҳатчилар зарур;

7) Билимдон ва яхши сабоқ бера оладиган профессорлар керак. Улар орасидан мусулмонларни христиан динига оғдирувчи миссионерлар ҳам танлаб олиниши мумкин.

III. Қўлланмалар:

А) Борлари етарли эмас, чунки ҳозиргача чоп этилган туркий, форсча ва арабча грамматикалар жуда қисқа ва хатоси кўп, кенглари ҳам керагича мисоллар келтирмайди:

— Шарқ тилларининг ҳуснихати ва чиройли (дипломатик) жумла тузиш бўйича ҳам ҳеч нима чоп этилмаган. Луғатлар кам, борлари ҳам камбағал, тўлдирилишга жуда муҳтож;

— Татарчада эса на лексика, на грамматика қўлланмаси йўқ. Ваҳоланки, бу энг зарур, дастлабки иш. Араб, форс ва туркий-татар тилларидаги яхши матн ва суҳбатлар тўпلامлари йўқ. Покок ва Ганиер нашр этган лотинча таржимаси бўлган арабча матнда, тарихчи Абул Фараж, Евтикай Александрий асарларидан ташқари, Россиянинг ўқувчи ёшларига фойда келтирувчи тарихий шарқшунослик асарлари нашр этилмаган. Бошқа нашр этилганлари ёки Илоҳиёт ва Библияни тушунтиришга тегишли, ёки билими етарли бўлмаган ёш магистрлар томонидан чоп этилган;

Б) Мавжуд қўлланмалар: қисқача грамматик луғатларга изоҳлар; фразеологиядан намуналар, каллиграфия ва услубларнинг намуналари; хат ва суҳбатлар; қадимги давр тарихи, йилномачилик, генеология, жўғрофия, нумизматика, урф-одатлар ва бошқаларни ўз ичига олган; арабча, мавританча, форсча, бухороча, туркийча, татарча қўлланмалар. Улар илмий ҳолда Георг, Якоб, Кер томонидан тўпланган ёки жамланган ва лотин тилида баён этилиши мумкин;

С) Ўзга юртлардан кутилаётган қўлланмалар:

а) Араб, туркий ва форс тилларидаги тарихий, жўғрофий, сиёсий қўлёзмалар. Улар Олмония, Голландия, Англия, Франция, Испания ва Италия кутубхоналарида бу тилларни биладиган кишилар томонидан кўчирилиб, рўйхати элчихона орқали Император

коллегиясига юборилиши мумкин, ёки Русь ҳокимияти топширигига кўра Россия империясининг бу халқларни бошқарувчи му сулмон ноиблари томонидан кўчириб олиниши мумкин. Ёки бўл маса, асл нусхалар Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларнинг кутубхоналаридан олиб қўйилиши мумкин, ёки уларни Бухоро китоб сотувчиларидан харид қилиниши мумкин;

б) Константинополь (Истамбул) босмахонасида чоп этилган туркча китоблар Россия элчихонаси божхоначиси ёрдамида осонгина олиб қўйилиши мумкин;

с) Шу элчихона ёки Форсиядаги Россия элчиси орқали минглаб араб ва форс ёзувидаги асарларни осонгина олиб, Император коллегиясига юбориш мумкин;

д) Камчатка саёҳатчиларининг Сибирда топган Осиёга тегишли барча нарсалар — хат, танга ва қадимий ёдгорликлар бу ерга юборилади ва янги Осиё Академияси кутубхонасига берилиши мумкин. Чунки, Фанлар академиясида туркий-татар-форс ёзувларини ҳеч ким тушунмайди.

IV. Академиянинг таъсис этилиши фойдаси:

1) Агар Академия ёки Шарқий жамият тузилса ва равнақ топса, бундан империя учун катта фойда ва шуҳрат келади: Шарқий халқлар яшайдиган ҳудудларни бошқарувчи амалдорлар ва бу ерликлар урф-одатлари ва тилларини ўрганиб, улар билан юмшоқ муомалада бўлишга ўтадилар ва уларни кўнгилли равишда бизнинг фуқаролигимизга ўтишга ва Император жаноби олийларига сўзсиз бўйсуниларига ёрдам беради;

2) Рус олимлари ҳам Шарқнинг махсус билим ва тажрибаларини ўзлаштирадиларки, бу Россияга фойда келтиради, унинг кенгайиши ва бойишига катта ёрдам беради;

3) Юқоридаги икки банднинг амалга оширилиши Империянинг жанубий чегараларини янада кенгайтиради (махсус изоҳдан кўриниб турибдики, Кер «Буюк Бухоро» нинг Россияга қўшиб олиниши лойиҳасини ҳам тайёрлаган, бироқ бу лойиҳа ёзилиб, подшоҳга тақдим этилганми, йўқми, маълум эмас /С. Т./).

V. Мавжуд воситалар (Манба қўлланмалар):

1) Ташқи ишлар бўйича Император коллегиясида сақланаётган туркий, татар, форс ва арабча ҳамда бошқа тиллардаги хат, қўлёзма ва китоблар;

2) Граф Дуглас жанобларига тегишли ва у Император коллегиясига тақдим этмоқчи бўлган турк, татар, форс, арабча ва бошқа тиллардаги номалар тўла сандиқча;

3) Генерал Левашев томонидан Ширвонда ўлжа сифатида қўлга киритилган ва ҳанузгача унда сақланаётган форсча қўлёзма ва китоблар билан тўла тўрт сандиқ. Улар бор ва Шарқ Академияси ёки жамияти қошидаги Шарқ кутубхонасига асос бўлиши мумкин. Бу асарлар вақт ўтиши билан, кўчириб олиб бошқа юртларга олиб кетилиши ёки II бўлимнинг етти бандида тилга олинган кишилар ҳаракати билан тезда жуда кўпайиб кетиши

мумкин. Улар орасида доктор Мессершмидт кўзга кўриниб қолди, бундан ташқари, Император коллегиясида Осие тилларини билувчи мирзалар, таржимон ва тилмочлар бор. Хусусан: а) туркий ва татар тиллари бўйича: Суд мирзаси — таржимон Синевич, туркийча жуда яхши билади: туркча жуда яхши гапирадиган Мустафо Аҳмад, туркча, татарча ёза ва гапира оладиган Муртазо Таваккалов;

б) форс ва туркий тиллар бўйича: Бикри Христофор, бу тилларни она тилидай билади;

с) араб, форс, туркий, сибирь-холдей, самаритан — пунни, абиссин (хабаш), грек ва лотин тиллари бўйича: Георгий Якоб Кер, Шарқий тиллар Императорлик коллегияси профессори.

Шунингдек:

д) қалмоқ, мўғул, манчжур ва хитой тили ва ёзуви бўйича: Теофиль, Зигфрид Байер, Академиянинг қадимги давр тарихи профессори: Букхарт, яқинда ҳоқонлик пойтахти Пекиндан С-Петербургга қайтган ажойиб ёш йигит: Бакунин, элчихона мирзаси ва Пётр Смирнов, қалмоқ тили таржимони.

Ва, ниҳоят, Олмония, Голландия, Англия, Франция, Испания, Португалия, Италия кутубхоналаридаги Шарқ асарларидан кўчирмалар олиш учун Россия божхоналари қошида шарқ тилларини ўрганаётган ёш йигитларни ёллаш мумкин.

Уша давр саводхонлигини, маърифатлилиги даражасини ва Кер биринчи бўлиб Россияга шарқ тилларини ўрганиш уруғларини қадаганини эътиборга оладиган бўлсак, лойиҳанинг буюклиги, Кер тафаккурининг кенглигидан, лойиҳа бажарилиши учун зарур шартлар аниқ белгилангани, Академия тузилишининг зарурлигини исботлаб берганидан ҳайратга тушмай иложингиз йўқ. Бу ғоя қанчалик мустамлакачилик руҳида бўлмасин, ҳозир ҳам ундан чуқур илмийлик уфуриб турибди. Умуман, инқилобгача бўлган давр рус тарихшунослигининг асосий фаолияти Кер ғояларини амалга ошириш билан боғлиқ. С. С. Уваровнинг 1810 йилдаги лойиҳаси бу ғояларни асосан такрорлайди.

Кернинг архивидан Абулғозининг «Шажараи турк» асарининг немисчага ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) «Бобурнома» сининг лотинчага таржимасини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Рус шарқшунослигининг илк қадамлари рус жамиятининг Шарққа катта қизиқишидан далолат бериб турибди.¹

3. XIX АСР БИРИНЧИ ЯРМИДА РОССИЯДА УРТА ОСИЁ ВА ШАРҚНИНГ УРГАНИЛИШИ

XIX аср бошларидан чор ҳукумати Шарқдаги сиёсатини фаоллаштирди. «Кернинг илмий ва амалий шарқшуносликнинг Россия учун қанчалик аҳамиятлилигини чуқур тушунган ҳамда энди туғилиб келаётган рус шарқшунослигининг порлоқ келажagini ол-

¹ Шарқшунос Кер фаолияти ҳақидаги проф. И. И. Умняков материалларини бизга доц. С. А. Акрамов лутфан тақдим этган.

диндан кўра билгани ҳолда олиб борган илмий амалий фаолияти,— деб ёзади А. Н. Кононов,— XIX асрнинг бошларида Академиянинг (1803) янги регламенти, дорилфунунларнинг (1804) биринчи умумий уставида, ва ниҳоят, Осие музейи тузилишида ўз раванқини топди, ривожлантирилди.¹ (1818 й.)

XVIII асрда рус шарқшунослиги тарихида Шарққа оид тарихий, этнографик материалларни мунтазам йиғиш бошланди: қўлёзма ҳолидаги бир қатор туркийча лугатлар тузилди; «Кер» мактаби ва ўрта ўқув юрларида татар ва турк тилларини ўқитиш бошланди; чуваш, татар ва турк тилларидаги биринчи қўлёзмалар нашр этилди.²

Рус туркшуноси А. Н. Кононовнинг фикрича, мамлакатимиздаги шарқшунослик тарихининг 1917 йилгача бўлган даври иккита тенг босқичга бўлинади: 1854—1855 йилларгача СПб дорилфунунининг шарқ тиллари факультети тузилгунгача бўлган давр ва ундан кейинги, то 1917 йилгача бўлган даврларга бўлинади.³

Петербург, Қозон ва Харьков дорилфунунларининг ташкил этилиши Фанлар академияси билан ҳамкорликда XIX аср рус шарқшунослигининг кескин кучайишига олиб келди. Бу сакраш Г. Клапрот, Г. Спасский, Дорн, Френ, О. И. Сенковский, Тўпчибошев, Торноу, Саблуков, Хаников, Березин, Григорьев, Васильев, Ковалевский, М. Қозимбек ва бошқа кўплаб Россия шарқшунослиги асосчилари номи билан узвий боғлиқ.

Фанлар академиясининг шарқ тиллари бўйича биринчи адъютанти этиб (1804 йил 1 сентябрь) ажойиб академик бўлиб етишган немис шарқшуноси Генрих Юлиус Клапрот қабул қилинди. У биринчилардан бўлиб қозоқ ва уйғур тилларини тадқиқ этган эди. У «Бобурнома», булғорларнинг Волгадаги ёзувлари ва бошқа шарқ ёзма ёдгорликлари билан шуғулланган овруполиклардан бири эди. Унинг ташаббуси билан 1810 йили Россияда биринчи шарқшунослик тўплами чиқарилди. А. Н. Кононовнинг айтишича, Клапрот улкан билимга эга, буюк шарқшунос, бироқ унинг Россиядаги 7 йиллик фаолияти рус шарқшунослигида арзигулик из қолдирмади.

Шарқшунослик бўйича ФА мухбир аъзоси этиб сайланган (1810 й.) биринчи рус олими Георгий Иванович Спасскийдир (1783—1864 й.). Г. И. Спасскийнинг кўплаб асарлари бор. Унинг «Древности Сибири» мақоласи биз учун айниқса аҳамиятли бўлиб, унда кейинчалик руний-туркий обидалар деб тан олинган сирли ёзувлар тўғрисида мақола бор.⁴

А. Н. Кононов Г. И. Спасскийни «Сибирский вестник» журнали асосчиси деб тўғри айтади, бироқ, уни «Азиатский вестник» журнали асосчиси деб ҳам аташади. «Библиотека для чтения» ва «Азиатский вестник» журналлари асосчиси О. И. Сенковский эди.

¹ Кононов А. Н. Ист. изучения тюркских языков в России. Изд. 2, М., 1982, с. 56.

² Кононов А. Н. Ист. изучения тюркских языков в России. До октябрьский период. «Библиограф. словарь Отечественной тюркологии». М., 1974, с. 19.

³ Уша асар.

⁴ Уша асар, 20-бет.

О. И. Сенковский Вильно губернасида туғилди, Вильно дорилфунунида ўқиди. Ўша ерда мустақил шарқ тилларини ўрганди. Та-лабалик йиллари, 1818 йилда «Луқмон ҳикоятлари» ни арабчадан полякчага ўгириб, кириш сўзи ва изоҳлар билан чоп этди. 1819 йили курсни тугатгач Кичик Осиё, Сибирь, Миср, Нубия бўйлаб саёҳатга чиқди ва Польша ойномаларида бу саёҳат асосида мате-риаллар эълон қилди.¹ Россияга қайтгач эса, «Северный архив» ва «Сын отечества» ойномаларида 1822 йил давомида йўл хотирала-ридан бир неча парча эълон қилдики, булар кўпчиликнинг эътибо-рини ёш олим ва Шарқ тилларини билувчи саёҳатчига жалб этди. 1822 йили у Петербург дорилфунуни профессори сифатида ишга қабул қилинди ва бирданга икки — форс ва араб тили кафедра-лари мудири вазифаларини бажара бошлади. Унинг меҳнати нати-жалари «Шарқ мамлакатлари илми, санъати ва адабиётига доир асарлар, таржималар ҳамда саёҳатномалару, энг янги маълумот-лар чоп этиладиган «Азиатский вестник» журналида босилган. Сенковский 14 йил мобайнида ўзи асос солган «Библиотека для чте-ния» ва «Азиатский вестник» журналларига раҳбарлик қилди. Бу журналларнинг рус маданияти тарихидаги аҳамияти жуда улкан. XIX асрнинг 30-йилларида камдан-кам журнал унинг ҳақидаги танқидий материал, рецензия, эслатма ёки латифасиз чиқарди. Го-голдан тортиб Давидов ва Протопоповгача номашхур ёзувчилар ҳам ўз асарларида унинг билан баҳслашишган. Гоголь ва Пушкин-нинг табиби, Тимофеев ва Кукольникнинг дўсти, илмий кашфиёт-ларни тўқиб чиқарувчи, ўзининг ўткир ақлини фаннинг энг яхши ғоялари устидан кулишга бекорчи сарфлаган киши — Сенковский кейинги авлодлар онгига шундай кирди. Ҳатто Белинский ҳам унинг ташкилотчилик истеъдодига тан берган.

Дружинин Сенковскийнинг журналистлик мактабида маҳорат эгаллади. У Сенковскийни энг яхши журналист, дерди.

Герцен Сенковскийни ҳеч нимадан ҳайратга тушмаслиги учун-гина ҳурмат қиларди.²

1818 йил 11 ноябрда Фанлар академиясида Осиё музейи ту-зилди. У Россияда Ўрта Осиё ва шарқшунослик тарихида асосий ўрин эгаллайди. Осиё музейининг биринчи директори этиб Христи-ан Данидович Френ (1782—1851) тайинланди. Бу арабшунос, эрон-шунос, туркшунос олим Мекленбург-Швер герцоглигида, Ростокда туғилган. Мактабни тугатгач, дорилфунун талабаси бўлди. Шарқ-шунос О. Г. Тихсен раҳбарлигида Шарқ тилларини ўрганди, ну-мизматика ва фикҳ блан шуғулланди. 1805 йили Россияда эркин фанлар магистри ва фалсафа доктори унвонини олди. Россиядаги 1804 йилги биринчи дорилфунун Уставига асосан у 1807 йилда Қо-зон дорилфунуни Шарқ кафедраси профессори вазифасини тасдиқ-лади. 1815 йилда эса шу даргоҳнинг тарих-филология факульте-ти декани этиб сайланди.

¹ Ўша вақтда Польша Россия таркибида эди.

² Каверин В. Барон Брамбеус. Собрание сочинений в шести томах. т. 6. М., 1966, с. 283—477.

Қозонга келган пайтда Х. Д. Френ 1808 йили Сомоний ва Бухоро тангалари хусусида кичикроқ асар чоп этди. Асар Қозонда лотин шрифти йўқлиги боис, арабча ёзилган ва сарлавҳасидаги бир неча қўпол грамматик хатоларга эга. Бироқ ўқитувчилик фаолиятининг дастлабки йиллариданоқ ўзининг касбига беқиёс муҳаббати ва фидокорлиги, ўзга талантларга ҳасад қилмаслиги, фанга ёш иқтидорли кучларни тортиши ва улар ишига ёрдамлашиши билан у барча талабаларнинг ҳурматиغا сазовор бўлганлиги шубҳасиз. 10 йил давомида руслардан ўзига ўринбосар тайёрламагани тўғрисида тез-тез Френга нисбатан айтилаётган айбловларда ҳеч қандай асос йўқ. 1807 йилдаёқ Френ гимназиянинг татар синфида таълим олган камтар, интилувчан ва ҳаракатчан талаба С. В. Кручининга эътибор берди. 1809 йили ҳали талаба бўлган Кручинин Френнинг ёрдамчисига айланди ва профессорнинг (шу жумладан бўлажак тарихшунос Ярцевнинг) лекцияларини тинглашга етарли тайёргарлиги бўлмаган тўрт нафар талабага йилига 60 сўм маош билан раҳбарлик қила бошлади. Бевақт ўлимгина (1809 йил 30 июль) Кручининга Френнинг издоши бўлишига халақит берди. Шундан сўнг унинг ишларини Я. О. Ярцев (1792—1861 й.) давом эттирди. У 1812 йили курсни тугатиб, шарқ тиллари бўйича номзод даражасини олди, 1816 йили эса магистрлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1817 йили Ярцев Френнинг тавсияси ва М. А. Салтиковнинг оталиғи билан Форсияга жўнаётган элчилар таркибига киритилди ва у ёқдан Қозонга 1818 йили қайтди. Бу пайтда Френ Фанлар Академияси қошидаги Осие музейининг биринчи директори этиб тасдиқланганди.

Қозон дорилфунуни 1819 йили мартда М. Л. Магницкийнинг ревизиясидан сўнг нафақат талон-торож қилинди, балки то 1826 йилгача ўша шахснинг оталиқ ниқоби остидаги бошқаруви остида ишлади. Шундай қилиб, Магницкий ўзи тузган ва 1820 йилнинг 17 январида чор ҳукумати тасдиқлаган ректор ва директор учун кўрсатма қондалари асосида дорилфунуннинг фаолиятини қаттиқ назорат қилиш имкониятига эга бўлди. Ректорга кўрсатмада ҳатто, кафедра профессорлари олға суриши лозим бўлган ғоя ва нуқтаи-назарлар ҳам белгилаб қўйилган эди. Масалан, Шарқ тиллари ва тарихи кафедраси профессори «араб донишмандлигида ҳеч қанақа ҳайратга тушарли нарса йўқлигини (таъкид бизники — С. Т.), кўрсатиши, умуман, араб ва форс тиллари «Россиянинг улар билан олиб борадиган алоқа ва савдо муносабатларида» фойда берадиган доирадагина ўқитилиши лозим эди. Қозон дорилфунуни ректори К. О. Фукс 1826 йилги ҳисоботида «Шарқ тиллари адабиётини ўрганишда шундай эҳтиёткорлик шарт эдики, ўқитувчининг машқлари лотин тилига ўгирилган бўлиши лозим эди, токи кўрсатма руҳига мос келмайдиганларини дарҳол тўхтатиш имкони бўлсин», деб ёзган эди.

Шундай қилиб, Магницкий даврида ҳам, олий таълим, шу жумладан шарқшуносликка қарши чораларга қарамай, Петербург, Москва, Харьков, Қозонда Шарқ тарихи ва тиллари бўйича ўқиётганлар сони кўпайди. Магницкий бўшаган йили Қозон дорилфунуни

келажакда рус шарқшунослигига ҳал қилувчи таъсир кўрсатган атоқли олим бўлиб етишган кишига эга бўлди. Бу Қозимбек Александр Қосимович — Мирзо Муҳаммад Али Қозимбек эди. У 1802 йил 22 июнда туғилган, унинг отаси Хожи Қосим Қозимбек Нодиршоҳ даврида Дарбандга кўчиб келган. Хожи Муҳаммадхон бекнинг (қўрчи уруғидан)¹ тўрт ўғлидан кенжаси эди. 1796 йили Хожи Муҳаммадхонбек ташвишлардан безор бўлиб, оиласи билан Эронга, сўнг Арабистонга кўчди. Ёш Хожи Қосим олти йил фикҳ асосларидан Мадинада таълим олди, Арабистоннинг бошқа шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилди, Маккани зиёрат қилди. 1802 йили у Форсияга қайтди ва Решт шаҳрида Шарафнисо исмли ғилонлик савдогарнинг қизига уйланади. 1802 йили уларнинг оиласида бўлажак олим Муҳаммад Али туғилди. Афтидан отасининг ўқимишлилиги унга катта таъсир кўрсатган. Муҳаммад Али бошланғич таълимни дарбандлик мулладан олди. 13 ёшида у Қуръон сураларини ёддан билар, форс тилида ўқир ва ёзар, араб тилини ўрганарди. Кейин домласи Абдул Азиз ёрдамида мантиқ, риторика ва фикҳ асосларини ўрганди.

1819 йилдаёқ ўн етти ёшли ўсмир ўзининг биринчи илмий асари — «Араб тили грамматикаси тажрибаси» (Опыт грамматики арабского языка) асарини ёзди, 1920 йилда эса араб ва форс тилларида «Муаммо ва луғам» ни тузди. Шундан сўнг Қозимбек бирин-кетин «Ислоҳ ҳақиқатлари, христиан ва яҳудийларнинг янглишувлари», «Муҳаммаднинг пайғамбарлик фазилатлари» ва бошқа асарларини ёзди. Бироқ 1820 йили Қозимбекнинг оиласида ёш Муҳаммад Али тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнаган воқеа содир бўлди — уларни Астраханга кўчириб юборишди. У ерда ёш олим шотланд миссионерлари (бошлиғи Глен ва бошқ.) билан танишди ва уларнинг таъсирида христианликни қабул қилиб, Александр номини олди. 1842 йили Қозондан Петербургга юборган хатларидан бирида у шундай ёзган эди: «Мен Муҳаммаднинг олаmidан кетишга қарор қилдим. Бу олам ва бу олам баҳраманд бўлаётган Муҳаммаднинг фалсафаси менга ўта фанатик бўлиб туюлапти.»²

Қозимбекнинг христианликни қабул қилиши унинг тезда Дарбанддан кетишини тақозо этарди. 25 декабрда у Омскка йўл олди. Йўлда касал бўлиб, Қозон доилфунуни профессори Карл Фёдорович Фукснинг уйида қимирлай олмай ётди. Фукснинг уйида бўлган вақти ҳам унинг келгуси ҳаётида катта роль ўйнади.

Қозимбек ўз билимдонлиги билан Қозон илмий доираларини ҳайратда қолдирди ва Биринчи Қозон гимназиясига ўқитувчиликка таклиф этилди.

1826 йил 31 октябрда М. Қозимбек Қозон дорилфунуни ректори тавсияномаси билан дорилфунун Шарқ тиллари лектори этиб тайинланди. Қозимбек рус тилини ўрганишни энг биринчи бурч деб билар ва лотин ҳамда немис тилида дарс ўтувчи хориж олимларининг рақиб эди. 1829 йилдаёқ Қозимбек нафақат лекциялари-

¹ Племенная конница лучников Курчибаши как командующий лучников. См.: Эфендиев А. А. Образование Азербайджанского государства сефевидов в нач. XVI в. Баку. 1961, с. 105.

² Рзаев А. Қ. Муҳаммад Али Қосим — Қазембек. М., 1989, с. 25.

ни рус тилида ўқир, балки Саъдийнинг «Гулистон» ини рус тилига моҳирона ўғирган эди.

Шундай қилиб, М. Қозимбекнинг рус шарқшунослигидаги асосий хизмати шундан иборатки, у биринчилардан бўлиб, Россиянинг турли миллат ва элатлари вакиллари бўлган юртдошларидан шарқшунослар тайёрлай бошлади; ўқитувчи кадрларни тайёрлаш мақсадида шарқшунос педагоглар сифатида дорилфунунда қолишни истаган талабаларга ёрдам бериш ғоясини илгари сурди: у кўпроқ тил ўрганиш тарафдори ва курашчиси эди: талаба ва ўқитувчиларни жаҳон халқлари тарихи ва тилларини чуқурроқ ўрганишга чақирарди. Олимнинг кароматли сўзлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ: «Халқ тарихини ўрганишда ҳақиқатни аниқлаш учун тил ўрганишдан кўра ҳам яхши, самарали йўл йўқлиги аллақачон исботланган, бу яшириниб ётган илмлар хазинаси томон ягона йўл».¹

Қозимбекнинг илмий-педагогик фаолиятининг Қозондаги даври уни жаҳонга танитди. «Татарлардан бўлган, табиатан ўқитувчи бўлиб туғилган Халфинлардан сўнг Александр Қозимбекнинг бошқа ҳеч кимга Қозон гимназиясида Шарқ тилларини ўрганиш бўйича бунчалик самарали фойда келтириш насиб этмади.² Унинг замондоши, шарқшунос И. Н. Березин шундай ёзган эди: «Қозимбекнинг олимлик фаолиятини кўпинча унинг ўзининг хоҳиши — танлови эмас, шарт-шароитлар белгиларди. Бундан ташқари Қозимбек биронта ишга киришар экан, ўзига хос кенг қамровлилик билан масалага ёндашарди ва шунинг учун ҳам у Тўхтамишнинг Ягайлога ёзган мактубидан бошлаб бутун Ўрта Осиёнинг тарихини ўрганишга киришиб кетди... Ҳар ҳолда Қозимбек ўзи ўрнаётган нарсга меҳр билан қаттиқ ёпишарди».³

Бироқ, ҳужжатлардан кўринадики, Қозондаги ҳаёт унга унчалик кўп қувонч тақдим этмаган. Унга Қозондан чиқишга рухсат этишмаган. Чор ҳукумати унинг миллий келиб чиқишидан ва шарқшуносликнинг мавқеи, ўрни ҳақидаги дадил фикрларидан чўчирди. Ниҳоят, узоқ синовлардан сўнг М. Қозимбекнинг орзуси ушалди: у Петербург дорилфунунини форс тили кафедраси профессорлигига, Шарқ тиллари факультетидан бутунлай кетган Мирза Жаъфар Тўпчибошевнинг ўрнига тайинланди.

Қозимбек 1849—1870 йилларда кафедра мудири, дорилфунуннинг Шарқ факультети декани вазифаларида ишлади. 1889 йилнинг 18 майида, Санкт-Петербург дорилфунуни 50 йиллиги нишонланаётган кунларда, унга ёпиқ овоз бериш натижасида Шарқ тиллари доктори фахрий унвони берилди.

Ўқувчиларни қисқача шарқшунос Мирза Жаъфар Тўпчибошевнинг ҳаёти ва фаолияти билан таништириб ўтамиз.

¹ Казембек. О появлении и успехах восточн. словесности в Европе. В указ. сб в Азми — журнал Министерства Народн. Просвещения, 1836, ч. XI, с. 245—246.

² Ист — записи I Казанск. гимназии. ч. I, Казань, 1867.

³ Березин И. Н. Восточный факультет в СПб. университете, — Библиотека для чтения, 1855, Т. 134. Он же. Александр Касимович Қозимбек — Протоколы заседаний Петербург. Университета СПб. 1872, № 4, с. 126.

Россия дорилфунунларининг 1835 йилги Устави — Низомида Шарқ халқлари тарихи ва тилларини кенг қўламда ўрганиш кўзда тутилган эди. Аммо ўша вақтда Россия дорилфунунларининг моддий негизи ва кадрлари бу низомга жавоб беролмас эди.¹ Масалан, Петербург дорилфунунда ана шу Низом қабул қилинаётган вақтда иккита шарқшунос профессор бор эди. Бири О. Сенковский, иккинчиси Мирза Жаъфар Тўпчибошев (1790—4. II. 1869) эди. Профессор Тўпчибошев Ганжа шаҳрида (ҳозирги Кировобод, Озарбайжон) туғилган. Мадрасада ўқиган, форс, араб, турк, грузин ва арман тилларини билар эди. 1811 йилда Петербургга келди. Асосий педагогика институтида форс тили ўқитиш бўйича ассисент бўлиб ишга кирди. Илмгоҳ 1823 йилда университетга — дорилфунунга айлантирилгач, Мирза Жаъфар муаллимликни давом эттирди. 1835 йилда дорилфунуннинг экстра-ординар профессори, 1843 йилдан хизмат кўрсатган профессори бўлди. 1851 йилда РАО (Российская Ассоциация ориенталистов) — Россия шарқшунослари уюшмаси таъсисчиларидан бири бўлиб сайланди. Профессор Тўпчибошевнинг шогирдларидан бири элчи-шоир А. С. Грибоедов эди².

XIX асрнинг биринчи ярмидаги рус шарқшунослиги асосчилари ҳақидаги библиографик лавҳамизни яна давом эттиришимиз мумкин эди. Аммо китобимиз ҳажми бунга имкон бермайди.³ Шунинг учун хулоса қилиб айтсак, рус шарқшунослигининг ривожини Россия империясининг ташқи сиёсатидаги фаолиятида Шарқ мамлакатларида, жумладан Ўрта Осиёда ишлаш учун юксак малакали шарқшунос мутахассислар тайёрлаш талаблари билан боғлиқ эди.

4. XIX АСРНИНГ 30—60-ЙИЛЛАРИДА УРТА ОСИЁ ТАРИХИ ИСТОРИОГРАФИЯСИ

XIX аср бошларида Ўрта Осиёга келган сайёҳлар ва элчилар олиб кетган тарихий қўлёзмалар рус шарқшуносларини қизиқтирди ва Ўрта Осиёнинг XVI—XVIII асрлардаги тарихига онд дастлабки маълумотлар Россияга шу вақтларда кириб кела бошлади. Чунончи Негри элчихоналари 1800 йилда Бухородан олиб келган «Муқимхон тарихи» — француз тилида босилиб, 1824 йилда шарқшунос О. И. Сенковский томонидан эълон қилинди.⁴

XIX аср ўрталарида Россияда капитализм ривожланиши билан янги-янги мустамлакаларни босиб олиш ҳаракати кучайди. Чор Россиясининг ҳарбий-сиёсий, иқтисодий қудрати ошганлиги Ўрта Осиёга нисбатан босқинчилик фаолиятини кучайтирди. Шу ниятда Николай I 1854 йил 22 октябрда Санкт-Петербург дорилфунунда Шарқ тиллари бўлимини Шарқ тиллари куллиётига айлантириш

¹ XIX асрнинг 30-йилларида Россия Халқ маорифи Вазирлиги Низом талабларига унчалик риоя қилмасди.

² «Русская старина», 1874, том 10, с. 276.

³ Қизиқувчилар учун: Библиографический словарь отечественных тюркологов. Дооктябрьский период. Под. ред. А. Н. Кононова. М., 1974, стр. 341.

⁴ Уша асар, 341-бет.

ҳақидаги фармонга имзо чекди. Ана шу янги куллиётда араб, форс, турк-татар, мўғул-қалмоқ, хитой, ибрий (яхудий) арман, гуржи, манчжур тиллари кафедралари очилди.

1855 йил август ойида дорилфунуннинг Шарқ тиллари куллиётида кафедраларни лингвистик тарзда бўлишдан ташқари яна маданий-тарихий йўналишлар бўйича ҳам бўлишга қарор қилинди: 1) араб-форс, турк-татар тиллари; 2) мўғул-қалмоқ-татар тиллари; 3) хитой-манчжур тиллари; 4) яҳудий-араб тиллари; 5) арман-гуржи-татар тилларига қараб кафедралар бўлинди. Туркий тиллардан турк, озарбайжон, чигатой, қозоқ, ўзбек тиллари пухта ўқитиларди.¹

Ўқув дастурига ўзгаришлар лойиҳаси 1856 йилда амалга оширилди. Аммо шу вақтдан бошқа бир масала муҳим аҳамият касб эта бошлади. Шарқ тарихини ўқитиш ишлари яхши йўлга қўйилди. Россия ҳукумати 1823 йилда Шарқни ўрганиш масалалари бўйича ҳали алоҳида фанни киритишга мавжуд материаллар етарли эмас, деб ҳисоблаган эди.² 1857 йил октябрь ойида эса Шарқ факультети кенгаши Шарқий Осиё тарихи ва мусулмонлар Осиёси тарихи кафедралари очишни илтимос қилиб, ҳукуматга ариза берди.

Қозимбек 1858 йилда ёзган аризасида Шарқ тарихини ўқитиш шарқ тилларини ўқитишдан кўра жиддийроқ масала эканлигини эътироф этса ҳам, барибир дорилфунун раҳбарияти Шарқ тарихини ўқитиш тилларни яхшироқ ўрганиш учунгина зарур, деган фикрда эди. Худди шу туфайли Шарқ тарихи фани тарихий алоқаларга ёки даврларга қараб эмас, балки қабила, элатлар гуруҳларига (асосан 3 бўлимга — семит тиллари, орий тиллари, Урол-Олтой тиллари) ажратилди. Қозимбек Шарқ ва Осиё тарихи тарихшунослигининг ўша вақтдаги аҳволини кўзда тутиб, Шарқ тарихи «рус олимлари томонидан мутлақо ишлаб чиқилмаган»³ деб, гина қилган эди.

Дорилфунунда алоҳида Шарқ тарихи кафедрасининг ташкил этилиши юқори малакали тарихчи мутахассислар тайёрлаш билан айна вақтда Шарқ мамлакатлари ва айниқса Осиё тарихини ва историографиясини чуқурроқ ишлаб чиқиш учун муҳим замин яратди. Бу ташаббуснинг бошловчиларидан бири Василий Васильевич Григорьев (1816—1881) эди.⁴ У, Петербургда, бадавлат оилада туғилиб, яхши таълим-тарбия олган. Григорьев 1831 йили дорилфунуннинг фалсафа факультети қошидаги Шарқ бўлимига ўқишга кирди ва проф. О. И. Сенковский қўлида араб, форс ва турк тилларини ўрганди. Дорилфунунни аъло даражада тамомлагани учун Григорьевга 1834 йил июнида фан номзоди унвони берилди ва у

¹ 1919 йил кузида шарқшунослик, тарих-филология, ҳуқуқшунослик куллиётлари тугатилиб, ўрнига ижтимоий фанлар куллиёти очилди.

² Материалы для истории факультета восточных языков в 4-х томах. Том I. Сост. В. В. Бартольд. С. 254—255, 387.

³ Материалы для истории факультета. Том I. с. 337.

⁴ Турли тахаллуслар билан чоп этилган. Қаранг: И. Ф. Масанов. Словарь псевдонимов русских писателей, ученых и общественных деятелей. М., 1960, Том, 4, С. 146.

Россия ТИМ (Ташқи ишлар вазирлиги) Шарқ тиллари департаменти ўқув бўлимига ишга олинди. Икки йилдан сўнг О. И. Сенковский уни форс тили бўйича профессорлик унвонига тайёрланишга таклиф этди. Бу орада устози билан муносабати бузилдими, бошқа сабабданми, В. В. Григорьев ўша вақтда Одессага, Ришелье музейига профессорлик лавозимига ишга таклиф қилинди. 1838—1844 йилларда у шу ерда ишлади. Одессада у Олтин Ўрда хонларининг рус руҳонийларига берган ёрлиқлари ҳақида диссертация ёзди ва тарих фанлари магистри унвонига сазовор бўлди. 1845 йилда Григорьев Петербургга қайтиб, РГО — Рус географлари жамияти ва РАО — Рус археологлари жамияти (1846) ташкил қилишнинг ташаббускорларидан бири бўлди. У 1851 йилда Оренбургга ишга келди. 1853 йилда Григорьев Оқмачит шаҳрининг босиб олинишида сафар девонхонаси (консультацияси) бошлиғи бўлиб қатнашди. 1853 — 62-йилларда Оренбург қозоқлари областининг девонбегиси (управ. делами канцелярии) бўлиб ишлади.

В. В. Григорьев таклифи билан ўзбек олими Мирза Шамс Бухорий ўзининг Бухоро ва Қошғар воқеалари ҳақидаги эсдаликларини ёзди. Мирза Шамс Бухорий Оренбургда 25 йил яшади ва Бухоро хонлигининг Россия билан муносабатлари яхшиланишига катта ҳисса қўшди. Мирза Шамс 1804 йилда Бухорода туғилган. Қариндош-уруғлари Бухоро амири хизматида эдилар. 1820—30-йилларда у савдо карвони билан бир неча марта Россияга борган. Сўнг Бухоро хонлиги амири Насруллохон топшириғи билан Оренбургда савдо воситачиси сифатида доимий яшаб қолган.

Мирза Шамс Бухорийнинг «Бухоро, Қўқон ва Қошғардаги баъзи воқеалар хусусида» деган асари Қозонда 1861 йилда В. В. Григорьев таржимаси ва изоҳлари билан босилиб чиқди. В. В. Григорьев Мирза Шамс хотираларининг қимматли эканлиги ҳақида бундай ёзади:

«Унинг хотиралари Бухоро хонлигида дипломатик алоқаларда ишлатиладиган форс тилида эмас, балки бухоролик тожиклар ўзаро гаплашадиган содда тилда ёзилганки, бу тилни Европа ориенталист — шарқшунослари унчалик яхши билмайдилар¹.

В. В. Григорьев гувоҳлик беришича, Мирза Шамснинг хотираларини ҳаққонийлиги, ишончлилиги жиҳатидан XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё тарихи ҳақида ёзган Г. Мейендорф, А. Борнс², Н. Хаников³ ва бошқа сайёҳ олимларнинг асарларидан устун қўяди.

1863 йилда В. В. Григорьев Шарқ тарихи кафедраси профессори бўлиб сайлангач, унга фан доктори унвони берилди. У рус олимлари орасида биринчи марта дорилфунунда Ўрта Осиё тарихи фанини ўқита бошлади. В. В. Григорьев ўзининг деярли барча илмий ишларини асосан Ўрта Осиё тарихини ўрганишга бағишлади. У, Санкт-Петербург дорилфунунининг дастлабки 50 йили давомида (1819—

¹ Мейендорф Г. Краткое начертание путешествия Российского посольства из Оренбурга в Бухару в 1820 г. Северный архив. 1822, № 2.

² Борнс А. Путешествие из Индии в Кабул, Татарю, Персию... Т. I—III. М. Изд. П. В. Голубкова. 1848, 1849 гг.

³ Хаников Н. Описание Бухарского ханства. Спб. 1843.

1869) рус тараққийпарвар шарқшунослари орасида Урта Осиё тарихининг тарихшуноси сифатида кўп ишлар қилди. Дорилфунунда унинг ўрнига келган Н. И. Веселовский ҳам Урта Осиё тарихидан мутахассис эди. 1878—96- йилларда у мана шу соҳанинг ягона муаллими эди.

1868 йилдаёқ Шарқ тиллари куллиёти декани, профессор Козимбек ҳукуматга ёзган аризасида 2—3 йилгача тажрибали профессор В. В. Григорьев раҳбарлигида «Туркистон бўйлаб 4 йиллик саёҳатга чиқиш учун, у ердаги қадимий обидаларни ўрганиш учун маблағ ажратилишини илтимос қилган эди. Козимбекнинг фикрича, «Самарқанд, Тошкент ва ўша атрофлардаги шаҳарларда сақланаётган жуда кўп манускрипт (қўлёзма) ларнинг фақат номлари бизга маълум холос. Мачитларнинг ва бошқа нодир биноларнинг деворларидаги битикларда тарихнинг қоронғу муаммоларини ёритиш учун, лингвистика (тилшунослик), нумизматика (тангашунослик) ва этнография (элшунослик) соҳаларида кўплаб қимматли осори-атиқаларни кашф этиш мумкин» эди.¹ Яна бир тафсилот эътиборга лойиқдир: проф. В. В. Григорьев Санкт-Петербург дорилфунуни битирувчи талабаларига жойларда практика ўтказиш учун қуйидаги мавзунини таклиф этган эди: «Мусулмон халқлари жўғрофий адабиётини ўрганиш. Мусулмон жўғрофионлари Урта Осиё ичкарасининг қайси ҳудудларигача маълумот берганларини ва бу маълумотларининг қимматини билиш.»

1878 йилнинг сентябрь ойида декан В. В. Григорьевга Болгарияда қўлга тушган китоб ва қўлёзмалар сони (4300 дан зиёд) ҳақида ҳукумат идораларининг маълумотномасини беришган.

1867 йил кузида Шарқ тиллари куллиёти дорилфунун учун Козимбек кутубхонасини (унинг розилиги билан) сотиб олиш масаласини қўзғади. Козимбек кутубхонаси масаласида Григорьев, Навроцкий ва Хвальишевлардан иборат комиссия тузилди. 1869 йилда Шарқ куллиётини Козимбек ўрнини Березин эгаллади (1873 йилгача). Сўнг деканликка Григорьев келди (1878 йилгача). Шарқ куллиётига 1878—1893 йилларда, 15 йил давомида В. П. Васильев раҳбарлик қилди. В. П. Васильев Березинга нисбатан Козимбек ва Қозон Шарқшунослик мактабига яқин одам эди. 1884 йилда дорилфунуннинг янги Низоми қабул қилинган, В. В. Вельяминов-Зернов (1864), П. Я. Петров санскрит тили, адабиёти бўйича, Н. В. Хаников — турк-татар тили адабиёти бўйича (Шарқ тарихи доктори), В. А. Дорн академикликка (1881), архиепископ Нил — дорилфунун кенгашининг фахрий аъзолигига (1869) сайландилар. Юксак унвонларга сазовор бўлган мазкур шахсларнинг ҳеч бири Урта Осиё халқлари тарихини ўрганиш соҳасида жиддий ишлашга тайёргарлиги йўқ эди. Шунинг учун инқилобдан аввалги даврда В. В. Григорьевнинг арзирли шогирди ва издоши Н. И. Веселовский (1848—1918) бўлди, холос. Н. И. Веселовский 1867 йилда Вологда гимназиясини битирган, бир йил тайёрланди ва 1869 йилда Санкт-Петербург дорилфунуни Шарқ тиллари куллиётининг араб-форс-турк-та-

¹ Материалы по истории ФВЯ, В. В. Бартольд ... Том 3, с. 103.

тар бўлимига ўқишга кирди. Доридфунунни 1873 йилда тугатиб, фан номзоди унвони билан уч йил муддатга профессорлик унвонига тайёрланиш учун факультетда ишлашга олиб қолинди. Веселовский 1877 йилда «Хева хонлигининг тарихий-жўғрофий маълумотлари лавҳалари» мавзуида диссертациясини қилиб, магистрлик илмий унвонини олди. Рус шарқшуносларидан В. В. Григорьевдан кейин Ў. И. Веселовский иккинчи бўлиб, унинг шогирди ва издоши сифатида Ўрта Осиё археологиясини, тарихи ва этнографиясини ўрганишга катта ҳисса қўшди.

Гап шундаки, Н. И. Веселовский Санкт-Петербург доридфунунни профессорларидан биринчи бўлиб, Қозимбек ва В. В. Григорьев ғояларини амалга оширди, яъни ў Урта Осиё тарихини қўлғезмалар, этнографик, топонимик ва эпиграфик тарихий ёдгорликлар асосида амалий ўрганишни йўлга қўйди. Веселовский устозлари Қозимбек ва Григорьев маслаҳатларига амал қилиб, иложи борича кўп йиллар Ўрта Осиёда бўлиб, Гўри Амир, Даҳбед каби тарихий-маданий обидаларни муфассал ўрганди. У, маҳаллий халқ вакилларидан Мирза Ғози, Барот ва бошқа дастлабки шарқшуносларни етиштирди. Подшоҳ мансабдорлари ва уларнинг тарафдорлари бўлган шарқшунослар Веселовскийни «ашаддий монархист», яъни подшопараст, деб аташарди. Веселовский подшо Россияси томонидан Ўрта Осиё босиб олинганидан сўнг 1885 йилда бундай деб ёзган эди:

«Мана бу — ҳақиқий ҳарбий бошқарувдир (Веселовский таъкиди. С. Т.) ... Биз бу ерга цивилизация (тараққиёт) келтирдик, деб ўйлаймиз ... биз бўйсундирилган осиеликларга тинчлик, осойишталик, хавфсизлик келтирдик, деб ўйлаймиз... Аммо, буларнинг ҳаммасидан аълороқ бир саодат бор. Бу миллийлик, миллий туйғудир... Бўйсундирилган мусулмонларнинг аҳволини тушуниш керак. Сиёсий ўлим оғир, аммо миллатнинг ўлими янада фожиалироқдир. Бизнинг ҳукмронлигимиз вақтида улар миллий қиёфасини йўқотмоқдалар. Миллийликни бошқа бирор бахт-саодат билан алмаштириш мумкин эмас. Бизнинг ҳукмронлигимизга қарши ҳаракатлар портлашига ажабланмасак ҳам бўлади ... Ахир миллий манфаатлар деган гап бор. Халқ тўқми, яхши кийинганми, оч-юпунми, бундан қатъи назар миллий манфаатлар ташқарига отилиб чиқиши мумкин». Ўрта Осиё халқларининг янги ва энг янги тарихига алоқадор ушбу кароматли сўзларнинг нақадар теранлигини ўйлаб кўринг-а! Ўрта Осиё халқлари иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётини қайта қуришдек тарихий жараёнлар бошланганлиги рус олими Н. И. Веселовскийнинг доҳиёна фикрлари ҳақ эканлигини кўрсатмоқда. Ўрта Осиё тарихчиси Веселовский эҳтимол худди шундай дадил фикрлари учун ҳам жаҳонга машҳур В. В. Бартольд, И. Ю. Крачковский, Н. П. Остроумов каби олимлар қаторида қўйилмаётгандир?

Ўзбек диёрининг муқаддаслиги ва ўзбек халқининг оламга машҳурлиги, дастурхонининг тўкинлиги ҳам аввало шул бошданким, бул диёрнинг тупроғида азиз кишилар ўз оромгоҳини танлаган. Шундайлардан бири Маҳдуми Аъзам тахаллусли Хожай Аҳмад

бўлиб, хуллас Бобур эътиқод қилган ва ул зотни ўзи билан Ҳиндистонга олиб кетишга ундаган, аммо Маҳдуми Аъзам (1460—1549 йиллар) ўз умрини Даҳбед даҳасида яшаган ва шу жойда унинг куёви Самарқанд ҳукмдори Баҳодур Ялангтўш томонидан қурилган хонақоҳ ва масжид ёнидаги мазоргоҳда ором топгандир. Н. И. Веселовский бу мақбарани илмий жиҳатдан ўрганган биринчи олимдир.

Шундай қилиб, рус шовинистларини маҳаллий халқларга калондимоғлик билан қарашидан қатъи назар, Урта Осиё халқлари прогрессив ва революцион Россиянинг, Октябрь инқилобининг асл моҳиятини англаб етдилар.

VIII БОБ. УРТА ОСИЁ ТАРИХИ УЛКАШУНОСЛИГИДАН ЛАВҲАЛАР

(XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ, XX АСР БОШИ)

1. XIX АСРНИНГ 30—60-ЙИЛЛАРИДА БУХОРО ХОНЛИГИ ТАРИХИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Урта Осиё халқлари маданий ҳаёти Бухоро хонлигидаги феодал тузуми жамиятининг ижтимоий-иқтисодий аҳволига — пойдеворига боғлиқ бўлиб, уни тадқиқ этишда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ўзаро алоқадорликда эканлигини кўздан қочирмайлик. Муаммонинг турли жиҳатларини ана шундай ўзаро алоқадорликда олиб қараш маданият тараққиётининг Бухоро жамиятида қандай ўрин тутганлигини, ўзбек ва тожик маданияти классиклари, халқ усталари ва ҳофизлари, бахши, оқинларининг энг яхши асарларида акс этган тараққийпарварлик хусусиятларини (тенденцияларини) аниқлашга ёрдам беради.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Бухоро хонлигида иқтисоднинг ривожланиши учун яхши шароитлар юзага келди, гарчанд секинроқ бўлса-да, ишлаб чиқариш кучлари ўсди, шаҳар ҳаёти ва баъзи вилоятлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар яхшиланди, халқаро бозор аҳамияти ортди, шунингдек, Россия билан савдо-сотиқ муносабатлари кенгайди. XVII аср охирида Россияда капиталистик муносабатлар ривожланиши туфайли унинг Бухоро хонлиги билан ўзаро алоқалари кучайди.

Бу даврда маданий ҳаётда араб тили билан биргаликда, аввалгидек расмий тил сифатида форс-тожик тилидан ҳам фойдаланилган. Кўпгина ёзишмалар ва давлат ишлари форс тилида олиб бориларди, бу эса хонликнинг кўпгина аҳолиси учун унчалик тушунарли эмасди. Тил тўсқинлиги ҳам хонлик аҳолисининг маданий ҳаёти даражасининг ҳар хиллигига сабаб бўлган. Бу айниқса марказда — аҳоли зич яшайдиган туманларда, масалан, Миёнқол, Иштихон, Митан ва Каттақўрғонда яққол сезилган. Бу жойларда асосан ўзбеклар яшаган. Бироқ мадрасанинг бошланғич синфларида таълим муллалар раҳбарлигида араб ёки тожик тилларида олиб борилган.

Умуман олганда, маданиятнинг анча пасайишига асосий сабаб, ўша пайтлардаги ҳокимларнинг зулмкорлиги эди. У пайтларда жуда кўплаб «муқаддас» китобларга ёзилган шарҳлар таҳлилсиз ўрганилар, мактабларда эса диний фанлардан таълим бериларди. Улар илмий дунёқарашининг чекланганлигини, масалан, қуйидаги мулоҳазалардан билса бўлади: «бутун дунёга нур қуёшдан, яъни юқоридан тушса ҳам, Бухорода у ернинг остидан чиқади, чунки унга жуда кўп улуғ кишилар дафн этилган». Бу, образли ифода, албатта.

Ҳукмрон синфнинг ғоясини баҳолаб, К. Маркс бундай ёзади: «Ҳукмрон синфнинг фикри ҳар бир даврда ҳукмрон фикр ҳисобланади. Бу деган сўз, жамиятнинг ҳукмрон моддий кучи бўлган синф, аynи вақтда унинг ҳукмрон маънавий кучи ҳисобланади». Мафкура — ижтимоий-тарихий ривожланиш маҳсулидир. Синфий жамиятнинг ҳар бир даврига маълум мафкура мос келади. Бу ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини ижтимоий гуруҳлар ва синфларнинг, одамларнинг аниқ-тарихий тушунишларидир.

Ҳукмрон синфнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари унинг фойдали сиёсий ва иқтисодий муносабатларида маъқулланади ва мустаҳкамланади. Ҳукмрон синфнинг мафкуравий қарашлари барча воситалар ва турли усуллар билан у яратган тузумни ҳимоя қилади ва ёқлайди, унинг манфаатлари учун маънавий хизмат қилади.

Бухоро хонлигидаги феодал жамиятда ҳукмрон синфлар — феодаллар, дин аҳллари, савдогарлар ҳисобланган. Деҳқонлар, ҳунармандлар ва аҳолининг бошқа табақалари қуйироқ синфлар эди. Феодаллар, дин аҳллари, савдогарлар мафкурасида амирлар ва ҳукмрон бойлар ҳокимиятининг муқаррарлиги ва абадийлиги, дин аҳллариининг иши ва ҳуқуқларининг муқаддаслиги, халқнинг ҳукуматга итоаткорлиги, меҳнаткашларнинг эзилиши ва ҳуқуқсизлиги таъкидланган. Шунинг учун деҳқонлар ва ҳунармандлар мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумни қоралаганлар ва золим бойларни, умуман ҳукмрон синфни лаънатлаганлар ва келажакда яхши яшашларига умид боғлаганлар.

Эзувчи синфларнинг мафкуравий системаси уларнинг бир-биридан фарқ қилишига, хусусияти ва ўзига хослигига қарамаздан умумий асосга эга. Улар кишини киши томонидан эзишни ҳимоя қилишга, хусусий мулкчиликнинг барқарорлигини тарғибот қилади, мулкий тенгсизликни қонунлаштиради, аслзодаларнинг ҳукмронлигини, омманинг итоаткорлигини асослайди. Аксинча, эзилувчи синфларнинг қарашлари қуллик ва зулмга норозиликни ифодалайди, улар адолатсиз ижтимоий тузумни бузишга, тенглик ва озодликка эришишга ҳаракат қиладилар. Шубҳасиз, қарама-қарши мафкуравий қарашлар Бухоро хонлиги ҳаётида ҳам хилма-хил бўлган. Табиийки, ҳукмрон синф ўз қарашларини бошқа синфларга ва ижтимоий қатламларга сингдиришга ҳаракат қилар, одамларга мафкуравий таъсир кўрсатар, жамиятда мафкуравий жиҳатдан ҳукмронлик қилар эди. Иқтисодий имкониятларга эга бўлгани туфайли у ташкилотлар, жамиятлар тузган, ўзининг қарашларини тарғиб этган. Ҳокимият тепасида бўлган ҳукмрон синфлар давлат-

нинг бошқарув мурватларини, дастакларини ўз қўлларида тутганлар ва уларни ўз мақсадлари йўлида хизмат қилдирганлар. Таълим системасини ва ўсмир ёшларни тарбиялашни ўз назоратига олган ҳукмрон синфлар улар онгини турли усуллар билан тарбиялаганлар. Кишиларнинг диний дунёқарашини шакллантириш учун кўплаб художўйлар ва диндорларни, дарвеш ва қаландарларни, шоир ва ёзувчиларни, шариат қонунлари ва Қуръонни шарҳловчиларни тарбиялаб етиштирган. Ҳукмрон синфлар ўз қарашларини ҳар томонлама ва қатъий равишда хонлик аҳолисига сингдиришга, бошқача фикрловчиларни таъқиб этишга, итоатсизларни шафқатсиз жазолашга йўналтирганлар.

Бухоро хонлигида ҳукмрон мафкурадаги ислом олимлари мавжуд ижтимоий-иқтисодий тузумни мақтар ва ёқлар эдилар. Дин эса ҳаётга ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан катта таъсир кўрсатарди. Мафкуранинг барча соҳаси, маданият ва фан меҳнаткаш халққа таъсир ўтказишга хизмат қиларди, улар ислом динига тамомила бўйсундирилган эди.

Бухоро диндорлари қозикалонлар, шайхулисломлар, мударрислар, раислар, муфтийлар, имомлар, хўжалар, эшонлар, шайх ва дарвешлар исломни «худонинг ирқдаси» деб тарғибот қилдилар ва феодал тузумнинг эҳтиросли ҳимоячилари бўлдилар. Уларнинг барча фаолияти кенг халқ оммасини тинчликка, яхшиликка чақиришдан иборат эди.

Мамлакат маданий ҳаётининг асоси — жамиятнинг социал-иқтисодий ҳаёти эди. Тарихдан маълумки, маданий ҳаётда социал-иқтисодий шароитлар билан бир қаторда алоҳида давлат, жамоат арбоблари ҳам муҳим роль ўйнайдилар. Аммо кўриб чиқиладиган даврда на Ҳайдар ва Насрулло ва на унинг меросхўри Музаффархон бундай тарихий шахслар эмас эдилар. Аксинча улар маърифий фаолиятда ислом ва шариат қонунларининг посбонлари эдилар.

Сарой тарихчиси, Дониёрбийнинг кенжа ўғли Муҳаммад Ёқуб Бухорий, масалан, Амир Ҳайдарни мана бундай таърифлайди: «Олим, фозил, фикрчан, диний расм-русумларга амал қиладиган, каломи шарифнинг билимдони. Давлат ишлари билан беҳад бандлигига қарамасдан у ҳар куни 400 муллага¹, ўн минглаб бечора фақирларга² маъруза ўқир, ҳар куни маош тарқатар, шунингдек қаландарларга кўмаклашар эди. У шайхларни жуда эъзозлар ва уларга кўп миқдорда ғалла назр қиларди... табаррук номоз ва тунги ибодатни ҳеч қачон ўтказиб юбормасди».³

«Аҳли дин,— деб ёзади профессор А. А. Семёнов,— мусулмонлик руҳи билан пайвандланган ягона жипслашган табақани ташкил қилиб, шариат номли ягона илоҳий қонунларга амал қиларди. Ҳеч қандай янги фикр, ҳаттоки янгиликка ишора ҳам бу тошдай

¹ Амир Ҳайдарнинг педагогик фаолияти тўғрисида Мирзо Шамс Бухорий ҳам ҳикоя қилади (қайдлар ... 6-бет).

² Бу ерда муаллиф ислом ақидаларини тарғиб қилувчи дарвешларни кўзда тутган.

³ Муҳаммад Ёқуб Бухорий. «Гулшан ул-мулк». ИВ АН УзССР. Рук. инв № 1507 л: 1526.

қотган муҳитга сизиб киролмасди. Ҳз қўл остидагиларнинг ҳаёти ва ўлимининг мутлоқ ҳукмдори бўлган амирлар ҳам кўпинча Бухоро олий табақа диндорининг кайфияти билан ҳисоблашишга мажбур бўларди».¹

Масалан, амир Шоҳмурод художўйлиги учун ҳаётлик чоғидаёқ руҳонийлар томонидан «амир Масъум («Гуноҳсиз амир») фахрий номини олди. Амир Шоҳмурод манғитлар сулоласидаги энг тиниб-тинчимас амир бўлиб, унинг ҳокимлиги даврида суғориладиган ерлар кўпайган, отаси Дониёлбий замонида мисли кўрилмаган даражада ошиб кетган баъзи солиқлар бекор қилинган бўлса-да, барибир Урта Осиё вилоятларининг мустамлакалик жараёни кучайди. У амирлик унвонига қарамасдан ўзини Бухоронинг энг йирик дин пешвоси, Бухоро диндорларининг раҳнамоси Шайх Сафарнинг садоқатли муриди деб биларди. Айнан Шайх Сафарнинг тазйиқига кўра амир Шоҳмурод Афғонистонга катта юриш қилиб, уни «йўлдан озган» майитларга қарши уруш деган диний шиор билан оқлади.

«Фотиҳномаи султоний» номли тарихий мажмуанинг муаллифи («Насруллахоннинг расмий тарихи») Муҳаммад Мир Олим Бухорий Шоҳмуроднинг Афғонистон ҳукмдори Темуршоҳга (унга ўша пайтлари Шимолий Ҳиндистоннинг катта қисми итоатда, ўзи эса Шаҳрисабз беги Ниёзали оталиқнинг иттифоқчиси эди) қарши юришга тайёргарлигини тавсифлаб ёзганди:

«Машварат (ҳарбий кенгаш) Шоҳмуродга Амударё бўйида мудофаа ташкил этишни маслаҳат берди. Хуллас, амир ҳазрати олийлари кенгаш маслаҳатини оқилона деб топди, машқларни тўплади, ҳимоя қилишга тайёр туришга чақирди. Сўнг амир Самарқанд, Жиззах, Миёнқол, Каттақўрғон, Қарманада ва Марвда туркман аскарларни тўплаб ихтиёрига юборишга буйруқ берди. Бундан ташқари, у Қорақўлдаги ҳарбий бўлинмаларга ва Бухоронинг етти тумани, Насаф, Ғузор, шунингдек, Қўнғирот, Доҳисори, Бойсун уруғларига Амударё бўйида йиғилиб туришга буйруқ берди».² «Сўнг, давом этади Мир Олим Бухорий,— амир Шоҳмурод бошчилигида... бир юз эллик минг қўшин юктақи билан тўпланди... Бу қўшин сафида 20 минг олим ва ислом тарғиботчилари бор эди. Бу ҳурматли зотларнинг йўлбошчиси жаноби эшон Шайхулислом эди...»³. Сўнг муаллиф хабар беришича, бу жангда одам қони дарёдай оқди, жуда кўп бегуноҳ одамлар ўлдирилди ва майиб этилди, ўн минглаб одамлар асирликка олинди ва қулликка ҳайдалиб кетилди ва ҳ. к.

«Бегуноҳ» амир Шоҳмуроднинг ҳақиқий ишлари мана шундай бўлганди. Лекин Шоҳмуроднинг меросхўри Амир Ҳайдар (1800—1826) марказлаштириш сиёсатини давом эттиришни эплолмади.

XIX асрнинг биринчи ярмида учала хонлик ўртасидаги ўзаро жанглар давом этди; масалан Насрулло (1826—1860) Шаҳрисабзни

¹ Бурдин. Руслар 1820 йил Бухорода (шоҳиднинг қайдлари). Оренбург, 1871 й, 36-бет (русча).

² Муҳаммад Мир Олим Бухорий. «Фатҳномаи Султоний». Ўзбекистон ФА Шарқшунослик илмгоҳи. Қўлёзма. Инв. 1838-сон, 190-бет.

³ Уша асар. 200—225-бетлар.

1856 йилда эгаллаб олгунича, бу бекликка қарши 32 юриш қилган. «Қассоб амир» номи билан донг таратган бу амир тахтга ўтириб, иккала укасини ўлдирди ва ҳокимиятни қўлга киритгач, ҳар кунни одамлар кўз ўнгида 50—100 одамни остирди.

«Гулшан-ул-мулк» тарихий асарининг муаллифи, амир Насруллога адоват кўзи билан қараган Муҳаммад Ёқуб Бухорий ёзган эдики, Насруллонинг Бухоро тахтига ўтириш кунини 50 одам ўлдирилган. Уларнинг деярли ҳаммасини оломон олдида «ноғорахони»¹ минорасидан паства ташланган: Масалан, Қози Турсун Бобо ўғли билан мунажжим Мирза Азиз, шоир Азиз Содик (тахаллуси Муноий)², Самарқанд дарбозасидан эса мударрис Қозибек Мирохўр, Риёзбий, Бухоро ясовуллари бошлиғи Раҳматуллабек, қози Муҳаррам, Хўжақул Ғулом ва бошқа кўплаб Бухоро зиёлилари вакиллари минорадан ирғитилади.³

Кўриб чиқиладиган даврда диний аҳком тазйиқи остида аввалига Амир Ҳайдар, кейин Насрулло ҳукмлари билан ўз даврининг илғор вакиллари ўлдирилдилар, сургун қилиндилар, турли таъқибларга дучор бўлдиларки, улар орасида шоира Нодира, Бухоро мадрасалари мударриси Ҳожибой, Қози Абдусайд Самарқандий, Вобкент мударриси Мўъминхўжа, Бойсун мударриси Худойберди, Гиждувон мударриси Фозилбек ва бошқалар мадрасанинг ўқув дастурига норозилик билан қарашар ва амирга қарши душманлик кайфиятида эдилар. Лекин қўрқув боис ўз қарашларини ошкор этолмасдилар.⁴

Ҳарбий-феодал гуруҳ ва унинг ғояси ҳимоячилари — диндорлар меҳнаткаш халқ орасига ҳамиша ва ҳар жойда содиқ фуқаролик ғоясини ёярдилар. Диний муассасалар фаолияти рағбатлантирилди. Фақат Бухоронинг ўзида 465 мачит ва 103 мадраса ишларди.⁵ Самарқанд сингари йирик шаҳарда, унинг чет ҳудудларини ҳам ҳисобга олсак, 155 мачит ва 22 мадраса, Каттақўрғонда эса 22 мачит ва 100 га яқин табаррук жой бор эди⁶. Бу диний муассасалар асосан халқни ислом қонунлари руҳида тарбиялаш ўчоғи бўлиб хизмат қиларди.

Бутун Шарқ сингари, Бухоро хонлигида ҳам икки хил мактаб мавжуд эди: мактаб ва мадраса. Баъзи мактаблар мачитлардаги кичик ва тор хонақоҳларга жойлашарди.⁷

Мактабларда дастлабки 5—6 йил «Ҳафтияк» — Қуръоннинг еттидан бир қисми, тожикча «Чор китоб» (бу китоб савол-жавоб асосида ёзилган) ўқитиларди. Кейин худо ва мўътабар зотлар номига

¹ Бухоро арки минораси, бу ердан ноғорачилар у ёки бу ҳодиса ҳақида шаҳар аҳлига хабар берардилар.

² Амир Ҳайдарнинг шахсий котиби, Бухоронинг кўзга кўринган таниқли шоирларидан, таниқли хаттот.

³ Муҳаммад Ёқуб Бухорий. «Гулшан-ул-мулк». Ўзбекистон ФА Шарқшунослик илмгоҳи, Қўлёзма. 1507, 157 а, б-саҳифалар.

⁴ Қаранг: Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. 1926 й. 15—16-бетлар.

⁵ Хаников Н. Бухоро хонлиги баёни. СПб. 1843, 84—85-бет.

⁶ Ўзбекистон МДА. 5-ф 1-оп. 11-д. 125-саҳифа.

⁷ Уша ерда 5 ф. 2-рўйҳ. 12-д. 125-саҳифа.

битилган ҳамду-санолардан иборат Сўфи Оллоёр асарига ўтиларди. Бу китоб ўзбек тилида шеърӣй шаклда ёзилган Шундан сўнг мистик йўналишда алоҳида шеърлардан тузилган Хожа Ҳофиз ижоди ўрганиларди.

Мактабнинг ички ва ташқи шароити аҳолининг жамоат ва оилавий ҳаётига муштарак эди. Бутун Бухоро хонлиги ва Зарафшон ўлкасида ҳам кейинги маълумот шароит янада оғир бўлган мадрасада олинарди. Толиблар икки киши аранг сиғадиган, ёлғиз эшигидан ҳам ёруғлик, ҳам ҳаво кириб турадиган ним ёруғ ҳужраларда яшардилар Ҳужраларда овқат тайёрланарди, озиқ-овқатлар сақланарди, шунингдек ювиниш ва машғулотларга тайёрланиш ҳам шу ерда бўларди. Вақт ўтиши билан ҳужралар сингари, вақф мулки ҳам олиб-сотиш мумкин шахсий мулкка айланарди.

«Бухоро мадрасаларида қуйидаги фанлар ўқитиларди: араб тилининг синтаксиси ва этимологияси, мантиқ, ислом асослари, тиббиёт ва ҳудожўйликдан иборат фан, қонуншунослик — фикҳ. Сўнгги саналган фан гуноҳни ювиш қондаларини, фотиҳаларни, рўзани, Ҳажга бориш, дафн маросимларини, жонли-жонсиз буюмларга солиқ, савдо-сотиқ, қулга эга бўлиш, ишдан озод этиш, уйланиш, ажралиш ва бошқа диний кўрсатмалар ёки жамият муносабатларида юзага келган ҳаётӣй ҳолларни талқин қиларди.

Хоҳловчилар ҳисоб-китоб қилишни истаган домладан ўрганишлари мумкин эди. Адабиёт билан ҳар ким ўз ихтиёрича шуғулланиши мумкин эди. Она тилини ҳар ким ўзининг қобилияти ва кучига яраша тажрибада ва китоблар ўқиш орқали ўрганарди.

Дарслар дастури ва ўқув адабиётлари ҳамиша ўзгармасдан қоларди.»¹

Мактаб ва мадрасада ўқиш муддати 19 йилгача чўзилиб кетарди. Шунда ҳам баъзи талабалар етарли савод олмасди. Уқиш пулли бўлиб, камбағал деҳқон ва ҳунармандларнинг болалари ҳам, ўрта ҳол одамларнинг болалари ҳам гоҳо ўқишни давом эттиролмасди.

Бухоро хонлигидаги таълим тартиби схоластик руҳда эди. Асосан диний фанлар ўқитилар, ҳозирги маънодаги илм берилмас эди. Бундай таълим мамлакатни қолоқликка олиб келди.

Шуни ҳам айтиш керакки, мадрасаларнинг илғор тафаккурли ёшлари ўз хоҳишлари билан Абу Наср Форобий, Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Фузулий, Бедил, Сўфи Оллоёр, Хувайдо асарларини ўқиб, ўрганар эдилар. Ана шундай онгли талабалар орасидан Абдулла Авлоний, Беҳбудий, Муқимий, Фурқат, Завқий, Ҳамза, Шавқий Каттақўрғоний, Мужрим Обид, Музтар Мирий, Мулло Қурбон Жомий ва бошқа шоир, маърифатчилар етишиб чиқди. Мактаб ва мадрасани битирган илғор фикрли ёшлар ўз халқининг орзу-армонларини тушунар ва унинг аҳволини яхшилаш учун қўлидан келганича ёрдам беришга интилар эдилар. Улар замонаси ва халқига фойда етказиш учун мустақил равишда юнон файласуфларининг асарларини,

¹ Айний С. «Эсдаликлар», М., Л., ФА нашри, 1960 й. 197—198-бетлар.

тарих, адабиёт, жўғрофия, фикҳ (қонуншунослик) илмларини ўрганар эдилар.

XIX аср ўрталарида Бухоронинг энг бой кутубхонаси, сомонийлар XI—XII асрларда асос солган «Дори-ш-Шифо» илм-фан маркази бўлиб, бу ерга бухороликлардан ташқари Ўрта Осиё ва жами Шарқ мамлакатларининг илғор фикрли одамлари келиб туришарди. Аммо ҳукмрон синфлар халқнинг саводли бўлиб кетишини хошлашмасди. Амир Ҳайдарнинг лоқайдлиги ва кўмаги билан «Дори-ш-Шифо» нинг жуда кўп бебаҳо китоблари турли одамларга рўйхатсиз берилиб, талон-торож бўлиб кетди.¹ Амир Насрулло махсус фармон чиқариб, «Дори-ш-Шифо» кутубхонасини бегоналарга ёпиб қўйди ва ундаги хазиналарни тортиб олди. Амир Насруллонинг маданият бойликларига ёввойиларча муносабати айниқса 1842 йилда, Қўқон лашкарлари Бухорога босиб келган вақтда яққол кўринди. Амир китоб хазиналари «душманга тушмасин» деб, уларни сарбозлар қиличи билан чопиб, майдалаб ташлаттирди, баъзи китоблар ёқилди, баъзилари ўғирланди. Маданиятга Бухоро ҳукуматининг бундай муносабати кейинги вақтларгача Шарқ халқлари тарихини ўрганишни мушкуллаштирди.

В. В. Бартольд ёзишича, «Бухородаги мавжуд кутубхоналар амир Насрулло вақтидаёқ талон-торож қилинди, амирнинг ўз кутубхонасига эса русларнинг киришига рухсат йўқ эди».²

Тўғри, бу даврда фалсафа, тарих, адабиётга доир бир ҳанча йирик асарлар ҳам вужудга келди. Аммо бу асарларнинг кўпчилиги диний руҳда бўлиб, уларда амирлар ва хонлар мадҳ этилган эди. Бу китобларда халқ оммасининг тарихдаги роли етарли кўрсатилмаган. Масалан, тарихчи Муҳаммад Мир Алим Бухорий ўз асарида амир Шоҳмурод (Ботирхон) сиёсатини мақтаб, бундай ёзади: «Мазкур ҳақиқий йўлбошчи даврида ислом ва шарнат кенг қулоч ёзди. Адолат ва ҳақиқат шу даражада қарор топдики, бўри билан қўй бир охурдан сув ичадиган бўлди.»³

Маҳаллий тарихчилар халқ оммасининг ролини камситиб, амирлар ва ҳокимларни мақтаб, тарихий воқеаларни унчалик холис ёритмасдилар. Улар ўз асарлари билан феодал тузумнинг ижтимоий негизларини ҳимоя қилиб, ҳукмрон синфлар манфаатларига хизмат қилдилар.

Бухоро хонлигида ҳам билим тарқатишнинг энг яхши манбалари китоблар эди. Бу даврда хонликда китоблар типографияда эмас, литография, тошбосма ёки қўлёзма ҳолда тарқатилар эди.

Ўрта Осиёнинг буюк алломалари томонидан бунёд этилган китоблар қадим замонлардан бери халқимизга маънавий озуқа бериб келади. Китоблар инсон ва жамиятнинг маънавий бойишига хизмат қилади. Илғор одамлар китобларнинг билим, фан, санъат, ҳунарларни равнақ топдиришнинг буюк қуроли эканлигини яхши

¹ Жувонмардиев А., Носиров А. «Ақл катъбаси», «Фан ва турмуш» журнали, 12-сон. 37-бет.

² Бартольд В. В. Туркистон маданий ҳаёти тарихи (русча). Л., 1927, с. 118.

³ Муҳаммад Мир Олим Бухорий. Фатҳномаи Султоний. ЎзФА, Шарқшунослик илмгоҳи, инв. 1838, д. 9 а.

билар эдилар. Китоб инсонга меҳнат қилишга ва яшашга ёрдам беради. Инсон ақли ва ҳиссиётларига кучли таъсир кўрсатади.

Ўтган асрлардаёқ Ҳерман (Арман) Вамбери «Алишер Навоий асарлари ҳар бир ўзбек оиласида хазина» эканлигини ҳайратланиб ёзган эди. Ажойиб китобларнинг хазиналари халқнинг ўзида, хонадонларда сақланар эди. Одамлар китобларни авайлаб-асраб, кейинги авлодларга етказар эдилар. Китобларни кўчириб ёзиш, асраш ва тарқатиш жуда катта савоб иш ҳисобланарди. Чунончи, XIX аср ва XX аср бошларида Бухоро шаҳрида 20 та ўзбек ва тожик олимнинг шахсий кутубхонасида 10 минг нусха турли соҳаларга доир қўлёзма ва тошбосма китоблар сақланар эди. Ҳозир шу қўлёзма ва тошбосма китобларнинг кўпчилиги собиқ Иттифоқ, Ўзбекистон ва Тожикистон шарқшунослик институтларининг фондларида сақланмоқда. Фақат Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида турли соҳаларга оид 30 минг тошбосма асар сақланмоқда. Булар орасида моҳир ҳаттотлар — каллиграфлар кўчирган, фалсафа, тарих, адабиёт, табиёт ва бошқа соҳаларга оид қўлёзмалар бор.

Лекин, феодализм тузумининг ижтимоий-иқтисодий қонуниятлари ва талабига кўра китоб кўчириш ва китоб тўплаш ишлари ҳозиргидан бошқача эди. Руҳонийлар ҳамма табақаларга мансуб одамларнинг шариатга, дини исломга зид асарларни тарқатишига йўл бермас эдилар. Бундай қилганлар қаттиқ жазоланар эди. Шунинг учун ҳам аҳолида табиий фанларга доир китобларга нисбатан диний-мистик руҳдаги «Рашоҳат-айну-л-ҳаёт», «Тазкиратул-авлиё», «Хазинатул-асфиё», «Сафинату-л-авлиё», «Мазороти Самарқанд» («Самария»), «Сайқалнома», «Меърожнома», «Маслакул-муттақийн», «Саботул-ожизийн», «Абу Муслим», «Қимийн-саодат» каби китоблар кўп бўлар эди. Бу китобларда диний-фантастик, илми-ғайб (ғойибот сирлари), авлиё ва пайғамбарларнинг илоҳий мўъжизалари, охиратдаги жаннат роҳатлари ва дўзах азоблари тасвирланган эди.

Ҳокимлар диний билимларни кенг тарқатиш учун Аҳмад Ясавий, Сулаймон Бақирғоний (Бағриқоний), Жалололдин Румий, Сўфи Оллоёр ва бошқа мутасаввифларнинг ижодий меросига катта эътибор берар эдилар. Мир Олим Бухорийнинг ёзишича, амир Шоҳмурод «... ҳар мадрасага мударрис ва ҳар маҷитга имом тайинлади. Ҳар бир туман (район) да ва шаҳарда илоҳиётчи олимлар... қозилар ва раислар диний расм-русмларга, савдо-сотик қоидаларига ва солиқлар тўғри ундирилишига мутасаддилик қилар эдилар. Билимга ташна одамлар ҳар томондан Бухорога оқиб келарди. Тез орада мадрасалар талабаларга тўлди. Шундан сўнг амир оддий фуқароларга ҳам дини-ислом йўл-йўриқларини ўргата бошлади. Бухоро аҳолисининг художўйлиги, тақвоси зиёда бўлди. Сўнг тарихчи ёзишича, амир Ҳайдар даврида дини-ислом янада равнақ топган. «Шу мақсадда у (амир Ҳайдар) ҳар йили дарвешлар ва

¹ Мир Олим Бухорий. «Фатҳномаи Султоний». ИВ АН УзССР. Рук. инв. № 1838, л. 9а.

азиз-авлиёларга назр-ниёз учун юз минг танга маблағ ажратар эди.»¹

Аммо, юқоридаги далиллардан Бухоро хонлигида фақат диний китоблар тарқалган, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Халқдан чиққан тараққийпарвар одамлар турғунлик ва жаҳолатга қарши курашиб, халқ орасида маърифат тарқатдилар. Халқ орасида саводли котиблар, ҳаттотлар, ноёб китобларни тўпловчилар ва сақловчилар кўп эди. Маърифатли мана шу одамлар ўзбек, тожик, озарбайжон ва бошқа халқларнинг маънавий, руҳий бойликларини қайта кўчириш, тўплаш ва асраш билан шуғулландилар. Улар ўзбек ва тожик адабиёти классикларининг ноёб дурдона асарларини авайлаб тўладилар. Масалан, улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг «Маҳбул-қулуб» асари замонасининг маърифатчилари Мир Олим Бухорий томонидан 1838 йилда, Неъматилло б-Яқуб Самарқандий томонидан 1844 йилда чиройли нақшлар билан қайта кўчирилган эди ва ҳоказо.

Самарқандлик машҳур наққош ва котиб Мир Абдулҳай 1825 йилда Навоийнинг «Чор девон»ини, наққош Муқимхон Самарқандий 1850 йилда оламга машҳур буюк асар «Ҳамса» ни чиройли ёзувда қайта кўчирган эдилар.¹

XIX асрнинг биринчи ярмида улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий асарларидан ташқари яна Машраб, Ҳувайдо, Сайқалий, Шавқий, Амирий, Ғойибий ва бошқа шоирларнинг асарлари ҳам ҳуснихат билан кўп марта қайта ёзиб чиқилган эди. Бу асарлар тез-тез қайта кўчирилиб, қўлдан-қўлга ўтиб юрарди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Муҳаммад Мунис Хоразмий 1854—55-йилларда ўз девонини тузиш билан айни вақтда Низомий, Саъдий, Жомий, Навоий, Фузулий каби улуғ шоирларнинг баёзларини ҳам тўплаган эди. Ана шу девонлар ҳозир Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик илмгоҳининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Кичик ҳажмдаги бу шеърӣ баёзлардан одатда ихлосмандларнинг йигинларида фойдаланар эдилар.

XIX асрда Бухоро хонлиги ҳудудида жуда кўп шоир, олим, ҳаттотлар яшаб, ижод қилганлар. Муҳаммад Ражаб Бухорий, Қори Раҳматилло Возих, Масихо Бойсуний, Афқори Бухорий, Адрий Самарқандий, Ҳабибий, Якдил Маҳмуд Қоризий, «Таворихи мулуки ажам» («Эрон ерлари тарихи») ни кўчирувчи Мулла Муҳаммад Юсуф, Одиломурод Мирий, Юнусхўжа Котиб, Шаҳрисабзий, Муҳаммад Амин Бухорий, Муҳаммад Ёқуб Бухорий, Муҳаммад Мир Олим Бухорий, Раҳмонқулбек котиб Мирохур, Муҳаммад Фарҳод, Муҳаммад Шукур Котиб, Жалолиддин Бухорий, Мулло Насрулло Котиб каби жуда кўп тараққийпарвар олим ва ҳаттотлар яшар эдилар. Улардан кўплари фақат асарлар ёзибгина қолмасдан, балки кўплаб шогирдлар ҳам тайёрлаганлар. Улар ғайрат билан китоблар тўплашган ва имкониятларига қараб халқ орасида билим, маърифат тарқатишга интилишган.

Шуни таъкидлаш лозимки, А. Навоийнинг бизгача етиб келган

¹ Абдуллаев В. Бухорода XIX асрда навоийхонлик. Обществeнные науки в Узбекистане» журнали. 1962 йил, 4-сон.

асарлари XIX асрнинг охирида ва XX асрнинг биринчи ярмида кўчирилган. Навоий асарларидан бошқа яна Саъдий, Ҳофиз, Жомий ва Шарқ адабиётининг бошқа классиклари асарлари ҳам санъаткорона кўчирилган. Хусусан 1818 йилда хаттот Абдулла Хевақий «Девони Ҳофиз» шеърлар тўпламини шарҳлаб таҳлил этиб, уни тожик тилида насрда ёзиб чиққан. Уша йили Жомийнинг машҳур «Тухфат-ул асрор» асари, озарбайжон шоири Соҳиб асарлари, 1863 йилда Фазлийнинг девони кўчирилган. Насрулло Бухорий хаттотлик йўли билан хоразмлик шоир ва олим Муҳаммад Хоксорнинг (1794—1801 й.) «Мунтахаб ал-луғат» асаридан, Муҳаммад Ражаб Бухорий эса Мирзо Бедилнинг «Куллиёт»идан, Раҳимбек Қотиб 1780 йилда Фузулийнинг «Соқийнома» асари ва шеърлар тўпамидан, Муҳаммад Фарҳод (1806—1807 й.) Хусайн Воизнинг машҳур дидактик асари «Латоиф ва зароиф» дан нусха кўчиришган. Зарафшон водийсининг шоир ва ёзувчилари Шавқий Каттақўрғоний, Волаи Самарқандий, Хиромий ва бошқалар оригинал асарлар яратибгина қолмасдан, балки ўзларидан олдин ўтган машҳур кишиларнинг асарларидан нусха кўчирганлар ва таржима қилганлар. Масалан, шоир Хиромий форсча-ҳиндча ҳикоятларга ўхшаш панднома руҳидаги қизиқ асарлар яратади. Раҳматилло Возих эса ўрта асрда яшаб, ижод этган араб шоири ва мутафаккири Ал-Маҳдийнинг асарларини тожик тилига таржима қилади. Шуни таъкидлаш зарурки, ўзбек ва тожик адабиёти етук намояндalари ўз асарларида замонининг илғор ғояларини ифодалашга интилишган. Бу шеърят, наср ва тарихий хроникаларнинг энг яхши намуналари феодал ҳукмронлиги замонида зулмат ичра нур бўлишган. Уларнинг асарлари ижтимоий адолат ва инсонпарварлик, ватанга муҳаббат ғоялари билан сугорилган бўлиб, халқ ижодиётини жуда яхши акс эттирган. Улар бизни бугунги кунда ҳам ўзига мафтун этади. Аммо халқ яхши кўрган одамни ҳукмдорлар ёмон кўради. Ўзбек ва тожик адабиётининг энг яхши, иқтидорли вакиллари қувғин ва таъқибга учраган. Бухоро амирлари мутафаккирларни қувғин қилиб қолмасдан, балки уларни зиндонларга солиб қийнашганлар, ҳатто ўлдирганлар. Улар ўлимидан кейин асарларини яширганлар ва ҳатто йўқотиб юборишган ёки улар асарлари мазмунини ўзгартиришиб, сохталаштирганлар. Уларнинг асарлари диний руҳдаги сохта ҳаёллар ёки тескари фикрлар деб талқин этилган.

Шундай қилиб, бу даврда феодал зулми ва диннинг аҳамияти кучайган. Г. Вамберининг ёзишича, Бухорода XIX аср ўрталарида 20000 дан ортиқ қул бўлган. Бироқ моддий бойликларни деҳқонлар ва эркин ҳунармандлар яратганлар. Бухоро хонлиги билан Россия ўртасида маданий алоқалар ривожланганлиги туфайли бизнинг ватандошларимизнинг баъзи нодир асарлари Россиянинг илмий марказига жўнатилган. Масалан, 1820 йилда Россия ваколатхонасининг дипломатик миссияси муваффақиятли тамомлагандан кейин амир Ҳайдар рус элчиси Негрига совға сифатида «Тарихи Муқимхони» асарини беради. Негри бу асарни Россия Фанлар академия-

¹ Бартольд В. В. История изучения Востока в Европе и России. М.-Л. 1925. с. 255.

сига топширади. Бу асар Петербург дорилфунунининг шарқшунос профессори О. И. Сенковский томонидан француз тилига таржима қилинади.¹

Шуни эслатиб ўтиш керакки, рус шарқшунос олимлари ва ўз замонининг илғор кишилари, Ўрта Осиё тарихчилари, файласуфлари, ўзбек ва тожик адабиёти классикларининг нодир асарларини сақлаш ва тўплашда катта ҳисса қўшганлар. 1960 йилда бир ғуруҳ совет делегатлари Г. Д. Миклухо-Маклай, О. Ф. Акумушкин, В. В. Кулиев, М. А. Салоҳиддинов шарқшуносларнинг XXV Халқаро кенгашида ўз маърузаларида шу фикрни таъкидлаб ўтишган. В. А. Иванов 1915—1916 йилларда Бухорода форс-тожик адабиётининг жуда катта коллекциясини тўплайди. Ҳозирги вақтда улар СССР ФА нинг Шарқшунослик илмгоҳида сақланмоқда. У асосан XVIII—XIX асрларда қайта кўчирилган Ўрта Осиёдаги қўлёзмалардан иборат. Бу қўлёзмалар XVIII—XIX асрларда ва ҳатто XX аср бошларида Ўрта Осиёда кенг тарқалган адабиётлардан иборат эди. Демак, бу адабиётларни ўрганиш Ўрта Осиёнинг XVIII—XIX асрлардаги аҳолисининг маънавий ҳаёти ҳақида фикр юритиш учун зарур, ҳужжатли, аниқ далиллар беради.

2. УРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИНИНГ ЧОР РОССИЯСИ ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИ ТАРИХИНИНГ МАҲАЛЛИЙ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Бухоро хонлигининг, асосан XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россия билан чегарадош бўлган даври тарихи Мирзо Салимбекнинг асарларида ўз аксини топди.¹ У сўнгги Бухоро амирлари даврида юқори мансабларни эгаллаган ва шу боис Бухоро амирлари шахсини улуғлашга интилган. Муаллиф асосан, хонлик сиёсий ҳаётининг ташқи жиҳатларини ёритиб, халқ ҳаётини кам тасвирлаган. Мирзо Салимбек ўз асарида XIX аср иккинчи ярмидан Россия-Бухоро муносабатларига тўхталиб ўтган бўлса-да, уруш давридаги шаҳарлар аҳолиси аҳволини кам ёритган. У Бухоро хонлигига қарашли, руслар босиб олган шаҳарларни санаб ўтиш билан чекланади, Самарқанд аҳолисининг 1868 йил апрель-майдаги амирга қарши кўтарилишининг асосий сабабларини очиб бермайди. У руслар Самарқандни асосан эроний беклар сотқинлиги, «дарвозаларни очиб» берганлари сабабли эгаллашди, деб ҳисоблайди.²

Бухоро хонлиги тарихи мирзо Абдул Азим Сомийнинг «Тарихи салотини манғитий» («Манғит ҳукмдорлари тарихи») асарида ҳам баён этилган.³

Собиқ Бухоро мансабдори Мирзо Абдул-Азим Сомийнинг асарида XIX асрнинг тарихий воқеалари, 1866—1868 йиллардаги Россия-Бухоро уруши ҳақида кенг маълумотлар, Самарқандга рус қўшинлари ҳужуми олдидан Оқтепа қишлоғида ўтган ҳарбий кенгашга оид фактлар бор. Бошқа замондошларига қараганда, у бу давр

¹ Мирзо Салимбек. «Тарихи Салимий», қўлёзма. ЎзФА Шарқшунослик илмгоҳи, 2016-сон.

² Уша асар 63-а бет.

³ Мирзо Абдул Азим Сомий. «Тарихи салатини манғитийа» (История мангитских государей). Предис., перевод и примечания Л. М. Епифановой. М., 1962.

воқеаларини муфассалроқ тасвирлаган. У жамиятдаги турли сиёсий гуруҳларнинг фаолияти натижаларини баён қилади. Жумладан у, 1868 йил апрелда амир Самарқанд беги қилиб тайинлаган Шерали Иноқнинг зулмига қарши халқ қўзғолонини муфассал ёритган.

Бироқ, Мирзо Сомийнинг асари камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Уларни Л. М. Епифанова сўзбошиси ва изоҳларида кўрсатган. Шу билан бирга Л. М. Епифанованинг баъзи хулосалари билан ҳам келишиб бўлмайди. Жумладан, унинг сўзбошиси билан танишар эканмиз, Ўрта Осиё тарихи — уни чор Россиясининг босиб олиши даврига бағишланган Аҳмад Дониш асари мазмунан Мирзо Сомийнинг асаридан паст қўйилади.¹

Л. М. Епифанова ҳисоблашича на Аҳмад Дониш, на Мирзо Салимбек Самарқандни руслар босиб олиши олдидан шаҳар аҳолисининг Шерали Иноқдан жуда норозилиги, рус қўмондонига мурожаати хусусида тўхталишмайди.² Л. М. Епифанова «Сўзбоши» сида Салимбекнинг асарига тўғри баҳо бериш билан бирга Аҳмад Донишнинг Ўзбекистон ФА Шарқшунослик илмгоҳида сақланаётган «Таржимат-ул-аҳволи амирои Бухорои Шариф аз амир Дониёл то асри амир Абдулаҳад»³ асари мазмунига нисбатан хато фикр айтган.

Айтиб ўтиш лозимки, Аҳмад Донишнинг Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинишига бағишланган асарлари турлича. «Рисолаи тарихи»³, «Тарихча», «Кичик тарих», «Рисолаи саёҳат», «Рисолаи мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони манғития» каби номлар билан маълум. Буюк маърифатпарварнинг барча асарларида мазкур давр воқеалари баён этилган.

Л. М. Епифанованинг А. Донишга нисбатан айтган фикри яна шуниқ учун ҳам нотўғрики, А. Донишнинг ЎзФА Шарқшунослик илмгоҳида 1937 рақами билан сақланаётган 79 варақдан иборат «Бухорои шарифнинг амир Дониёлдан то амир Абдулаҳадгача бўлган амирлари ҳаёти баёни» асари қўлёзмаси ҳижрий 1352, яъни 1933 йили Ибодулла Одилов томонидан бошқа нусхасидан кўчириб олинган эди. Бу нусха шарқшунос олим А. Мирзаевнинг катта меҳнати натижасида 1960 йили Душанбеда нашр этилди.

Бу асарни баъзи олимлар А. Донишнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ўзгариши акс этган «Рисолаи мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони манғития» асарининг энг тўла варианты деб ҳисоблашади.

Абдуғани Мирзаевнинг таъкидлашича, «Таржуматул-аҳволи амирони Бухорои шариф аз амир Дониёл то асри амир Абдулаҳад» қўлёзмаси «Рисолаи мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони ман-

¹ Епифанова Л. М. Предисловие к книге Мирзы Самы «История мангитских государей», М., 1962, с. 21—22.

² Аҳмад Маҳдуми Дониш. Таржумат ул-аҳволи амирони Бухорои Шариф аз амир Дониёл то асри амир Абдулаҳад — Бухорои шарифнинг амир Дониёлдан амир Абдулаҳадгача бўлган амирлари ҳаёти баёни. Рук. ИВ АН ЎзССР. инв. № 1987.

³ Аҳмад Дониш. Путешествие из Бухары в Петербург. Избр. Душанбе Таджикгосиздат, 1987.

ғития» асарига ўхшаш эмас, аксинча алоҳида мустақил асар. У ўз мазмуни ва номига кўра иккинчи асардан анча фарқ қилади. «Бухорои шарифнинг амир Дониёлдан то амир Абдулахадгача бўлган амирлари ҳаёти баёни» да ҳақиқатан ҳам Самарқанд аҳолисининг Шерали Иноққа қарши кўтарилишлари ва 1868 йилги бошқа воқеалар ҳақида гапирилмайди. Бироқ, бундан шошма-шошарлик билан хулоса чиқариш керак эмас. Чунки гап санаю воқеаларни шунчаки ёзиб кетишда эмас, балки уларга ва уларнинг натижаларига берилган баҳода. Бу натижаларга кўра эса умумий хулосалар чиқариш мумкин.

Бизнингча Л. М. Епифанова «Бухоронинг манғит амирлари қисқача тарихи» билан яхши таниш бўлмаган.¹ Унда А. Дониш 1866—1868 йилги Россия-Бухоро муносабатлари, Ержар воқеалари, Жиззахнинг олиниси, Самарқанд аҳолиси исёнларини муфассал ёритиб, амир Музаффар ва амалдорларининг мақтанчоқлигини фош этган. У Бухоро амирлиги мағлубиятининг сабаби — амирликнинг техникавий-иқтисодий қолоқлигида, деб тўғри таъкидлайди.

Русларнинг Самарқандни эгаллаши санасида ҳам Мирзо Сомий каби, Л. М. Епифанова ҳам ноаниқликка йўл қўйган. Мирзо Сомий Жиззах олингач «15 кун ўтгач, қўшинлар Илон ўти орқали Самарқандга йўл олгани» ни ёзади.² Сўзбошида Л. М. Епифанова бундай деб ёзади: «Сомий бу ерда ноҳақ, бу воқеалар ўртасидаги фарқ 15 кун эмас, бир неча ойдир. Жиззах 1866 йилнинг октябрида, Самарқанд 1867 йилнинг майида эгалланган.³ Бунақа фикр барча адабий ва архив материалларига зид келади. Маълумки, Самарқанд 1867 йилда эмас, 1868 йилнинг 2 майида эгалланган.

Буюк маърифатпарвар олим Аҳмад Донишнинг (1827—1897 й.) ижодий ҳаёти ҳақида кейинроқ тўхталиб ўтиш лозим. У Урта Осиё тарихида ўчмас из қолдирган кишилардан биридир. Унинг илмий қизиқишлари қамрови кенг бўлиб, бу боис тириклигидаёқ унинг «Дониш» тахаллусига «Муҳандис» номини қўшиб айтишарди.

Петербурги газеталаридан бирида номаълум муаллифнинг «Бухоро элчихонаси»⁴ мақоласи эълон қилинган эди. Унда Бухоро элчиларининг 1874 йилнинг январида Петербургга етиб келгани ҳақида ёзилади. Мақолада Бухоро элчиси Абдуқодирбой Додҳога қисқача тавсиф берилган. Сўнг муаллиф ёзади: «Элчи ҳузурида икки нафар мирзо бор: 1) мирзо Аҳмад Уроқ ва 2) мирзо Абдувахоб. Улардан биринчиси 1869 йили ҳам Петербургга келган ва Россия ҳақида асарлар битган. У шоир, адабиётчи ва мунажжим. У, буюк князь хоним Мария Александровнанинг никоҳ тўйи муносабати билан қадимги форс тилида шеър ёзган эди. Шеър бир вақтнинг ўзида ҳам мувашшаҳ, ҳам тарихдир. Ҳар сатрнинг бошланиш ҳарфлари «Мария ва Альфред»ни, охириги ҳарфлари қўшилганда никоҳ йилини беради».

¹ Аҳмад Маҳдуми Дониш. «Рисолаи мухтасаре аз тарихи салтанати манғития». Нашр, сўзбоши ва изоҳлар А. Мирзаевники. Душанбе, Тож. дав. нашр, 1960.

² Мирзо Абдул-Азим Сами. «История мангитских государей». М., 1962, 66-бет.

³ Уша асар, 146-бет.

⁴ См.: Бухарское посольство. Туркестанский сборник. Т., 2 сборник с. 217.

Демак, элчихона мирзолари Мирзо Аҳмад Уроқ ва Мирзо Абдуваҳоб эдилар. Бизни, Мирзо Аҳмад Уроқ — Аҳмад Дониш қизиқтиради, албатта. Унга Петербургга бориб келгач, тахминан 1871—1872 йилларда фахрий сарой унвони «Уроқ» берилган эди. Шу боис, улуғ маърифатпарварнинг ижодий меросини ўрганиш жараёнида Аҳмад Дониш (Дониш тахаллуси, отасининг исми Носир) тахаллусидан ташқари, унинг Муҳандис¹, Мир Аҳмад², Мирзо Аҳмад Уроқ тахаллуслари билан битилган баъзи асарларига ҳам дуч келиш мумкин. Чунки, у... ўта ижодкор бўлиб, қўлга қоғоз ва қалам олиш имкониятини ҳеч қўлдан чиқармас³ эди.

Шубҳасиз, совет тадқиқотчилари Аҳмад Донишнинг илмий қарашларини ўрганиш, умумлаштириш ва ёритиш бўйича катта иш қилдилар. Унинг бир қатор асарларини мамлакатимиз халқлари тилларида чоп этиш бўйича катта иш қилинди.

А. Донишнинг М. П. Османов ва Л. Н. Демидчук тожикчадан русчага ўгирган ва Р. Ҳодизоданинг шарҳлари билан берилган асарлари таржимаси эътиборга лойиқдир⁴. Бу А. Дониш асарларининг рус тилига дастлабки жиддий таржима қилиниши эди. Таржиманинг тили содда, кенг ўқувчилар оmmasига тушунарли. Бироқ шу билан бирга ноаниқ, шубҳали ўринлар ҳам бор. Масалан, Р. Ҳодизода Бухоро элчиларининг (Аҳмад Дониш ҳам) Петербургга келиши санасини 1857 йил 8 январдан 1858 йилнинг 11—12 январ, деб нотўғри кўрсатади, бошқа асарда эса ўзи яна тўғри (1858 йил 9 январь) кўрсатади.⁵

Бухоро элчиларининг Петербургга иккинчи келиши санаси ҳам нотўғри кўрсатилади, яъни 1859 йилнинг 2—3 ноябрлари, дейилади,⁶ ваҳоланки тўғриси — 1869 йилнинг 2—3 октябрлари⁷.

«Рисолаи тарих» таржимасида ҳам бир неча ноаниқликларга йўл қўйилган. Бу асл нусха билан таққосланганда кўзга ташланади. Масалан, асл нусхадаги: «Ман агар сувори шавам, рост болои Москов мееравам»⁸ жумласи «Мен гар уларга қарши юрар бўлсам, тўғри Москвага юраман» (47- бет) деб ўгирилганки, бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Уни «Отга ўтирсам бўлди, тўғри Москвага етиб бораман» деб ўгирилса тўғри бўлур эди.

Яна, «Саёҳатнома» нинг асл нусхасидаги «Чун фуқарои Самар-

¹ Ҳодизода Р. «Аҳмад Дониш и его творчество». Қаранг: А. Дониш «Путешествие из Бухары в Петербург». Танланган асарлар. Тожик давнашр. 1960, 8- бет.

² Ражабов З. «Из истории общественно-политической мысли XX вв. Тожик-давнашр, 1957, 13- бет.

³ Бертельс Е. Э. Рукописи произведений Ахмада Қаллә. Труды Таджикской базы АН СССР. т. III, М. Л., 1936, С. 13.

⁴ Дониш А. «Наводиру-л-вақое». Парчалар. Таджикгосиздат. 1957 (тожик тилида); Путешествие из Бухары в Петербург. Изб. Таджикгосиздат, 1960 (рус тили.). «Рисолаи мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони манғития». Таджикгосиздат, 1960 (тожик тилида).

⁵ Ҳодизода Р. Аҳмад Дониш, 1960, 7- бет.

⁶ Аҳмад Дониш. Уша асар, 13-бет.

⁷ Ҳодизода Р. Уша асар, 9- бет.

⁸ Аҳмад Дониш. Краткая история мангитских эмиров Бухары. Таджикгосиздат, 1960, с. 40 (рус тилида).

қанд ин гуна бедодиро аз Шер Али диданд, баҳамиёти дин тарафи мусулмонан ва талабаи илм шуда, зан ва мард ба аскаррия дохилин, Самарқанд дар афтоданд, ки чуйхон хун дар кучахо равон шуд...¹ жумласи «Шерали зулмидан тўйган Самарқанд халқи етиб келган муллолар ва мадраса талабалари билан қўшилиб шаҳар гарнизони билан жангга кирди, ариқ тўлиб қон оқди».² Бундай таржима муаллиф фикрини тўлиқ ифодаламайди. Буни қуйидагича таржима қилиш тўғри бўларди: «Шер Алининг ҳаддан ташқари зулмидан тўйган Самарқанд халқи руҳонийлар вакиллари билан биргаликда мусулмон ва мадраса талабаларига ёрдамга кўтарилди. Аёллар ва эркаклар Самарқандда ўрнашган қўшин билан жангга киришди. Оқибатда кўчалардан қон ариқ бўлиб оқди».

«Бухородан Петербургга саёҳат» баъзи камчиликлардан ҳоли бўлмаса-да, бу таржима қимматини пасайтирмайди. У совет олимларининг Аҳмад Дониш асарларини катта ҳажмда рус тилига таржима қилиш бўйича қўйган дастлабки улкан қадамидир.

Ўрта Осиёнинг маърифатчилари А. Дониш, Фурқат, Муқимий, Шоҳин, Асирий, Ҳамза ва бошқалар маърифат ва демократик йўналишдаги ғояларни, Муҳаммад Олим, Абдумажид Шавқий, Ҳожин Собир Самарқандий турли табақаларнинг синфий тинч-тотувлигини ҳимоя қилдилар. Масалан, Самарқанд муфтийси Абдулмажид Шавқий ўз асарларида Бухоро амирлари, Оқ подшо ва маҳаллий ҳукумат амалдорларини адолатли, халқнинг ҳимоячиси деб мақтайди. Самарқандлик шоир Ҳожин Собир Самарқандий диний-мистик руҳдаги қарашларни тарғиб этиб, худога ишониш, дунёвий роҳатлардан воз кечиш, дин талаби ва шарият қонунларига қатъий риоя этишга чақиради.

Фаҳмий, Абдулкарим Сипондий, Насриддин Ҳодий, Васлий, Ҳабибий, Якдилий ва бошқа шоирлар классик адабиётнинг энг яхши анъаналарини давом эттирадилар. Уларнинг асарларида севги-муҳаббат билан бир қаторда ижтимоий ғоялар, адолатсиз тузумдан норозилик ҳам ўз ифодасини топган.

Ўрта Осиё цивилизациянинг қадимий марказларидан биридир. У асрлар давомида шаклланган юксак маданий анъаналарга эга эди ва жаҳонга кўплаб йирик олим ва шоирлар етиштириб берди. Ўрта Осиёда яшаб ижод қилган Хоразмий, Форобий, ибн Сино, Беруний, Навоий, Дониш, Фурқат, Муқимий ва бошқа кўплаб улуғ зотларнинг илмий ютуқлари ва илғор ғоялари жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Илғор буржуа шарқшунос-ориенталистлари ҳам Ўрта Осиё халқлари бой меросини ўрганишга сезиларли ҳисса қўшдилар. Бироқ, улар қарашларининг ва ёндошишларининг чекланганлиги оқибатида кўпинча Шарқ халқлари, шу жумладан, Ўзбекистон олимларининг илғор ғоялари бузиб кўрсатилди, сохталаштирилди. Кўпгина буржуа олимлари бизда илмий тафаккур тараққиёти бўлиш мумкинлигини, умуман халқларимизнинг назарий-мантиқий фикрлай олиши мумкинлигини рад

¹ Уша асар, 56- бет.

² Аҳмад Дониш и Путешествие ... «57- бет.

этишарди. Шунда ноиложликдан Беруний, ибн Сино, Форобий, Хоразмий ва бошқаларни қадимги юнон фалсафасининг оддий шарҳловчилари деб аташарди. Масалан, Голландия компартияси асосчиларидан бири, олим ва жамоат арбоби А. Паннекук «Астрономия тарихи» (рус тилида 1966 йил чиққан) китобини ёзди. У бу китобида таъкидлайдики, ўз назарий қарашларида мусулмон олимлари энг қадимги донишмандлардан ҳам ўзиб кета олмайдилар¹. Кейин, у буюк ўзбек олимлари Хоразмий, Улуғбек ва Фарғонийнинг «араб астрономияси» нинг илғор олимлари деб кўрсатади².

Шарқнинг айрим буржуа олимлари ўз миллатчилик нуқтаи назарларидан келиб чиққан ҳолда, Ўрта Осиё маданиятининг ўзига хослигини рад этади ва унинг ютуқларини у ёки бу хорижий Шарқ халқларига буради, уни араб, эрон ёки ҳинд маданиятининг бир қисми деб атайди. Бундан ташқари, кейинги йилларда хорижий Шарқ мамлакатларида Осиёни марказлаштирувчи ғоя тарғиботчилари пайдо бўлишди. Улар жаҳон маданияти тарихини бузиб, Ғарб халқларининг унга қўшган ҳиссаси, социалистик ғояларни юзага келтиришдаги хизматларини рад этадилар. Бундай фикр ҳам зарарли ва бирёқламандир.

Ўрта Осиё халқлари маънавий мероси тарихини ҳаққоний илмий ўрганиш ҳар қандай эришилган ҳамма маданий ютуқларни Европага ёки фақат Осиёга йўйувчи миллатчиликка ўхшаш қарашлардан воз кечишни талаб қилади.

Халқимиз Беруний, Форобий, ибн Сино, Улуғбек, Навоий ва бошқа Ўрта Осиё олиму шоирларининг илмий ижодий меросини қадрлаб сақламоқда. Халқимизнинг тараққийпарвар фарзандлари оғир замонларда, руҳонийлар қаттиқ таъқиқлаб қўйган даврларда ҳам бу улуғ меросни ўргандилар, шарҳлар ёздилар. Хусусан, биз томонимиздан топилган Муҳаммад Қосим бин Абу Қосими Бухорий қаламига мансуб «Абдураҳмон Жомий асарлари учун луғат» и (1199 ҳижрий йилида ёзилган) жуда қимматлидир. Бу муаллиф ҳам илгари номаълум бўлиб, адабиётимизда тилга олинмайди. Албатта, Муҳаммад Қосимнинг бу қизиқишлари моддий жиҳатлар билан боғлиқ бўлмаган, албатта, у Жомийнинг ижоди билан кенг ўқувчилар оммаси танишишини истаган, уларга асарларни тушунишни енгиллаштирган.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, кўпгина олимлар орасида XVIII—XIX асрларда аниқ фанлар, жумладан, математика ва астрономия фанида турғунлик бўлди, деган фикр юради. Улар буни Ўзбекистон ва Тожикистон ФА ларида сақланаётган қўлёзмалар орасида биронта ҳам математика ва астрономияга оид асар йўқлиги билан далиллайдилар. Бироқ биз топган, 1223 ҳижрий йилида Муҳаммад Ҳаким Мунажжим бин Мулла Зоир Муҳаммад ёзган «Қозизода Румийнинг фалакиётга доир рисоласига муқобил шарҳлар» китоби бу фикрларни рад қилади.

¹ Паннекук А. История астрономии. Пер. с англ. Н. Н. Невской, М., Наука, 1966, с. 183.

² Уша асар, 177—178-бетлар.

XIX аср ва XX аср бошларида Ўзбекистонда маънавий маданият мураккаб шароитларда тараққий этди. Масалан, Самарқандлик жадид Саид Азимизода «Оқ подшога душ»,¹ Мулло Абдуҳолиқ «Оллоҳ даргоҳига подшоҳ учун дуо»² шеърларида, Маҳмудхўжа Бехбудий эса ўз мақолаларида маҳаллий бойларни халқ манфаатлари учун гамхўрлик қилишга чақирдилар. Маҳмудхўжа Бехбудий подшо ҳукумати рухсати билан 1913 йил охири ва 1914 йил бошидан бошлаб Самарқанд шаҳридаги «Товарищество Базарова и Слиякова» босмахонасида ўзбек ва тожик тилларида «Оина» журнали ва «Самарқанд» рўзномасини чиқара бошлади. Бу нашрлар саҳифаларида жадидлар халқ манфаатларини ҳимоя қилиб, маорифни замон талабига мувофиқ ривожлантириш ва маҳаллий буржуазияни ривожланиб келаётган санъат ва савдо талабларига мос ҳолда тарбиялаш учун курашдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб, ижод қилган Ўрта Осиё тараққийпарвар шоирлари классик адабиёт анъаналарига таянишган бўлса, XX аср бошида яшаган шоир ва ўқитувчилар — Мир Акром Фикрий, Абдужалил Писандий, Нақибхон Тўғрил, Иброҳим Журъат, Саидахмад Васлий ва бошқалар классик адабиёт анъаналарини давом эттириш билан бирга ўз асарларида замонавий ғояларни акс эттирдилар.

Бу даврда рус адабиётининг намуналари тожик ва ўзбек тилларига ўғирилди. Масалан, Самарқанддаги янги услуб мактаби асосчиси Абдуқодир Шакурий (1875—1943) «Жомеъ-ул ҳикоят» (1901 й.) асарини яратди ва нашр этди. Бу асар мактаб қўлланмаси бўлиб хизмат қилди. Унга тожик тилига ўғирилган И. А. Крилов масаллари ва Л. Н. Толстой ҳикоялари киритилган эди. А. Шакурий тузган янги услуб мактаби тезда шуҳрат қозонди. 1909 йили у билан танишиш учун Самарқандга бўлғуси шоир ва драматург, ўқитувчи ва жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий келди. Бу учрашув келгусида уларни дўстлаштирди. Шунингдек, С. Айний ҳам Шакурийнинг қалин дўсти эди. Шакурийнинг ёрдамида С. Айний 1914 йили янги услуб мактаби талабалари учун тожик тилида дарслик чоп эттирди.

Яна бир тараққийпарвар шоир ва муаллим Саидахмад Ажзий (1864—1927 й.) эди. У ўзининг «Ибрат кўзгуси» (1912 й.), «Рухлар мажлиси» (1912 й.), «Билим кўзлари» (1914 й.), «Ҳикмат хазиналари» (1915 й.) каби асарларида чин мусулмон бўлиб қолгани ҳолда баъзи руҳонийлар, бойларнинг мунофиқлиги ва пасткашлигини фош этади. У фан, техника тарғиботчиси, рус тили, маданиятининг тарқатувчиси сифатида майдонга чиқади, диний мактаблардаги эски ўқитиш усулларини танқид қилади, бу мактаб домлалари бўлган баъзи руҳонийларнинг саводсизлиги, бефаҳм ва пасткашлигини фош этади.

Шунингдек, Қори Муҳаммад Раҳим Тожиевнинг (1874—1948, таҳаллуси «Тикон»); Ҳожи Муин Шукурулло, Шокир Мухтор (1890—1920, таҳаллуси «Ишчи») ва Мулло Абдулло Файзиевлар-

¹ «Оина» жаридаси, 1914 йил, 47-бет.

² Уша ерда.

нинг (1927 йилда вафот этган), адабий ва ижтимоий фаолияти ҳам диққатга сазовордир.

Бу зиёлилар адабий-педагогик ва ижодий жиҳатдан Октябрь инқилобидан сўнг шаклландилар. Улар илгариги асарларида қо-лоқлик ва адолатсизликларга қарши курашдилар, халқ манфаат-ларини ҳимоя қилдилар. Масалан, Қори Муҳаммад Раҳим ўзининг «Тикон», «Майна» каби шеърларида эски турмуш, урф-одатлар тарафдорларини кулгу тигига олиб, халқни фан-маданиятни эгаллашга чақиради.

Муаллим ва жамоат арбоби Шокир Мухтор 1910—1918 йил-ларда матбуот саҳифаларида ўзбек тилида ёзилган турли илмий-оммабоп мақолалари билан қатнашди. У 1918 йили чоп этилган «Социализм нима?» мақоласида илмий асосда социализмнинг асо-сий мазмунини очиб берган.

1894 йили 84 киши ишловчи катта босмахонанинг қурилиши¹ бадий ва илмий адабиётнинг нафақат рус, балки ўзбек ва тожик тилларида ҳам кенг тарқалишига таъсир кўрсатди. Хусусан, 1904 йили Самарқандда литографик усулда тожик тилидаги «Раҳбар-нома дар бораи чечак», 1908 йили ўзбек тилида Қўқонбой Аб-дуҳолиқзода таржима қилган «Асар таржимасининг баёноти» асарлари чоп этилди. Шунингдек, 1905 йилда «Пилла қуртининг парвариши» қўлланмаси, 1913 йилда Исматулло Раҳматуллаев-нинг «Раҳбари мактаб» алифбеси нашр этилди. Таржимон Конд-ратенко форсчадан А. Фитратнинг «Сайёҳи ҳинди» асарини рус-чага ўғирди. Туркистон Бухоро, Хиванинг хариталари ўзбек тилида чоп этилди. 1908—1916 йилларда ўзбек тилида самарқандлик ўқитувчи Ҳожи Муин Шукруллаевнинг «Раҳнамои савод» алиф-беси, «Тўй» пьесаси, «Янги мактаб ва эски мактаб», «Мазлума хотин» асарлари нашр этилди.

1917 йил Февраль инқилобигача Самарқандда 49 номдаги ки-тоб, ҳикоя, пьеса, шеър тўпламлари чоп этилди. Улардан 19 таси ўзбек, 23 таси тожик, 1 таси рус ва 6 таси Россия тилларида нашр этилган эди. Бу миллий зиёлиларнинг қадимий ўзбек халқи ма-даний меросини ўрганиш бўйича дастлабки ишларидир.

3. УРТА ОСИЕ ЧОР РОССИЯСИ ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНГАНДАН СЎНГ ТАРИХИЙ УЛҚАШУНОСЛИК

Урта Осиёнинг жуда бой табиати азалдан рус тадқиқотчилари, олимлари ва табиат ихлосмандларини ўзига жалб этиб келган. К. Ф. Бутенев бошчилигидаги расмий рус экспедицияси (1841—1842 й.) тарихда алоҳида ўрин эгаллайди.

1841 йилнинг кўкламида Петербургдан Бухорога қараб геоло-гик экспедиция йўлга тушди. Унинг таркибига майор К. Бутенев (раҳбар), тоғ муҳандиси М. Богословский, шарқшунос Н. Хаников, топографлар Яковлев, Плотников, Чалпанов, Петровлар кирган. Шунчаки ҳамроҳ сифатида улар билан йўлга чиққан А. Лемен

¹ Заорская В. В. и Александров К. А. Промышленные заведения Туркестан-ского края. Соч. б., 1915, с. 449.

ўз кундалик ва хатларида бу саёҳат тафсилотларини муфассал баён қилади.

Экспедиция Петербургдан Бухорогача тўрт ой йўл юриб, август охирларида манзилга етиб келади. Экспедиция қатнашчилари учун махсус қонданома тузилган бўлиб, улар геологик қидирувлар билан бир қаторда метеорология, зоология ва ботаника соҳасида ҳам кузатувлар олиб боришлари лозим эди.

Экспедиция қатнашчилари Бухорода бир неча кун бўлгач, Самарқандга келишди. Шаҳарни, унинг тарихий ёдгорликларини томоша қилишди. Богословский геологик қидирув олиб бораётиб шаҳар четида, Зарафшон дарёси ёқасида олтин борлигини аниқлади.

Сайёҳлар Панжикент ноҳиясида ва Урмитан қўрғонида ўсимликларнинг янги турларини топишди, тоғ жинсларидан қимматли коллекциялар тўплашди.

Экспедиция аъзолари Искандарқўлни ва Қўликалонни текшириб, Самарқандга қайтиб келишди. 1842 йилнинг баҳорида эса экспедиция Петербургга жўнаб кетди.

Бу экспедиция материаллари асосида рус шарқшуноси Н. В. Хаников 1843 йили «Бухоро хонлиги тавсифи»¹ асарини ёзди. Урта Осиёнинг руслар томонидан босиб олинишидан олдин ёзилган бу асарда Бухоро хонлигининг иқтисодий-ижтимоий ҳаёти, тарихи ва табиати ёритилган эди. Унинг асаридан XIX асрнинг биринчи ярмидаги Самарқанд тўғрисида муфассал маълумотларни топиш мумкин. Экспедициянинг бошқа қатнашчиси Ф. Богословский Зарафшон воҳасининг геологик тузилишини ўрганиб, унинг табиий бойликларини баён этади.² Экспедициянинг норасмий қатнашчиси, ботаник А. Леман эса ўлканинг ўсимликлар ва ҳайвонот олами тўғрисида қимматли материаллар тўплади. Самарқанд ва Бухоронинг қадимий обидаларига оид бир қанча суратлар унинг қаламига мансуб. Улар ҳозир ҳам ўлканинг қадимий меъморчилик ёдгорликларига бағишлаб XIX асрнинг 50-йилларида чизилган ноёб суратлар ҳисобланади. И. Мушкетовнинг гувоҳлик беришича, натижаларига кўра, ўзидан олдинги барча экспедициялардан устун бўлган бу экспедиция рус шарқшунослиги тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

Урта Осиё табиати, тарихи, халқлари маданиятининг ўрганилмаганлиги рус фанининг илғор вакилларининг диққатини тортарди.

Урта Осиё чор Россияси томонидан босиб олингач, рус олимлари ўлканинг табиати, турмуши, тарихи ва моддий бойликларини кенг ва системали ўрганиб, олинган маълумотларни умумлаштира бошладилар.

Улкада илмий фаолият олиб бориш ниятида, ўқитувчи, врач, агроном ва бошқа ишларга жон деб рози бўлаётган ёш — бошловчи олимлар кўп эди. Петербург ва Москва олий ўқув юртли-

¹ Хаников Н. В. «Описание Бухарского ханства». СПб., 1843 й.

² Богословский Ф. «Записка о долине Зарафшана и горах её окружающих» «Горный журнал», ч. IV: кн. X., СПб., 1842 г.

рининг битирувчилари чет ўлкага ўз хоҳишлари билан келишар ва Ўрта Осиёни ўрганиш бўйича илмий экспедицияларнинг ташкилотчиларига айланишарди. Масалан, 1868—1870 йилларда А. П. Федченко ва О. А. Федченко¹ лар кўпгина қимматли илмий манбалар тўпладилар.

1867 йили, Москва дорилфунуни физика-математика куллиёти-ни тугатгач, эр-хотин Федченколар табиатсеварларнинг биринчи Бутурроссия съездида қатнашиш учун Петербургга келадилар. Шу ерда улар аниқ фанлар тадқиқотчилари жамияти президенти профессор Г. Е. Шгуровский билан танишадилар. Профессор Федченколарга Ўрта Осиё табиати билан қаттиқ шуғулланишни таклиф этди. Пухта тайёргарликдан сўнг узоқ йўл юрган тадқиқотчилар 1869 йилнинг 3 январида Самарқанд шаҳрига етиб келадилар. А. П. Федченко ишни Ўрта Осиё иқлимини кузатишдан бошлади. У ҳам Ўрта Осиёнинг иқлим шароити ўзига хос эканини таъкидлаган эди. Унинг 1869 йилнинг 31 январидан 4 февралигача олиб борган кузатишлари бу ернинг иқлими Норвегия пойтахти Осло иқлимига, 10—14 февраллар орасидаги кузатишлари Рим иқлимига ўхшашини кўрсатди.

Зарафшон воҳасини зоологик жиҳатдан ўрганишда ҳам А. П. Федченконинг хизмати катта. У қисқа муддатларда 8 мингдан ошиқ ҳашарот, қуш ва ҳайвон турлари йиғиб, коллекция қилди. Олимнинг рафиқаси Ольга Александровна эса Зарафшон водийси ўсимликлар олами тўғрисида катта материаллар, гербарийлар тўплади. У табиат, маҳаллий халқ турмуши ва меҳнат қуроллари ҳақида лавҳалар ёзди.

Экспедиция давомида Федченко оиласи маҳаллий халққа катта ҳурмат билан муносабатда бўлади. Ўз навбатида аҳоли ҳам уларга илиқ муносабатда бўлган. Федченколар оиласини шаҳарнинг турли жойларида, Зарафшон водийси қишлоқларида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатаётганда ёки улар билан гурунглашиб ўтирганини учратиш мумкин эди. 1869 йилнинг баҳорида Федченко Зарафшон дарёсининг бошланиш қисмини ўрганиш учун экспедиция уюштирди. У дарёнинг бошланишидаги абадий музликни очган биринчи киши ҳисобланади. Кейинчалик бу музлик Федченко номи билан атала бошлади.

Улар Зарафшон водийси харитасини туздилар, ўсимлик ва ҳайвонот олами, иқлими, табиий географияси тўғрисида қимматли маълумотлар тўпладилар.

Зарафшон воҳаси, шаҳар ва қўрғонлари тарихини ўрганиш бўйича Зарафшон округи закот бошқармаси бошлиғи А. П. Хорошкин тўплаган материаллар ҳам диққатга сазовор.² У аҳолининг ижтимоий таркибини аниқлашга, воҳанинг Ургут ноҳияси тавсифини беришга уринган.

¹ Федченко А. П. Топографический очерк Зарафшанской долины и заметка о соседних бекствах и памятниках Самарканды. Из-во Общ. любителей естеств, антроп., Этнограф, Том VIII, в. I. М., 1870 г.

² Хорошкин А. П. Сборник статей, касающихся Туркестанского края. СПб. 1876 й.

Ҳозиргача ҳам В. В. Радлов, Биков, А. Гребенкин, Л. Н. Со-
болев, А. Кун ва бошқаларнинг Ўрта Осиё тарихи, жўгрофияси,
гидрогеология, метеорология ва этнографиясига бағишланган
асарлари ўз илмий аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Россия ҳарбий саноат доираларини энг аввало, Зарафшон во-
дийси фойдали қазилмалари ва табиий бойликлари қизиқтирарди.
Шу боисдан воҳанинг тоғли районларини Зарафшон округига қў-
шиб олишда тоғ, ўрмон ва бошқа табиий бойликлардан фойдала-
ниш имкониятлари назарда тутилиб, капитан Гребенкин томони-
дан текширув, тадқиқотлар ўтказилган ва «Зарафшон дарёси
юқори қисмлари ҳақида маълумотлар» тузилган эди.

Бу ҳарбий-илмий экспедициянинг энг фаол иштирокчиси
Д. Л. Иванов эди. У кейинчалик XIX асрнинг иккинчи ярмида
Туркистонда тараққийпарварлик ролини ўйнаган «Хомутов тў-
гараги» ташкилотчиларидан бирига айланди.

Зарафшон музликлари тўғрисидаги лавҳалар унинг дастлабки
асарлари ҳисобланади. Шундан сўнг у Самарқанд обидалари
тўғрисида суратли мақолалар эълон қилади. Унинг «Прохорович»
тахаллуси билан эълон қилинган мақолаларида Самарқанднинг
биринчи саҳна артисти Қурбонхон тўғрисида хабар берилади.¹

1868—1870 йилларда Князь Урусов Россия босқинига қадар
Зарафшон воҳасида жун етиштиришнинг аҳволини муфассал ўр-
ганиб чиқди. Урусов, нафақат округдаги жун ишлаб чиқариш
тармоқларини ўрганди, балки Туркистонда чорвачиликни, айниқ-
са, унинг ипак жунли қўйчилик тармоғини янада ривожлантириш
йўллариини излади. Унинг тадқиқотлари натижалари «Зарафшон
округида жун етиштириш тўғрисида ёзувлар»да акс этган.²

Кейинроқ, 1870 йилда ҳарбий инженер-капитан Боголевский
Зарафшон дарёсига кўприклар қуриш имкониятларини кўриб
чиқди. Округ муҳандислик ишлари мудирини бўлган бу ҳарбий ин-
женер ўша йилиёқ тоғ ишлари бўйича махсус топшириқлар
амалдори Татариновга Зарафшон дарёсига кўприк қуришга мос
жой топиш учун асбоб ва бурғулаш ишлари билан таниш бир на-
фар ишчи юборишини сўраб мурожаат қилади. Бу ҳақда Турки-
стон ҳарбий округи муҳандислари бошлиғи вазифасини бажарувчи-
га хабар бергач (действительный статский советник), Татаринов
баҳоргача бурғулаш ишларига эҳтиёж йўқлиги туфайли Боголев-
скийга ускуналардан ташқари, тоғ ишчиси ва геология, минера-
логия ва тоғ ишлари билан таниш тоғ уставшигини ҳам жўнатиш
имконияти борлигини тушунтирди.³

Албатта, Татариновни аҳоли учун зарур бўлган кўприклар
қурилиши эмас, ўзи таъкидлаганидек, Зарафшон водийси қазил-

¹ Иванов Д. Л. («Прохорович»). Самарқанд и его древние здания, Ж. «Нива»
1871: Самарқанд, гл. I—III, гр. «Беседа», 1872 г. Книга IV, V, VIII, IX в отделе
«Русская земля», «Туркестанский сборник», т. 77, СПб., 1873. Б. В. Лунин. Узк.
работа. с. 37, 288.

² Уз М. Д. А., ф. 5, опис I, дело 12, Л., 101—117.

³ Уз М. Д. А., ф. 5, Опис I, дело, 44, л. 3.

ма бойликлари қизиқтирарди. Зарафшон округи бошлиғига юборган шахсий хатида у шундай деб ёзганди:

«...Мен шунингдек уддабурон кишини ҳам юборишга қарор қилдим. У имкони борича Самарқанд атрофининг геологик тузилишини ўрганиш ва кўприк қуриш учун қурилиш материаллари излаш билан бирга бошқа фойдали қазилмалар жойини кўрсатиши лозим... агар тошқўмир кони чиқишига умид туғилса, уни амалга ошириш учун ўзим бораман ёки муҳандис юбораман».¹

Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олган дастлабки даврида ноқ, чор ҳукумати Амир Темурнинг кутубхонасини излашга катта эътибор берди. Туркистон вилоятининг ҳарбий губернатори ўз рапортида (1866 йил 17 январь) шошилинич чоралар кўргани, хусусан, Бухорога Самарқанд орқали қатновчи тошкентлик савдогар бойларга, эҳтимол Самарқанднинг қаеридадир яширин ётган Темур кутубхонасини қидириш бўйича кўрсатма берганини хабар қилади.

Кейинроқ, 1868 йилдан бошлаб, машҳур рус ориенталисти А. Л. Кун турли вақф ҳужжатлари йиға бошлайди. У ўзи йиққан 150 дан кўпроқ қимматли ҳужжатларни рус тилига ўғирди ва умумлаштира бошлади. 1870 йили генерал-губернатор фон Кауфманнинг топшириғига кўра, А. Л. Кун Ўрта Осиё тарихида биринчи бўлиб Зарафшон водийсида қазилма ишларини олиб бориб, қадимий обидаларнинг қолдиқлари, тангалар ва бошқа ашёларни тўплади.² Архив материалларининг гувоҳлик беришича, А. Л. Кун кўплаб қадимий топилмалар тўплаган. Булар 1871 йилнинг май ойида Самарқанддан Тошкентга, сўнг у ердан Россияга жўнатилган. А. Л. Куннинг бу топилмалари Петербургда Эрмитажда кўргазмага қўйилиши лозим эди.³

Шуни ҳам айтиш лозимки, А. Л. Кун қазилма ишлари ва археологик материалларни ўрганиш ишларига маҳаллий аҳолининг билимдон вакиллари ҳам жалб этган. Масалан, Мирзо Мулла Абдурахмон ибн Муҳаммад Латиф (тарихий адабиётда Мирзо Самарқандий номи билан машҳур), Мухтожир Самарқандий шулар жумласидан. Самарқандлик Мирзо Мулло Абдурахмон А. Куннинг (1840—1888 й.) яқин дўсти ва таржимони эди. Мирзо Самарқандий А. Куннинг 1870 йилги Искандаркўлга экспедициясида ҳамроҳлик қилган эди. У сафар таассуротлари асосида «Рўзномаи сафари Искандаркўл» («Искандаркўл сафари кундалиги») ни ёзди.⁴ Унда Зарафшон дарёси юқорисидаги Панжикентдан то Палдарагача, Яғнобдан Искандаркўлгача бўлган барча аҳоли масканларининг тавсифи берилган, «Кундалик» да мазкур жойларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, халқ турмуши, тили ва анъаналари тўғрисида муҳим маълумотлар ва баъзи археологик фактлар бор.

¹ Ўз МДВ, ф. 5, опис. I, дело 44, л. 5.

² Ўз МДА, ф. 5, опис I, дело 54, л. I.

³ Уша ерда, ф. 5, опис I, л. 54, л. л. 6, 8, 9.

⁴ Мирза Самарқандий. Дневник Искандеркульской экспедиции. Ленинградский филиал ИВ Ан. Рук. ИИВ, Д—133.

«Кундалик» нинг асосий қиймати шундаки, унда у ёки бу маълумотнинг қаердан олингани ва қачон ёзилгани кўрсатилган. Мирзо Самарқандий «Кундалик» ни 1870 йил 30 апрелида Панжикент шаҳри яқинидаги Рўдак қишлоғидан бошлаб, 1870 йилнинг 29 июнида Самарқандда тугатган.

«Кундалик» нинг кириш қисмида асарнинг мақсади баён қилинган ва у 1870 йилнинг 1 июнида Самарқанд шаҳрида ёзилгани айtilган. «Илова» да эса бой ашёвий материаллар, хусусан, масжид ва бошқа бинолар деворидаги битиклардан кўчирмалар, қабртош ёзувлари ва йўл кўрсаткичларидан, экспедиция йўлида учраган бошқа турли ёзувлардан кўчирмалар, Фалғар ва Матчоҳ районларидаги аҳоли орасида тўпланган лапар ва қўшиқлар келтирилган.

«Кундалик» нинг муаллиф қўлёзмаси А. Кун томонидан қисман рус тилига ўгирилган. Мирзо Самарқандийнинг бизгача етиб келган иккинчи асари 1872 йили ёзилган. «Москва экспедицияси кундалиги» (Рўзномаи сафари Маскоб) асаридир¹. Асар Мирзо Самарқандий ва А. Куннинг «Табиятсеварлар жамияти» таклифи билан Россия Политехника институти Пётр I туғилган куннинг 200 йиллигига бағишлаб уюштирган кўргазмада қатнашиш учун Москвага саёхати натижасида юзага келди. «Кундалик» да Россиянинг маданият ва халқ хўжалигидаги ютуқлари муфассал ёритилган. Айниқса, кўргазманинг Туркистон бўлими иши кенг ёритилган. Бу бўлим шуниси билан жозибали эдики, у Шердор мадрасасини эслатувчи айвон — павильонда жойлашган эди.

Олим ва таржимон Мирзо Мулло Абдурахмон Самарқандийнинг бизгача етиб келган қўлёзма асарлари Ўрта Осиё халқларининг тарихи, тили, этнографияси ва археологияси бўйича қимматли манба ҳисобланади².

А. Л. Кун тадқиқотларининг энг муҳим натижаси шуки, 1871—1872 йилларда, Туркистон ўлкасининг археологик альбомини тузиш мақсадида Самарқанд обидалари суратга олинди³.

1870 йилда Пермь бойлари — ака-ука Каменскийнинг ишончли вакили Семён Ляхтин Зарафшон воҳасидан 109 пуд, 0,5 фунт ҳар хил археологик топилмалар ва кўплаб қадимий Шарқ қўлёзмалари тўплаб, Петербург Императорлик археология жамияти ва жамоат кутубхонасига ва Москвадаги аниқ фанлар ишқибозлари жамиятига топширди.⁴

Бироқ, шунақа савобли ишлар билан бир қаторда, Зарафшонда ҳам бутун ўлкада бўлгани каби, рус амалдор, офицер ва савдогарлари ўртасида қадимий ноёб нарсаларга бўлган ға-

¹ Мирзо Самарқандий. Рўзноми виставкаи Маскоб. ФА ИШ Ленинград филиали. Қўлёзма, инвентар № 8806.

² Мирзо Абдурахмоннинг қўлёзмалари тўғрисида тўлароқ маълумотлар олиш учун қаранг: Н. Д. Миклухо-Маклай. Описание таджикских и персидских рукописей ИВ АН. М.-Л., 1955, 100—102-бетлар.

³ Массон М. Е. Краткий очерк истории изучения Средней Азии в археологическом отношении. СамДД илмий асарлари, XXXI; 1956 йил, 9-бет.

⁴ Уз МДА, ф. 5, опис I, дело 54, л 12.

разли қизиқиш кучайди. Улар ҳар хил йўл ва усуллар билан қадимий нарсаларни қўлга киритишга уриндилар. Мақсадлари — кейин уларни қимматга сотиб бойиш эди. Масалан, А. Кун генерал Абрамовга юборган мактубларидан бирида маҳаллий миллат вакилларидан уч киши унинг илтимосига кўра, Бухородан қадимий олтин ва бошқа металллардан зарб қилинган тангалар олиб келгани, бироқ, бир хил нарх таклиф қилинганига қарамай, улар тангаларни А. Кунга эмас, кейин қимматига сотиш умидида бўлган Самарқанд бўлими бошлиғи подполковник Серовга сотишганини ёзади ва Абрамовдан чор амалдорларининг қадимий ёдгорликлар билан чайқовчилик қилишининг олдини олиш бўйича чоралар кўришини сўрайди. Абрамов жавобида А. Кун бу масалада ҳақ эканини таъ олса-да, бу ишга аралаштиришдан қатъий бош тортади ва чор амалдорларининг хусусий мулкига тегиб бўлмаслигини таъкидлайди¹.

Генерал Абрамовнинг ёдгорликларни талашга сукутли розилиги рус амалдорларини янада «йирик» ишларга руҳлантирди ва уларнинг баъзилари археологик топилма нималиги хусусида тасаввурга эга бўлмагани ҳолда Самарқанддаги Афросиёбни қазиб, талашга тушди. Бу талончиликни чеклаш мақсадида Туркистондаги чор ҳукумати 1871 йил 3 мартда 942-сонли махсус ҳужжат чиқаришга мажбур бўлди. Унга кўра, шахсан Кауфманнинг руҳсатисиз ҳеч қанақа қазиниш ишларини амалга ошириш мумкин эмас эди². Бироқ, бу кўрсатма кам самара берди ва чор ҳукумати кейинроқ, 1879, 1882, 1892 йилларда ҳам шунга ўхшаш қарорлар қабул қилди³.

Рус жўғрофия жамияти топшириғига кўра, 1874 йилнинг ёзида Н. П. Барбот де Марни Зарафшон воҳасида геологик кузатишлар олиб борди. Унинг натижалари умумлаштирилмаган, қўлёзма ҳолда баён қилинган, холос⁴.

Г. Д. Романовский ва И. В. Мушкетовларнинг 1874 йилда ўтказган фойдали қазилмаларни қидириш ишлари катта илмий аҳамиятга эга. Уларнинг тадқиқотлари натижалари 1878 йилда эълон қилинди⁵. 1886 йилда эса бу материаллар И. В. Мушкетовнинг «Туркистон¹» асарида илмий жиҳатдан умумлаштирилди⁶.

1875 йили Афғонистон — Бухоро чегарасида юзага келаётган воқеалар муносабати билан Кауфман буйруғига кўра ҳарбий топографик характердаги экспедиция уюштирилди. У икки ой давомида Ҳисор ва Қўлоб районларида бўлди. Экспедиция аъзолари, Туркистон ўлкаси статистика кўмитаси раиси Н. Маев (раҳбар),

¹ Уз МДА, ф. 5, опись I, дело 54, л. 11.

² Уз МДА, ф. 5, опись I, дело 54, л. 3.

³ Массон М. Е. Кўрсат. асар, 9-бет.

⁴ Саидов А. К истории географического изучения Зарафшанской котловины. Вестник ЛГУ, 1963, № 18.

⁵ Романовский Г. Д. Материалы для геологии Туркестанского края, вып. I—III, СПб, 1878.

⁶ Мушкетов И. В. Туркестан, т. I, СПб, 1886 й.

подпоручик Вишневский ва астроном Шварц Ҳисорнинг муҳим районларида бўлдилар, уларгача бу жойларга биронта Оврупаликнинг оёғи етмаган эди. Улар Дарвоза ва Кунлуз чегарасигача етиб боришди. Экспедиция қайтиши билан Вишневский Ҳисор, Кўлобнинг, Зарафшоннинг юқори қисми ҳамда дарали тоғ районларининг муфассал харитасини чизди ва олимларни ҳали номаълум маълумотлар билан таништирди. Н. Маев экспедиция ўтган жойларнинг тарихий, антропологик ва топографик тафсилотини тузди, астроном Шварц эса Ҳисор ва Кўлоб районларида 14 та астрономик кузатув пунктларини белгилади¹.

1878 йилда аниқ фанлар, антропология ва этнография ишқибозлари Туркистон бўлимининг биринчи илмий экспедицияси уюштирилди. В. В. Бартольднинг айтишича, бу бўлим 1870 йилда иш бошлаган². Экспедиция таркибида олимлар В. Ф. Ошанин (бўлим котиби, раҳбар), Г. Е. Родионов (топограф) ва М. И. Невеский (ботаник) бор эди. Экспедициянинг вазифаси Қоратёгин ва Амударё юқори қисмини тадқиқ этиш эди. 1878 йилнинг 25 июлида экспедиция Самарқанддан жўнаб кетди ва йўл-йўлакай Қоратёгин ва Дарвоза ҳудудларининг бир қисмини текширди. Сўнг Селсув водийси юқорисида улкан тоғ музлигини топди ва бу музлик юқорида эслатганимиздек, олим А. П. Федченко номига қўйилди³. Бу музлик — Зарафшон дарёси сув манбаидир, дарё сувининг оз-кўп бўлиши, воҳанинг сув билан қанчалик таъминланиши шу музликнинг эриши ҳажмига боғлиқ.

М. Невеский экспедиция мобайнида Самарқанд табиати, ўсимликлар дунёси ҳақида жуда қимматли маълумотлар тўплади. Унинг 1894 йили эълон қилинган асарида воҳада ўсувчи 25 хил дарахт ва буталар рўйхати, мевали дарахт ва буталарнинг пайвандланган (интродукцияланган) турлари номи келтирилган.

Рус олими В. М. Ошаниннинг иккинчи йирик саёҳати 1879—1905 йилларга тўғри келади. Бу саёҳат давомида асосан ҳашаротлар тўпланиб, энтомологик тадқиқотлар ўтказилди. 1884 йилнинг июнида у Тошкент гимназияларидан бири ўқувчиларининг Зарафшон водийсига экскурсиясини уюштирди. Унинг маршрути Тошкент, Мирзачўл, Уратепа, Жиззах, Самарқанд ва Наманган орқали ўтган эди. Олим ва унинг шогирдларини деҳқонларнинг сўғориш шохобчаларини қуриш ва фойдаланиш санъати, маҳаллий аҳолининг ҳўжалик юритиш фаолияти, табиий шароит ва ҳайвонот олами қизиқтирарди.

Зарафшон водийси Ошанинда кучли таассурот қолдирди. У шундай деб ёзади: «Зарафшоннинг ҳар икки қирғоғи бир-бири билан тутшиб кетган қишлоқлар ва боғ-роғлар билан тўла, гўё бу ерларда эни 25 чақирим, узунлиги беҳад бўлган битта шаҳар турганга ўхшайди. Бу ерлар табиатан ҳосилдор, нам кўплиғи ту-

¹ Мушкетов И. В. Туркестан, т. I, СПб, 1986 й.

² «Туркестанские ведомости» рўзномаси, 1875 йил, 26 октябрь сони.

³ Луин Б. В. Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность. Ташкент, 1962, стр. 100.

файли қора кўринадиган лёссдан таркиб топган. Зарафшон бу ерларни «хоритмайди», ўзи билан олиб келаётган кўплаб минерал жинсларни бу ерга бериб, озиклантиради!...»

В. Ф. Ошанин Самарқанд тўғрисида чуқур ҳурмат билан гапиради. У Самарқанд ва унинг атрофи қалин дарахтзорлар билан қоплангани туфайли, иссиқ бу ерда Тошкентдагидек кучли сезилмаслигини ёзади. Уни айниқса, Абрамов хиёбони (ҳозир Горький номида) ва истироҳат боғи ҳайратга солади. «Боғ ва хиёбонга,— деб ёзади Василий Федорович,— нафақат Тошкент, Петербург ҳам ҳавас қилса арзийди». Олим, шунингдек, Самарқандда боғдорчилик ва узумчилик жуда ривожланганини ёзади.

В. Ф. Ошанин асарларидан Зарафшон воҳасида пахтачилик ва ипакчиликни ривожлантириш бўйича бир қатор фойдали маслаҳат ва тавсияларни топиш мумкин.

1879 йил қурилажак темир йўл йўналишини белгилаш ва Амударёда кемалар юриши имкониятларини аниқлаш учун ўтказилган комплекс экспедиция ҳам улкан ишларни бажарди². Бу экспедиция таркибига граф Ростовцев, инженер Ляпунов, профессорлар Сорокин ва Мушкетов, мусаввир ва адиб Н. Н. Каразин, инженер Э. О. Соколовский, мусаввир Симаков, подполковник Н. Маев, Луневич, Крегмейр, доктор Валицкий, зоолог Пельцам ва бошқалар кирди. Экспедиция икки гуруҳда икки йўналиш бўйича иш олиб борди. 1879 йилнинг июнида экспедициянинг барча аъзолари Самарқандда йиғиладилар. Бир гуруҳ чўл билан Қаршига йўл олади ва қуруқлик йўлини ўрганади, иккинчи гуруҳ Китоб, Шаар, Ёртепа, Қалтанор орқали Дарбандга боради, деб қарор қилинади. Дарбандда учрашгач, гуруҳлар яна дастурга мувофиқ тадқиқотларни алоҳида-алоҳида олиб боришга келишадилар. Аҳолининг турмуш тарзини ўрганиш Н. Н. Каразинга топширилди. У экспедициянинг муфассал йўл журналини тўлдириб бориши лозим эди. Мусаввир Н. Е. Симаков эса Шаарда бўлгач, Самарқандга қайтиши ва уч ҳафта мобайнида тарихий обидаларни, асосан, Гўри Амир, Шоҳи Зинда, Бибиҳоним ёдгорликларини ўрганиши ва нусха кўчириши лозим эди. Бу экспедиция якуни бўйича катта ҳажмда маълумотлар тўпланди ва улар Туркистон ўлкасини ўрганишда муҳим аҳамият касб этди.

Ўлканинг рус олимлари томонидан мунтазам ўрганилиши 1878 йилдан бошланди. Самарқандда (1878 й.), Панжикент, Жиззахда (1881 й.), Каттаўрғонда (1901 й.), Красногвардейскда (1909 й.) метеорологик станциялар ташкил қилинди³. Бу станцияларини кенг қамровли маълумотлари эса кейинчалик Урта Осиёнинг иқлим харитасини чизган Л. А. Молчанов томонидан ишлаб чиқилди⁴.

¹ «Ленинский путь» рўзномаси. 1969 йил, 19 декабрь, 250-сон.

² «Туркестанские ведомости», 1879 йил, 32-сон.

³ Материалы для статистики Туркестанского края. СПб. Изд. Турк. стат. комитета, под ред. Н. А. Маева, вып. IV, 1876 й. 134-бет.

⁴ Молчанов Л. А. Климатич. районирование Туркестана. Статистич. ежегодник. 1917—1923 гг. Т. I, Ташкент, изд. ТЭС, 1924 г.

1887 йилдан бошлаб Туркистон генерал-губернатори ва яна уч маҳаллий вилоят ҳарбий губернаторлари ҳузурида статистика қўмиталари тузилди. Уларнинг тарихий ролини Самарқанд вилоят статистика қўмитаси мисолида кўриш мумкин¹. Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низомнинг 55-моддаси ва Туркистон ўлкаси бўйича 1887 йил 29 август ва 1 октябрдаги буйруқларга кўра, Самарқанд вилоят статистика қўмитаси тузилди. У губерня статистика қўмиталари ҳақидаги Низомга кўра ишлаши лозим эди². Статистика қўмитаси ҳукуқи, вазифалари, бюджети ва таркибига кўра давлат муассасаси бўлса-да, у ерда асосан чор ҳукумат аппаратининг қўйи звеноси ва маҳаллий фаол ўлкашунослар тўпланган эди. Самарқанд қўмитасига ўз маъмурий вазифасига кўра учта доимий аъзо ва маҳаллий амалдорлардан 29 нафар ҳақиқий аъзо кирарди. Унинг доимий котиби ва бош ташкилотчиси М. Вирский эди. Граф К. Пален уни унвони юқорироқ киши билан алмаштиришни таклиф этган. Унингча, Вирский ўз маълумоти ва дунёқарашига кўра бу вазифага, ҳукумат талабига мос эмас эди³. Ҳақиқатда эса гап статистика қўмитасининг тузилишида эмас, балки иш услубида эди. Қўмита котиби М. Вирский, маҳаллий ўлкашунос олим В. Л. Вяткин, В. П. Наливкин ва бошқалар кўпроқ фан ва ўлкашунослик билан шуғуллана бошладилар. Бироқ, бу расмий ҳукумат вакиллариининг фикрича, статистика қўмитаси вазифасига кирмасди. К. Паленнинг фикрича, қўмита асосан Самарқанд вилоятидаги барча тармоқлар бўйича иқтисодий ва ҳўжалик ҳаётига онд маълумотларни тўплаши ва шу асосда, ҳарбий губернаторлар ҳисоботиға илова сифатидаги ҳисоботлар ёки статистика обзорлари тайёрлаш билан шуғулланиши лозим эди.

То 1891 йилгача, дейилади К. Паленнинг тафтиш ҳисоботида, қўмита бу вазифани яхши бажариб келди. 1891 йилдан кейин қўмита фаолияти кўп томонлама кенгайди, нафақат обзор учун зарур бўлган, балки ўта илмий материалларни тўплай бошлади, тарихчилик ва маърифатчилик билан шуғуллана бошлади. Бу Россия ҳукумати манфаатларига зид эди. Хусусан, 1907 йил бошларида Самарқанд вилояти статистика қўмитаси кутубхонасида 2505 номда 4877 нусхада китоб бор эди. Фақат 1906 йилда кутубхонага 167 номдаги 299 нусхада китоблар келтирилганди. 1908 йилда унда 2672 номдаги 5168 нусха китоб бор эди. Уша даврга нисбатан бу катта кутубхона эди.

В. Л. Вяткин илмий ва ижтимоий фаолият билан бир қаторда баъзи нашрларга муҳаррирлик ҳам қилган. 1900—1907 йилларда у «Самарқанд вилояти обзори» дан ташқари, С. А. Лагин ёзган

¹ Луния Б. В. Из ист. деят. статистического комитета Туркестана. Обществ. наука в Узбекистане. № 6, 1962, с. 34.

² ЦГАИАЛ СССР, ф. 1290, опись 2, л. 285.

³ Пален К. Областное управление. СПб. 1910, стр. 313—314.

«Русча-ўзбекча луғат» нинг 1-, 2-, 3-нашрларига муҳаррирлик қилди. Луғатнинг 3-нашри 1907 йилда «Русская окраина» босма-хонасида 3000 нусхада нашр этилди¹.

Вилоят стат. қўмитаси бошқарувчи аъзолари ташаббуси билан 1908 йили Самарқанднинг эски шаҳар қисмида махсус кутубхона очилди. У Шердор мадрасаси биносида жойлашган бўлиб, мудирини В. Л. Вяткин эди². Кутубхона асосан чоризм олимларига, баъзан мусулмон аҳолига хизмат кўрсатарди. Кутубхона ўлканинг энди шаклланиб келаётган демократ зиёлилари — жадидлар тўпланиб, мунозара қиладиган маърифат маркази эди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, статистика қўмитаси тўплаган барча материаллар, 1908 йили тафтиш қилган сенатор К. Пален айтганидек ўртача, тахминий эди. Самарқанд вилояти статистика қўмитаси Россиянинг бошқа губернияларидаги Ер ишлари статистика қўмиталарига ўхшаган идора эди. Унинг баъзи маълумотлари аниқлиги ва тўлиқлиги жиҳатидан Фарбий Оврупо статистикасидан аълороқ эди. Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, бу маълумотлар ҳозирги пайтда тадқиқотчилар учун жуда қимматли ва ҳатто, Зарафшон воҳасининг 1887 йилдан то Октябрь тўнтарилишигача бўлган даврдаги ижтимоий-иқтисодий тарихини ўрганишининг ягона манбаи бўлиб қолмоқда.

Статистика қўмитаси ўз фаолиятининг дастлабки кунидан бошлаб Самарқанднинг 20 йиллик, яъни, Россиянинг уни босиб олган даври тарихини ёзишга уринди. Бу вазифа қисман бажарилиб, материаллар матбуотга тавсия этилди. Бироқ, тасодифанми, атайлабми, Самарқанд шаҳри собиқ штаб бошлиғи (унга қўлёзма танишиб чиқиш учун берилганди) уни йўқотиб қўйди. Кейин, қўмита Самарқанд тарихий ёдгорликларини тасвирлаб, шу асосда қисқача лавҳа чоп этишга қарор қилди.

Кейинги йилларда қўмита анча қимматли маълумотлар тўплади ва ўз вақтида кўпгина атоқли шарқшунослар аҳамиятини таъкидлаган илмий статистика мақолаларини чоп этди. 1890 йили қўмита «Самарқанд вилояти статистикаси учун материаллар тўплами» ни нашр этди. Бу тўпланда илк бор Зарафшон воҳасининг 1887—1888 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволини кўрсатувчи баъзи рақамлар берилган эди. «Тўплам» дан, шунингдек, қишлоқ хўжалиғи, маориф, жўғрофия ва ўлка суғориш тармоқлари тўғрисидаги ўлкашунослик руҳидаги бир қатор мақолалар ҳам ўрин олганди³. 1889—1912 йилларда қўмита «Самарқанд вилояти обзорлари» нинг 23 тўпламини нашр қилди (Самарқанд—1890—1913 й.й.). Кейин «Самарқанд вилояти маълумотномаси»⁴, «Самар-

¹ ЦГИАЛ СССР, ф. 1396, опись 1, дело 62, л. 116.

² ЦГИАЛ СССР, ф. 1396, опись 1, дело 103.

³ Сборник материалов для статистики Самаркандской области. Самарканд, 1890 г.

⁴ Первые три выпуска «Адрес-календарь Самаркандской области» (1883—1914 гг.) издавались отдельно от справочника «Самаркандской области», а с 1899 г. он никогда не включался в содержание справочника, а издавался отдельно.

қанд вилояти» манзиллари-календарлари»¹ нинг 17- чиқарилишини эълон қилди. Бундан ташқари, қўмита М. Вирский тузган «Туркестанский коммерческий адрес-календарь в 1898 г.» ни ҳам чоп этди².

Бу манзил-календарда Самарқанд, Фарғона, Сирдарё вилоятлари ва Бухоро хонлигининг савдо-саноат фирмалари тўғрисида жуда қимматли маълумотлар бор. Бундан ташқари, М. Вирскийнинг баъзи асарлари Самарқанд статистика қўмитаси ташкил этилишидан олдин нашр қилинганди. Уларда Зарафшон водийси аҳолисининг антропологияси (юз тузилиши), турмуш тарзи, умуман этнографияси бўйича қизиқарли маълумотлар бор эди.

М. С. Андреев³, М. Вирский⁴, И. М. Слуцкий⁵, Н. В. Поздняков⁶, Н. С. Ликошин⁷, Ф. Поспелов⁸, В. Л. Вяткин⁹ ва бошқаларнинг тарихий-иқтисодий характердаги ва баъзи аҳоли пунктларининг маданий турмуш шароитини ёритувчи турли матбуот органлари ва тўпламларда чоп этилган илмий ишлари диққатга сазовордир.

Самарқанд ўлкашунослари М. Вирский¹⁰, И. П. Петров¹¹, В. Л. Вяткин¹² ўлканинг вақф ҳужжатларини ўрганиш бўйича бир қатор мақолалар эълон қилишди. Ю. О. Якубовский¹³, Н. А. Кирпичников¹⁴, Ф. Поспеловларнинг¹⁵ асарлари эса Самарқанд вилояти ҳунармандчилиги тарихи ва аҳволига бағишланган эди.

¹ Справочники Самаркандской области. Самарканд, I—X, 1893—1912 гг.

² Вирский М. Сведения о Зарафшанском округе, см. Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник, вып. IV, 1876 г. стр. 10—122. Он же, о Самаркандском крае и его обитателях таджиках. Известия общества любителей естественная, антропологии и этнографии, вып. XXXV, 1879 г.

³ Андреев М. С. «Исторические заметки о Ходженте», СКСО за 1966 г.

⁴ Вирский М. Очерк Яны-Курганской волости Джизакского уезда Самаркандской области по данным земельно-податных работ. СКСО за 1912 г. Хлопководство и хлопковая промышленность Самаркандской области. СКСО за 1897 г.

⁵ Слуцкий И. Краткий очерк Самаркандского виноделия в связи с виноградарством. Очерки хлопководства Самаркандской области. СКСО за 1897 г.

⁶ Поздняков Н. В. Русские поселки в Голодной степи Самаркандской области в 1898—1899 гг. СКСО за 1897 г. Культура риса и ее экономическое значение в Самаркандской области, СКСО за 1907 г.

⁷ Ликошин Н. С. Чапкулукская волость Ходжентского уезда Самаркандской области. Опыт исследования экономических и бытовых условий жизни ее населения. СКСО за 1906 г.

⁸ Поспелов Ф. Шелководство Каттакурганского уезда. Ж. «Туркестанское сельское хозяйство». 1909 г. № 6. Птицеводство в Каттакурганском уезде. Ж. «Туркестанское сельское хозяйство» 1910, № 4—5.

⁹ Вяткин В. Л. О борьбе с саранчей в Самаркандской области с 1890 по 1909 гг. СКСО, X, 1912 г.

¹⁰ Вирский М. Медресе и мечети Самарканда и их вакуфы. Материалы для статистики Туркестанского края, IV, 1876 г.

¹¹ Петров И. П. О вакуфах в Самаркандской области. «Юридический вестник», 1891 г. кн. 2.

¹² Вяткин В. Л. О вакуфах Самаркандской области, СКСО, IX, 1907.

¹³ Якубовский Ю. О. Переплетное ремесло у туземцев Самарканда, СКСО, 1896 г.

¹⁴ Кирпичников Н. А. Краткий очерк некоторых туземных промыслов в Самаркандской области, СКСО, V, 1897 г.

¹⁵ Поспелов Ф. Кустарная промышленность в Каттакургане. Ж. «Туркестанское сельское хозяйство», 1912, № 8.

В. Л. Вяткиннинг (1859—1932 й.) инқилобгача нашр этилган илмий асарлари энг қимматли манбалардир¹. В. Л. Вяткин ўз ҳаётини, куч-ғайрати ва билимини инсонларга бағишлаган йирик рус олими эди. Унинг археологик мактаби ҳам, устозлари ҳам йўқ эди. У мустақил ўқиган билимдон, иқтидорли ўлкашунос эди. Шунинг учун ҳам археологик қазилмаларни у «фан ўргатгандай» эмас, ўзича олиб борарди. В. В. Бартольд айтганидек, у «Самарқанд обидаларининг ажойиб билимдони» эди.

Василий Лаврентьевич Вяткин Самарқандга Тошкент ўқитувчилар семинариясини тугатгач келган эди. Ўзбек, форс, тожик каби бир неча тилларни мукаммал билган ёш олим шаҳарнинг тарихи, ноёб қўлёзмаларини, вақфнома, халқ афсона ва дostonларини йиғиш ва таржима қилиш билан шуғулланди. Булар унга ҳанузгача ўз қимматини йўқотмаган илмий асарлар ёзиш имконини берди.

У тарих, иқтисод, маданият, этнография билан қизиқди. Мир Абу Тоҳир хожа Самарқандийнинг «Самария» сани русчага таржима қилди². Сўнг Имом Абдулфозил Муҳаммад бин Абдужалил бин Абдумалик бин Ҳайдар ас Самарқандийнинг «Қандийи Хурд» (Кичик Кандия) асари қўлёзмасининг биринчи қисмини таржима қилди³. Бу қўлёзма Самарқанднинг турли мазорлари баённи ва шаҳар тарихига оид бир қатор қимматли маълумотларини ўз ичига олган. Кейин у «Бобурнома» нинг анча қисмини⁴, Муҳаммад Солиҳнинг «Рисола» сани⁵, Самарқанднинг бунёд этилиши ва тарихига оид афсоналарни таржима қилиб, эълон қилди.

В. Л. Вяткин Самарқанд жойлашувини ҳам ўрганди ва «Самарқанд вилояти тарихий жўрофияси материаллари»⁶ асарида ўз тадқиқотларининг натижаларини баён этди. Бироқ, ёш тадқиқотчига осон бўлмади. Чор ҳукумати тарихий обидалар тақдирига бефарқ қарар эди. В. Л. Вяткиннинг кетма-кет норозиликлари туфайли, айтايлик, ёдгорликларни талаш камайгани, Ашратхона вайрон бўлишининг, Шоҳи Зинда биносида нақшларнинг олиб қўйилишининг олди олиниши каби бир неча ҳолларнинг ўзигина бу олим тўғрисида маълум тасаввур беради.

Самарқанддаги умри давомида В. Вяткин Улуғбек расадхонасини қидирди ва 1908 йили расадхона вайронларини топди.

¹ Бетгер Е. К. Список трудов Василия Лаврентьевича Вяткина. Труды ТашГУ. Археология Средней Азии, Ташкент, 1960, стр. 124—127.

² «Самария». Описание древностей и мусульманских святынь Самарканда. Абу Тахир Ходжа, пер. В. Л. Вяткина, предисловие и примечание переводчика. СКСО, Вып. VI, Самарканд, 1899 г. стр. 153—259.

³ Вяткин В. Л. Кандия Малая, перевод краткой редакции на персидском языке арабского труда Абу Хафса Нажметдина Умара б. Муҳаммад ан-Насафи ас-Самарканди. СКСО, вып. VIII, Самарканд, 1906, стр. 235—290.

⁴ Вяткин В. Л. Самарканд и его окрестности в прошлом по описанию султана Бабур Мирзы. Перевод из «Бобурнаме», СКСО, 1896.

⁵ Вяткин В. Л. «Самаркандский вилоят» (пер. из «Риссоля» Мухаммада Салиха). СКСО, вып. V, 1897 г.

⁶ Вяткин В. Л. Материалы к истории географии Самаркандского вилоята, СКСО, вып. VII, 1902 г.

Расадхона секстанти (Вяткин толган) ҳанузгача ҳам ўрта аср фалакиётшунослари фойдаланган энг қадимги ноёб асбоб ҳисобланади.

У меъморий ёдгорликларни тиклаш, Афросиёбда катта қазиишларини бошлаш, улкан ва бой коллекциялар тўплаб, Самарқандни музей шаҳарга айлантиришни орзу қиларди. В. А. Вяткин орзу қилган ишлар бугунги кунда рўёбга чиқмоқда. Бевақт ўлим олимнинг орзуларини ҳам ўзи билан олиб кетди. Миннатдор самарқандликлар олимни Регистон деворлари пойига дафн этишди, кейинроқ ҳокими Улуғбек расадхонаси ёнига кўчиришди.

Ўрта Осиё, шу жумладан, Самарқандни тарихий-археологик жиҳатдан ўрганишда шарқшунос олим, академик В. В. Бартольд (1869—1930 й.) етакчи ўринни эгаллайди. У Ўрта Осиё халқларининг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганишнинг асосчисидир. 1893 йили Петербург дорилфунуни В. В. Бартольдни қадимий ёзув ва ёдгорликларни жойида ўрганиш учун Ўрта Осиёга йўллади. У ўзининг биринчи маърузасини 1893 йилнинг 11 декабрида аниқ фанлар, Антропология ва этнография ишқибозлари жамияти — Туркистон бўлимининг мажлисида қилди. Унинг маърузаси Хитой ва Ўрта Осиёнинг Еттисой орқали ўтувчи алоқа йўлини ўрганишга бағишланган эди. Бартольд Туркистонда Археология ишқибозлари тўғараги очиниш гоёсини илгари сурди. 1895 йилнинг октябрида унинг раҳбарлиги остида тўғарак низомни тузилиб, тасдиқланди. Бу тўғарак чор ҳукумати томонидан ҳеч қанақа маблағ билан таъминланмасди. 107 нафар тўғарак аъзоларидан 16 нафари унинг ташкилотчилари бўлиб, улар орасида В. В. Бартольд, Д. М. Левшин, Н. С. Ликошин, К. В. Аристов, В. Ф. Ошанин бор эди¹.

Тез орада В. В. Бартольд раҳбарлигидаги бу тўғарак тарихчи ва археологларнинг илмий марказига айланди. В. Бартольд эса бутун Туркистондаги тарихчи ва археологлар фаолиятига раҳбарлик қила бошлади. 1899 йилда Самарқанд, Ашхобод ва Фарғонада тўғаракнинг филиаллари очилди². В. Бартольднинг ёрдамида 1899 йили В. Л. Вяткин «Самария» ва «Бобурнома» нинг таржимасини нашр этди.

В. В. Бартольднинг энг кучли асарларидан бири «Туркистон мўғул босқини даврида» (1898—1900 й.) эди. Бу асар билан В. Бартольд рус фанига Ўрта Осиё тарихини ўрганишда улкан ҳисса қўшди³.

В. В. Бартольд Темур ва темурийлар тарихи билан шуғулланди. Бу масалада у Ҳофиз Абрўнинг асарларини синчиклаб ўрганди ва жўғробиюн ва шарқшунос тарихчилар ўртасида давом этиб келаётган Ўзбой тўғрисидаги кўп йиллик тортишувни ҳал қилди. Асар 1897 йилда чоп этилди. Унда Самарқанднинг XV—XVI аср-

¹ Сағдиев А. Историческая наука прошлого Средней Азии в Туркестане в XIX веке. Ташкент, 1960, стр. 72—74 (на узб. языке).

² Уша асар, 78-бет.

³ Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, часть первая, тексты, часть вторая, исследование. СПб. 1898—1900 гг.

лардаги тарихий-жўғрофий жойлашувига етарли тавсиф берилган.

Самарқанддаги Бибиҳоним масжидининг қуриб битказилганининг 500 йиллиги муносабати билан (1399—1899 й.) В. В. Бартольд Самарқанд ва Туркистон ўлкасининг бошқа районларидаги тарихий обидаларни сақлаш ва тузатишга бағишланган махсус илмий мақола ёзди. Бу инқилобгача бўлган даврдаги Туркистон ўлкаси тарихий ёдгорликларини қуриқлаш ва тиклаш юзасидан бўлган биринчи уриниш эди.

1896—1901 йилларда В. Бартольд Петербург дорилфунунда ишлаганида Урта Осиё тангаларидан коллекция тўплаган, у ерда Самарқанд дирҳамларига алоҳида ўрин берилган эди. В. В. Бартольд илгари фанга маълум бўлган ва маълум бўлмаган Самарқанд дирҳамлари ҳақида қатор мақолалар эълон қилди. Бу мақолаларда Самарқанд аҳолисининг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти акс этган эди.

В. В. Бартольднинг «Улугбек ва унинг даври»¹, «Туркистонда сўғориш ишлари тарихига оид»² ва бошқа ажойиб асарлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Олимнинг шогирди, СамДД профессори, марҳум И. И. Умняков гувоҳлик берганидек, В. В. Бартольд ўзи танлаган соҳасида ўчмас из қолдирадиган кишилар сирасига киради. Унинг илмий қизиқишлари қамрови жуда кенг эди. Ўз асарларида у Яқин ва Урта Шарқ ва айниқса, Марказий Осиёнинг ўрта аср тарихини, ислом тарихини, қадимги Араб халифалиги тарихини, Эрон ва Афғонистон тарихи ва филологиясини, тарихий жўғрофияни, Хитой ва Кавказ орти тарихини, туркий ва мўғул халқлари филологияси ва этнографияси тарихини, мусулмон эпиграфия ва нумизматикасини, манбашунослик, рус ва жаҳон шарқшунослиги тарихини қамраб олади³.

Б. Ғ. Ғафуров, И. И. Умняков ва бошқа шарқшунос олимларнинг таклифига кўра, 1962 йили Москвадаги Шарқ адабиёти нашриётида академик В. Бартольднинг 10 жилдлик асарлари тўплами чоп этилди. Уни нашрга тайёрлашда таҳрир ҳайъати Бартольд асарларини нашр этиш бўйича бош таҳрир ҳайъати аъзоси бўлган профессор И. Умняков тузган «Академик В. В. Бартольд асарларининг тавсифланган библиографияси» дан кенг фойдаланган⁴. Профессор И. И. Умняков Ленинград, Москва, Тошкент архивларидан мисқоллаб материал тўплади ва натижада В. В. Бартольднинг 460 дан ошиқ номдаги чоп этилган асарини библиографияга киритди. Бундан ташқари, И. Умняков рус қомусий

¹ Бартольд В. В. Улугбек и его время. Записки Российской Академии наук, VIII серия, том XIII, № 5, Пг. 1918 г.

² Бартольд В. В. К истории орошения Туркестана. Журнал «Сельское хозяйство и лесоводство», 1913. Отдельный оттиск ГУЗ и земельных улучшений. СПб., 1914 г.

³ Умняков И. И. Аннотированная библиография трудов академика В. В. Бартольда. Труды СамГУ, Новая серия, выпуск 136, Самарканд, 1964, стр. 33.

⁴ Ценная работа о великом ученом. «Ленинский путь». 1964 йил, 30 октябрь сони, 195-сон.

луғатларидаги 28 мақолани, «Ислом қомуси» даги 246 мақолани ҳисобга олди. И. Умняков В. Бартольднинг «Диссертация химояси олдидаги нутқ», «Туркистон мўғул боққини даврида» нинг 5 бобини, Самарқандда 1894 йил январдан чиқа бошлаган «Оқранна» рўзномасида босилган бир қанча публицистик мақолаларини топди ва библиографияга киритди. Уша даврларда Самарқанд Бартольднинг асосий ўрганиш объекти эди, улар В. Вяткин билан Афросиёбда қазилма ишларини олиб боришар, Урта Осиё тарихий обидаларини қўриқлаш ва тиклаш ишлари билан шуғулланишарди.

Шу ерда бизнинг тарихий адабиётимизда фаолияти тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган рус ўлкашуноси Ю. И. Бржезицкий хусусида тўхталиб ўтиш жоиздир.

Ўтган асрнинг то 90-йилларигача маҳаллий деҳқонлар қутиларда боқиладиган асаларичилик билан кам шуғулланар эдилар. Панжикентда хизматда бўлган Ю. Бржезицкий маҳаллий аҳолини бу ишга ўргатишга қарор қилди. Бунинг учун у ойна қути сотиб олди ва деҳқонларга ариларни парваришлашни ўргатди. 1890 йили уни Самарқандга ўтказишди. Бу ерда ҳам у сеvimли иши билан шуғулланди. Асаларичиликни ривожлантиргани учун у 1890 йили Самарқанд ипакчилиги ва асаларичилик кўргазмасининг олий мукофоти билан тақдирланди. 1909 йилги Туркистон қишлоқ хўжалиги, саноат ва илмий кўргазмасида эса у Лангбракнинг «Пчела и улей» китобини маҳаллий тилга ўгиргани (1910 йили Самарқандда чоп этилган), қутили асаларичиликдаги кўп йиллик фаолияти учун катта олтин медаль билан мукофотланди.

Бржезицкий Самарқандда маданият ва маориф муассасаларини очишга ҳам катта ҳисса қўшди. Маълумки, Самарқанддаги музей 1874 йилда очилган ва 10 йил ўтгач, коллекциялари Тошкентга бериб юборилганди. Музейнинг иккинчи туғилиши 1896 йилга тўғри келади. Музей ва кутубхона биносини қуришни Бржезицкий раҳбарлик қилувчи махсус қўмита бажарди. У музей ва кутубхона ишида фаол қатнашди, зоологик коллекциялар тўплади. Ю. Бржезицкий Самарқанд Ботаника боғининг (ҳозир СамДД тажриба ботаника боғи) асосчиси. Бу ерда Ю. Бржезицкий Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан келтирган турли дарахт ва буталар тўпланган эди.

Ю. Бржезицкийнинг қўллаб-қувватлаши натижасида 1911 йили Самарқанд илмий кутубхонаси (ҳозир бу бинода Самарқанд 1-болалар кутубхонаси жойлашган) қуриб битказилди ва китоб фонди илмий адабиётлар билан тўлдирилди.

Рус саёҳатчи рассоми С. Дудиннинг фаолияти ҳам ўлкамизнинг XIX аср охири — XX аср боши тарихи билан боғлиқ. С. Дудин буюк рус рассоми И. Репиннинг шогирди эди. У Петербург Бадий академиясини тугатгач, Урта Осиёга келди.

1895 йили С. Дудин археология комиссиясининг топшириғига кўра, Самарқанднинг тарихий ёдгорликларидан 200 та сурат кўчирди ва «Орнамент ва Самарқанд масжидининг ҳозирги аҳволи» асарини ёзди. У 10 йилдан ошиқ умрини Урта Осиё халқлари эт-

нографияси ва амалий санъатини ўрганишга бағишлади. 1905 йили С. Дудин Шоҳи Зинда мавзолейида қизиш ишлари олиб борди ва шу билан бир вақтда Урта Осиё ганч ўймакорлиги бўйича бой коллекциялар тўплади, 1908 йили эса у ўлканинг тарихий обидаларининг суратларини олди.

Бу саёхатлар пайтида С. Дудин этнографик коллекциялар тўплади, Урта Осиё меъморчилиги, ёғоч ва металл буюмлари ва гиламлари ҳақида мақолалар ёзди, Афросиёб ганчкорлигини ўрганди. У 4000 дан ошиқ турли нарса ва амалий санъат намуналари тўплади, 2000 сурат чизди.

Шу орада маҳаллий ўлкашунослар ҳам етишиб чиқди. Булар Мирзо Бухорий, Мирзо Абдуллаев, Мирзо Барот Мулло Қосимов ва бошқалар эди. Улар биринчилардан бўлиб ўлкадаги фойдали қазилмаларни қидириш ва тарихий ёдгорликларни ўрганишни ўзлаштириб олдилар.

Самарқанд Россия томонидан босиб олингач, рус олимларининг бу ердаги тарихий ёдгорликларга қизиқиши янада жонланди. 1870 йилда рус шарқшуноси А. Кун раҳбарлигида Самарқандда биринчи марта археологик қидиришлар ва тарихий ёдгорликларни тўплаш бўйича анжуман ўтказилди.

Аммо, Россиянинг баъзи амалдорлари шахсий бойлик орттириш мақсадида қимматбаҳо нодир буюмларни ўзлаштириб олиш ҳоллари учраб турарди.

Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Ашхобод ва бошқа шаҳарларда азалдан қадимий ёдгорликлар савдоси мавжуд бўлса-да, Россия истилосидан сўнг Самарқанд бундай савдонинг марказига айланди. «Бу шу билан изоҳланадики, Закаспий ҳарбий темир йўли Самарқандга келиб тугарди. Ва шу боис Россия ва чет эллардан Темурнинг қадимий пойтахтига кўплаб зиёлилар келишга интиларди»¹.

Вақт ўтиши билан қадимий осори-атиқалар билан савдо қилиш маҳаллий аҳолига ҳам юқди. Маҳаллий аҳоли орасида осори-атиқаларни тўловчилардан бири Мирзо Бухорий эди. У 2-гильдия савдогари, Самарқанд, кейинроқ Хўжанддаги дастлабки ипак йигирув устахоналарининг эгаси эди, ипак билан ва бошқа моллар билан йирик савдо қиларди². Бироқ, унинг бу ишлари қадимги ноёб буюмлар йиғишга ҳеч халақит бермасди. У 1878 ва 1886 йиллардаги Тошкент ва 1887 йилги Харьков кўргазмаларининг қатнашчиси ва совриндори эди³.

Мирзо Бухорий 1883 йили И. И. Веселовский билан танишади. У ўзбек зиёлисининг бу ишга қизиқишини орттиради. Б. В. Луниннинг хабар беришича, рус олими Мирзо Бухоридан 1883 йили 1202 та буюм сотиб олади. Улар орасида 11 та тилла, 77 та кумуш

¹ Семёнов А. А. Нечто о среднеазиатских монетах, (их любителях и собирателях. Изв. отд. общ. наук АН Тадж. ССР, 14, Душанбе, 1957, 145-бет.

² Уз М. Д. А, ф. 1 опись 3, дело 47, л. 32, 34.

³ Лунин Б. В. Самаркандский любитель старины Мирза Бухари. Ж. «Общ. науки Узб. № 6, 1963, 34-бет.

ва 951 та мис танга, 13 та мис сирға, 3 та ҳайкалча, 18 та муҳр, одам ва ҳайвонлар тасвири туширилган 6 та тош бор эди¹.

1887 йилда Харьков кўргазмасидан кейин Мирзо Бухорий Москва билан Петербургда бўлди, бу ерларнинг нумизмат олимлари билан яқиндан танишди, оддий буюм йиғувчидан ўлкашунонга айланди. Кўп ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Мирзо Бухорий (1893 йил безгакдан вафот этган) умрининг охиригача ўз фаолиятини давом эттирди ва ўлкани ўрганишга ўз ҳиссасини қўшди. У 1889 йилнинг 6 июнида Археология комиссияси номига юборган мактубида шундай ёзади: «Кўп йиллардан буён қадимий буюмларни йиғиб келаман ва жуда катта мукофот керак эмас, мен ҳар ҳолда Россиямизнинг фани ва умумманфаати учун ҳаракат қиляпман. Айнан Туркистон ўлкасида шуғулланганим ...маънисини шуки, маҳаллий аҳолимиз қадимий буюмларни қадрлашни ўрганиши лозим»².

Мирзо Бухорий Фурқат билан шахсан таниш эди. Бу ҳақда академик Иброҳим Мўминов шундай деб ёзади: 1891 йили Фурқат Самарқандда бўлади ва Мирзо Бухорийникида яшайди. «Фурқат Ўрта Осиё маданияти даражасини кўрсатувчи қадимий буюмларни зўр диққат билан кўздан кечиради,— деб ёзади И. Мўминов.— Фурқат бу ҳақда «Туркистон вилояти рўзномаси» да 1891 йил августда босилган хатида ёзади³.

Қадимий буюмларнинг яна бир ишқибози Мирзо Барот эди⁴. Мирзо Барот Мулло Қосимов олим, таржимон ва каллиграф — ҳаттот эди. Унинг набираси Фахриддин Баратовнинг⁵ хабар беришича, Мирзо Барот Мулло Қосимов тахминан XIX асрнинг биринчи ярмида Самарқанднинг маҳдум Хоразмий маҳалласида туғилган. У болалигидан араб ва форс тилларини ўрганди, каллиграфия турлари билан қизиқди. Унинг каллиграфия бўйича охириги устози машҳур Самарқанд каллиграфи Мирзо Ҳожӣ Самарқандий эди. XIX асрнинг 50—60-йилларида Мирзо Барот атоқли олим ва рангли каллиграфиянинг устаси сифатида машҳур эди. У Самарқанддаги биринчи рус-тузем мактабининг биринчи ўқитувчиларидан эди. Мирзо Барот уч йил давомида она тили ва ҳуснихатдан дарс берди. Иш борасида у Ўрта Осиёнинг тадқиқотчилари, рус олимлари билан яқиндан танишди. Манбалар Мирзо Баротнинг Н. Веселовский билан яқин муносабатда бўлганидан гувоҳлик беради. Н. Веселовский 1885 йилда 4 ой мобайнида Афросиёбда қазиш ишларини олиб борди. Шу даврда рус олими Мирзо Барот билан танишди ва уни Самарқанд тарихи билан жиддий шуғулланишга кўндирди, айниқса, Самарқанднинг

¹ Луин Б. В. Уша асар, 35-бет.

² Уша асар, 39-бет.

³ Мўминов И. М. Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане конца XIX и начала XX века, Ташкент, Госиздат, УзССР, 1957 г., стр. 116.

⁴ Чабров Г. Узбеки — археологи дореволюционного Туркестана. Журнал «Звезда Востока», № 1, 1957 г., стр. 145.

⁵ Фахриддин Баратов — Мирза Баротнинг невараси, ҳозир Самарқандда яшайди, нафақадор.

тарихий ёдгорликларидagi араб ёзувларини кўчириб, ўрганишга ундади. Бунга улар ўртасида бўлган 1886 йилги ёзишмалар ҳам гувоҳлик беради¹.

Мирзо Барот Мулло Қосимов ажойиб мусаввир ва каллиграф сифатида биринчилардан бўлиб рангларга аниқ риоя қилган ҳолда Шердор мадрасаси, Бибиҳоним, Гўри Амир қабр тошлари, Шоҳи Зинда деворидаги ва ундаги қабр тошларидаги ҳамма ёзувлардан кўчирмалар олди. Жиззах уезидаги «Темурланг дарвозаси» қоясидаги икки ёзувдан ҳам кўчирма олди. 1886 йили Мирзо Барот Улуғбек мадрасаси чизмасини тайёрлаб, Тошкент кўргазмасига қўйди. Улуғбек мадрасасининг бу чизмаси ва лавҳалар 1944 йил 9 декабрда рассомнинг набираси Фахриддин Баротов томонидан Ўзбекистон Фанлар академиясига совға қилинди.

Мирзо Барот Тошкент кўргазмасида бошқа кўплаб маҳорат билан бажарилган қуръоний, куфий ва китобий усулдаги каллиграфик ишлари билан қатнашган. Маълумки, Ўрта Осиё усталари шухратини оламга ёйган Самарқанднинг тарихий обидалари ана шу услубларда безатилган эди.

Мирзо Барот тиббиёт, тарих ва исломшуносликнинг ҳам билимдони эди. Бунга унинг Самарқанддаги Базаров босмахонасида чоп этилган «Шархи Ислому» асари гувоҳлик беради².

Бу асарда муаллиф ислом динининг афзал жиҳатларини қиёсий таҳлил қилиб берган. Мирзо Барот шариат қонунларини яхши билганидан, унинг Қуръон сураларини билимдонларча таҳлил қилгани ҳам гувоҳлик беради. Бу асар муаллифнинг ижтимоий ҳаётга қарашларини аниқлашга ёрдам беради.

Мирзо Баротнинг касби ноёб касб бўлса-да, ўша даврда меҳнатига унчалик кўп харидор буюртмачилар топмаган. У, каллиграф ва рассом сифатида етарли қадрланмаганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. У умрининг сўнгги йилларини қашшоқликда ўтказди, ёруғ кунларга етмай, 1888—1889 йиллар орасида Самарқандда вафот этди.

Мирзо Баротнинг касбини ўғли Қиромиддин Баратов давом эттирди. У шунингдек, китобларни қайта кўчириш, шеър ёзиш билан ҳам шуғулланган. К. Баротов 1886 йили Самарқанд босмахонасига ҳарф терувчи бўлиб ишга киради. Октябрь инқилобидан сўнг эса Шўро ҳукуматини қўллаб-қувватлаган босмахона ишчилари сафида бўлди. У Абу Тоҳир Хожанинг «Самария» сини тожикчадан ўзбекчага ағдарди. Бу таржима 1884 йили Н. П. Остроумов томонидан Тошкентда чоп этилди³.

Рус олими Г. Д. Романовскийнинг 1879 йилда ўлканинг тоғли

¹ Абдуллаев В., Валихўжаев Б. Ҳаррот Мирзо Барот — ҳамшаҳаримиз. «Ленин йўли» рўзномаси, 1971 йил 6 июль сони.

² Ҳожи Мирзо Барот Ҳаким. Шархи-Ислому. Самарқанд нашри. Бу нашр нусхаси шахсий кутубхонамда сақланмоқда (Т. С.).

³ Луини Б. В. Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность. Ташкент, 1962, 29-бет.

районларида ўтказган илмий экспедицияларида унга хўжандлик Мулло Сангин ёрдамчи ва йўл бошловчи бўлган¹.

Шундай қилиб, машҳур рус олим ва саёҳатчилари — А. П. Федченко, И. В. Мушкетов, Т. Д. Романовский, В. В. Бартольд, В. Л. Вяткин ва бошқалар Ўрта Осиё халқлари тарихи, маданиятини ўрганиш ва умумлаштиришга улкан ҳисса қўшдилар.

Бу олимлардан кўплари маҳаллий аҳоли билан дўстона, илиқ муносабатда бўлиб, унинг ҳаётини енгиллаштириш, тарихи ва маданиятини ўрганишни исташар эди.

Рус зиёлиларининг илғор вакиллари халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, санъат ва адабиётга улкан ҳисса қўшиш билан бирга, Туркистон ўлкаси маҳаллий халқларидан ҳам билимдон кишилар етишиб чиқишига ҳамкорлик кўрсатдилар. Ўзбекистоннинг атоқли олими ва жамоат арбоби Т. Н. Қори-Ниёзий айтганидек, «баъзан ақлга сизмас тўсиқларни енгиб ўтган бу олимларнинг чидамига қойил қолмай илож йўқ. Ана шу фан заҳматкашларининг хайрли меҳнати оқибатидагина, улкан иш давом эттирилди ва Туркистон ўлкасини жўғрофий, зоологик, ботаник ва геологик жиҳатдан ўрганиш бошланди»².

¹ Романовский Г. Р. Сб. документов. Русские ученые — исследователи Средней Азии. т., IV, Ташкент, 1961 г., С. 62.

² Қори-Ниёзий Т. Н. Очерки истории культуры Советского Узбекистана. М., ФА нашриёти, 1955 йил, 54-бет.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
I б о б	
Ўрта Осиё халқларининг қадимги тарихи тарихшунослиги	9
II б о б	
Муслмон ренессанси — Уйғониш даври Ўрта Осиё тарихининг тарихшунослиги	21
III б о б	
Мўғуллар босқини ва XIII—XIV асрлардаги ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё халқлари тарихи тарихшунослиги	31
IV б о б	
XIV—XV асрларда Мовароуннаҳрда феодализмнинг ўсиши ва ривожланишига оид совет тарихшунослиги	50
V б о б	
Улуғбек давридаги Ўрта Осиё халқлари маданий ҳаётининг тарихшунослиги	69
VI б о б	
XVI—XIX асрнинг биринчи ярми Ўрта Осиё тарихшунослиги	
VII б о б	
Россияда Ўрта Осиё шарқшунослиги тарихидан	97
VIII б о б	
Ўрта Осиё тарихи ўлкашунослигидан лавҳалар	122

ТўРАБЕК СОБИРОВИЧ САИДҚУЛОВ
УРТА ОСИЕ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИНИНГ
ТАРИХШУНОСЛИГИДАН ЛАВҲАЛАР

Тарих куллийтлари талабалари
учун қўлланма

Тошкент «Ўқитувчи» 1994

Муҳаррир Р. Мирҳолиқов
Бадий муҳаррир Н. Митерез
Техник муҳаррирлар Ш. Бобхонова,
Э. Вильданова
Мусаҳҳиҳ Ш. Тўлаганов

ИБ № 6070

Теришга берилди 05.08.91. Босишга рухсат этилди 21.10.92. Формати 60×90^{1/16}. Тип қозон.
Кегль 10 шпонасиз. Литературная гарнитураси Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л.
10,0+. 3,0.вкл. Шартли кр.отт. 22,5. Нашр л. 9,03+3,84. ранг. вкл. Тираж 5000. Заказ № 2533.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Назорий кўчаси, 30. Шартнома 07—26—92.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг Тошполиграфкомбинати. Тошкент,
Назорий кўчаси, 30. 1994.

از دود ایدر بازرگ فریغ
 آرد ایشیت شامیه و سنج
 سرچشمه در آن میشت
 ز بختش ابر از بختش پست



در دگر پستان سینه شاه
 سده شد چشم از دود با چاه

Низомий. «Хамса». Баҳром Гурнинг аждар билан олишуви.

Беҳзод чизган расм (1495 й).



Амир Хисрав Дехлавий. «Хамса». Искандар донишмандлар билан. 1362 й.



Амир Хисрав Дехлавий. «Хамса». Искандар Турк хоконининг элчисини кабу килмокда (14-аср миниатюраси).



Низомий. «Хамса». Искандарнинг етти донишманд билан суҳбати. 15-аср.



Низомий. «Хамса». Искандарнинг чўпон билан суҳбати (1491 й.)



Чўнтакда олиб юриладиган митти қуръон.

آکادمی علوم اتحاد شوروی انستیتیوی ملل آسیا
و
آکادمی علوم جمهوری شوروی سوسیالیستی آذربایجان
انستیتیوی خاورشنای

رشیدالدین فضل‌الله

جامع التواریخ

جزء اول از جزء اول

متن علمی و انتقادی بسی و اتمام

آ. آ. رومانسکیویچ ، ل. آ. خاقوزوف

ع. ع. علی‌زاده

اداره انتشارات دانش

منکر ۱۹۶۵

فهرست

صفحه

۱	بسم الله الرحمن الرحيم و به ...
۲۸	فهرست
۴۰	مجلد اول جامع التواریخ
۷۱	باب اول از مجلد اول از کتاب جامع التواریخ
۷۱	دیباچه
۷۹	فهرست
۸۹	فصل اول در تاریخ و حکایات اقوام اوفوز
۱۱۸	اسای
۱۲۰	اقوام
۱۴۹	قوم سونیت
۱۵۹	قوم تامار
۲۰۴	قوم مرکیت
۲۱۲	قوم کورلاوت
۲۲۰	قوم برقوت
۲۲۱	قوم اویرات
۲۳۳	اقوام برقوت و قوری و قولاس
۲۳۲	قوم توئمت
۲۳۸	قوم بولناجین و کر موجین

۲۳۹	قوم اوراسوت تلنگوت و کوشتی
۲۴۲	قوم اوریا نکتہ بیسہ
۲۴۷	قوم قورقان
۲۴۸	قوم ستاییت
۲۴۹	فصل سوم در ذکر اقوامی از اترک کی ایشان نیز ہر یک ...
۲۵۱	قوم کرایت
۲۸۹	قوم نایمان
۳۰۷	قوم اونکوت
۳۲۰	قوم تنگوت
۳۲۱	قوم اوینور
۳۴۲	قوم بکرین
۳۴۶	قوم قیرویز
۳۵۰	قوم قارلوق
۳۵۱	قوم قنجاق
۳۵۲	فصل چہارم در ذکر اقوامی از اترک کی در زمان قدیم لقب ایشان مغول ...
۳۷۱	قوم اوریا نکتہ
۳۸۲	قوم قنقرات
۴۱۶	قوم اورناوت
	قوم ہوشین
	قوم سولدوس

۴۵۶	قوم ایلدورکین
۴۵۷	قوم بایاوت
۴۶۸	قوم کینلیت
۴۷۲	قوم قفقین
۴۷۲	قوم سالجیوت
۴۷۹	قوم تاییسیوت
۴۹۶	قوم هرکان و سیجیوت
۴۹۷	شعبه اول قوم ارتکان
۴۹۸	شعبه دوم قوم سجویوت
۴۹۹	قوم جینس
۵۰۱	قوم نوپاقین و اوروت و منگقوت
۵۱۷	قوم دوربان
۵۱۹	قوم بارین
۵۳۰	قوم برولاس
۵۳۱	قوم هدرکین
۵۳۲	قوم جوربات
۵۴۸	قوم بودات
۵۴۹	قوم دوولتات
۵۵۰	قوم بیسوت
۵۶۶	قوم سوکان
۵۶۷	قوم تینکلیات

که کار تو تمام شد نعلتت که او را نشان دادند که نشان بی پیری کار گشت
از دور بدیدن او شد چون نزدیک او رسیدن چنانچه که آب و این سوی قبلانده



در حال شیخ بازگشت اگر او را در طریقت قدری توبی خلاف شریعت نکردی
نقل است بکارخانه تا مسجد چهل گام بود هرگز راه آب و این بخت نعلت
که او از ده سال دور کار شد تا کعبه رسید و اندک شرفا که در هر مصلی کاهی بجا و باز
می نهند و در گشت نماز میکرد و میرفت و میگفت این بلین پادشاه و پادشاهت
که بیک بار بدین جا برآید رسید پس کعبه رفت آن سال بعد نیه آب رفت

جز این در حق زمین ندانم صواب
در خیر و شوی و بیکار او
و لیکن نذرش هیچ گوید سخن
تراسم که عالم را بدبسم
ز حفظ الهی بود جوشش
زده معلقه که دشمنی زده
بجنگ او بود حاجت ساز
نیاید زمان نبار و ز نبرد
و کزنده ماند بمس فیر حال
بتهانند و باورد کاد
از فرسیاست و اسفند با
خود بردانم نهد صد غفل
به پیش کشد که منگام بار
در افکند و خود را فلک در میان
ز اشرف اطراف هر سو کرد
شده بسته در بر صبا و دبور
روان چشم بردارد اشک کند
دل من از است و آتش نیاید
ندیمان بحرم جیا و وقار
سرو و نسج پای کوب بیاط
گرم ساق مجلس شیره کام
ز دولت بجز نبرد خسته

5

10

15

20

دو پیکر نامه در و کین
را لطفش توان شد انبوت
نه وان غم ز رفتن کند جان تن
جو در بای در سببی در پشور
کند بختی پر من در پیش
که نصرت کلاه و ز تاید خود
ولی خود بچنگش نیفتد نیاز
سعادت مان کنی چه خصم را
بجاست او را نیاید جدال
که آنجا نوازه مقابل شد
جو خواند و را زرد ای کج کار
سمان به کزین زرم جوهر کز
بهانست پر شمت واقعه
فضای هوا جمله تاج و کلاه
ز گردن کشان همچون کین بستند
جو گردون بسی که عالم شستند
زینا مهیا کنی از سپند
ملازم کمال فنون و حسنه
ز استادگان دولت پیر
سعادت مغنی بنارس
عطا باد امید جویند و جام
جو در مساز عون سطر بود

جهان و شش فیض نام اراو
تا بید زنت در می بخت
ز زشت نیاید مژده سپید
دلاور کند قصه ز تیب
دعای حسدین ز کتا بر
نگهبان نه انی شسرا و زود
غناش به دزد بود که خورد
که روی او را سوی تمش
گر نغمه که بشت جان سپا
و گر پند زینست خود ای کج
گر از رویه بشیر ما شمش
گر بر باره و کج که ز دست
سلاطین نغمه است که برین
بس بط زین بر زینل سپا
رد کلام و ز زو یک دور
دین س آبان محلی نیست
سپندی جهان مجلس نمود
در آینه و اقبال شست و ط
ز ستان روان مراد و نتاج
صدایش که شسته ز جرح کبود
ازین که بزم طب شست
کجا میل سوی ملائی بود

دین مند بودند مدتی وحش دطیرا پس از آن خلک از گشته نیز مانی کرد



حضرت صاحب توان از آنجا بیعادت و اقبال نسبت فرمود و در همان محیط
 و در آنجا روان شد و عیاشی که حضرت شاعر حسن و قلمه بسیار که در آن که در و حوالی آن

سپاس هر گشته پايستگر زى كودكش نوابى اير
 نازد و نردم و دمان بولم تر پين باشد لوال آن پادشاه
 او پس گشته كيان دردم كرم ما بست سست بايش گشنگا



پساگر كردن كاشتر بيمه انما نانا كودمان كوه و مسجد اوردند تا قتلان كوتل شاه گشت
 و نينت بسيار انا سب و شتر و كوسفند و غير آن به ست اورد و ليو برد و بوى شاه كوشند



Темурнинг диний мубоҳасада энгиши .

درفشش جو دهن چي پيشتد و چه زانو . لکسن نام آور دست کام سوره پيردي کي پيدا



د خدا پر او پيچيني کي من باده دست و در پيومان سما هم من جهانيدند و خنبر دست در است
 دشمن تاپاي قباست دنو جامي برود بن نه سر کس نه سواد سر و امان سپاه ناز تو کي کي
 ستاين نه و در او گشتند و ناک سوگ در بيان در بيان و خون قد ناس در آنگي نه سپه
 و پيما سینه دن و دشمنان به نغمه نيزه و قرب سنان و مشير و و نغمه در نو باشد و رهاي کي
 کشتان آلودنا نام در من بگره گوين و نه گنند گنند بگشته گنه و آب سر نيزه و گنه نشه بر تي تو



زخمه ایشده و از آنجا بزرگه و پند و در قوشه و جاوردیگر با ایشان عزاد بوده و درنگ
 سر یکتین تکیه و ایشان فر کر می براند که سگ آن سگ بر سینه کفرین بود

و پاری و پاری و سینه و سینه و سینه که در سوسن که در سوسن که در سوسن
 ما سینه و سینه و سینه و سینه و سینه و سینه و سینه و سینه و سینه
 و سینه و سینه و سینه و سینه و سینه و سینه و سینه و سینه و سینه

Олтин Урда калъасига хужум.

امیر کبیری بی دینیشی خواجہ بود فیکہ کی دند و از دمی گذشتہ بود. اور بیان کی نمود و وہ بہتر
 وکل از بیان برداشتہ با فرمان خود فرود آمد و چہرہ با پیش گرفتہ و سہکاسی تہ
 بن تخت و سہکتانہ و عثمان و مدت بلادت بردگتہ دند و جوی کہ وہ پانچا ناست فخرتہ
 کہ کشتہ تہا مردانہ نمودند و ہر چند سپاہی و محافظ بہر دیکہ کی کہ یہ رسیدنہا و بہتر و خوشتر
 و سابقین حملہ می آوہر و دندانان بزخم تیر سہ را باز مسلک و اچند نہ نہ تہ تک کان کردہ و ہفت
 کشتہ کن تیر بر کردہ و بنا چہل شاہ بہادر با تو مان خود از طراچی دیکہ کردہ اند و ہر دشمنان ہللا کی ہر چکا

در ہر ہمت



Дарё буйидаги жанг.

حق از آنکه بستم بکس و زانش فوج از کس با نوبت: من گشت مایه خوش بدمش
 آید استیزی از نماز خوشی که سلسله صغیره بجهت سروتن بجای در میان کشید و در شرف
 زمین آسمان شوره آید نو و نه در سر و تن کاید اندر شادمانی و زار نوبت گونی در سر کار



خورشیدها الوان زانند از پیش بخوانان زمین نهادند پیش یار عروانی بذرین مشرق
 میوزاد و بختند کس مشرق معنی مشکین کس که ماه سرد و خوشش نغمه از شوق
 ساجان سبین ساق و سوجان بذرین نطق ساجو مال مال از شرب زلال و کس
 اود و بوز جوان خوش المان و نغمه سراجان شیرین زبان نوای ساق و سوجان

Темур Самарканд атрофида ўтказилган базмда

موی کور که بنام پد کوشش بی پای شد را خا و سپر تا که دوش در زبانک سید که تنها می شد
 زگره سپر تنها نیز شده تو گویی که حساب گلشن گوی است ننگت نرم در خنجر و سون گمان
 زین گشته افا و بر دشت کهن ز زمین پشته شد تا بجز برون زمین تو که اگر گشت سلطان
 شهروان بجای گشت حدیبا که آن تا گران تا که وی بر او نذر سکه سینه تا که وی نهادند بر او در که بر



در این زمان که ایسبرزاده که سلطان از با درای یوز افغان و بر افغان دشمن را بر سرش
 قتلین لشکر شاه و کما دو بیاید. مگر که چون اینان بود بر انداخته و ایله رزم با یزید بالنگر قتل تو

و ز قیب مجوز بدخواج عبدالعزیز که بر پادشاهان تاج و تخت است اما تاج و تخت است با و یکدیگر نظایر و
 امثال و نماز قبر و تیغمان و غم و راجع به شراب نشاط و انبساط تو آمنت و آواز شمع و ساز مار زود
 التیغ و ذوات الا و مار و رسم انداخته سطلت معنی بوقت سال و جواب به بهر ما
 عودا بار باب ما بقانون امور طلب شد راست به نوعی کتب فی شرح خواست
 نشسته دست صفت و در آن کتب خواند و ساز زن ما خواند ما تمام شرح از بود
 که سد دل بیک شود هم میسر بود و زبانی و در فاسد تصنیف کوی به پیش روی و یک کتب آن و سکه
 جو صوفی یا همان آن هویشان در معلق ز نمان زمره بر آسمان به دوران جشن گلشنای بونشان



چون خامست آرزوی سرکام بجوی بگفتن که کونند ستامند و مطالب آه آیشش به پزینت

Гемур олимлар ва муסיкачилар даврасида



Темурнинг набираси Муҳаммад Султон кабрига вақтинчалик қўйилган ёдгорлик.
Самарқанд, Боғи-Султони.

فرهنگستان علوم جمهورى شوروى سوڤيېتى اوزبېستان
دانشکده خاورشناسى

واستان
سفرمند وستان
وشرح غائبان
عجائبان

تأليف
عبد الرزاق سمرقندى

نشریات فرهنگستان علوم اوزبېستان
تاشکند ۱۹۶۰

اورا برده و قماش و هر جا چیزی دادند، و همه مضبوط به راه
 رسید، و فقیر حاجی یوسف که از هر روز باز آمده بود بجز
 اعلی نمود و موافق خاطر خطیر آمد،

مأمول از ارباب الباب طوبی اللهم و حسن ما
 انکوره دستان سفر بند و ستان هر چند ما طنات
 و بد و در از انجا مید چشم عیب نظر نفرمایند، و در
 تفصیل حکایات (۱۵۱۵ ال) و تطویل عبارات
 اشارات المأمور معذور اعتبار نمایند ع
 من می و می اگر چند که من می گویم

آهیلار جگک سواریم کونجی جان اویناماق

پیش اوینج لایب کما قامت بر لعلان رخسارین



آهه آند بومودورانی پسلان اویناماق
ده کورو ویرازده بیخج بے امکان اویناماق

اوینمای اوینای ایلیک کما غزایله چینی بدل
چورنیش اول پی اوینب انای هیدایل ساعی



Дори альбомидан. Мактабда ўқитиш. Рассом Бехзод (15-аср).



Низомий. «Хамса» Хаварнок қасрининг қурилиши. Рассом Бехзод (1495 й.)

اوزبېكىستان س س ر فنلار اكادېمىيەسى
ابوريجان بيرونى
نامداگى شرقشناسلىك اينستېتوتى

تواريخ گزیده-نصرت نامہ

ئىسمى تەدقیقات، تەنقىدى مەتن، شەرھلى مەندارىجەلار
مجموعسى جەدوللى-فېلولوگىيە فنلرى كاندىداتى-
ا. م. اكرا موفونكى

اوزبېكىستان س س ر «فن» نەشرىياتى
ئىشكىت-۱۹۶۷

پنجشنبه بید و جانغ میرک تیشته و اول
سوزنوج نه خوشراب اندا توروب پای
تخت قیلیب کس بولدی و طوره پاشاه
لنج دارسم آیین و قولمذا اول
ویر خوشودمانغ نی اول بنیاد قیلدی
و اولوس نه اولاسید امو ندر توره
در سیم تور قیلیم کیم هر نه امانا
ایریدی اول اول نه تو کالیر مابریکلا
او غولنه بر قیلیم دین اوزکا نیمه بر
او غولنه دین اوزکا نیمه بر
اوزکا نیمه بر قیلیم دین اوزکا نیمه بر

و کشت تو ز سالیخ فی اول صیقل
و کیومرث کا معاصر ایدی انجمن کیم
اول دشت ولایت اوشمال ولایت
پانچویں ایسی کیومرث عم ولایت
پانچویں ایدی و اوق ایویا ساق
مختر غلام دین و ویر غوسو ماق
لذات نبی و قیل می ایکیوز قرقیل آیا
تسینگری تو ایکیوز ایکیوز
ایتنیک اوغلی ایچ خان پانچا بولا
ایتنیک مالا و شوکت و عطیعتی ایچ کوپ
بولغان اوچون دین و مذہب

حافظ تینیش بن میر محمد بخاری شرفنامہ شاہی

بخش دوم

Хофизи Таниш. Шарафнома-и Шоҳий. Абдуллахон II га бағишланган.

فرنگستان علوم جمهوری سوسیالیستی ازبکستان
دانشکده خاورشناسی بنام
ابوالریحان بیرونی

عَبْدُ اللَّهِ نَامَهُ

(شرفنامہ شاہی)

تالیف حافظ تینیش بن میر محمد بخاری

جلد ۲

نشریات « فن » ازبکستان

تاشکند ۱۹۶۹

Абдуллонома, (Шарафнома-и Шоҳий) 2- жилди.

تو در فرموده حاج قاضی صاحب قرآن بصورت مکتب خراسان بنام حضرت

قال الله تبارک و تعالی ان من جرب به هم الغابون هین کلام مجرب نظام
اشعار است بانکه باری تعالی که توأم کار شریعت پشته بزبان اوست و نظام مصالح
مملکت متصل برابطه پیمان او با منسج و بظفر بر قنات شهر یاری پوشانده که پیش نهاد است
عالی نقش تقویت دین مستین باشد و افسر علییه و نصرت بر فرق فرقه پای نهادی
مانند که نصب امین ضمیر جرحش نیست احکام شریعت پیغمبر المرسلین صلوات الله علیه
علیه من رب العالمین است الهی و ازل متضیی نیست که سر که از برای اعلائی لوی دین
اسلام شمشیر کین علم سازد و از برای کوناری مایت شرک و عبودیت بازمی و
دلاوری بنمونه غور و جهاد برافزود مرا میله بر خراب شیاطین غالب شود و بنیاد
لقب جرب باشد که در عرض ز تمیذ این حکایت و تشبیه این روایت اگر چه در
حضرت علی حوای جهان پناهی در سر میداشت و لوی کتور کشایی پیوسته بر می
انوارت خصوصاً در مکتبی که فبار کفر در آنجا آگینت باشد و ظلمت ظلم و شرک ظلم فرو
گرفته تا بران خاطر اشرف بقینت آن شد که بصوب خراسان که جهت بدید و عیب نیست
که اصناف بخار در آن ولایت بر طرفه کمر اسی و ضلالت و شیب و نهایی و جهالت
اصرا می نمایند چهار حرکت می گیرند که کرده فتنه میباشد و جنگی که بر کشد تا تنظیر ظلم و شرک
در نیام ماند القصه چون غیبت بان حاجت تصیم یافت فرمان واجب لا دعان
نفاذ دریافت که توابعان برام صولت و دلاوران ضرغام صولت با طرف
جوانب شتابند و در استحضار رسا کرده آن آثار که ششید و عقرب خاکبوسی پنا
رفع ایشان در یابند بعد از آنکه از لطافت و جوانب متوالی و متعاقب سپاه کواکب
سواکب بدر که و کیوان پناه شتافت و خروا قی و شرف خاکبوسی دریافت تا به
او او خشنود ریح و سپین و تعلیه جده اعلائی لوی اسلام و کوناری رایت
کفر و جرب طلماسه پند نام بجانب خراسان غیبت نمود و کفر خود جهاد از غایت اجتهاد
بر میان بن بسته از و در مملکت بخارا که مرکز خود جلال و مطلع خورشید و در آفتاب

ز وصله تا شود بجانم هم محرم نشانه بیلم میلفت بی کام و رین



تت و سال تمام می آن کارستان می نشانه حیرتی بنود و چون
 آن سخن جز سحر اسرار نمی بخورد در نشانه بگرد و یکصد چو می
 عجز نرسی نهاده بر قوای پدیدت و پانزده آورد و هفت ماه چون
 باغی که هم بپرتم کرد خندی تو آینه تب چون کباب را بشم میگرد
 دستی که از جوهر استقامت چون عرق بآب میراند آخر کار عجب

انستوی خاورشناسی

نامه عالم آرای نادری

تالیف

محمد کاظم

دقرا اول

مشتمل بر عکس نسخه

بامقدم بقلم میکوخی ماکلای

ترقیب دهنده فرشته شیتوف

سک ۱۹۶۰

بند و نوا

نامک صاف بر بوده دعا گویند و بیک خواهر

چو بویست چو بوی قلم ملا علی محمد خواجه او قاضی ملا محمد بن حسن ملا علی بن ابی نصر چو بویست چو بویست

ملا عبد قیوم ملا عبد القادر چو بویست ملا برهان الدین ملا عبد النور ملا آخوند خان

ملا محمد سعید ملا ترویعلی ملا کامل ملا عبدالدین ملا نظام الدین

ملا قاسم ملا عبد سعید ملا محمد صابر ملا تروسون ملا عبد النور

ملا محمد شاکر ملا نسیب ملا موسی خواجه ملا چولی ملا عبد الستار

ملا اورون ملا عظیم ملا ترویعلی ملا عبد الحامد ملا ترویس

ملا محمد سعید
ملا محمد سعید
ملا محمد سعید
ملا محمد سعید



Бухоро арки.

Мукулмон мўминларининг Амир ҳазратлари, Аллоҳ таолонинг у киши устида ҳамиша марҳаматлари бўлсин. Унинг қарамоғида бўлган Ер юзию осмони фалак подшоларининг подшоси Аллоҳи таолога марҳаматлар бўлсин. Уни эъзозлаш учун яратган пайғамбаримиз ва унинг яқин маслакдошларини обрў-эътиборини ошириш учун яратгандир. Шундан сўнг ҳамма ақлуидроклилар ва покизаларга маълум бўлғайким, ер юзидаги ҳаёт абадий ҳаёт эмас: ҳозирги яшаш вақтинчалик бўлиб, ҳамма ҳам ўлимга маҳқумдир — инсон қўлидаги мулк ва яшаш жойи қўлдан-қўлга ўткинчидир. Инсон абадий эмас, чунки ҳаётдан сўнг албатта ўлим келади. Ҳамманинг ҳам охири манзилгоҳи — қабристондир. Ўлимнинг вақту-соати келгач ҳеч кимни аямайди ва бир соат ҳам муддатини кечиктирмайди.

الحمد لله رافع الافلاك ومالك الاملاك الذى تحت تصرفه من اسبك الى السماء والصلوة والسلام على الميشر بتشريف اللولاك وعلى آله واصحابه المنزهين عن الشرك والاشتراك اما بعد برضاير اصحاب دانش وبرخواطر ارباب بينش محفى ومستطر مباد كه دار بى مدار دنيا واين آرام كاه مرك وفنا محل اقامت مردى وجاهى استقامت فردى نيست بحكم كل نفس ذائقة الموت حيات آن منتهى بمات است وروزگار آن منقض از رحلت ووفات اذا جاء اجلهم لايتاخرون ساعة ولا يتقدمون نص صريح ودليل صحيح انست بيت محمد كه خورشيد افلاك بودكه آخر مقامش نه خاك بود الدنيا مزرعة الآخرة ابن هسنى مستعار مصروف طاعات وابن زنده كى پنج روزه باعث اكتساب حسنات از سيئات باشد درين ايام خيريت سر

¹ Таржима муаллиф томонидан бажарилган.

Ўз фикримизнинг далили тарзида Муҳаммад тўғрисидаги қуйидаги байтни (икки мисра шеър) келтира- миз:

“Муҳаммад фалак хуршиди эрди, унинг ҳам охир макони тупроқ бўлди. Бу дунё роҳати фақат Аллоҳ таолога сиғиниш, яхши фазилатларни кўпай- тирмоқ ва ёмон хислатларни йўқотмоқдир”.

“Сенинг подшолигингни мақсади адолат ва ҳақиқатни тарқатмоққа қаратилгандир. Сен муслимларнинг ҳимоячиси, қонун ва ҳақиқат, адолат ва ишончинг ҳомийси — диёнатли Имомлар қонунларини тиклаган, Тў- рон ёрлари подшоларининг ҳукм- дори”. Бу сўзлар орқали Вақф берув- чи Бухоро амирига мурожаат эт- моқлигидан далолатдир — Т.С.

Эй, Бухорои шариф (давом эттира- ди вақф берувчи — Т.С.) билим ва фанлар ўчоғи сен ҳам жаннатмакон Самарқанд, ер юзининг сайқали, ша- риат йўлида нурбергич ҳамон ривож- да ва ўсмоқдасан; мадрасаларинг фан- лар равнақи йўлида ҳомийлик гуллари билан безалган, хонақоларинг эса са-

اجمالم كه بين عدل پروری وبيمان
معدلت كستری حامی المسلمین مجدد
شرح سيد المرسلین امام المتقین فرمان
فرمای ملك توران زمین مدینه
العلم بغارای شریف از علم مملو
وسرقتند فردوس مانند از آبیاری
شریف صاحب نشا نمو مدارس از
برکات علم انور وخوانق از انوار
قبوض منور مساجد از شرق طاعات
مزين ومعابد از کثرت عبادات
احسن وشوق تعمیر بقاع خیردر ضمایر
مضر وذوق تصویر خوانق ومساجد
درخواطر مصمم ومقرر مهر ومحبت حتی
که از میان پدران وپسران رخت
اقامت برارخته ودر طاق نسبان منزل
ساخته بشری این پادشاه نایب رسول

الله معاودت نمود احدادرا بر اولاد
و آبارا بر احفاد محبت نازه وشفقت بی

اندازه بهم رسید جناحه شاهد ابن
حال ودلیل بر ابن مقال عنوان ابن
تحریر وطرغرای ابن نسطیر است در
تاریخ شهر ذی الحجه سنه ۱۲۵۰ بود
که اقرار صحیح معتبر شرعی نمود بنزد

хийлик билан тўлиб-тошган, мачитларинг — Аллоҳ таоло ва Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламга лойиқ бўлганлиги учун ҳамиша ибодат этувчи муслимларга тўла. “Сенинг бағринг (бу ерда вақф берувчи яна амирга мурожаат этмоқда — Т.С.) — хо-нақо ва зиёратгоҳларни безашга ва ҳамиша яхшиликлар қилишга интилади”. Мен, ушбу вақф берувчи ўз молу-мулкимни, эсдан чиқарувчи меросхўрларимга эмас, балки Аллоҳнинг ёрдам соҳиби, амир ҳазратларининг шуҳрати учун, вақфга айлантирмоққа қарор қилдим.

Сўзларимнинг далили тарзида қуйидагиларни баён этаман:

Зикр этилган ушбу Вақфнома 1250 йилнинг Зулҳижжа ойида (1833 йил январь ойи) ёзилган; Юқорида баён этилган сўзлар шариат қоидалари асосида ёзилган бўлиб унда муҳрлар ҳам босилди. Ақлу-идроки ўзида бўлган, Араб қишлоғида истиқомат қилувчи Хасанбой ўғли Полвон Мулла Аз-

خاتمین فی هذه الوثيقة مبارزت
پناه ملا عوض محمد قراول بیکی
عرب ولد حسن بای حال جواز اقراره
ونفاذ جمیع تصرفاته شرعاً برینجمله
که وقف صحیح شرعی نمودم و خارج
کردانیم از ملک خودم خالصاً و محلاً
لله و طلباً لمرضاة تعالی و طمناً لشفاعة
حضرت رسول اکرم صلی الله علیه
وسلم بر مسجد مینیه خودم که او واقع
است درکندر خان شهید محمد شیبانی
داخل شهر بیرون بلده دار السلطنة سر
قند فردوس مانند از محکومات بخارای

شریف حفظها مع جناب حضرت سلطانها
عن الافات والکزند محدود است
مسجد مذکور مع صحنه بعدود اربعه
معینه غر بایبوسته است براه عامی که
بطرف درواززه قسم بن العباس رضی
الله عنهما میروند شمالاً نیز براه عام
شرقاً بحویلی خضر ولد شریف بای
جنوباً براه عام فواصل فی الكل معلومه
است و این مسجد مرتب از خشت

Муҳаммад Қоровул-Беги унга қонунан мансуб бўлган ўз молу-мулкини васият қилади. Унинг (васиятнинг) баёни қуйидагича: “Бутунлай ҳамма молу-мулкимни вақфга айлантираман ва уни идора қилишдан воз кечаман, ва Аллоҳнинг меҳрушафқатига ва пайғамбаримиз таскинига сазовор бўлмоққа интиламан. Бу Вақф қуйидагиларнинг фойдаси учун:

1) Бухоро ҳукмдорига қарашли Самарқанд қалъасининг ташқарисидаги шаҳарнинг Хоншанд гузарида (маҳалласида) жойлашган бўлиб Аллоҳу таоло Амир ҳазратлари ва Бандаларини офату-касофатдан асрасин. Мачит ва унинг ҳовлиси қуйидаги чегарада: Ғарбидан шаҳзода Қусам Ибн-Аббос томон, Аллоҳ таоло у кишининг руҳини ҳамиша шод этсин, катта йўл кесиб ўтади; Шимолдан ҳам шу йўлга чиқади; Шарқдан эса унинг чегараси Шарифбой ўғли Хизирнинг уйларига туташади; Жанубдан эса, ҳаммага маълум бўлган катта йўлга (Тошкент — Самарқанд — Бухоро қадимий йўли — Т.С.) чиқади. Мачит пишиқ ғиштдан қурилган бўлиб, устунлари ва тиргаклари оқ мрамардан-дир.

بخته وبقه سف ان نیز مکتل
از دشت بخته واستون پابهای ابوان
آن همه از سنگ مرمر ثابت گردیده
است و بر اولاد ذکور خودم و بر اولاد
اولاد خودم ذکرا کان او انشی و عند فقه
بر اولاد اناث خودم ذکرا کان او انشی
ابدأ ما تناسلوا و بر مقصوره خوان
روح خودم بعد وفاتی و بر مقصوره
خوان روح مادرم بران طریق که
تعین نموده میشود سهام هر واحدرا
و آخره الی فقراء المسلمین الی ان برت
الله الارض وهو خیر الوارثین و همکی
و تمامی دو قطعه زمین ملک دهیسکی
خودم را واقع است در موضع جوجوک
ابدال از تومان انهار بلده دار
السلطنة به سرقتند مذکور قطعه اولی
محدود است بحدود اربعه معینه غربا
پیوسته است بزمین ملک موضع
پنجشنبه و بعض بحریم جوی عام و
بعضی بر زمین قوروق موضع سرخ
اولنگ که مشهور است شمالا پیوسته
است براه عام که سابق از موضع
چرخین بسرخ اولنگ مذکور میروند
و بعضی بقشلاق جای معین و بعض
بحریم سای قم لیک که مشهور است
شرقا پیوسته است بعض بحریم سای

2) Вақфдан фойдаланадилар: менинг ўғилларим, уларнинг набиралари, чеваралари ва ҳоказо. Агар эркак авлодларим қолмаган тақдирда қизларим авлодларига ҳам ўтиши мумкин; қолган қисми эса камбағал муслмонларга тақсимлансин, чунки ерни Аллоҳ таоло улар учун яратган. Вақф икки мулкий ер участкаларидан иборат бўлиб, унинг 1/10 қисми Самарқанд вилоятининг Анҳор туманидаги Жўжаайдол қишлоғида жойлашган. Биринчи ер бўлагининг чегараси: ғарбдан Панжшамба, сўнгра Сариг-Олға номи билан юргузиладиган бўшлоқ — ташландиқ ерлар ва зовурлар; шимолдан Чархиндан Сариг-Олғага олиб чиқатурғон эски йўл Сайқумлиқ қишлоғи, Сарик ўғли Бекқулли ва Раҳим ўғли Тошмуҳаммад Акаси уйларига олиб келинган ариқдир: Жанубда эса Панжшамба мавзеининг ерлари ва ҳаммага маълум бўлган йўлдан иборат.

مذکور و بعضی بحریم جوی عام که از بهلوی خانهای بیک کیسلی ولد بپردی و ناش محمد چهره افاسی ولد مکریمی میکزرد جنوبا پیوسته است بعضی بزمین ملک پنجشنبه مذکور و بعضی براه عام فواصل فی الكل معلومه است بجمع الحقوق والمرافق والشرب مع المجاری قطعه ثانیه از روی جگ قدیم محدود است بحدود اربعه معینه غربا پیوسته است بحدود مذکور شمالا و شرقا بحریم جوی آسیای قدیم جنوبا بعضا پیوسته است بحوبلی ناش محمد چهره افاسی مذکور و بعضی بشاخ جوی معین فواصل در کل علامات معلومه است و نیز هکی و غامی یقطعه بزمین حق و ملک دهبسکی خود مرا که واقع است در موضع مذکور حدود آن نیز از روی صک قدیم غربا پیوسته است بحریم جوی عام که بموضع بوسلاق میروند و بعضی بزمین موضع بوسلاق مذکور که در ابدی ورثه محمد رحیم است شمالا پیوسته است بحریم جوی عام و بعضی فصل معین شرقا پیوسته است براه عام گله بعضی درخین میروند و بعضی بزمین مقوروق موضع سریف

Ушбу баён этилган ер майдонлари, йўллари, ариқлари, кўприклари ва аскоҳ-даскоҳлари билан Вақфга ўтади.

Иккинчи ер майдонининг чегаралари бир қадимий ҳужжатда қуйидагича белгиланган: Шимолий чегараси бу ҳужжатда белгиланган (Вақф тузувчи Баҳодур Ялангўш томонидан Самарқанд шаҳаридаги Шердор мадрасаси учун қолдирган Вақфни, эҳтимол кўзда тутди — Т.С.), Шарқий ва Шимолий чегарасидан аввалги тегирмонга боратурғон ариқдан ўтади; Жанубда эса биринчи ер майдонида исми кўрсатилган Раҳим ўғли Тошмуҳаммад Акасининг уйи ва қисман юқоридаги ариқ билан туташ.

Хуллас, охириги ер майдонининг чегараси қуйидагича: Юқорида баён этилган қадимий ҳужжатдаги Бўслоқ ариғи ва Бўслоқда жойлашган Муҳаммад Раҳим авлодларига мансуб

اولئك مذکور جنوبا پیوسته است
بزمین ملک پانچشنبه که در ابدی
ورثه بالته بیک دیوان بیک است
وبعضی بزمین بوسلاق مذکور فی
الککل معلومه است بجمیع الحقوق و
المرافق والشرب مع العجاری آن
ونیز همگی وتمامی یکباب آسیای
حق وملك مر خالص خودم که دایر
است در جویبار سیه آب کلان پل
میرزا مشتمل است بر آلات حجریه
وحدیدیه وخشبیه وناق است در
موضع پل میرزا از تومان شاووار
از بلده دار السلطنة مذکور محدود
است بحرود اربعه معینه غربا
پیوسته است بجوی مخرج بعضی
بعرصه ملک متروکه مولانا میر ابو
الخیرخواجه اعلم که در ابدی ورثه
معلومین ایشان است شمالا پیوسته
است بعرصه مذکوره شرقا بعرصه بلا
مالک جنوبا پیوسته است بدیوار
جری معین فواصل فی الکل معلومه
است بجمیع الحقوق والمرافق والشرب
مع العجاری آن شرط نمود وادف

бўлмиш ер майдонлари Жанубий чегарада; шимолда эса баландликлар ёнидаги Жарликка боратурғон ариқ бир қисми эса Сариг-Олга ташландиқ ерларига ёндашади; Жанубда эса Панжшамба мавзеидаги Болта Девонбеги меросхўрларига тегишли ерлар билан ва қисман Бўслоқ ерлари билан чегарадошдир.

Ҳаммага маълум бўлсинки бу ерлар ва ундаги ариқлар, кўприклар ва масканлар Вақфга ўтади.

Ундан ташқари Вақф таркибига, Сиёб дарёчаси устидаги “Мирзо” кўприги яқинидаги тегирмон ҳамма жиҳозлари, сув тарновлари, палахса темурлари билан вақфга ўтади. “Мирзо” кўприкнинг чегараси қуйидагича: Сиёб дарёчаси бўйлаб жойлашган Мулла Мир Абулхайр авлодларига мансуб ташландиқ ерлар; Шимолдан ҳам шу ерлар; Шарқда эгасиз ерлар; Жанубда эса — Жўра деворидан иборат.

مرکبور بربرعهله که منولى ابن ووف ما دام حيا نه خود باشد وبعد وفات وى منولى ابن ووف اصالح و انى از اولاد دکور وى شم و شم هکذا انى ما شنا الله تعالى تعين مصارف برينوجه که مقرر نمود که منولى از محصولات وهرساله موقوفات من الصدر اولاد عشر کبرد وبعد از ادخ بقيه محصولات هرساله آنرا دو نغسيم برابر کرده يك قسم آنرا بر اولاد دکور من واقف صرفى نمايد ووزد

عدم طيفه اولى بر طيفه ثانى صرفى نميد وبعدين موت هر کدام از طيفه اولى حصه اورا چون ميراث با اولاد او بدهن هکذا ابن اما تناسلو بطنا بعد بطن فرنا بعد قرن و طيفه اولاد موقوف عليهم آنکه عمارتيکه در پل مفاک بنا کرده ام همه وقت آنرا معبور دارند و بخرابى نکذارند و قسم ديگر از محصولات هرساله را منولى اولاد وى اولاد بعمارت مهمه مسجد مذکور صرفى نمايد وبعدين از استغنا وانچه زياده من آيد آنرا پنج سهم برابر نغسيم کنند دو سهم از آنرا بر امام مسجد مذکور که در صلوة مسجد مسجد مذکور امانت کرده

Юқорида баён этилган иншоотлар, йўллар қуйидаги асосда Вақфга айлантирилади: Вақф берувчи умрининг охирига қадар бу Вақфнинг эгасидир, у оламдан ўтгач унинг энг катта ўғли эгалик қилади. Ҳар йили жамғарилатурғон даромадлардан $1/10$ қисмини мутавали (Вақф бошқарувчиси — Т.С.) олади. Қолган қисми эса иккига бўлинади. Унинг бир бўлагини Вақф берувчининг эркак авлодлари олади, шу ҳисобдан Муғоқ кўприги доимо таъмирланади ва унинг бузулишига йўл қўйилмайди. Даромаднинг қолган қисми ҳисобидан мутавалли мачитни таъмирлайди, қолган боқимондаси эса 5 та баравар қисмларга бўлинади: икки қисми, яъни $2/5$ қисмини мачит имоми олади. Бунинг эвазига имом кунда 5 вақт намоз ўқийди, ўзи бўлмаган тақдирда ўз ўрнига бошқа кишини тайинлайди; $1/5$ қисми Муаззинга берилади. Муаззин 5 сафар мусулмонларни намозга чорлайди. Агар у бўлмаса, ёки касал бўлса унинг ҳақини муаззинлик қилган киши олади.

بِعذر شرعى ترك تنموه وعند العذر
از جانب خود نایب نصب می نموده
باشد وی کیرد ویکسهم از پنج سهم را
مودن کیرد که بمسجد مذکور آن
پنج وقت نماز را اذان بروفق سنت
میگفته باشد و باشد مودن مذکور
مرد ظاهر الصلاح که دیون و بیرون
مسجد را از خاشاک و کرد و برف و
باران میبروفته بعذر شرعى ترك
ناکرده اذان واقامت را گفته عند
العذر نایب از جانب خود تعیین کرده
باشد وی کیرد ویکسهم دیگر از پنج
سهم را متولی مذکور صرف پلاس و
جای نماز مسجد مذکور نماید و نزد
استغنائی مسجد مذکور از پلاس و
بوریا و جای نماز آنرا صرف شمع و
روغن مسجد مذکور نماید و آنچه زیاده
از صرف روغن چراغ مانند درین
مسجد هر مسافریکه نزول کند صرف
اطعام آن نماید ویکسهم باقی مانده
از پنج سهم مذکور را مقصوره خوانی
که مجاز از مهره قن قراءت باشد و هر
پگاه جمعه دوشنبه بقدر یک جزو از
قرآن کریم خوانده ثواب آنرا بزوجه
واقف مذکور بعد وفاته و بروح مادر
واقف که در مقابر پیشته جناب نور

Даромаднинг тўртинчи қисмини мутавалли мачит учун бўйра, палос, шамчироғ, супурги ва бошқа керакли дастгоҳлар учун ва қолган боқимандасини, бева-бесир ва мусофирларни боқиш учун харжлайди. Даромаднинг қолган охирги қисмини вақф берган кишининг ва унинг марҳум онасининг арвоҳига дуо ўқиб туратурғон кишига берилади. Унинг қабри юқорида зикр этилган Шоҳизиндада Қусам Ибн Аббос мақбарасидаги қабристонда жойлашган. Аллоҳ таоло барчамизни рушду ҳидоятга бошласин.

Вақф берувчининг истаги адолатли эканлиги ва шариат қоидаларига ҳилоф эмаслигига қаноат ҳосил этгач, қозийлик бурчимизни адо этиб бу ерлар ва молу-мулкларни Вақфга айлантирганимизни тасдиқлаб, ўз муҳримизни босдик.

Вақфноманинг асл нусхасида қуйидаги муҳрлар қўйилган:

1) Қозий Калон Мир Абусаид хўжа бинни Мир Абулхайхўжа, Шайх ал-Ислом.

2) Мир Носир хўжа Муфтий бинни Абулносир хўжа ал-Мусавий.

الأمام حضرت شواراه فصح بن
العباس رضی اللہ عنہما آسودہ است
من غشبدہ باشد وی کبرد وبعد ازین
ایقان واعتراف واقف مذکور می
خواست کہ بعلت عدم لزوم ازین
وقف رجوع نماید لهذا قاضی القضاة
خانم فی الذیل کہ عالم بمعمل خلاق
واختلاف بودند حکم بلزوم این وقف
در ضمن مرافعه شرعیہ نموده مجددا
حکم کردند کہ این حکم حکم برکافہ
ناس باشد فمن بدله بعد ما سمعه
فانما اثمہ علی الذین یدلونہ وكان
هذا وقفا صحیحاً مسجلاً جامعاً بجميع
شرايط بمحضرمز العدول وللتفات و
المسلمین

قاضی القضاة قاضی میر ابو سعید
خواجہ بن میر عبد الحمی خواجہ شیخ
الاسلام

میر ناصر خواجہ مفتی بن ابو النصر
خواجہ الموسوی

- 3) Мўминхон, Шайх-ал-Ислоҳ.
- 4) Қозий Эшонхўжа бинни Қозий Калон Мир Абдулхай хўжа.
- 5) Мир Абу Тоҳирхўжа Раис бинни Мир Абуссаидхўжа Қозий Калон.
- 6) Мулла Муҳаммад замон Муфтий бинни Охунд Мулло Муҳаммад Ризо.
- 7) Мулло хўжа Комил Аълам.
- 8) Нурмуҳаммад Муфтий бинни Муҳаммад Ғафур.
- 9) Шаҳаншоҳ Олий ҳазратларининг муруевати ва Фармонига кўра Авазхўжа Муфтий Тўра томонидан тасдиқланди.

مومن خان شيخ الاسلام

قاضى ايشانخواجه بن قاضى القضاة
مير عبدالحى خواجه

مير ابو طاهر خواجه رئيس بن مير
ابو سعيد خواجه قاضى كلان

ملا محمد زمان مفتى بن آخوند ملا
محمد رضا

ملا خوج. كامل اعلم
نور محمد مفتى بن محمد فاخر

زلف شهنشاه والاكهر
بفتوى عوض خواجه شد كام ور

↑

1. А.

УКИТОВЧИ»